


З.ҚОДИРОВ
А.МУФТАХОВ
Ш.НОРОВ

КИМЁВИЙ ТЕҢГЛАМАЛАР ТУЗИШ

"УЗБЕКИСТОН"



9.1.43
640
В. К. Қодиров, А. Г. Муфтахов, Ш. Қ. Норов

53

КИМЁВИЙ ТЕНГЛАМАЛАР ТУЗИШ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус
табълим вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари
учун ўқув қўлланма сифатида
тавсия этган



ТОШҚЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»

Тақризчилар: кимё фанлари доктори, профессор Э. Х. Тимбеков,
кимё фанлари доктори, профессор О. М. Ёрлиев.

Муҳаррир: Р. Тоирова

Ушбу қўлланма, асосан, технология, техника мутахассисларни
бўйича кимё фанидан таълим оладиган талабалар
учун мўлжалланган бўлиб, унинг биринчи бўлимида кимёвий
тушунчалар, кимёвий қонунлар ва кимёвий реакцияларнинг
турлари тўғрисида сўз юритилган. Иккинчи бўлимда эритмалар,
уларда электролитларнинг диссоциланиш ҳодисаси ва физик-кимёвий
ҳолатлари, диссоциланишда рўй берадиган кимёвий ўзгаришлар, сув ва тузларнинг гидролизланиши ҳақида
маълумотлар берилган.

Учинчи бўлимда оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари,
уларнинг рўй бериш ҳолатлари, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига муҳитнинг таъсири, электролиз жараёнлари қайд
этилган.

Қўлланманинг асосий қисми ҳисобланган тўртинчи бўлимда кимёвий тенгламаларни тузиш ва уларни тенглаштириш
услублари кўп мисолләр асосида тушунтирилган.

Мазкур қўлланма олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган бўлиб, ундан ўрта маҳсус ўқув юртлари, академик лицейлар,
хунар-т хуника коллежлари талабалари, ўрта мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

ISBN 5—640—02127—6

К 1703000000—93
М351(04)—96 98

© «Ўзбекистон» нашриёти, 1998 й.

МУҚАДДИМА

Моддаларнинг тузилиши тұғрисидаги ҳозирги замон шағариялари кимёвий жараёнларни янада чуқурроқ үрганиш, уларнинг содир бўлиш-бўлмасликларини таҳлил қилмоқ, кимёвий шароитлар ва уларнинг тафсилотлари, кимёвий омилларни ўзгартириш туфайли янги моддаларнинг пайдо бўлиши ёки ҳосил бўлмаслиги сабабларини билмоқ учун кимёвий моддаларнинг хосабларини янада чуқурроқ үрганишини тақозо этади. Кимёвий тенгламалар тузиш ва шу тенгламалар асосида ҳар хил ҳисобларни олиб бора билиш уқувини талаб этади.

Бу ўқув қўлланманинг асосий мақсади талабаларнинг назарий билимларини янада мустаҳкамлаш, кимёвий жараёнлар устида фикрлаш ва янги моддаларни келтириб чиқаришга ундаш, кимёвий жараёнларни тўғри тушуниб, тенгламаларнинг коэффициентларини осон танлашга ёрдам беришdir. Қўлланмада ишсан ишон алмашини ва оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тушунтирилади, чунки талабалар бундай тенгламаларни тенглаштиришда қийналадилар.

Қўлланмада кўпроқ типик кимёвий ҳолатлар келтирилган. Ҳар бир бўлим қисқа назарий маълумотдан бошланади ва кимёвий тенгламаларни тенглаштириш нутгари бир неча мисоллар асосида тушунтирилади.

Қўлланмада талабаларнинг мустақил ишлаши, кимёвий тенгламалар тузиши, кимёвий ҳолатларнинг содир бўлиш бўлмаслик шарт-шароитлари ҳам тушунтириб берилган. Шунингдек, қўлланмада ҳар бир бўлим учун алоҳида мисол ва масалалар берилган бўлиб,

баъзи масалаларнинг жавоблари китобнинг охирида келтирилган.

Муаллифлар ушбу китобнинг баъзи камчиликларини бартараф этишда ўз маслаҳатларини берган ва камчиликларни кўрсатган Бухоро тиббиёт билимгоҳи профессори Н. Р. Раҳматов, шу билимгоҳнинг доценти М. Р. Амонов ва Бухоро технология илмгоҳи доценти У. М. Мардоновларга ўз миннатдорчиликларини билдирадилар.

Ушбу қўлланма баъзи камчиликлардан холи эмас, албатта. Муаллифлар китобхонларнинг қўлланма ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини самимият билан қабул қиласидилар.

ҚИРИШ

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Теварак-атрофимиздаги барча моддалар материаллар инг бир қисми ёки күринишидир, фақат улар бир ҳолатдан бошқа ҳолатга айланиб турадилар. М. В. Ломоносов айтганидек, борлиқ ҳеч вақт йүқ бўлмайди, йўқдан ҳеч вақт борлиқ пайдо бўлмайди.

Барча моддалар заррачалар, молекулалар, атомлар ва ионлардан ташкил топган. Ҳар қандай модда таркибиға киравчи атомлар элементар заррачалардан иборат.


Барча моддалар икки группага бўлинади: оддий ва мураккаб моддалар.

Оддий моддалар бир хил элемент атомларидан тузиленган. Масалан, оддий модда кўмир — углерод элементининг атомларидан, оддий модда темир — темир элементининг атомларидан, оддий модда олтин — олтин элементининг атомларидан иборатdir.

Мураккаб моддалар, бошқача айтганда, кимёвий бирикмалар, турли элементларининг атомларидан ҳосил бўлган моддаларdir.

Масалан, мис (II) оксид мис ва кислород элементларининг атомларидан, сув водород ва кислород элементларининг атомларидан ҳосил бўлган.

Кўпчилик кимёвий элементлар эркин ҳолда тузилиши ва хоссалари жиҳатидан ўзаро фарқ қиласиган бир неча оддий моддалар ҳосил қиласидилар. Бу ҳодиса аллотропия, моддалар эса аллотропик шакл ўзгаришлар ёки модификациялар дейилади. Масалан, кислород элементи иккита аллотропик модификация — кислород ва озон, углерод элементи эса 4 та модификация —



1-расм. Олмос (а) ва графит (б) кристалл панжараларида углерод атомларининг жойлашиши.

олмос, графит, карбин ва лонсдейлитларни ҳосил қилади (1-расм).

Аллотропия ҳодисасининг келиб чиқиши икки хил ҳолат билан боғланган: 1) молекулада атомлар сонининг ҳар хил бўлиши (масалан, кислород O_2 ва озон O_3); 2) турли хил кристалл структура ҳосил бўлиши (масалан, олмос, графит).

Ҳар бир модда таркиби, тузилиши ва маълум физик-кимёвий хоссалари билан тавсифланади. Моддаларнинг физик хоссаларига уларнинг агрегат ҳолатлари (қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатга эга эканлиги), ранги, суюқланиш, қайнаш ва музлаш температуранлари, электр ўтказувчанлиги, магнитга тортилувчанлиги (парамагнит) каби хоссалари киради.

Модданинг актив ёки актив эмаслиги кимёвий реакцияларга кира олиш қобилияти билан белгиланади. Масалан, нодир металлар ҳисобланган: Au, Pt ва Pd каби металлар, шунингдек, He, Ne, Ar, Xe ва Kr каби нодир газлар ўзларининг реакцияга қатнашиш қобилиятларининг пастлиги билан бошқа элементлардан фарқ қиласидар. Аммо, ишқорий металл (Li, Na, K, Rb, Cs, Fr) лар, шунингдек, галоген (F_2 , Cl_2 , Br_2 , I_2) лар ўзларининг активлиги билан бошқа элементлардан ажралиб туради.

Моддаларнинг таркиби ва тузилиши уларнинг физик ва кимёвий ҳолатларини белгилайди. Молекула, атом, ион ва радикалларнинг ҳар хил физик ва кимёвий ҳолатлардаги ўзгаришларини билиш кимёвий реакцияларнинг бориш механизмини ўрганишни талаб этади.

Кимёвий реакциялар натижасида бир моддадан бошқа, янги моддалар келиб чиқади. Реакцияга кири-

шувчи моддалар ва янги ҳосил бўлувчи моддалар ўзларининг таркиби, тузилиши, ранги, ҳиди ва бошқа коссалари билан бир-биридан фарқ қиласидар. Кимёвий реакциялар туфайли реакцияга кирувчи моддаларнинг кимёвий боғлари узилади ва янги ҳосил бўлувчи моддаларда бошқа хил кимёвий боғлар ҳосил бўлади.

Молекулалардаги кимёвий боғларнинг узилиши, молекулаларнинг атомларга ажралиши ва янги боғларнинг ҳосил бўлиши жараённада энергетик ўзгаришлар нујудга келади. Маълумки, моддалар таркибий қисмларга ажралаётганда қанча энергия ажралиб чиқаётган бўлса, айни шу модданинг ҳосил бўлишида ҳам ўшанча энергия талаб қилинади. Шунинг учун ҳам реакция пайтида маълум миқдорда иссиқлик ёки ёруғлик энергияси ажралаётгани ёки ютилаётгани сезилади.

Ажралиб чиқсан ёки ютилган иссиқлик миқдорига жараённинг иссиқлик эффиқти дейилади. Иссиқлик эффиқти баъзан реакциянинг кимёвий тенгламасига қўшиб ёзилади.

Ҳар қандай модданинг муайян энталпияси (иссиқлик сақлами) бўлади. Энталпия (H ҳарфи билан белгиланади) модданинг ҳосил бўлиш вақтида йиқсан қувватининг ўлчовидир.

Реакциянинг иссиқлик эффиқти ΔH° реакциянинг охирги маҳсулотлари энталпиялари билан реакцияга киришадиган бошланғич моддаларнинг энталпиялари орасидаги айрмага тенг, яъни:

$$\Delta H = H_{\substack{\text{охирги} \\ \text{маҳсулот}}} - H_{\substack{\text{бошланғич} \\ \text{моддалар}}}$$

бу ерда юнон ҳарфи Δ (дельта) — «фарқ» деган маънни билдиради.


Турли хил кимёвий ҳолатларнинг иссиқлик эффиқтини ўрганувчи бўлим термоқимёй дейилади.

Реакциянинг иссиқлик эффиқти келтирилган кимёвий тенгламалар термо-кимёвий тенгламалар дейилади.

Бундай тенгламаларда кимёвий формуалалар ҳосил бўлган бир моль моддага мувофиқ келади (коэффициентлар каср сонлар бўлиши ҳам мумкин).

Кимёвий реакциялар энергия ажралиб чиқиши ёки ютилишига қараб, экзотермик ва эндотермик реакцияларга бўлинади.

Экзотермик реакциялар — иссиқлик ажралиб чиқиши билан борадиган реакциялардир. Масалан, водород ва хлордан водород хлориднинг ҳосил бўлиш реакцияси:



Эндотермик реакциялар — атроф муҳитдан иссиқлик ютилиши билан борадиган реакциялардир. Масалан, азот ва кислороддан юқори температурада азот (II) оксиднинг ҳосил бўлиш реакцияси:



Реакциянинг иссиқлик эфекти температура ва босимга боғлиқ бўлганлиги учун уни шартли равишда $P = 101,325 \text{ кПа}$ босим ва $t = 25^\circ\text{C}$ температурага нисбатан олиш қабул қилинган. Тенгламалар тузишда реакцияда иштирок этайтган моддаларнинг ҳолати: қаттиқ (қ), суюқ (с), газсимон (г), кристалл (кр), аморф (а) ва бошқалар эътиборга олинади. Иссиқлик эфектини ΔH орқали белгилаш, килоЖоулларда (кЖ) ифодалаш ва модданинг I моль ига нисбатан олиш қабул қилинган. Иссиқлик эфектларининг ишоралари эндотермик ҳолатларда мусбат (+) ва экзотермик реакцияларда манфий (—) ҳисобланади.

Термокимёвий тенгламаларни ёзишда, кўпинча, реакциянинг иссиқлик эфекти тенгламанинг ўнг қисмida тескари ишора билан кўрсатилади, яъни ажралиб чиқадиган иссиқлик тенгламанинг ўнг қисмida мусбат ишора билан ёзилади. Масалан, ушбу



термокимёвий тенгламани қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:



Термокимёвий $C_{(к)} + H_2O_{(r)} = CO_{(r)} + H_2_{(r)}$, $\Delta H = +131,4 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$ тенгламани эса



$C_{(к)} + H_2O_{(r)} + 131,4 \text{ кЖ} = CO_{(r)} + H_2_{(r)}$ тарзда ёзиш мумкин.

Кимёвий реакциялар кимёвий тенгламалар билан ифодаланади.

Кимёвий тенгламалар моддалар массасининг сақ-

ларниң қонунини акс эттиради. М. В. Ломоносов томондаи таклиф этилган бу қонун реакцияга кириштәйтган моддалар массалари йиғиндиси реакция натижасида ҳосил бүлган моддалар массалари йиғиндишига тенглигини ифодалайди.

Хозирги замон фани М. В. Ломоносовнинг фикрларини тасдиқлайди. Масса ва энергия орасидаги боғланиш А. Эйнштейн тенгламаси билан ифодаланади:

$$E = m \cdot c^2.$$

Бунда: E — энергия; m — масса; c — ёруғлик тезлиги ($c = 3 \cdot 10^8 \text{ м} \cdot \text{с}^{-1}$)

Кимёвий тенгламалар кимёвий формула ҳамда кимёвий бёлгилар билан ифодаланади.

Кимёвий белгилар қуйидагиларни: 1) элементнинг номини; 2) унинг бир атомини; 3) элементнинг атом массасини күрсатади.

Кимёвий формулалар: 1) модданинг номини; 2) унинг битта молекуласини; 3) модда қандай элементлардан иборат эканлигини; 4) молекулада ҳар бир элементдан нечтадан атом қатнашаётганини; 5) модда таркибиға киравчи элементлар қандай оғирлик нисбатда эканлигини; 6) модданинг молекуляр массасини күрсатади. Мисол: H_2SO_4 формула сульфат кислота эканлигипи, унда водород, кислород ва олtingугурт атомлари борлигини, сульфат кислотада 2 та H атоми, тўртта O атоми ва битта олtingугурт атоми борлигини, шунингдек, унинг нисбий молекуляр массаси 98 га тенглигини күрсатади. Ҳар бир тенглама ўзаро тенглик аломати билан бирлашган икки қисмдан иборат. Чап қисмига реакцияга киришаётган моддаларнинг формулалари, ўнг қисмига эса реакция натижасида ҳосил бўладиган моддаларнинг формулалари ёзилади. Ҳар қайси элемент атомларининг сони тенгламанинг ўнг ва чап қисмларида бир хил бўлиши керак. Кимёвий реакцияларнинг тенгламаларини тузишда ана шу мулоҳазага ясасланади. Мисол тариқасида мис (II) оксиднинг хлорид кислота билан ўзаро таъсири реакция тенгламасини тузамиз. Бунинг учун, аввало, шу реакциянинг схемаси тузилади (реакцияга киришган ва реакция натижасида ҳосил бўлган моддаларнинг формулалари ёзилади):



Стрелка реакциянинг йўналишини кўрсатади:

Мис, кислород, водород ва хлор атомларининг сони тенгламанинг чап ва ўнг томонларида тенг бўлиши учун HCl олдига коэффициент —2 қўйилади:



Бу тенглама моддалар массасининг сақланиш қонунини қаноатлантиради, демак тўғри ёзилган.

Атомлар, молекулалар, ионлар ва радикаллар

Кимёвий реакцияларда атомлар, молекулалар, ионлар ва радикаллар қатнашиши мумкин.

Атом — элементнинг энг кичик заррачаси бўлиб, у элементнинг барча кимёвий хоссаларини ўзида мужассамлаштиради.

Молекула — модданинг йирикроқ заррачаси бўлиб, модданинг барча кимёвий хоссаларига эга, у эркин ҳолатда учраши мумкин.

Молекулалар бир, икки, уч ёки кўп атомли бўлишлари мумкин, масалан, нодир газлар (He , Ne , Ar , Kr , Xe , Rn) молекулалари бир атомдан, оддий моддалардан газ ҳолдаги H_2 , N_2 , O_2 , F_2 , Cl_2 , Br_2 молекулалари икки атомдан, озон — O_3 учта атомдан, фосфор (буғ ҳолда) молекуласи тўртта атомдан ташкил топган.


Ионлар — зарядланган заррачалар бўлиб, атомларнинг ёки молекулаларнинг электрон бириктириб олиши ёки электронларини йўқотиши натижасида ҳосил бўладилар. Ионлар атомларнинг нечтадан электрон йўқотиши ёки бириктириб олишига қараб бир, икки, уч ёки кўп зарядли бўладилар.

Ионлар кимёвий актив заррача бўлганликлари учун улар атомлар, молекулалар билан ёки ўз-ўзлари билан ҳам кимёвий реакцияга киришишлари мумкин, ионларнинг зарядлари элемент символининг ўнг томонида (юқорида) кўрсатилади. Масалан K^+ , Ca^{2+} , Al^{3+} , Cl^- , SO_4^{2-} , PO_4^{3-} .


Эркин радикаллар заррачаларида тўйинмаган валентликлар бўлади, масалан, CH_3 , CH_3CH_2 , $\text{C}_6\text{H}_5\text{O}^\cdot$, $(\text{C}_6\text{H}_5)_2\text{N}^\cdot$.

Эркин радикаллар нейтрал молекулалардан айрим атомларни ажратиб олиш пайтида ёки айрим атомлар группасини ажратиб олишда ҳосил бўладилар, шунингдек

дек, нейтрал молекулаларга ультрабинафша нурларни таъсир эттириш натижасида ҳам ҳосил қилинади:



Тетраметилқўрошин қиздирилганда қўрошинга ва тўртта метил радикалига ажралади:



Спектрофотометрия ёки массспектрометрия усули билан моддалар таркибида эркин радикаллар: CN^\cdot , NH_2^\cdot , RH_2^\cdot , $\text{C}_6\text{H}_5^\cdot$ каби радикаллар борлиги аниқланади.

1.1. СТЕХИОМЕТРИЯ


Стехиометрия — кимёning муҳим тушунчаси бўлиб унда реакцияга киришаётган моддалар орасидаги оғирлик ва ҳажмий нисбатлар кўриб чиқиласди.

Стехиометрик миқдорлар деган сўз модданинг реакция тенгламасига ёки формуласига мувофиқ келадиган миқдорини билдиради. Стехиометрик ҳисоблашлар — кимёвий формула ва тенгламалар бўйича ҳисоблашлар, шунингдек, моддаларнинг формуласини ва реакциялар тенгламасини келтириб чиқариш, ҳисоблар ўтказишни кўзда тутади.

Стехиометрия — стехиометрик қонунларга таянади. М. В. Ломоносов томонидан назарий ва тажриба йўли билан исботланиб, таклиф этилган «моддалар массасининг сақланиш қонуни», «таркибининг доимиийлик қонуни», «эквивалентлар қонуни», «каррали нисбатлар қонуни», «ҳажмий нисбатлар қонуни», «Авагадро қонуни» каби қонунлар стехиометрик қонунлар жумласидир.

Кимёвий тенгламалар тузиш учун Д. И Менделеев даврий системасидаги элементларнинг характерли хоссаларини, моддаларнинг ҳар хил синфларини ва уларнинг ҳосил бўлиш ёки бўлмаслик шарт-шароитларини билмасдан туриб, ҳеч бир тенгламани тузишнинг иложи йўқ. Кимёвий тенгламалар тузишда қонунсиз ўзбошимчалик билан ҳар хил пала-партиш тенгламалар тузиш саводсизлик натижаси бўлиб, у нотўғри хуносалар чиқарилга, чалкашлика олиб келади.

Кимёвий тенгламалар тузишни бошлашдан олдин реакция натижасида қандай моддалар ҳосил бўлишини аввалдан тахмин қилиш ва ана шу тахмин ёки холоса асосида қандай моддалар ҳосил бўлишини аниқ билиб, сўнгра кимёвий реакцияларнинг натижаларини ёзмоқ керак. Масалан, кислоталар билан ишқорлар реакцияга киришганда сув ва туз ҳосил бўлади:



Кучли кислотани кучсиз кислота тузларига таъсир эттирганда кучсиз кислота ва кучли кислота тузи ҳосил бўлиш тенгламаси:



ёзилганда стехиометрия қоидалари га риоя қилиш зарур. Ёки металларнинг электрокимёвий активлик қаторида водороддан чапроқда турган металлар суюлтирилган хлорид ёки сульфат кислоталар билан реакцияга киришганда газ ҳолдаги водородни кислота таркибидан сиқиб чиқаришини олдиндан тасаввур қилмоқ зарур ва унинг асосида қўйидаги тенгламаларни тузиш мумкин:



Кимёвий тенгламаларни тўғри тузмоқ учун тегишли тема бўйича чуқур назарий билимга эга бўлмоқ керак. Агар талаба ўтилган материал бўйича чуқур билимга эга бўлса, реакцияга киришаётган молекулалар, атомлар ёки ионлардан қандай янги моддалар ҳосил бўлишини дарҳол кўз олдига келтиради-да, кимёвий реакция тенгламасини тузади, чунки ана шу тузилган кимёвий реакция тенгламаси асосида ҳар хил ҳисоб қилинади. Бундай ҳисоблар саноатда ҳам, лаборатория ёки фанда ҳам ягона стехиометрик қонунлар асосида олиб борилади.

1.2. КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАРНИНГ ТУРЛари

Кимёвий реакцияларни атом — молекуляр таълимот асосида кўриб чиқамиз.

Барча моддалар турли ўзгаришларга дучор бўлиши мумкин. Масалан, магний ёнгандага магнезия (магний оксид) га, сув қиздирилганда буғга айланади.

Моддаларнинг таркиби ва хоссалари жиҳатидан фарқ қиласиган бошқа моддаларга айланишига кимёвий ҳодисалар дейилади. Улар жуда кенг тарқалган бўлиб, биз бу ҳодисаларни ҳар қадамда учратамиз. Масалан, темирнинг занглаши, ёғочнинг чириши ёки ёниши каби ҳодисалар шулар жумласидандир.

Кимвий ҳодисалар кимёвий ўзгаришлар ёки кимёвий реакциялар деб юритилади. Бундай реакцияларни, кўпинча, кимёвий ўзаро таъсирлашув дейилади.

Атом — молекуляр таълимот нуқтаи назаридан кимёвий реакцияларда реакцияга киришувчи модда молекулалари атомларидан янги модда молекулалари ҳосил бўлади, бунда ҳар қайси элемент атомларининг умумий сони ўзгармайди. Кимёвий реакциялар турли хусусиятларига кўра бирикиш, ажралиш, ўрин олиш ва алмашиниш реакцияларига бўлинади.


1. Бирикиш реакциялари — бу икки ёки бир неча моддалар молекулаларидан битта янги модданинг молекуласини ҳосил қиласиган реакциялардир. Масалан, водород ва кислороддан сувнинг ҳосил бўлиши:



ёки олtingугурт (VI) оксид билан сувдан сульфат кислотанинг ҳосил бўлиши:



2. Ажралиш реакциялари — булар битта модда молекулаларидан бир нечта янги модда молекулалари ҳосил бўладиган реакциялардир. Масалан, симоб (II) оксиднинг ажралиши:



Кальций карбонатнинг ажралиши натижасида оҳак ва карбонат ангидриднинг ҳосил бўлиши:



ёки малахитнинг парчаланиши:



3. Ўрин олиш реакциялари — булар оддий модда атомларининг мураккаб модда молекулаларидаги атомлар ўрнини олиш реакцияларидир. Масалан, мис сульфат таркибидаги мис атомининг ўрнини темир атоми олиши:



ёки йоднинг хлор таъсирида сиқиб чиқарилиши:




4. Алмашиниш реакциялари — булар иккита модда молекулалари ўзларининг таркибий қисмларини бирбирига алмаштириб, иккита янги модда молекулаларини ҳосил қиласидиган реакциялардир. Масалан, кислота эритмасининг ишқор билан ўзаро таъсири:



ёки барий хлориднинг натрий сульфат билан ўзаро реакцияга киришиши натижасида оқ чўкма — барий сульфатнинг ҳосил бўлиши:



5. Ион алмашиниш реакциялари — бунда иккита ёки учта модда молекулалари таркибидаги айрим қарамакарши зарядли ионлар бир-бiri билан ўрин алмасиши натижасида ҳар хил янги моддалар келиб чиқади:




сариқ чўкма



оқ чўкма

Агар бу тенгламани ионли кўринишда ёзадиган бўлсак ва бунда ўхшашиб ионлар ёзилмаса, унда фақат реакцияда қатнашадиган ионлар қолади:



Реакцияга қўрғошин иони билан йод ионлари қатнашганлиги кўриниб қолади:



сариқ чўкма

Аналитик кимёда учрайдиган кимёвий реакция турларига қуйидаги реакциялар киради:

1. Кислота — асосли реакциялар натижасида сув, газлар ва кучсиз электролитларнинг ҳосил бўлиши.

2. Тузларнинг гидролизга учраш реакциялари.


3. Амфотер бирикмаларнинг протон — донорли ва протон — акцепторли бирикмалари (амфотер гидрок-

сидлар ҳам кислотада, ҳам ишқорда эрийдиган бирикмалардир).

4. Чўқтириш реакцияси ва ҳар хил рангли чўқмаларнинг ҳосил бўлиши. Масалан, CaC_2O_4 — оқ, CuS — қора, CdS — сариқ, HgI_2 — қизил, FeS — қора, AgCl — оқ, PbI_2 — олтинсимон рангли чўқмалар.

5. Чўқмаларнинг кислота, ишқор ва аммиакда эриш реакциясида газлар, кучсиз электролитлар ва комплекс ионларнинг ҳосил бўлиши.

6. Комплекс бирикмаларнинг ҳосил бўлиш реакцияси:



7. Электрохимёвий реакциялар-электролитларнинг суюқланмаси ёки эритмаси орқали доимий ток ўтганда электродларда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш жараёни.

8. Катализатор иштирокида борадиган реакциялар.

9. Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.

10. Комплекс бирикмаларда борадиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.

Органик бирикмаларда ҳам анорганик бирикмаларда бўладиган бирикиш, ажралиш, ўрин олиш каби реакциялар мавжуд бўлади.

Органик бирикмалар — асосан углерод бирикмаларидир. Углерод атоми бошқа элемент атомлари билан, асосан, ковалент боғланиш ҳосил қилиб бирикади. Углерод атоми асосий — тинч ҳолатда бўлганда иккита жуфтлашмаган тоқ электронга эга бўлади, яъни у 2 валентли бўлади. Углерод атоми реакцияга киришаётганда, яъни атом қўзғалган ҳолатга ўтганда тўрт валентли бўлади (асосий ҳолат $1s^2 2s^2 2p^2$ дан қўзғалган $1s^2 2s^1 2p^3$ ҳолатга ўтади).

Углерод жуда кўп кимёвий бирикмалар ҳосил қилганилиги сабабли, органик бирикмалар сони 4 млн дан ошиб кетган. Органик бирикмаларнинг бундай кўпайиб кетишига сабаб, углерод атомларининг ўзаро бир-бири билан ва, шунингдек, бошқа элементлар: H, O, N, S, P, As, Si, галогенлар ва бошқалар билан кимёвий боғланиш ва тўғри чизиқли ёки тармоқланган занжирли бирикмалар ҳосил қилишидир.

Органик бирикмалар анорганик бирикмалардан қўйидаги хоссалари билан фарқ қиласидилар:

1. Органик бирикмаларнинг молекулалари асосан

ковалент боғланишли бўлиб, улар электр ўтказувчаникка унчалик лаёқатли эмас, шунинг учун ҳам уларнинг кўпчилиги электролит бўлмаган моддалар жумласига кирадилар.

2. Кимёвий реакциялар органик бирикмалар орасида секин борса, анорганик бирикмаларда, аксинча, тез боради.

3. Кимёвий реакциялар натижасида 85—90% янги моддаларнинг ҳосил бўлиши яхши натижка деб ҳисобланади.


4. Органик бирикмалар 400—600°C да парчаланадилар ёки қовушадилар. Кўпчилик органик бирикмалар кислород иштирокида ёниб кетади. Аммо анорганик бирикмалар юқори температураларда суюқланади.

5. Органик бирикмаларнинг молекулалари кўп сонли атомлардан тузилган.



6. Органик бирикмаларда изомерланиш ҳодисаси мавжуд, яъни таркиби, молекуляр массаси бир ҳил бўлиб, физик-кимёвий хоссалари ҳар хил бўлган моддалар жуда кўп.

1.3. ОРГАНИК БИРИКМАЛАРДА РҮЙ БЕРАДИГАН РЕАКЦИЯЛАР

Бирикиш реакцияси. Бундай жараёнларда қўшбоғ узилиши ҳисобига бирикиш жараёни содир бўлади, масалан, этиленнинг бромни бириктириб олиш реакция тенгламаси:




ёки катализатор иштирокида органик бирикмаларнинг гидрогенлаш реакцияси натижасида водороднинг бирикиши мисол бўла олади:




Якка молекулалар (мономерлар) нинг ўзаро бир-бири билан ковалент боғланиш орқали бирикиб, юқори молекулали бирикмаларнинг ҳосил бўлиш реакциясига

полимерланиш реакцияси дейилади. Полимерланиш реакцияси, асосан, қўш боғ (=) ёки уч боғ (≡) орқали боғланган бирикмаларнинг ўзаро бирикиши натижасида ҳосил бўлади.




Ажралиш реакцияси

Ажралиш реакцияларига дегидрогенланиш реакцияси, яъни катализатор ёрдамида кимёвий бирикмаларнинг молекулаларидан водородни ажратиш реакциялари кирди. Масалан:



Органик бирикмалар таркибидан сув молекуласини ажратиб чиқариш жараёнига дегидратланиш реакцияси дейилади. Масалан, этил спиртидан концентрантланган сульфат кислота ёрдамида сувни ажратиб олиш:




Ўрин олиш реакцияси

Бирор органик бирикма молекуласидаги бир элемент атомининг ўрнини бошқаси эгаллашига ўрин олиш реакцияси дейилади. Масалан, 300°C да катализатор иштирокида метан таркибидаги водород атомининг ўрнини хлор атоми олиши мумкин:

- 1) $\text{CH}_4 + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{CH}_3\text{Cl} + \text{HCl}$
метилхлорид
- 2) $\text{CH}_3\text{Cl} + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{CH}_2\text{Cl}_2 + \text{HCl}$
дихлорметан
- 3) $\text{CH}_2\text{Cl}_2 + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{CHCl}_3 + \text{HCl}$
хлороформ
- 4) $\text{CHCl}_3 + \text{Cl}_2 \rightarrow \text{CCl}_4 + \text{HCl}$
тетрахлорметан

Органик кимёда, асосан, учта реакция тури мавжуд:

1. Молекуляр реакция, яъни молекулаларро борадиган реакция.



2. Занжирилі ёки радикаллы реакция.

Бұу реакция әркін радикал ёки атом ҳосил бўлиш реакциясидир.

3. Ионли, яъни ионлар иштирокида борадиган реакция.

Кимёвий жараёнларда муҳим ўринни эгаллайдиган реакцияларнинг турларини кўриб чиқамиз. Реакцияга кирувчи элементлар атомларининг оксидланиш даражасининг ўзгариши ёки ўзгармаслиги билан борадиган реакциялар катта аҳамиятга эга. Улар қаторига:

1) реакцияга киришувчи элементлар атомларининг оксидланиш даражаси ўзгармасдан борадиган кимёвий реакциялар.


а) Ион алмашиниш реакцияси:



б) Баъзи бирикиш ёки ажралиш реакцияларида элементларнинг оксидланиш даражаси ўзгармайди:



2) Реакцияга киришувчи элементларнинг оксидланиш даражаси ўзгариши билан борадиган реакциялар:




реакциялар гомоген ва гетероген ҳолатда боришлири мумкин.

Реакцияга киришувчи ва янги ҳосил бўлувчи моддалар бир хил фазада бўлса, уларни гомоген реакциялар дейилади. Масалан, эритмада борувчи реакциялар:




газлар орасида борадиган реакциялар:




Реакцияга киришувчи моддаларнинг бир фазада, янги ҳосил бўлувчи моддаларнинг бошқа фазада бўлиш ҳолатига гетероген реакциялар дейилади:






1.4. ОДДИЙ ВА МУРАККАБ РЕАКЦИЯЛАР

Стехиометрик тенглама асосида бир босқичда борадиган реакцияларга оддий реакциялар дейилади. Масалан, азоэтаннинг азот ва этанга парчаланиш реакцияси:



ёки водород ва йод орасидаги реакция $\text{H}_2 + \text{I}_2 = 2 \text{HI}$ шулар жумласидан.

Жуда кўп реакциялар мураккаб реакциялардир. Жуда кўп кимёвий реакциялар кўп босқичли бўлиб, оралиқ моддалар ҳосил бўлади ва натижада охирги маҳсулотлар пайдо бўлади. Бундай ҳолатларнинг схемаси: реакцияга киришувчи моддалар \rightarrow оралиқ моддалар \rightarrow охирги маҳсулотлар.



оралиқ модда




Мураккаб реакциялар — параллель ёки кетма-кет борувчи реакцияларга бўлинади.

Параллель — реакцияларда реакцияга киришувчи моддалар бир вақтда икки хил йўналишда кимёвий реакцияга киришишлари мумкин. Масалан,




Бензол билан хлор гази ўртасида ҳам шундай параллель реакциялар бориши мумкин:




Бундай реакциянинг бориши реакция борадиган шароитга боғлиқдир. Параллель реакциялар кимёда жуда кенг тарқалгандир.

Кетма-кет содир бўладиган реакцияларда реакцияга киришувчи моддалар бир неча босқичларни ўтиши натижасида охирги маҳсулотларни келтириб чиқаради:



Масалан, диэтилоксалатнинг совунланиш реакцияси бир неча босқичда содир бўлиб, охирида натрий оксалат ҳосил бўлади:




1.5. КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАРНИНГ ТЕЗЛИГИ

Кимёвий реакцияларнинг тезлиги ҳақидаги тушунча муҳим тушунчалардан бири бўлиб, моддаларнинг ўзгаришлари ва уларни саноат миқёсида олишнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги тасавурлар билан чамбарчас боғлиқдир.


Кимёвий реакцияларнинг тезлиги ҳақидаги таълиматга кимёвий кинетика дейилади.

Кимёвий реакциянинг тезлиги деганда реакцияга киришаётган моддалардан бирининг концентрациясининг вақт бирлиги ичida ўзгариши тушунилади.


Кимёвий реакциялар ҳар хил тезликда борадилар. Баъзи реакциялар жуда секинлик билан миллион йиллар мобайнида борса, баъзилари секунд давомида охирiga етади. Масалан, тоғу тошларнинг емирилиши секин борса:



динамитнинг портлаши секунд ичida тугайди:



Цементнинг қотиши, металлар коррозияси, резина-нинг оксидланиши ҳам секин борувчи реакцияларга киради.



2- расм. Реакция тезлигининг концентрацияга (а), температурага (б) боғлиқлиги.

Энг тез борувчи ва энг секин борувчи реакциялар орасидаги фарқ 10^{43} мартага етиши мумкин.

Кимёвий реакцияларнинг тезлиги ва бориши механизми кимёвий кинетика ўрганади. Одатда концентрация моль бирликда, вақт эса секунд ёки минутларда ифодаланади. Масалан, реакцияга киришаётган моддалардан бирининг бошланғич концентрацияси 1 моль· L^{-1} бўлиб, реакция бошланганидан 4 секунд ўтганидан кейин у 0,6 моль· L^{-1} бўлиб қолса, реакциянинг ўртача тезлиги $v = \frac{1 - 0,6}{4} = 0,1$ моль· $\text{L}^{-1} \cdot \text{s}^{-1}$ га тенг бўлади. Қуйидаги тенглама бўйича борадиган реакциянинг тезлигини кўриб чиқамиз:



А модда сарфланган сари реакциянинг тезлиги 2 (а)-расм тезлиги фақат муайян вақт оралиғи учун аниқланиши бирор t_1 вақтда C_1 катталик, t_2 вақт эса C_2 га тенг бўлса, у ҳолда $\Delta t = t_2 - t_1$ вақт оралиғида модда концентрациясининг ўзгариши $\Delta C = C_2 - C_1$ бўлади, бундан реакциянинг ўртача тезлиги \bar{V} қуйидагига тенг:

$$\bar{V} = \frac{C_2 - C_1}{t_2 - t_1} = -\frac{\Delta C}{\Delta t}.$$

Бу ерда А модда концентрациясининг камайишига, яъни $C_2 - C_1$ айрманинг қиймати манфий бўлишига

қарамай, реакциянинг тезлиги фақат мусбат катталик бўлиши мумкин, шу сабабли минус ишора қўйилади. Реакциянинг тезлиги доимо ўзгариб турганлиги учун кимёвий кинетикада, одатда, фақат реакциянинг ҳақиқий тезлиги кўриб чиқилади; ҳақиқий тезлик деганда вақтнинг айни моментидаги тезлиги тушунилади.

Кимёвий реакцияларнинг тезлиги реакцияга киришаётган моддаларнинг табиатига, реакцияларнинг бориши шарт-шароитларига, реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрациясига температурага, босимга ва катализаторларга боғлиқдир.

1.5. КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯ ТЕЗЛИГИГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР

Моддаларнинг физик ва кимёвий хоссалари, шунингдек реакцияга мойиллиги, уларнинг таркибига ва тузилишига боғлиқдир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, қутбли молекулалар иштирокида борадиган реакциялар, қутбсиз молекулалар иштирокида борадиган реакцияларга қараганда тезроқ содир бўлади.

Кимёвий реакцияларнинг тезлиги реакцияга киришувчи моддаларнинг табиатига боғлиқлигини азот (II) оксиди ва углерод (II) оксидларининг ҳаво кислороди билан оксидланиш реакцияси мисолида кўриб чиқамиз. Уй температурасида NO қайтарувчилик хоссасига эга бўлиб, кислород билан дарҳол реакцияга киришади ва қўнғир тусли, заҳарли газ — азот (IV) оксиди NO_2 га айланади: $2\text{NO} + \text{O}_2 = 2\text{NO}_2$. Аммо шу шароитда заҳарли газ ҳисобланган ис гази CO ҳаво кислороди билан реакцияга киришмайди. NO ва CO молекулалари ҳар хил тузилишга ва ҳар хил реакцияга кириш хусусиятларига эгадир.

1.6.1 а) Концентрациянинг таъсири

Тенглама $\text{A} + \text{B} = \text{C}$ да A ва B моддалар ўзаро кимёвий реакцияга киришиши учун уларнинг молекулалари бир-бири билан тўқнашиши керак. Тўқнашувлар қанчалик кўп бўлса, реакция шунчалик тез боради. Реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрациялари қанчалик юқори бўлса, тўқнашувлар сони ҳам шунчалик кўп бўлади. Шу мулоҳазалар ва кўп тажрибалар асосида кимёнинг асосий қонуни таърифланган. Кимёвий

реакция тезлигининг реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрациясига боғлиқлиги ҳақидаги қонунни Италия олимлари Гульдберг ва Баагелар (1864—1867) қўйидагича таърифлайди:

Кимёвий реакциянинг тезлиги реакцияга киришаётган моддалар концентрацияларининг кўпайтмасига тўғри пропорционалдир.

Юқорида келтирилган реакция учун бу қонун қўйидаги tenglama билан ифодаланади:

$$V = k [A] \cdot [B]$$

бунда $[A]$ ва $[B]$ — А ва В моддаларнинг моляр концентрациялари, k эса пропорционаллик коэффициенти бўлиб, реакциянинг тезлик доимилиги дейилади. Агар А ва В ларни 1 га teng деб қабул қилинса, у ҳолда k нинг физик маъносини аниқлаш қийин эмас — реакцияга киришаётган моддалардан ҳар бирининг концентрацияси 1 мольга teng бўлганда бу константа реакция тезлигига teng бўлади, яъни $k=v$;

Реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрацияси ўзгарганда реакция тезлигининг ўзгаришини шу tenglama ёрдамида ҳисоблаб топиш мумкин. Реакция



учун кинетик tenglama қўйидаги кўринишда бўлади:

$$V = k [A]^m [B]^n$$

бунда m ва n реакцияга киришаётган моддаларнинг стехиометрик коэффициентлариидир. Кинетик tenglамада реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрациялари стехиометрия коэффициентларининг даражасига кўтариб ёзилади.

б) Температуранинг таъсири

Реакция тезлигининг температурага боғлиқлиги Вант — Гофф қоидаси билан аниқланади, бу қоидага кўра температура ҳар 10°C га кўтарилиганда кўпчилик реакцияларнинг тезлиги 2—4 марта ортади. Математик жиҳатдан бу боғлиқлик қўйидаги нисбат билан ифодаланади:

$$V_{t_2} = V_{t_1} \cdot \gamma \frac{t_2 - t_1}{10};$$

бунда V_{t_1} ва V_{t_2} — реакциянинг тегишлича охирги t_2 ва бошлангич t_1 температуралардаги тезликлари, γ — реакция тезлигининг температура коэффициенти, у реакцияга киришадан моддаларнинг температураси 10°C га күтарилиганда реакциянинг тезлиги неча марта ортишини кўрсатади.

1.6.2. Реакцияларнинг тартиблилиги ва молекулярлиги


Кимёвий реакциялар молекулярлиги ва тартиблилиги бўйича синфларга бўлинадилар.

Айни пайтда реакцияга қатнашаётган молекулалар сонини унинг молекулярлиги дейилади. Реакциялар мономолекуляр, бимолекуляр ва тримолекуляр бўлиши мумкин.

Мономолекуляр реакцияларда реакцияга фақат битта молекула қатнашади. Масалан, газ ҳолидаги йод молекуласининг парчаланиши




ёки азоэтаннинг парчаланиши



мономолекуляр реакциялар турига киради.

Бимолекуляр реакцияларда иккита молекула, иккита ион ёки радикаллар қатнашади:



Тримолекуляр реакцияларда эса бир вақтнинг ўзида реакцияда учта молекула қатнашади. Масалан:



Аммо тўрт молекула қатнашадиган реакциялар маълум эмас.

Кимёвий реакция тезлиги реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрациялари тартиблилигига ҳам боғлиқдир.

Одатда реакциялар биринчи, иккинчи ва учинчи тартибли бўлиши кузатилади. Агар реакция бир босқичда содир бўлса, бундай жараёнлар содда кимёвий жараён деб юритилади. Ҳар қандай содда реакциянинг умумий тартиби реакцияга киришувчи моддаларнинг стехиометрик коэффициентлари йиғиндисига teng, бошқача айтганда, молекулалар сонига teng бўлади ва бу

қийматни реакциянинг молекулярлиги деб ҳам юритилади.


Биринчи тартибли реакцияларга буғ ҳолатдаги йоднинг термик парчаланиши мисол бўлаолади:



Иккинчи тартибли реакцияларга метилбромид билан калий гидроксид ўртасидаги реакция мисол бўлаолади:



$$V = k [CH_3Br] \cdot [KOH]$$



$$V = k \cdot [H_2] \cdot [I_2];$$

Учинчи тартибли реакцияларга нитрозил хлориднинг ҳосил бўлиш реакциясини мисол қилиб олиш мумкин. Учинчи тартибли реакциялар жуда кам учрайди. Бундай реакцияларнинг кинетик тенгламаси $V = k C_1 C_2 C_3$ ёки $V = k C^3$ бўлганда $C_1 = C_2 = C_3$. Масалан:



нитрозил
хлорид

Бу реакция NO бўйича иккинчи, Cl_2 бўйича биринчи тартибли, жами бўлиб учинчи тартибли реакциядир.

Юқорида айтилган реакция тартиби ва стехиометрик коэффициент орасидаги муносабат жуда секин борадиган реакциялар учун, яъни система кимёвий мувозанат ҳолатига яқинлашган ҳолат учунгина тўғри бўлади. Жараён мувозанат ҳолатдан узоқда бўлганда, реакция бир неча содда реакциялар орқали содир бўлади. Бундай реакциялар учун реакция тартиби стехиометрик коэффициентлар йиғиндисига teng бўлмай қолади.

Масалан, водород пероксиднинг парчаланиши:



тартиби 2 га teng бўлган реакция деб қаралиши керак эди, лекин реакциянинг бориш шароити ўзгаришига қараб унинг тартиби бирга ёки каср сонга teng бўлиши мумкин. Бу ҳолат H_2O_2 нинг парчаланиши турли оралиқ босқичлар орқали амалга ошиши мумкин эканлигидан дарак беради.

Күпчилик реакциялар учун амалга ошадиган босқычлар ноаниқ бўлади, шу сабабли ҳар бир модда бўйича реакция тартибини олдиндан айтиб бериш имконияти бўлмайди, уларни фақат тажрибадагина маҳсус услуглар асосида аниқлаш мумкин.

1.6.3. Активланиш энергияси

Кимёвий реакцияга айни реакцияни амалга ошириш учун етарли энергияси бўлган актив молекулаларгина киришади. Ноактив молекулаларга зарурий қўшимча энергия бериб, уларни актив молекулаларга айлантириш мумкин, бу жараённи активланиш дейилади. Молекулани активлаш усулларидан бири — температурани оширишдир: температура кўтарилиганда актив молекулалар сони геометрик прогрессия бўйича кўпаяди, реакция тезлиги ҳам ортади.

Реакцияга киришувчи моддалар молекулаларини актив молекулаларга айлантириш учун берилиши лозим бўлган энергия активланиш энергияси дейилади. Унинг катталиги тажриба йўли билан аниқланади, E_a ҳарфи билан белгиланади ва одатда $\text{kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$ да ифодаланади. Масалан, водород юдиднинг ҳосил бўлиш активлик энергияси тажриба йўли билан аниқланганда



метаннинг парчаланишида эса



1.6.4. Катализаторларнинг таъсири

Кимёвий реакцияларнинг тезлигини ўзгартирувчи моддалар катализаторлар дейилади. Катализаторларнинг ўзи реакциянинг охирги маҳсулотлари таркибига кирмайди. Катализаторлар реакция тезлигини турлича ўзгартиради, баъзилари жуда тезлаштиради, уларни ижобий катализ дейилади. Масалан, водород юдиднинг парчаланиш активлик энергияси платина катализатори иштирокида $184 \text{ kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$ дан $69 \text{ kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$ га тушади.


Баъзи бир катализаторлар эса реакцияни сусайтиради. Бундай катализаторлар салбий катализаторлардир. Масалан, водород пероксиднинг парчаланиш реакциясига $0,0001\%$ миқдорида H_2SO_4 нинг қўшилиши ре-

акция тезлигини анча пасайтириб құяды. Еундағы катализаторларга күпинча ингибиторлар деб аталағы.


Маълумки, жуда күп моддалар қуруқ ҳолда бир-бири билан реакцияға киришмайдылар, аммо улар эритма ҳолда жуда яхши реакцияға киришадылар. Демек, эритувчилар ҳам катализатор вазифасини бажарадар экан. Масалан, эритмаларда ион алмашиниш реакциялари секундлар давомида тугайды.

Илмий текширишлардан маълумки, сувсиз ҳолда хлор, бром ва йод металларни оксидлай олмайдылар, шунингдек, водород фторид шишани емираолмайды.


Шуни алоқида таъқидлаб ўтиш керакки, катализаторлар танлаб таъсир этади, шунинг учун турли катализаторлар ишлатыб, битта модданинг үзидан турли хил маҳсулотлар олиш мүмкін. Масалан, алюминий оксид Al_2O_3 катализаторлығыда 300°C да этил спирттан сув билан этилен ҳосил бўлади:



Худди шу температурада, лекин майдаланган мисиштирокида этил спиртдан водород билан сирка альдегид ҳосил бўлади:




Катализаторлар иштирокида борадиган реакцияларга катализ дейилади. Катализ гомоген (бир жинсли) ва гетероген (күп жинсли) бўлиши мүмкін. Реакцияға киришувчи моддалар билан катализаторнинг бир хил фазада газ ёки суюқ ҳолда бўлишига гомоген катализ дейилади. Масалан, сульфат кислота олишда олтингугурт (IV) оксиднинг азот (IV) оксиidi ёрдамида оксидланиш реакцияси (газ фазада) мисол бўлади:



Бу ерда NO_2 — катализатордир.

Реакцияға киришувчи моддалар бир фазада, катализаторларнинг бошқа хил фазада бўлишига гетероген катализ дейилади. Одатда катализатор қаттиқ модда, реакцияға киришувчи моддалар эса газлар ёки суюқликлар бўлади. Гетероген катализга аммиакнинг NH_3 (газ фаза) Pt иштирокида (қаттиқ фаза) оксидланиши


ёки водород переоксид H_2O_2 (суюқ фаза) нинг MnO_2 (қаттиқ фаза) иштирокида парчаланиши мисол бўлаолади:




Катализаторларнинг таъсир этиш механизми турлича бўлиши мумкин, лекин энг кўп тарқалгани — реакцияга киришувчи моддаларнинг биттаси билан оралиқ бирикмалар ҳосил бўлишидир. Масалан, агар секин борадиган $A + B = AB$ реакция катализатор K иштирокида олиб борилса, у ҳолда катализатор бошланғич моддаларнинг бири билан реакцияга киришиб бекарор оралиқ бирикма ҳосил қиласди:




Реакция тез кетади, чунки бу жараённинг активланиш энергияси кичикдир. Сўнгра оралиқ бирикма AK бошланғич моддаларнинг иккинчиси билан ўзаро таъсирлашади, бунда катализатор эркин ҳолда ажралиб чиқади:




Масалан, SO_2 нинг катализатор NO ёрдамида оксидланиб, SO_3 га айланиши:



Бу реакция секин боради. Катализатор қўшилгандан кейин оралиқ бирикма ҳосил бўлади:



ва сўнгра



2. ЭЛЕКТРОЛИТ ЭРИТМАЛАРИДА ИОН АЛМАШИНИШ РЕАКЦИЯЛАРИ

2.1. ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ЭРИТМАЛАРИДАГИ РЕАКЦИЯЛАР

Суюқланмалари ёки эритмалари электр токини ўтказадиган (тузлар, кислоталар ва асослар) моддаларга электролитлар деб аталади.

Эритмалари электр токини ўтказмайдиган моддаларга электролит эмас моддалар дейилади, масалан, шакар, спирт, глюкоза ва кўпгина органик бирикмалар. Электролитларнинг эритмалари ёки суюқланмаларида электр токини зарядланган зарачалар (ионлар) ташийдилар. Металларда эса электр токини эркин электронлар ташийдилар.


Электролитлар — иккинчи тур ўтказгичлардир. Улар эритмада ионларга ажралади. Эритмада ионлар қанчалик кўп бўлса, у электр токини шунча яхши ўтказади. Сувнинг ўзи электр токини жуда ёмон ўтказади.

Электролитларнинг сувда эриганда ионларга ажралишига электролитик диссоциланиш дейилади.

Электролитларнинг табиатини тушунтириш учун швед олим С. Аррениус 1887 йилда электролитик диссоциланиш назариясини таклиф этди. Бу назариянинг асосий моҳияти қуидаги қоидалардан иборат:

1. Электролитлар сувда эриганда мусбат ва манфий ионларга ажралади (диссоциланади).

2. Ионлар электр токи таъсирида ҳаракатланади: мусбат зарядланган ионлар — катодга, манфий зарядланган ионлар эса анодга томон ҳаракатланади. Шунинг учун ҳам мусбат зарядланган ионлар — катионлар, манфий зарядланганлари эса — анионлар дейилади.






3-расм. Тузнинг эриш жараёнида қутбли молекулаларнинг ионларга диссоциланишга олиб келиши, ионларнинг гидратланиши.









3. Диссоциланиш жараёни қайтардир, яъни унда шундай мувозанат ҳолати қарор топадики, унда қанча молекула ионларга ажралса (диссоциланса) ионлардан яна шунча молекула ҳосил бўлади, яъни ассоциланиди.

4. Бир асосли кислоталар, бир негизли асослар ва ўрта тузлар тўғридан-тўғри ионларга диссоциланадилар:

Масалан:



5. Кўп асосли кислоталар, кўп негизли асослар, нордан тузлар босқичма-босқич ионларга диссоциланадилар:




Аммо Аррениус назарияси эритмаларда бўладиган ҳодисаларнинг жуда мураккаб эканлигини ҳисобга олмади. Бу назария аслида кимёвий юзаки назария бўлиб, ионларни тамомила эркин, эритувчининг молекулаларидан мустақил бўлган заррачалар деб қаради.

Д. И. Менделеевнинг эритмалар ҳақидаги кимёвий назарияси, ёки гидратлар назарияси Аррениус назариясига қарши эди. Д. И. Менделеев назарияси эриган модда эритувчи билан ўзаро таъсирлашади (эриган модда заррачалари билан бирикади) деган тушунчага асосланади. Иккала назария ўртасидаги зиддиятни И. А. Каблуков бартараф этди. 1891 йил И. А. Каблуков ионлар гидратланади, яъни улар сув молекулалари билан беқарор бирикмалар ҳосил қиласди, деган энг муҳим назарияни биринчи бўлиб майдонга ташлади. Ҳозирги вақтда рад этиб бўлмайдиган бу назария, кейинчалик Аррениус ва Менделеев назарияларини бирлаштиришга сабаб бўлди. Эритмалар кимёсининг кейинги бутун тараққиёти электролитик диссоциланиш назарияси гидратлар назариясига зид бўлмасдан, балки Менделеев яратган тушунчаларга асосланмаса ривожланмаслигини кўрсатди. Эриган модда эритувчи билан ўзаро таъсирлашади, натижада гидратлар ҳосил бўлади, сўнгра улар ионларга диссоциланади, бу ионлар сув молекулалари билан боғланган, яъни гидратланган бўлади ёки эритмада фақат гидратланган ионлар бўлади, деб тахмин қиласди. И. А. Каблуков ўз назариясида гидратланиш кўпинча ионларнинг қайтадан бирикиб молекула ҳосил қилишини қийинлаштиради деб тушуниради.

Гидратланган ионларда сув молекуласининг миқдори ўзгарувчан бўлиши мумкин. Водород иони H^+ ўзгармас таркибли гидрат ҳосил қиласди, у сувнинг битта молекуласини тутиб туради. Бу гидратланган протондир $H^+(H_2O)$. Адабиётларда у H_3O^+ ёки OH_3^+ тарзida ёзилади ва гидроксоний иони деб юритилади. Масалан, катион Be^{2+} тетрагидрат $Be(H_2O)^{2+}_4$, ион Al^{3+} —гексагидрат $Al(H_2O)^{3+}_6$ ҳосил қиласдилар. Агар ион боғланишга эга бўлган кристалл модда эритувчига туширилса, масалан, юқори диэлектриклик хоссасига эга бўлган сувга туширилса, сув кристалл билан кимёвий реакцияга киришиб, унинг кристалл панжарасини емиради ва сувда мусбат ва манфий зарядланган заррачалар пайдо бўлади ва бу ионлар бир қанча сув молекулаларини бириктириб оладилар.

Масалан, З-расмда күрсатылғандек қуидаги жараён со-
дир бўлади:




$x = n + m$ ионларни гидратлаган сув молекулаларининг миқдоридир. Кўпинча бундай тенгламаларни оддий ҳолда қуидагича ёзилади:



Қутбий ковалент боғланишга эга бўлган HCl сувга туширилгунга қадар ҳеч қандай ионга эга эмас. HCl сувга туширилгач, H—Cl ўртасидаги ковалент боғланниш аста-секин бўшашиб ионларга ажралади, чунки сувнинг диполь (қутбли) молекулалари HCl молекулаларини ҳар томонлама ўраб олиб, уларни бир-биридан айиради. Бунда умумий электрон оғирлик маркази хлор атоми томонига ўтиб кетади, ҳосил бўлган протон H⁺ сув молекуласи билан мусбат зарядланган гидроксоний ионига айланади:



бу тенгламани оддий ҳолда ёzsак



Сув юқори диэлектрик ўтказувчаникка эга бўлганилиги учун бир пайтда ҳам диссоциланади, ҳам моддаларни ионлаштиради.

Сувда бошқа кислоталар, масалан, нитрат кислота эритилганда ҳам шунга ўхшаш кимёвий реакция боради:



Ҳозиргacha биз фақат сувдаги эритмаларда бўладиган диссоциланишнингини кўриб чиқдик. Аммо, сувдан ташқари, чумоли кислота, вино спирти, ацетон каби бошқа эритувчилар ҳам бўлади; бундай эритувчиларда ҳам электролитлар гарчи камроқ даражада бўлсада, диссоциланади. Бундай эритувчилар ионлаштирувчи эритувчилар деб аталади. Буларнинг молекулалари ҳам сув молекулалари сингари, равшан ифодаланган қутблилиги билан ажралиб туради. Аксинча, қутбсиз ёки кам қутбли эритувчиларда, масалан, эфир, бензол, углерод сульфидда ионларга диссоциланиш кузатилимайди.

Турли эритувчиларнинг ионлаштирувчи хусусияти ҳақида уларнинг диэлектрик доимийликлариға қараб фикр юритиш мумкин.

Айни мұхитда икки заряд ўртасидаги ўзаро таъсир кучи ҳавосиз фазода бұладиган ўзаро таъсир кучидан неча марта кам эканлигини күрсатувчи катталик ўша мұхитнинг диэлектрик доимийлиги деб аталади. Эритувчининг диэлектрик доимийлиги билан эритувчи молекулаларининг қутбилигі ўртасида маълум боғланыш бор. Баъзи суюқликларнинг диэлектрик доимийлик қийматининг катта бўлишига сабаб шуки, бу суюқликларнинг молекулалари катта диполь моментга эга бўлади.

Қўйида энг мұхим эритувчиларнинг 18°C даги диэлектрик доимийликлари келтирилган.

1- жадвал

Баъзи эритувчиларнинг диэлектрик доимийликлари.

Моддалар (эритувчилар)	Диэлектрик доимийлик	Эритувчи моддалар	Диэлектрик доимийлик
Сув	81	Хлороформ	5,1
Чумоли кислота	58	Эфир	4,3
Этил спирт	27	Углерод сульфид	2,6
Ацетон	21	Бензол	2,3

Одатдаги эритувчилар орасида диэлектрик доимийлиги энг юқори бўлган сувдир, шу билан бирга у энг яхши ионлаштирувчи эритувчи ҳамдир. Сувнинг диэлектрик доимийлиги 81 га teng. Бу, зарядланган ионлар ўртасидаги ўзаро таъсир кучлари сувдаги эритмалирида кристаллар орасида бўладиган таъсир кучларига қараганда 81 марта кам демакдир. Электролитларни диссоциламайдиган эфир, бензол, углерод сульфид сингари эритувчиларнинг диэлектрик доимийлиги жуда киичик бўлади.

Эритмалари электр токини ўтказадиган моддаларга электролитлар дейилади. Масалан, NaCl , KC l, KNO_3 , HNO_3 , H_2SO_4 ва бошқалар. Эритмалари электр токини ўтказмайдиган моддаларга электролит әмаслар дейилади. Масалан, дистилланган сув, спирт, шакар эритмаси, бензол, эфир ва бошқалар.

Ҳар қандай диссоциланиш сингари, электролитик

диссоциланиш ҳам қайтар жараёндир. Шу сабабли электролитларнинг эритмаларида ионлар билан бир қаторда молекулалар ҳам бўлади. Шунинг учун электролитларнинг эритмалари диссоциланиш даражаси α билан характерланади, у ионларга ажралган молекулалар сони n нинг эриган молекулаларнинг умумий сони N га нисбатидан иборат:

$$\alpha = \frac{n}{N}.$$

Электролитнинг диссоциланиш даражаси тажрибада аниқланади ва бирлик улушлари ёки фоизларда ифодаланади. Агар $\alpha=0$ бўлса, диссоциланиш содир бўлмайди, агар $\alpha=1$ ёки 100% бўлса, электролит ионларга тўлиқ диссоциланади. Агар $\alpha=70\%$ бўлса, буйни электролитнинг 100 та молекуласидан 70 таси ионларга ажралган бўлади. Эритмалар қанча кўп суюлтирилса, электролитик диссоциланиш даражаси α нинг қиймати шунча ортади.

Куйидаги жадвалда электролит эритмаларнинг диссоциланиш даражаси қийматига қараб, электролитларнинг кучли, ўртача кучли ва кучсиз электролитларга бўлинишини акс эттирадиган жадвал келтирилган.

2- жадвал

0,1 N эритмаларнинг диссоциланиш даражаси α қиймати

Кучли электролитлар, $\alpha > 30\%$	$\alpha, \%$	Ўртача кучли электролитлар, $\alpha = 3-30\%$	$\alpha, \%$	Кучсиз электролитлар, $\alpha < 3\%$	$\alpha, \%$
1	2	3	4	5	6
HNO ₃	93	H ₃ PO ₄	27	NH ₄ OH	1,4
HCl	92	H ₂ SO ₄	20	CH ₃ COOH	1,36
H ₂ SO ₄	60	HF	8	H ₂ CO ₃	0,17
KOH	95	—	—	H ₂ S	0,07
NaOH	93	—	—	HCN	0,01
Ba(OH) ₂	77	—	—	H ₂ O	2·10 ⁻⁷
тузлар M ⁺ A ⁻	80-90	—	—	—	—
M ²⁺ A ²⁻	70-80	—	—	—	—
M ²⁺ A ²⁻	35-45	—	—	—	—

Кучли электролитлар сувда эриганда ионларга түлиқ диссоциланади. Бундай электролитларга қыйидагилар киради:

1) Деярли ҳамма тузлар:

2) Күпчилик минерал кислоталар, масалан, H_2SO_4 , HNO_3 , HCl , HBr , HI , $HMnO_4$, $HClO_4$;

3) Ишқорий ва ишқорий — ер металлар ҳосил қилган асослар: $NaOH$, KOH , $Ba(OH)_2$, $Ca(OH)_2$.

Үртача кучли электролитларга бир қанча анорганик ва органик кислоталар киради: H_2SO_3 , H_3PO_4 , $H_2C_2O_4$, $HCOOH$ ва бошқалар.

Кучсиз электролитларга сувдаги әритмалари жуда кам диссоциланадиган электролитлар киради: H_2CO_3 , H_2S , HNO_2 , HCN , $HClO$, H_2SO_3 , H_2SiO_3 , H_3BO_3 , шунингдек баъзи тузлар — CdI_2 , $HgCl_2$, $Fe(SCN)_3$ ва сув киради.

Кучсиз электролитлар учун диссоциланиш константаси қўлланилади. Масалан, кучсиз электролит сирка кислотасининг диссоциланиш учун диссоциланиш константаси қўйидаги қийматга эга бўлади:



Массалар сақланиш қонуни бўйича

$$K = \frac{[H^+] \cdot [CH_3COO^-]}{[CH_3COOH]};$$

Айни ҳолда мувозанат константаси K диссоциланиш константаси деб аталади. Бу константанинг қиймати электролитнинг ионларга диссоциланиш хусусиятини тавсифлайди. Дарҳақиқат, юқоридаги тенгламадан кўриниб турадики, K қанча катта бўлса, мувозанат вақтида ионлар концентрацияси шунча кўп бўлиши, яъни электролит шунча кўп диссоциланиши керак.




Диссоциланиш константаси билан диссоциланиш даражаси ўртасида бир катталикни бошқа катталик ёрдами билан ифодалашга имкон берадиган аниқ боғла ниш бор. Агар иккита ионга ажralадиган электролитнинг моляр концентрацияси C билан, унинг айни әритмадаги диссоциланиш даражаси α билан белгиланса, у вақтда, ионларда ҳар бирининг концентрацияси $C\alpha$, диссоциланмаган молекулалар концентрацияси эса $c(1-\alpha)$ бўлади. Бундай шароитда диссоциланиш константасининг тенгламаси қўйидаги шакни олади:

$$K = \frac{(C\alpha)^2}{c(1-\alpha)} \quad \text{ёки} \quad K = \frac{\alpha^2}{1-\alpha} \cdot c$$

Бу тенглама суюлтириши қонунини ифода қилади ва электролитнинг диссоциланиш константаси маълум бўлган тақдирда, ҳар хил концентрацияларда бўладиган диссоциланиш даражасини ҳисоблаб чиқишга имкон беради.

Баъзи электролитлар учун, диссоциланиш даражаси $\alpha \ll 1$ бўлганда, $1 - \alpha \approx 1$, бу ҳолда $K \cong \alpha^2 \cdot c$, бундан $\alpha \cong \sqrt{\frac{K}{c}}$; булардан кўриниб турибдики, электролит қанча суюлтирилса, диссоциланиш даражасининг қиймати шунча ортади.

Кўп асосли кислоталар ва кўп негизли асослар босқичма-босқич ионларга диссоциланиб, битта, иккита ёки кўп ҳолда H^+ ва OH^- ионлари эритмага ўтабошлиди. Бундай электролитлар учун диссоциланиш константаси қўйидаги қийматларга эга бўлади. Масалан, уч асосли ортофосфат кислотанинг диссоциланиши босқичма-босқич боради:



H_3PO_4 кўп негизли кислота бўлиб, биринчи босқичда кучли кислоталар каби тез диссоциланади, аммо иккинчи ва учинчи босқичларида эса диссоциланиш сусая боради, яъни $K_1 > K_2 > K_3$ бўлади.



H_3PO_4 эритмасида PO_4^{3-} HPO_4^{2-} ионларига нисбатан дигидрофосфат $H_2PO_4^-$ ионлари кўпроқ учрайди.

Кўп асосли кислоталарнинг босқичма-босқич ионланишига асосий сабаб, уларнинг кўпинча нордон тузлар ҳосил қилишидир:




Агар ишқор эритмаси етарли даражада бўлмаса, нордон


тузларнинг ҳосил бўлишига олиб келади ва бу тузлар босқичма-босқич ионларга диссоциланади:




Агар умумий ҳолда кўрсатсак,




Агар етарли даражада кислоталар бўлмаса, у ҳолда асосли тузлар ҳосил бўлиши мумкин:



Асосли тузлар ҳам босқичма-босқич ионларга диссоциланадилар:



Умумий ҳолда;




Худди шунингдек, кўп негизли гидроксидлар ҳам босқичма-босқич диссоциланадилар: Масалан:



$$K_1 = \frac{[\text{FeOH}^+] [\text{OH}^-]}{[\text{Fe(OH)}_2]},$$

иккинчи босқичда эса:



Агар умумий ҳолда ёзсак,



ёки

$$K = \frac{[\text{Fe}^{2+}] [\text{OH}^-]^2}{[\text{Fe(OH)}_2]}; \text{ бунда } K = K_1 \cdot K_2.$$

Ҳар бир босқич ўзига хос диссоциланиш константаси қийматига эгадир ва константа қийматлари бир босқичдан иккинчи босқичга ўтган сайин камая боради.


Шунинг учун кучсиз электролитлар учун диссоцилаши жараёни уларнинг кўпинча биринчи босқичига нисбатан олинади.

Қүйидаги жадвалда 25°C да баъзи кучсиз электролитларнинг ионланиш константа қийматлари берилган.

3- жадвал

Кучсиз электролитлар	K ₁	K ₂	K ₃
HNO ₂	7,1·10 ⁻⁴	—	—
CH ₃ COOH	1,76·10 ⁻⁵	—	—
H ₂ SO ₃	2·10 ⁻²	6,2·10 ⁻⁸	—
H ₂ S	6·10 ⁻⁸	1,0·10 ⁻¹³	—
H ₂ CO ₃	4,2·10 ⁻⁷	4,7·10 ⁻¹¹	—
H ₃ PO ₄	7,2·10 ⁻³	6,2·10 ⁻⁸	4,4·10 ⁻¹³
H ₂ O	1,8·10 ⁻¹⁶	—	—

Электролитлар бир-бирига аралаштирилганда уларнинг ионлари ўзаро кимёвий реакцияга киришади:



Бу реакцияларнинг ҳаммасида ҳам сувда эримайдиган оқ рангли кумуш хлорид чўкмаси ҳосил бўлади.

Электролитик диссоциланиш нуқтаи назари бўйича реакциялар электролитлар ўртасида эмас, балки уларнинг ионлари орасида боради. Шунинг учун ҳам юқорида келтирилган реакцияларда кумуш тузлари эритмаси таркибида кумуш Ag⁺ ионлари, хлоридлар таркибида эса хлор Cl⁻ ионлари бўлганлиги учун ҳам кумуш ва хлор ионлари ўзаро кимёвий реакцияга киришиб, оқ рангли AgCl чўкмасини ҳосил қилдилар. Демак, эритмада хлор ионлари — Cl⁻ бўлса, уни кумуш — Ag⁺ иони орқали, эритмада кумуш Ag⁺ ионларининг бор ёки йўқлигини эса хлор ионлари — Cl⁻ орқали топиш мумкин экан. Аммо хлор ионлари бошқа ионлар билан бирга бўлса ёки ионларга диссоциланмайдиган молекулалар таркибида бўлса, уни кумуш — Ag⁺ орқали топиб бўлмайди. Масалан, бертоле тузи KClO₃ таркибидаги хлорни кумуш ионлари ёрдамида топиб бўлмайди, чунки бертоле тузи хлор ионларини ҳосил қилмайди, яъни: KClO₃ ⇌ K⁺ + ClO₃⁻

Электролит эритмаларининг ионлари ўртасидаги реакциялар икки хил бўлиши мумкин: 1) ҳосил бўлаётган модда кучли электролит бўлиб, сувда яхши эриши ва ионларга тўлиқ диссоциланиши, 2) ҳосил бўлаётган моддалардан бирортаси чўкма, газ, ёки комплекс ион ҳолида бўлиши мумкин.


Буни қўйидағи мисолларда кўриб чиқамиз.

1. Кучли электролит ҳисобланган калий нитрат билан натрий хлорид эритмалари ўртасидаги реакция тенгламасини олайлик:




Тенгламадан кўриниб турибдики, эритмалар аралаштирилганда фақат K^+ , Na^+ , NO_3^- ва Cl^- ионлари ўзаро бирбири билан аралашиб, бошқа бирор ўзгариш рўй бермаганини кўриниб турибди. KNO_3 билан NaCl эритмалари аралаштирилганда чўкма, газ ёки ёмон эрувчи моддалар ҳосил бўлмайди.

2. Агар реакция пайтида чўкма, газ, комплекс ион ёки бирор ёмон эрувчи модда ҳосил бўлса, улар реакция муҳитидан ажралади. Масалан, MgCl_2 эритмасига NaOH эритмаси аралаштирилганда оқ чўкма ҳосил бўлиши реакция тенгламасидан кўриниб туради:




Бу жараёндаги кимёвий мувозанат Mg(OH)_2 чўкмаси ҳосил бўлиши томонига силжиган.


Агар реакция тенгламасини ион-молекуляр ҳолда ёзсанак:




Тенгламадан кўриниб турибди, реакцияга қатнашган асосий ионлар Mg^{2+} ва OH^- ионлариидир, аммо Na^+ ва Cl^- ионлари реакцияга қатнашмайдилар. Агар тенгламанинг ҳар иккала томонидаги ўхшаш ионларни қисқартирасак, у ҳолда:




Унда реакцияга қатнашган ионлар



Газ ажралиб чиқиши билан борадиган реакцияларга мисоллар:



Кам диссоциланувчи моддалар ҳосил бўлиши билан борувчи реакцияларга мисоллар:



Комплекс ионлар ҳосил бўлиши билан борадиган реакциялар:



Ион алмашиниш реакцияларида қийин эрувчи моддалар реакция бошланишида ёки реакция охирида учрайдилар:



Бундай реакцияларда кимёвий мувозанат кўпроқ кам эрувчи моддалар ҳосил бўлиш томонига қараб, яъни биринчи тенгламада CaCO_3 ҳосил бўлиш томонига қараб силжиган бўлса (чунки CaCO_3 сувда ёмон эрийди), иккинчи тенгламада BaSO_4 ҳосил бўлиш томонига силжиган, чунки CaSO_4 га нисбатан BaSO_4 сувда янада ёмон эрийди.

Электролит эритмаларида ана шундай бир модданинг ионлари билан иккинчи модда ионларининг ўзаро ўрин алманишига ион алмашинииш реакциялари дейилади.

Электролит эритмаларининг кимёвий хоссалари уларнинг ионлари зарядлари, радиуслари, электрон тузилишлари билан тавсифланади.



Кимёвий реакцияларнинг боришида асосан реакция муҳити асосий роль ўйнайди.

Ион алмашиниш реакцияларида реакция кўпроқ ионларнинг бирикиши натижасида эритмада ионлар концентрациясининг пасайиш томонига қараб боради.


* узун стрелка кимёвий мувозанатни қайси томонга силжишини кўрсатиб турибди.

Ион алмашиниш реакциялари асосан қўйидаги қоидаларга асосланади: электролит эритмаларида ион алмашиниш реакциялари чўкмалар ҳосил бўлиши, ёки ёмон эрувчи моддаларнинг ҳосил бўлиши, газларнинг ижралиб чиқиши ёки енгил учувчан моддаларнинг ажралиши билан борадиган реакциялар бўйича ёки кам диссоциланадиган, ёхуд комплекс ионлар ҳосил бўлиши билан борадиган реакциялар бўйича содир бўлади.


Электролит эритмаларининг кўп реакциялари бир вақтда ҳам чўкма, ҳам кам диссоциланувчи моддалар ҳосил бўлиши билан борадилар. Масалан,




Баъзи бир реакциялар ҳар хил чўкмаларнинг ҳосил бўлиши билан боради:



Тажрибада шундай ионли қайтмас реакциялар ҳам учрайдики, реакция пайтида беқарор ёки кам диссоциланувчи, әрувчанилиги жуда паст моддалар ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:



ёки




Бир пайтда ҳам ўнг, ҳам чапга борувчи реакцияларга қайтар реакциялар дейилади: қайтар реакцияларда қарама-қарши стрелкалар қўйилади. Чапдан ўнгга кетувчи реакцияларни тўғри ва ўнгдан чапга кетувчиларни эса тескари реакциялар дейилади.

Реакцияга қадар бўлган моддалар концентрацияси билан реакциядан кейин ҳосил бўлган моддалар концентрацияларининг тенглашишига ёки тўғри ва тескари реакциялар тезликларининг ўзаро тенглашишига кимёвий мувозанат дейилади.


Мисол тариқасида мис (II) гидроксиднинг кислоталарда эришини олайлик:



Содир бўлаётган жараённи электролитик диссоциалиши нуқтаи назаридан қараб чиқиш учун, аввало, мутлақо эримайдиган моддаларнинг бўлмаслигини ҳисобга олиш керак. Шу сабабли, «эримайдиган» модда чўкмаси устида турган ҳар қандай суюқлик шу модданинг тўйинган эритмасидан иборат бўлади. Оғир металларнинг гидроксидлари молекуляр панжаралар ҳосил қилиши ва бу гидроксидлар эриганда, уларнинг молекулалари эритмага ўтиши ва бир қадар ионларга диссоциланиси кузатилади. Бу ҳолда мис (II) гидроксиднинг тўйинган эритмасида ўзаро боғланган иккита мувозанат бўлади: булардан бири — чўкма билан эритмага ўтган $\text{Cu}(\text{OH})_2$ молекулалари орасидаги мувозанат ва иккинчisi эса ўша молекулалар билан улардан ҳосил бўлган ионлар орасидаги мувозанат:



Мис (II) гидроксидга кислота таъсир этганда гидроксид ионлари — кислотанинг водород ионлари билан боғланиб, сувнинг диссоциланмаган молекулаларини ҳосил қиласди. Гидроксид ионларининг камайиши натижасида, мувозанат (2) дарҳол бузилади ва $\text{Cu}(\text{OH})_2$ нинг янги молекулалари диссоциланади, бу эса, ўз навбатида, мувозанат (1) нинг бузилишига ва чўкманинг бир қисмини эритмага ўтишига сабаб бўлади. Диссоциалиши натижасида ҳосил бўлган гидроксид ионлари яна водород ионлари билан бирикади ва ҳоказо. Бу жараён кислота етарли миқдорда бўлса, чўкманинг ҳаммаси эритмага ўтгунча давом этаверади. Рўй берадиган ҳамма ҳодисаларни қўйидаги схема тарзида кўрсатиш мумкин:



Эритмаларда содир бўладиган жараёнлар чўкма ҳолидаги модда, унинг эритмага ўтган молекулалари ва шундай молекулаларнинг диссоциланиши натижасида ҳосил бўлган. Ионлар орасидаги умумий мувозанат ҳолати билан чамбар-час боғланган. Бу мувозанат ҳолатига температура, босим ва заррачалар (молекула ёки ионлар) концентрациясининг ўзгариши таъсир кўрсатади, бу таъсири 1884 йилда Ле-Шателье принцип шаклида ифодалади:


Мувозанат ҳолатидаги системага ташқи куч (концентрация, босим, температура) таъсир этса система шу кучни енгизи томонига олиб келадиган жараёнлар пайдо бўлади.

Юқорида келтирилган мисолда эритмага кислота қўшилганда $\text{Cu}(\text{OH})_2$ дан ҳосил бўлган OH^- ионлари протон билан бирикади ва мувозанат H^+ ионларини камайтирадиган — сув ҳосил бўладиган реакция томон силжийди, натижада $\text{Cu}(\text{OH})_2$ нинг чўкмадан эритмага ўтиш жараёни кучаяди. Агар эритмага OH^- ионларига бой бўлган ишқор эритмаси қўшилса, система OH^- ионлар концентрацияси камаяди мувозанат $\text{Cu}(\text{OH})_2$ ҳосил бўладиган реакция томонига силжийди.

2.2. ЧУҚМАЛАР ҲОСИЛ БУЛИШИ БИЛАН БОРАДИГАН РЕАКЦИЯЛАР

Кўпчилик моддаларнинг сувда ва бошқа эритувчиларда эрувчанлиги маълум чегарага эгадир. Шунинг учун ҳам, ион алмашиниш реакцияларида кимёвий мувозанат чўкма ҳосил бўлиш томонига силжийди. Температуранинг ўзгариши кимёвий мувозанатда турган системадаги кучсиз электролитларнинг эрувчанлигини кўтариши ёки камайтириши мумкин. Электролит эритмаларида концентрациянинг ўзгариши асосий роль ўйнайди, кимёвий мувозанатни маълум бир томонга силжитади.

Эритмадаги ионлардан бирининг концентрацияси ўзгарганда ҳам мувозанат худди шу тариқа бузилади: бирор ионнинг концентрацияси ортганда, мувозанат диссоциланмаган молекулалар ҳосил бўлиш томонига силжийди, шу билан бирга айни вақтда бошқа ионнинг концентрацияси ҳам камаяди. Бунинг аксича, ионлардан бирининг концентрациясининг камайиши молекулаларнинг диссоциланишига сабаб бўлади. Масалан,



тенглама бўйича диссоциланадиган сирка кислота CH_3COOH эритмасига шу кислотанинг кўп сондаги CH_3COO^- ионларига эга бўлган тузи эритмаси қўшилса, диссоциланиш мувозанати чапга силжийди, яъни сирка кислотанинг диссоциланиш даражаси камаяди. Бундан, кучсиз электролит эритмасига бир исмли ионларни қўшиш шу электролит диссоциланиш даражасининг пасайишига сабаб бўлади, деган холосага олиб келади. Аксинча, ионлардан бирининг концентрацияси камайса, электролит молекулаларининг янги миқдори диссоциланади. Масалан, юқорида айтилган кислота эритмасига гидроксид ионлари киритилса, водород ионларининг боғланиши натижасида кислотанинг диссоциланиш реакцияси ўнг томонга силжийди.

Электролитнинг тўйинган эритмасида мувозанатнинг силжишини яна бир мисолда кўриб чиқамиз. Кучли электролитлар, масалан, кристаллари ионлардан тузилган тузлар эритилганда, эритмага фақат айрим ионлар ўтади. Демак, тўйинган эритмадаги мувозанат ҳам эритмага ўтган ионлар билан эрийдиган модданинг қаттиқ фазаси ўртасида, аниқроқ айтганда, эритмадаги эркин ионлар билан туз кристалидаги боғланган ионлар ўртасида қарор топади. Масалан, кальций сульфат CaSO_4 нинг тўйинган эритмасида қўйидагича мувозанат бўлиши мумкин:



қаттиқ тузнинг
боғланган ионлари

Ана шу гетероген мувозанатга массалар таъсири қонунини татбиқ қилиб, қаттиқ фаза концентрацияси мувозанат константасининг ифодасига кирмаслигини назарда тутсак, қўйидаги тенгламани ёзишимиз мумкин:

$$K = [\text{Ca}^{2+}] \cdot [\text{SO}_4^{2-}]$$

Шундай қилиб, кам эрийдиган электролитнинг тўйинган эритмасида шу электролит ионлари концентрацияларининг кўпайтмаси айни температурада ўзгармас катталик бўлади. Ана шундай катталик эрувчанлик кўпайтмаси (∂K) деб аталади.

Юқорида ёзилган тенгламани күпинча қўйидаги кўришида ёзилади:

$$\mathcal{E}K_{\text{CaSO}_4} = [\text{Ca}^{2+}] \cdot [\text{SO}_4^{2-}]$$

Тегишли электролитнинг эрувчанлигини билгандан кейин, эрувчанлик кўпайтмасининг сон қийматини топиш қийин эмас. Масалан, 20°C да кальций сульфат CaSO_4 нинг эрувчанлиги $1,5 \cdot 10^{-2}$ моль· l^{-1} га тенг, яъни CaSO_4 , иинг бир литр тўйинган эритмасида 20°C да $1,5 \cdot 10^{-2}$ моль CaSO_4 бўлади. Ҳар бир молекула CaSO_4 диссоциланганда битта Ca^{2+} иони ва битта SO_4^{2-} иони ҳосил бўлганидан, бу ионлардан ҳар бирининг концентрацияси $1,5 \cdot 10^{-2}$ моль· l^{-1} га тенг бўлади. Бинобарин, кальций сульфатнинг эрувчанлик кўпайтмаси

$$\begin{aligned} \mathcal{E}K_{\text{CaSO}_4} &= [\text{Ca}^{2+}] \cdot [\text{SO}_4^{2-}] = 1,5 \cdot 10^{-2} \cdot 1,5 \cdot 10^{-2} = \\ &= 2,25 \cdot 10^{-4} \end{aligned}$$

бўлади.

Электролитик диссоциланишнинг классик назарияси асосан қилинган бу ҳисоб жуда ҳам аниқ эмас, чунки бунда ионлар орасидаги электростатик кучларнинг электролит эрувчанлигига таъсир этиши назарга олинган эмас. Агар ана шу таъсир ҳисобга олинса, CaSO_4 учун бундан бирмунча кичик қиймат ҳосил бўлади.

Электролит молекуласида бир хил ионлардан иккита ёки бир нечта бўлса, эрувчанлик кўпайтмаси қийматини ҳисоблаш вақтида шу ионларнинг концентрациясини тегишли дараражаларга кўтариш керак. Масалан:



$$\mathcal{E}K_{\text{PbI}_2} = [\text{Pb}^{2+}] \cdot [\text{I}^-]^2;$$

Агар кальций сульфатнинг тўйинган эритмасига яхши эрийдиган, бир иони қальций сульфат билан умумий бўлган бошқа электролит, масалан калий сульфат K_2SO_4 қўшилса, қандай ҳодиса рўй беради?

SO_4^{2-} ионларининг концентрацияси ортганидан, эритмадаги мувозанат қаттиқ CaSO_4 ҳосил бўлиш томонига силжий бошлайди. Бошқача айтганда, Ca^{2+} билан SO_4^{2-} ионлари ўзаро бирикиб, CaSO_4 чўймасини ҳосил қиласи ва натижада бу туз реакцион соҳадан чиқиб кетади: бу ҳодиса шу ионлар концентрацияларининг кўпайтмаси CaSO_4 эрувчанли-

гининг кўпайтмасига яна тенглашиб олгунча давом этаверади.

CaSO_4 нинг тўйинган эритмасига K_2SO_4 нинг концентрланган эритмасидан озгина қўшиб кўрилса, юқорида айтилган фикрларнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин: K_2SO_4 эритмаси қўшилиши билан CaSO_4 нинг қўшимча миқдорда оқ кристалл чўкмаси ҳосил бўлади.

Эрувчанлик кўпайтмаси қоидаси кимёвий реакциялар вақтида чўкмалар ҳосил бўлишига ёки уларнинг эриб кетишига алоқадор бўлган кўп масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Ҳар хил кам эрувчи тузларнинг эрувчанлик кўпайтмасининг қиймати ҳар хил бўлади:

$$\mathcal{E}K_{\text{AgCl}} = [\text{Ag}^+] [\text{Cl}^-] = 1,56 \cdot 10^{-10}$$

$$\mathcal{E}K_{\text{CuS}} = [\text{Cu}^{2+}] [\text{S}^{2-}] = 3,2 \cdot 10^{-38}$$


Эрувчанлик кўпайтмаси қоидасига асосан агар эритмада ионлар концентрацияси кўпайтмаси эрувчанлик кўпайтмаси қийматидан юқори бўлса, яъни $\mathcal{E}K < [\text{Ag}^+] [\text{Cl}^-] = 1,56 \times 10^{-8}$ бундай эритмада чўкмалар тушади. Аксинча, эрувчанлик кўпайтмасининг қиймати ионлар концентрацияси кўпайтмаси қийматидан юқори бўлса, яъни $\mathcal{E}K > [\text{Ag}^+] [\text{Cl}^-] = 1,56 \cdot 10^{-12}$ туз чўкмага тушмайди.

Ион алмашиниш реакцияларини тузишда китобнинг охирги саҳифаларида берилган III ва IV иловалардан фойдаланиш мумкин.


Энди битта чўкма ҳосил бўлиши билан борадиган реакцияларга мисоллар келтирамиз. Масалан, барий хлорид эритмаси билан натрий сульфат тузи эритмалири ўртасида борадиган реакцияни кўрсак, бу тузлар гидратланади: яъни $[\text{Ba}(\text{H}_2\text{O})_n]^{2+}$, $[\text{Cl}(\text{H}_2\text{O})_m]^-$, $[\text{Na}(\text{H}_2\text{O})_p]^+$ ва $[\text{SO}_4(\text{H}_2\text{O})_q]^{2-}$. Агар гидратланишни ҳисобга олмай тенгламани ёёсак, у ҳолда:



Реакцияда қатнашувчи моддалар кучли электролитлар бўлганлиги учун улар эритмада ион ҳолда бўладилар, шунинг учун ҳам тенгламанинг чап томонини ионли ҳолда ёзамиз:




Ba²⁺ ва SO₄²⁻ ионлари ўзаро бир- бири билан бирикиб, сувда эримайдиган кристалл чўкма BaSO₄ ни ҳосил қилаодилар. Аммо Na⁺ иони билан Cl⁻ билан ўзаро бирикиб, чўкма ҳосил қилаолмайдилар, чунки улар кучли электролит бўлганлиги ва сувда яхши эриганлиги учун эритмада ион ҳолда қоладилар. Шунинг учун ҳам, тенгламанинг ўнг томонига қўйидагича ёзиш мумкин:



Барий сульфат Ba²⁺ ва SO₄²⁻ ионлари ўртасидаги кимёвий боғланиш уларнинг гидратланган молекулалари ўртасидаги боғланишга нисбатан анча мустаҳкамдир. Шунингдек BaSO₄ эрувчанлиги жуда паст — 1·10⁻⁸) моль·л⁻¹ га тенг, хлорид ва нитрат кислотада эримайди. Аксинча, NaCl эрувчанлиги юқори — (5,8 моль·л⁻¹) барий сульфат эрувчанлиги натрий хлорид эрувчанлигига нисбатан 5,8/0,00001=580000 марта камдир.

Кўрилаётган тенглама тўлиқ моддаларнинг массалари ва энергияларининг сақланиш қонунига бўйсунгандиги учун тенгламада қўйилган (\rightarrow) белгиси ўрнига (=) тенглик белгисини қўйиш мумкин. У ҳолда:






Na⁺ ва Cl⁻ ионлари реакция вақтида ҳеч қандай ўзгаришга эга бўлмайди. Натижада Ba²⁺ + SO₄²⁻ = BaSO₄ ҳосил бўлиб, Na⁺ ва Cl⁻ ионлари эркин ҳолда ўзгаришсиз эритмада қоладилар.


Барий сульфат эрувчанлик кўпайтмасининг қиймати:

$$\mathcal{E}K_{\text{BaSO}_4} = [\text{Ba}^{2+}] [\text{SO}_4^{2-}] = 1,08 \cdot 10^{-10}$$

Барий сульфатнинг эрувчанлиги кам бўлгани туфайли, ионларнинг жуда кўп қисми чўкмада ўзаро кимёвий боғланганлиги туфайли, кимёвий мувозанат қарийб юз фоиз ўнг томонга сурилиб, реакция қайтмас ҳолга келади.

Бошқа хил чўкмалар ҳам шу тарзда ҳосил бўлади:





2.3. ГАЗ АЖРАЛИБ ЧИҚИШИ БИЛАН БОРАДИГАН РЕАКЦИЯЛАР

Ионли реакциялар пайтида қүйидаги газлар ҳосил бўлиши мумкин: H_2S , H_2Se , H_2Te , NH_3 , PH_3 , AsH_3 , CH_4 , SiH_4 , NO , NO_2 , CO , CO_2 , O_2 , HF , HCl ва бошқалар.

Эритмалардан газларнинг ажралиб чиқиши реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрациясига, электролитларнинг эрувчанлиги ва диссоциланиш константасига боғлиқ бўлади. Газларнинг эрувчанлиги, суюқлик ёки қаттиқ моддаларнинг эрувчанлигидан ўзларининг парциал босимларига боғлиқлиги билан фарқ қиласди. Бу тўғрида Генри қонуни мавжуд. *Маълум ҳажм суюқликда эриган газнинг оғирлик миқдори ўша газ босимига тўғри пропорционалдир*. Масалан, 100 г сувда 0°C да нормал босимда 0,335 г ва босим икки баравар оширилганда 0,670 г карбонат ангидрид эрийди.

Агар суюқлик устида бир неча газдан иборат аралашма бўлса, бу газларнинг ҳар бирининг эрувчанлиги

4- жадвал

Газларнинг сувда эрувчанлиги

Газлар	Газниёнг 100 мл сувда эрувчанлиги, мл ҳисобида	
	0°C	20°C
Водород	2,15	1,82
Кислород	4,89	3,1
Азот	2,35	1,54
Карбонат ангидрид	171,0	87,8
Хлор	491,0	226,0
Метан	5,56	3,30

аралашманинг умумий босимига эмас, балки айни газ-нинг парциал босимига боғлиқ бўлади.

Шунинг учун ҳам, Генри қонунига унча кўп бўлмаган ва эритувчи билан ўзаро кимёвий таъсир этмайдиган газларгина тўла бўйсунади.

Газларнинг сувдаги эрувчанлиги — экзотермик жараён бўлиб, Ле-Шателье принципига асосан температуранинг кўтарилиши газларнинг эрувчанлигини пасайшига олиб келади.

2.4. КУЧСИЗ ЭЛЕКТРОЛИТЛАР ҲОСИЛ БУЛИШИ БИЛАН БОРАДИГАН РЕАҚЦИЯЛАР

Кимёвий мувозанатнинг силжиши баъзан кучсиз электролитлар ион ҳолатдаги H^+ нинг ҳосил бўлиши билан, сув, кучсиз кислота ёки асослар кўп негизли кислоталарнинг нордон қолдиқлари ҳосил бўлиши билан боради.


Кучсиз электролитлар ҳар хил усууллар билан олиниши мумкин.

Мисоллар келтирамиз:

1. Кислота ва асосларнинг ўзаро таъсири натижасида:



Агар тенгламани ион-молекуляр ҳолда ёзсанак:




Тенгламадан кўриниб турибидики, эритмада K^+ ва NO_3^- ионлари ўзгаришсиз қолади, аммо реакцияга қатнашган ионлар H^+ ва OH^- бўлганлиги учун кучсиз электролит H_2O ҳосил бўлади:



H^+ ва OH^- ионларидан сувнинг ҳосил бўлиши қайтар жараён, аммо сув кучсиз электролит бўлганлиги учун ($K=1,8 \cdot 10^{-16}$) кимёвий мувозанат тўлиқ ўнг томонга, яъни сув молекуласи ҳосил бўлиши томонига силжиган.

2. Сульфат кислота билан калий цианид эритмаси ўзаро реакцияга киришиб, кам диссоциланувчи HCN ни ҳосил қиласи:




Мувозанат тұлық чапдан ўнга силжийди. Юқоридаги мисол асосида шундай холосага келиш мүмкін: Кучли кислоталар кучсиз кислоталарни уларнинг тузлари таркибидан сиқиб чиқаради. Шунингдек, кучли асослар кучсиз асосларни сиқиб чиқаради.

2.5. СУВНИНГ ЭЛЕКТРОЛИТИК ДИССОЦИЛАНИШИ


Дистилланган тоза сув электр токини ўтказмайды. Лекин тажрибаларнинг күрсатишича сув жуда кам бўлсада, электр токини ўтказади. Демак у кучсиз электролит ва жуда оз бўлса ҳам диссоциланиб, H^+ ва OH^- ионларига ажралади:



Сувнинг диссоциланишидан ҳосил бўлган H^+ (протон) дарҳол бир молекула сув билан бирикиб, H_3O^+ (гидроксоний) ионини ҳосил қиласи. Бундан ташқари, водород ионининг бошқа гидратланган шакллари ҳам мавжуддир:



Шунинг учун ҳам, сувнинг электролитик диссоциланиши аниқроқ



Шундай қилиб, сувнинг диссоциланишидан ҳосил бўладиган H^+ ва OH^- ионлари концентрациясини тоза сувнинг электр ўтказувчанлигини ўлчаб ҳисоблаб топиш мүмкин.

Сувнинг диссоциланишига массаларнинг сақланиш қонунини татбиқ этиб, унинг диссоциланиш мувозанат константасини қыйидагича ёзиш мүмкин:

$$K = \frac{[\text{H}^+][\text{OH}^-]}{[\text{H}_2\text{O}]} \text{ ёки } K \cdot [\text{H}_2\text{O}] = [\text{H}^+][\text{OH}^-]$$

Сувнинг электр ўтказувчанлиги ўлчаниб, унинг диссоциланиш даражаси ҳисоблаб топилган. 22°C да 1 л

сувда бир моль миқдордаги сувнинг $1/10000000$ қисми, яъни 1 л сувда 10^{-7} моль H_2O диссоциланган бўлади. Тахминан, ҳар 556000000 молекула сувнинг бир молекуласи ионланган дейиш мумкин.

Бир молекула сувдан битта H^+ ва битта OH^- ҳосил бўлса, 1 л сувда 10^{-7} моль H^+ ва 10^{-7} моль OH^- ҳосил бўлади. Шундай қилиб 1 л сувда:

$$[\text{H}^+] = [\text{OH}^-] = 10^{-7} \text{ моль}\cdot\text{l}^{-1} \text{ бўлади.}$$

$$K = \frac{[\text{H}^+][\text{OH}^-]}{[\text{H}_2\text{O}]} \text{ тенгламадан } 22^\circ\text{C} \text{ да}$$

$K = 1,8 \cdot 10^{-16}$ га тенг бўлганлиги учун, сувда диссоциланмаган молекулалар сони $[\text{H}^+]$ ва $[\text{OH}^-]$ га нисбатан ғоят кўп бўлгани учун H_2O ни ўзгармас миқдор деб, 1 л сувда $1000/18 = 55,56$ моль сув бор дейиш мумкин. Унда:

$$[\text{H}^+][\text{OH}^-] = K \cdot [\text{H}_2\text{O}] = 1,8 \cdot 10^{-16} \cdot 55,56$$

Чап томондаги $[\text{H}^+]$ билан $[\text{OH}^-]$ кўпайтмаси ўзгармас қийматга тенг бўлади. Бу константа сув ионлари кўпайтмаси дейилади ва $K_{\text{H}_2\text{O}}$ ҳолида ёзилади.

$$[\text{H}^+][\text{OH}^-] = K_{\text{H}_2\text{O}} = 1,8 \cdot 10^{-16} \cdot 55,56 = 1 \cdot 10^{-14}$$

$$[\text{H}^+] = [\text{OH}^-] = 1 \cdot 10^{-14} = 10^{-7}$$

Шундай қилиб, 1 л сувда $[\text{H}^+]$ ҳам $[\text{OH}^-]$ ҳам 10^{-7} моль $\cdot\text{l}^{-1}$ бўлади. Турли усуслар билан топилганда ва ҳисобланганда ҳамиша бир натижа, яъни деярли 10^{-7} олинади. Демак, 22°C да сувнинг ионлар кўпайтмаси 10^{-14} га тенг бўлиб, шу температурада ўзгармас миқдордир.

Температура кўтарилиши билан сувнинг диссоциалиши кучаяди, шу сабабдан $K_{\text{H}_2\text{O}}$ ҳам орта боради. 100°C да $58,2 \cdot 10^{-14}$ бўлади.

Шундай қилиб, тоза сувда $[\text{H}^+][\text{OH}^-] = 10^{-14}$; H^+ ва OH^- концентрациялари эса тенг; шунинг учун сув пейтрал моддадир; сувли эритмаларда H^+ ва OH^- концентрациялари ўзгариши мумкин, лекин уларнинг кўпайтмаси ўзгармайди. Агар бирор модда сувда эритилганда H^+ ва OH^- концентрациялари тенг бўлса, бу эритма нейтрал бўлади. Сувга бирор кислота қўшилса, унда H^+ нинг концентрацияси ошиб кетади. Лекин H^+ ва OH^- концентрацияларининг кўпайтмаси ўзгармас бўлгани учун H^+ концентрацияси кўпайганда OH^- кон-

центрацияси камаяди. Бунда H^+ нинг концентрацияси 10^{-7} дан ортиқ бўлади. Бундай эритмани кислотали муҳитга эга дейилади. Масалан, сувга водород ионлари концентрацияси $1 \cdot 10^{-2}$ бўлгунча кислота қўшиб борилса, OH^- иони концентрацияси пасайиб, H^+ иони концентрацияси ортиб боради:

$$[\text{OH}^-] = \frac{1 \cdot 10^{-14}}{1 \cdot 10^{-2}} = 1 \cdot 10^{-12} \text{ моль} \cdot \text{л}^{-1}.$$

Аксинча, сувга ишқор ёки асос қўшилса, унда OH^- нинг концентрацияси ортади, H^+ нинг концентрацияси эса камаяди. Аммо буларнинг кўпайтмаси 10^{-14} га тенглигича колади. Асослар эритмаларида OH^- нинг концентрацияси 10^{-7} дан ортиқ бўлади. Умуман, OH^- концентрацияси 10^{-7} дан ортиқ ҳар қандай эритманинг муҳити асосли бўлади. Бундай эритмани ишқорий муҳитга эга дейилади. Масалан, сувга гидроксид ионлари концентрацияси $1 \cdot 10^{-3}$ бўлгунча ишқор қўшиб борилса, H^+ иони концентрацияси пасаяди ва OH^- нинг концентрацияси ортиб боради:

$$[\text{H}^+] = \frac{1 \cdot 10^{-14}}{1 \cdot 10^{-3}} = 1 \cdot 10^{-11} \text{ моль} \cdot \text{л}^{-1}.$$

Агар сувли эритмаларда $[\text{H}^+]$ ионларининг концентрациялари аниқ бўлса, сувнинг ион кўпайтмалари асосида $[\text{OH}^-]$ ионларининг концентрацияларини топиш мумкин. Шунингдек сувнинг кўпайтмаси асосида ва водород ионлари ёрдамида ҳар қандай реакциянинг муҳитини аниқлаш мумкин:

$$[\text{H}^+] = 1 \cdot 10^{-7} \text{ — нейтрал муҳит;}$$

$$[\text{H}^+] > 1 \cdot 10^{-7} \text{ — кислотали муҳит ёки } 1 \cdot 10^{-6}; 1 \cdot 10^{-5};$$

$$[\text{H}^+] < 1 \cdot 10^{-7} \quad 1 \cdot 10^{-8}; \quad 1 \cdot 10^{-9}; \quad 1 \cdot 10^{-10} \text{ ишқорий муҳит.}$$

Кучли кислота эритмада қарийб тўла диссоцилангани учун, эритмадаги H^+ ионининг концентрацияси кислотанинг моляр концентрациясига, шунингдек кучли ишқор эритмасида OH^- ионининг концентрацияси ишқорнинг моляр концентрациясига тенгdir.

Шундай қилиб, кислоталарнинг эритмаларида ҳам OH^- ионлари бор, лекин уларнинг сони H^+ ионлари сонидан кам бўлади; ишқорларнинг эритмаларида ҳам H^+ ионлари бор, лекин OH^- ларига нисбатан оздир. Юқорида айтилганларга кўра:

нейтрал мұхитда $[H^+] = [OH^-]$.

кислотали мұхитда $[H^+] > [OH^-]$.

Ишқорий мұхитда $[H^+] < [OH^-]$.

Агар эритмада $[H^+] = 10^{-13}$ бўлса, OH^- ни ҳисоблаш мүмкин: $[OH^-] = 10^{-11}$, бу мұхит кислотали мұхитдир. Агар эритмада $[H^+] = 10^{-9}$ бўлса, $[OH^-] = 10^{-5}$ бўлади, бу мұхит ишқорийдир.

Бундай кичик сонларни ишлатиш ноқулай бўлганидан, H^+ ионлари концентрацияси ўнлик логарифмининг манфий қиймати ишлатилиди ва у қисқача pH билан белгиланади. pH кўпинча водород кўрсаткич деб аталади.

«Водород кўрсаткич» деган тушунчани 1909 йилда Іаниялик кимёгар Серенсен киритган эди: «р» ҳарфи—данияча potenz — математикада даражада сўзининг бош ҳарфи, Н — ҳарфи водород символидир.

$$pH = -\lg [H^+]$$

Масалан, нейтрал мұхитда $[H^+] = 10^{-7}$ бўлади. Унда $pH = -\lg 10^{-7} = -(-7) = 7$ бўлади.

Бирор эритмада $[H^+] = 10^{-3}$ бўлса, $pH = -\lg 10^{-3} = -(-3) = 3$ бўлади, бу эритманинг мұхити кислотали мұхитдир.

Эритмада $[H^+] = 10^{-9}$ бўлса, $pH = -\lg 10^{-9} = -(-9) = 9$ бўлади, бу эритманинг мұхити ишқорийдир.

Шундай қилиб,

$pH = 7$ нейтрал мұхит

$pH < 7$ кислотали мұхит

$pH > 7$ ишқорий мұхит.

Бирор эритмада $pH=5$ бўлса, $pOH=9$ бўлади. Агар икки эритманинг pH қийматлари 2 ва 5 га тенг бўлса, биринчи эритманинг кислоталиги кучлироқ, бошқаларида $pH=8$ ва 12 бўлса, иккинчи эритманинг ишқорийлиги кучлироқдир.

Кимёвий реакцияларни ўрганишда реакция мұхити, яъни водород кўрсаткичи (pH) катта аҳамиятга эга. Кўпгина кимёвий реакциялар муайян pH да боради.

Водород ионларининг концентрацияси, pH катталиги ва эритманинг мұхити орасидаги боғлиқликни қўйидаги схема тарзида анча яққол ифодалаш мүмкин:

pH ни аниқлашнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Кўпинча реакция мұхити ҳар хил индикаторлар ёрдамида аниқланади. Индикаторлар $[H^+]$ ва $[OH^-]$ лар-

$[H^+]$ моль л ⁻¹	10^0	10^1	10^2	10^3	10^4	10^5	10^6	10^7	10^8	10^9	10^{10}	10^{11}	10^{12}	10^{13}	10^{14}
Мұхиттің кислоталығы ортаға								Мұхиттің ишқориілшілік ортаға							
<i>pH</i>	0	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14
	кучли кислотали мұхит	кучсиз кислотали мұхит	кучсиз кислотали мұхит	кучсиз кислотали мұхит	кучсиз кискорий мұхит	кучсиз кискорий мұхит	кучсиз кискорий мұхит	кучли	кучсиз кискорий мұхит	кучсиз кискорий мұхит	кучли	кучсиз кискорий мұхит	кучли	кучсиз кискорий мұхит	кучли

нинг миқдорига қараб, ўз рангларини ўзгартириб түрвичи реактивлардир. Масалан, фенолфталеин нейтрал мұхитда рангсиз, ишқорий мұхитда эса қызил — бинафша рангга бўялади. Ана шундай индикаторлардан: метилоранж, метилпрот деган жуда кўп индикаторлар мавжуддир.

2.6. ИОНЛИ КИМЁВИЙ МУВОЗАНАТНИНГ СИЛЖИШИ

Кучсиз электролитларнинг эритмаларида ионли кимёвий мувозанат ҳам бошқа кимёвий мувозанатлар каби маълум бир ҳолатда ўзгармай тураверади. Агар Ле-Шателье принципи бўйича мувозанатда турган системага четдан бирор ион киритилса, кимёвий мувозанат маълум бир томонга йўналади. Кучсиз электролит эритмаларида кимёвий мувозанат рўй берганда, эритмага сув қўшиш, унинг диссоциланишини оширади ёки эритмадаги бирор ионнинг концентрациясини ошириш ҳам кимёвий мувозанатнинг силжишига олиб келади. Масалан, диссоциланаётган сирка кислота эритмасида кимёвий мувозанат рўй берганда, яъни:



ёки массалар сақланиш қонуни бўйича:

$$K = \frac{[\text{H}^+] [\text{CH}_3\text{COO}^-]}{[\text{CH}_3\text{COOH}]} \quad \text{бўлганда,}$$


унинг бирор яхши диссоциланадиган тузи, масалан, CH_3COONa қўшилганда эритмада CH_3COO^- концентрацияси ортганлиги учун кимёвий мувозанат CH_3COOH нинг ҳосил бўлиш томонига қараб силжийди, CH_3COOH нинг диссоциланиш даржаси камаяди.

2.7. ГИДРОЛИЗ РЕАКЦИЯЛАРИ

Юқорида (2.3. қисмда) эритмада кучсиз электролитларнинг ҳосил бўлиши реакция мувозанатини ўнг томонга силжишига олиб келадиган омиллардан бири өканлиги баён этилган эди. Энди шундай ҳолатлар тузларнинг сувда эриш жараёнида — гидролиз реакцияларида содир бўлишини кўриб чиқамиз.


Туз ионлари билан сув ионлари ўртасидаги реакцияга гидролиз дейилади. Гидролизга тузлар, углеводлар, оқсиллар, эфирлар ва ёғлар учрайдилар. Гидролиз асосан электролитик диссоциланиш бўйича туз ва сув ионларининг ўзаро бир-бири билан таъсири натижасида рўй берабер, гидролиз реакциясида янги кислоталар, асослар, шунингдек тузлар ҳам ҳосил бўлади. Гидролиз жараёнида кам эрувчи, кам диссоциланувчи ёки учувчан моддалар ҳосил бўлиши мумкин. Қўйида биз бир неча хил гидролиз турлари билан танишиб чиқамиз.


1. Кучли асос ва кучли кислотадан ҳосил бўлган тузлар гидролизга учрамайди, уларнинг эритмалари нейтрал муҳитга эгадир. Масалан, сувда KNO_3 эритилганда сувнинг диссоциланиш кимёвий мувозанати маълум бир томонга силжимайди, чунки K^+ ва NO_3^- ионлари H^+ ва OH^- ионлари билан кам диссоциланувчи ёки диссоциланмайдиган моддаларни ҳосил қилмайдилар. Яъни:



KOH ёки HNO_3 ҳосил бўлмайди, чунки улар тўлиқ диссоцилангандир. Кимёвий мувозанат тўлиқ 2-чи реакция томонга, яъни кам диссоциланувчи H_2O молекуласи ҳосил бўлиш томонига силжиган, KNO_3 нинг гидролизи рўй бермайди, чунки эритмадан на H^+ иони, на OH^- ионини топиб бўлмайди, эритма нейтралдир. Шунингдек NaCl , NaSO_4 , NaNO_3 гидролизга учрамайди.





2. Кучли асос ва кучсиз кислотадан ҳосил бўлган тузлар гидролизга учрайдилар, масалан, CH_3COONa , K_2CO_3 , K_2S , Na_2S . Чунки бу тузларнинг таркибида кам диссоциланувчи кислота қолдиқлари мавжуддир:






Бундай турдаги тузлар гидролизи туфайли эритма мұхити ишқорий бўлади.

3. Кучсиз асос ва кучли кислотадан ҳосил бўлган тузлар гидролизга учрайдилар. Ҳосил бўлган модда кислотали реакцияни ҳосил қиласди. Масалан:




Аммиакли сувда NH_4^+ иони ва OH^- ионининг ҳосил бўлишини қўйидаги тенглама асосида тушунтириш мумкин:



Шунингдек CuCl_2 , AlCl_3 , $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ лар гидролизга учрайдилар.

4. Кучсиз кислота ва кучсиз асосдан ҳосил бўлган туз гидролизга учрайди, масалан: Al_2S_3 , $\text{Al}(\text{CH}_3\text{COO})_3$, $\text{Fe}(\text{CH}_3\text{COO})_3$, $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$. Бу тузларнинг ионлари сув ионлари H^+ ва OH^- билан осон бирикадилар. Шунинг учун мувозанат кучсиз электролитлар ҳосил бўлиш томонига қараб силжийди. Бу тузлар гидролиз вақтида кучсиз кислота, кучсиз асос ёки асосли туз ҳосил қиласдилар. Масалан:




Босқичли гидролиз

Кўп валентли катион ва кучсиз кислота ёки кўп валентли кучсиз кислота аниони сақлаган тузлар босқичли гидролизга учрайдилар. Масалан: $\text{Pb}(\text{NO}_3)_2$




қўргошин (II)
гидроксонитрат




агар тенгламанинг ҳар иккала томонидаги ўхшашиб ионларни қисқартириб ёзсан, у ҳолда:






Сын $\text{PbOH}^+ + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{Pb(OH)}_2 + \text{H}^+$ бу босқич жуда оз содир бўлади. Реакция муҳити кислотали, $\text{pH} < 7$.

CuCl_2 гидролизи ҳам худди шунга ўхшаш ҳолда боради:



Беки






Гидролиз иккинчи босқичда анча паст даражада боради:






Шундай қилиб, кучсиз асос ва кўп валентли кислота анионларидан тузилган туз гидролизи кўпинча I- босқич асосида боради.

Кучли асос ва кўп негизли кучсиз кислотадан ҳосил бўлган туз гидролизи ҳам босқичма- босқич боради:



Бу ҳолда ҳам иккинчи босқич деярлик бормайди, реакция муҳити ишқорий $\text{pH} > 7$.


Na_2CO_3 гидролизи ҳам босқичма- босқич боради:



Лекин, юқорида айтилгандек, иккинчи босқич эритмада OH^- ионлари йиғилиб қолиши ҳисобига мувозанат сезиларли даражада чап томонга силжийди.

Тузларнинг бундай гидролизи пайтида OH^- иони концентрацияси ортади. Натижада реакция муҳити ишқорий бўлади, $\text{pH} > 7$.

PCl_3 , PCl_5 , PBr_3 , SO_2Cl_2 ва бошқа галоидгидридларнинг гидролизи кўпинча икки хил кислота ҳосил бўлиши билан боради:



Полисахаридларнинг гидролизи моносахаридларнинг ҳосил бўлиши билан боради:



Этил эфирининг гидролизи сирка кислота ва этил спирти ҳосил бўлиши билан боради:



2.8. ГИДРОЛИЗЛАНИШ КОНСТАНТАСИНИ ВА ГИДРОЛИЗЛАНИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ

Гидролиз жараёнининг муҳим тавсифларидан бири гидролизланниш константаси ва гидролизланниш даражасидир.

Кўпчилик тузлар гидролизланганда гидролиз маҳсулоти маълум миқдорда ҳосил бўлгандан кейин гидролизланниш тўхтайди, яъни гидролизланмаган туз молекулалари билан гидролиз маҳсулоти орасида ҳаракатчан мувозанат вужудга келади. Шунинг учун тузлар гидролизи қайтар кимёвий жараён сингари массалар таъсири қонунига бўйсунади ва ундаги мувозанат константаси *гидролизланниш константаси* дейилади.

Кучли асос ва кучсиз кислотадан ҳосил бўлган тузнинг гидролизи, маслан, $\text{KCN} + \text{HOH} \rightleftharpoons \text{KOH} + \text{HCN}$ мисолида гидролиз константасини кўриб чиқайлик.

Сувнинг концентрациясини ўзгармас қиймат деб қабул қилиб, уни ёзмасак, юқоридаги қайтар жараённинг мувозанат константаси қўйидагича ифодаланади:

$$K_m = \frac{[\text{HCN}][\text{OH}^-]}{[\text{CN}^-]},$$

Суюлтирилган эритмаларда сувнинг концентрацияси ўзгармас бўлганлиги учун унинг сон қийматини қўйидагича ёзиш мумкин:

$$[\text{H}^+] \cdot [\text{OH}^-] = K_{\text{сув}} = 10^{-14} \text{ бундан } \text{OH}^- = \frac{K_{\text{сув}}}{\text{H}^+}$$

Юқоридаги мувозанат константаси тенгламасидаги $[\text{OH}^-]$ ўрнига $K_{\text{сув}} / \text{H}^+$ қийматини қўйиб қўйидаги ифодани ҳосил қиласиз:

$$K_{\text{гидр.}} = \frac{[\text{HCN}] \cdot K_{\text{сув}}}{[\text{CN}^-] \cdot [\text{H}^+]}$$

$\frac{[\text{HCN}]}{[\text{CN}^-] [\text{H}^+]}$ катталик цианид кислотанинг диссоциланиш константасини тескари қиймати бўлганлиги учун $\frac{1}{K_{\text{кисл.}}}$ кўринишида ёзамиш, у вақтда

$$K_{\text{гидр.}} = \frac{K_{\text{сув}}}{K_{\text{кисл.}}}$$

Кучли кислота ва кучсиз асосдан ҳосил бўлган тузнинг гидролизланиш константасини юқоридаги усулга асосланиб топиш мумкин:

$$K_{\text{гидр.}} = \frac{K_{\text{сув}}}{K_{\text{асос}}}$$

Агар гидролиз анион ва катионлар иштироқида борса, у вақтда

$$K_{\text{гидр.}} = \frac{K_{\text{сув}}}{K_{\text{кисл.}} \cdot K_{\text{асос}}}.$$

Гидролизланган туз молекулалари сонининг эритилган туз молекулалари сонига бўлган нисбатига тузнинг гидролизланиш даражаси дейилади ва у h ҳарфи билан белгиланади.

Гидролизланиш даражаси кучсиз электролитларнинг диссоциланиш даражасига ўхшайди. Шунинг учун суюлтириш қонуни тенгламасидан фойдаланиб тузнинг гидролизланиш даржасини қўйидагича ифодалаш мумкин:


$$K_{\text{гидр.}} = \frac{h^2 \cdot c_{\text{туз}}}{(1 - h)}.$$

Қўйидаги 5- жадвалда баъзи бир тузларнинг гидролизланиш даражаси h ва pH қийматлари берилган.


Туз	$h, \%$	pH	Гидролиз реакцияснинг ионли тенгламаси
NH_4Cl	0,007	5,3	$\text{NH}_4^+ + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{NH}_4\text{OH} + \text{H}^+$
$\text{CH}_3\text{COONH}_4$	0,5	7,0	$\text{CH}_3\text{COO}^- + \text{NH}_4^+ + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{CH}_3\text{COOH} + \text{NH}_4\text{OH}$
KCN	1,2	11,1	$\text{CN}^- + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{HCN} + \text{OH}^-$
Na_3PO_4	34,0	12	$\text{PO}_4^{3-} + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{HPO}_4^{2-} + \text{OH}^-$ $\text{HPO}_4^{2-} + \text{H}_2\text{O} \rightleftharpoons \text{H}_2\text{PO}_4^- + \text{OH}^-$

2.9. АМФОТЕР ЭЛЕКТРОЛИТЛАР

Баъзи бир гидроксидлар ҳам асос ҳам кислота хоссаларини намоён қиласадилар. Ана шундай гидроксидлар *амфотер гидроксидлар* деб аталади. Бундай гидроксидларга: $\text{Zn}(\text{OH})_2$, $\text{Al}(\text{OH})_3$, $\text{Ga}(\text{OH})_3$, $\text{Cr}(\text{OH})_3$, $\text{Pb}(\text{OH})_2$, $\text{Sn}(\text{OH})_2$, $\text{Sb}(\text{OH})_3$ ва бошқаларни келтириш мумкин. Масалан, галлий гидроксидининг диссоциланиш константаси:



Амфотер гидроксиднинг кислота ва ишқор билан реакциясини кўриб чиқамиз:



3. КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАР


3.1. КОМПЛЕКС ИОНЛАРНИНГ ҲОСИЛ БУЛИШИ БИЛАН БОРАДИГАН РЕАКЦИЯЛАР

Оддий турдаги ионли ёки ковалент боғланишли бирикмалардан ташқари, нейтрал бирикмаларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўладиган координацион (донор-акцептор) боғланишли мураккаб, юқори тартибли молекуляр бирикмалар ҳам мавжуд.

Молекуласи таркибида комплекс ионлар бўлган бирикмалар комплекс бирикмалар деб аталади. Улар ички

сферада комплекс ҳосил қилувчи ион (марказий атом) ва у билан бевосита бириккан молекулаларнинг атомлари кўпинча лиганда деб аталадиган заррачалардан тузилган бўлади.

XX асрда кўплаб янги кимёвий бирикмалар ажратиб олиниши ва уларнинг тузилишини ўрганилганда, улар оддий бирикмаларга үхшаш валентлик қоидалигига тўғри келмайдиган кимёвий боғланишларга эга эканлиги маълум бўлди. Кўпчилик элементлар бошқа элементлар билан координацион боф ҳосил қилиши ва шу асосда мураккаб — координацион бирикмалар келиб чиқиши тушунтирилди. Комплекс ҳосил қилувчи ионлар валентлик қоидаси бўйича эмас, балки ўзларига хос координациялаш хоссалари асосида турли хил заррачаларни атрофларига тўплаб мустаҳкам боғлар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, металларнинг карбонилли бирикмалари: $\text{Fe}(\text{CO})_5$, $\text{Cr}(\text{CO})_6$ ва, шунингдек аммиакли бирикмаларида валентлик асосида бир-бири билан боғланмай, балки С ва N атомлари ва CO , NH_3 молекулаларида тақсимланмаган, яъни эркин электронлар ҳисобига боғланиши мумкинлиги аниқланди. Масалан:



Бу мисолларда $[\text{BF}_4]^-$, $[\text{Cu}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$, $[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+$ ионлар ички сфера, улардаги B, Cu, Ag — марказий атомлар, F, NH_3 лар лигандлар, улардаги 4 ва 2 — координацион сонлардир.

Марказий атом билан бириккан лигандлар сонига комплекс бирикманинг координацион сони дейилади. Кўпинча марказий атомнинг валентлиги билан координацион сон катталиги орасида оддий муносабат бор: марказий атомнинг валентлиги 1, 2, 3, 4 бўлса, координацион сон 2, 4(6), 6(4), 8(10) бўлиши кузатилади (қавс ичидаги координацион сонлар кам учрайди). Марказий атом радиуси кичик, лиганда радиуси катта бўлганда координацион сон қиймати камроқ, марказий атом радиуси катта, лиганда радиуси кичик бўлганда координацион сон қиймати катталашиши мумкин. Масалан, Al^{3+} ва F^- ионлари $[\text{AlF}_6]^{3-}$ ни ҳосил қиласа, I^- билан $[\text{AlI}_4]^-$ ни ҳосил қиласи.


Құйидаги 6- жадвалда комплекс бирикмалар ҳосил құлувчи металл ионларининг координацион сонлари берилган.

6- жадвал

Ионлар	Координатион сон	Ионлар	Координатион сон	Ионлар	Координатион сон
Al^{3+}	6 (4)	Cu^+	2	Ni^{2+}	4 ва 6
Zn^{2+}	4 ва 6	Cu^{2+}	4 ва 6	Ni^{3+}	6
Cd^{2+}	4 ва 6	Au^+	2	Co^{2+}	4 ва 6
Hg^{2+}	4	Au^{3+}	4	Co^{3+}	6
Pb^{2+}	4	Pt^{2+}	4	Fe^{2+}	6
Sn^{4+}	6	Pt^{4+}	6	Fe^{3+}	6
Ag^+	2	Mn^{2+}	6	Cr^{3+}	6


Комплекс бирикмаларни ҳосил құлувчи ионларға жадвалда күрсатылған металл ионлари билан бир қаторда d — элементларига тааллуқлы Mn , Re , Mo каби нейтрал атомлар, шунингдек B^{+3} , Si^{+4} , P^{+5} , S^{+6} , N^{-3} , I^- каби мусбат ва манфий зарядлы металлмаслар ионлари кирадилар. Ли-гандларға манфий зарядланған (CN^- , CNS^- , NO_2^- , Cl^- , Br^- , I^- , OH^- , CO_3^{2-} , S^{2-} , SO_3^{2-} , $\text{S}_2\text{O}_3^{2-}$), шунингдек құтбыли молекулалар (NH_3 , H_2O , NO , CO , PH_3 ва органик бирикмалардан $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$, $\text{C}_2\text{H}_5\text{NH}_2$, $\text{C}_6\text{H}_5\text{N}$) ва бошқалар киради.

Комплекс бирикмалар сувда әритилгандың ортасында оддий ва мураккаб ионларға диссоциланадилар:



$[\text{PtCl}_6]^{2-}$, $[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{3-}$, $[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{4-}$ каби ионлар комплекс ионлар деб юрит илади.

Ионли реакцияларда комплекс ионлар бир кимёвий бирикма таркибидан бошқа бирикмеге ўтса, уларнинг таркиби ёки хоссалари ўзгармайды:



3.2. КОМПЛЕКС БИРИКМАЛАРНИНГ БАРҚАРОЛЛИГИ

Комплекс ионлар сувдаги эритмаларида жуда күчсиз электролитлар сингари оз миқдорда бўлса ҳам оддий ионларга диссоциланадилар. Масалан:

$\text{Ag}(\text{CN})_2]^+ \rightleftharpoons \text{Ag}^+ + 2\text{CN}^-$, бундан эритмадаги Ag^+ ва CN^- ионларининг концентрацияси жуда кичик бўлганлиги учун мувозанат чап томонга кучли силжиган бўлади. Бу қайтар жараёнга массалар таъсири қонуни татбиқ этилса:

$$K_{\text{дисс.}} = \frac{[\text{Ag}^+][\text{CN}^-]^2}{[\text{Ag}(\text{CN})_2]} \quad \text{бўлади.}$$

Комплекс бирикмаларнинг ионларга ажралиши диссоциланиш константаси, яъни беқарорлик константаси (K_b) билан белгиланади. Юқоридаги тенгламада $[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+$ нинг (Ag^+ ва 2NH_3) диссоциланиш константаси:

$$K_b = 9,3 \cdot 10^{-8} \text{ га тенг.}$$

$K[\text{Ag}(\text{CN})_2]$ комплекс бирикмасидаги ионнинг диссоциланиши ва беқарорлик константасининг ифодаси қўйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} K[\text{Ag}(\text{CN})_2] &\rightleftharpoons \text{K}^+ + [\text{Ag}(\text{CN})_2]^-; [\text{Ag}(\text{CN})_2]^- \rightleftharpoons \\ &\rightleftharpoons \text{Ag}^+ + 2\text{CN}^- \end{aligned}$$

$$K_b = \frac{[\text{Ag}^+][\text{CN}^-]^2}{\{[\text{Ag}(\text{CN})_2]^- \}} = 1,1 \cdot 10^{-21}$$

$[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{3-}$ учун беқарорлик константаси:

$$K_b = \frac{[\text{Fe}^{3+}][\text{CN}^-]^6}{\{[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{3-}\}} = 1,26 \cdot 10^{-44}$$

Беқарорлик константа қўйматидан кўринаяптики, кумуш тетрааммиакат иони анча беқарор комплекс бирикмадир, кумуш цианид эса унга нисбатан $8,5 \cdot 10^{13}$ марта турғун экан.

Қўйидаги 7- жадвалда баъзи бир комплекс бирикмаларнинг беқарорлик константалари келтирилган.

Ион	K_b	Ион	K_b
1	2	3	4
$[\text{AgCl}_2]^-$	$9,1 \cdot 10^{-6}$	$[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{3-}$	$1,26 \cdot 10^{-44}$
$[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]^+$	$9,3 \cdot 10^{-8}$	$[\text{Fe}(\text{SCN})_2]^+$	$4,67 \cdot 10^{-5}$
$[\text{Ag}(\text{S}_2\text{O}_3)_2]^{3-}$	$1,1 \cdot 10^{-13}$	$[\text{HgI}_4]^{2-}$	$1,5 \cdot 10^{-30}$
$[\text{Ag}(\text{CN})_2]^-$	$1,1 \cdot 10^{-21}$	$[\text{Hg}(\text{CN})_4]^{2-}$	$4,0 \cdot 10^{-42}$
$[\text{Cd}(\text{CN})_4]^{2-}$	$7,8 \cdot 10^{-18}$	$[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]^{2+}$	$1,9 \cdot 10^{-9}$
$[\text{Cd}(\text{NH}_3)_4]^{2+}$	$7,6 \cdot 10^{-8}$	$[\text{Ni}(\text{CN})_4]^{2-}$	$1 \cdot 10^{-31}$
		$[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{4-}$	$1,26 \cdot 10^{-37}$

Комплекс бирикма таркибига киругчи бирээр таркибий ҳисм концентрациясини пасайиши комплекс бирикманинг парчаланиб кетишига олиб келади, масалан:




Чунки кислота таркибидаги водород иони NH_3 билан бирикеб, NH_4^+ айланганлиги учун кимёвий мувозанат аммиак ҳосил бўлиши томон силжийди. Натижада кумуш иони концентрацияси ошиб, NH_3 концентрацияси камаяди. Эритмада Cl^- ионлари кўплиги туфайли, кумуш ионлари хлор ионлари билан ўзаро бирикиб, AgCl — оқ чўкма ҳосил қиласи. Натижада комплекс бирикма парчаланиб кетади. Яна бир мисол келтирамиз: NiSO_4 ва $(\text{Ni}(\text{NH}_3)_6)\text{SO}_4$ эритмаларига KOH эритмаси қуйилса, биринчи эритмада чўкма ҳосил бўлади, аммо иккинчи эритмада чўкма ҳосил бўлмайди. Биринчи эритмада чўкма тушишига сабаб $[\text{Ni}^{2+}]$ ва $[\text{OH}^-]$ ионларининг концентрациялари кўпайтмаси уларнинг ЭК _{$\text{Ni}(\text{OH})_2$} қийматидан юқори бўлганлиги учун $\text{Ni}(\text{OH})_2$ чўкмага тушади. Аммо $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]\text{SO}_4$ комплекс бирикма SO_4^{2-} ва $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]^-$ ионларга диссоциланади ва оз миқдорда $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]^{2+}$ иони $[\text{Ni}^{2+}]$ ва NH_3 молекулалари ҳосил бўлади. Эритмада $[\text{Ni}^{2+}] [\text{OH}^-]$ концентрация кўпайтмалари ЭК _{$\text{Ni}(\text{OH})_2$} қийматидан паст бўлганлиги учун $\text{Ni}(\text{OH})_2$ чўкмага тушмайди. Агар NiSO_4 ва $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]\text{SO}_4$ эритмаларига аммоний сульфид эритмаси қуйилса, NiS — қора чўкма ҳар иккала эритмада ҳам ҳосил бўлади, чунки NiS нинг эрувчанлик кўпайтмаси $\text{Ni}(\text{OH})_2$ никига қараганда анча паст, яъни ЭК _{NiS} = 1,4.

$\cdot 10^{-24}$; ЭК_{Ni(OH)₂} = $1,6 \cdot 10^{-14}$. Демак эритмадаги оз миқдордаги Ni²⁺ нинг бўлиши NiS — қора чўкмани ҳосил бўлишига олиб келади, чунки бу чўкма сувда жуда ёмон эрийди.


3.3. КОМПЛЕКС БИРИҚМАЛАР НОМЕНҚЛАТУРАСИ

Бу номенклатура бўйича таркибида катион бўлган комплекс бириқмаларни номлашда, аввало, комплекс бириқмадаги лигандлар номига «о» қўшимчаси қўшиб айтилади, масалан: F⁻ — фторо, Cl⁻ — хлоро, NO₂⁻ — нитрато, CN⁻ — циано, SCN⁻ — родано, OH⁻ — гидрсжко ва бошқа лигандлар. Агар лигандларнинг сони бирдан ортиқ бўлса, улар юонча рақамлар ёрдамида саналади: масалан, 2 — ди; 3 — три; 4 — тетра; 5 — пента; 6 — гекса; 7 — гепта; 8 — окта; 9 — —нона ва 10 — дека деб юритилади. Сўнгра ички сферада нейтрал молекулалар бўлса, уларнинг номи айтилади, масалан: NH₃ — аммин; NO — нитрозил; H₂O — аква ва бошқалар. Ундан кейин комплекс ҳосил қилувчи ионнинг номи айтилади. Уларни айтишда комплекс ҳосил қилувчи ионларнинг лотинча номи айтилади.


Агар комплекс заррача катион ҳолида бўлса, олдин манфий зарядланган лигандлар сони ва номи охирига «о» ҳарфини қўшиб, ундан кейин нейтрал лигандлар сони ва номи айтилади, сўнгра катион, унинг валентлиги ва охирида ташқи сфера аниони айтилади.
Масалан, [Co(NH₃)₄(NO₃)Cl]NO₃ — хлоронитротетрааммин кобальт (III) нитроит.



Комплекс ион анион ҳолида бўлса олдин катион ва кейин комплекс ион юқоридаги тартибда номланади, унинг охирига «ат» қўшимчаси қўшилади. Масалан,



Нейтрал комплекс бириқмалар шу қоидалар асосида ягона сўз билан номланади:



Оддий лигандлар сони юон рәқамлари орқали саналса, мураккаб лигандлар (этилендиамин, трифенилfosфин; ва бошқалар) «бис», «трист», «тетракис» перфикслари ёрдамида номланади.


Масалан:

$[Cr(NH_2 - CH_2 - CH_2 - NH_2)_3]Cl_3$ — трис (этилендиамин) хром (III) хлорид

$[Pt(PPh_3)_2Cl_2]$ — дихлоро — бис (трифенилфосфин) платина (II)

Күп ядроли комплекс бирикмаларда күирик лигандлари номидан олдин перфикс μ , түйинмаган органик бирикма лигандлик вазифасини бажарса перфикс η - қўшиб ёзилади.

Масалан,



номи — μ - дихлоро — бис (η - аллил) дипалладий (II)

$\left[(NH_3)Cl_2Pt \leftarrow \begin{matrix} CH_2 \\ || \\ CH_2 \right] \right.$ — дихлороаммин (η - этилен) платина (II)

Баъзан рационал номенклатурадан ҳам фойдаланиш мумкин, масалан: $K_4[Fe(CN)_6]$ — сариқ қон тузи; $K_3[Fe(CN)_6]$ — қизил қон тузи; $Fe_3[Fe(CN)_6]_2$ — турнбул кўки; $K_4[Fe(CN)_6]_3$ — Берлин сири.


3.4. ИОН АЛМАШИНИШ РЕАКЦИЯЛАРИНИНГ ТЕНГЛАМАЛАРИ

Ҳар бир кимёвий реакция тенгламалари ҳар хил кўришида ёзилиши мумкин.

Молекуляр ҳолда:



Тўлиқ ион-молекуляр ҳолда:




Кисқартирилган ион-молекуляр ҳолда:



Мисол тариқасида магний сульфат эритмаси билан калий фосфат эритмаси ўртасидаги реакция тенгламасини кўриб чиқамиз.

1. Авшало реакцияга киришувчи реагентларнинг формуласи реакциянинг чап томонида молекуляр ҳолда сиб чиқилади ва бу моддалар ўртасида «+» белгиси кийлади:



Реакцияга киришувчи моддалар кучли электролитлар бўлиб, реакциянинг бу шароитида оксидланиш-қайтарилиш хоссаларини намоён қилмайди, бу реакция ҳанникий ион алмашиниш реакциясидир.


2. Моддаларнинг эрувчаниги жадвалидан фойдаланиб, Mg^{2+} иони билан PO_4^{3-} ионлари ўзаро бирикиб, сувда ёмон ташибидиган $\text{Mg}_3(\text{PO}_4)_2$ кристалл моддани ҳосил қиласидар. K^+ иони билан SO_4^{2-} чўкма ҳосил қиласидар, чунки бу туз кучли электролит бўлиб, эритмада ион ҳолида қолади. Шунинг учун тенгламанинг ўнг ва чап томонини қўйичигача ёёса бўлади:



Бу реакцияда кимёвий мувозанат кам эрувчи $\text{Mg}_3(\text{PO}_4)_2$ чўкмасининг ҳосил бўлиш томонига қараб силжиди.

3. Тенгламанинг ўнг томонидаги моддалар таркибидаги элементларнинг валентликлари текширилади.

4. Тенгламанинг ўнг ва чап томонидаги элементларнинг атом сонларини текшириб, керакли коэффициентлар қўйиб чиқилади ва реакцияга қадар олинган атом сонлари реакцияда ҳосил бўлган моддаларнинг атом сонларига тенглашгач тенглик белгиси (=) қўйилади:



Тенгламаларни тенглаширишда Д. И. Менделеев даврий системаси муҳим аҳамиятга эга. Элементнинг турган даври ва групласига қараб, реакция вақтида қандай моддалар ҳосил бўлишини, қанча миқдорга эга бўлишини ва кимёвий мувозанат қайси томонга қараб йўналиши тўғрисида маълум бир тасаввурга эга бўлиш мумкин.






3.5. КИСЛОТА, АСОС ВА ТУЗЛАРНИНГ ОЛИНИШИ

A. Кислоталарнинг олиниши

а) Тузларга кислота таъсир эттириш йўли орқали янги кислота олиш мумкин:



б) Ангидридларни сувда эритиши орқали ёки баъзи бир металларнинг юқори оксидларини сувда эритилганда ҳам кислоталар ҳосил бўлиши мумкин:



в) Фосфор (V) хлоридни сувда эритиб:




г) Кислота ҳосил қилувчи моддаларни оксидлаш орқали:



д) Таркибида кислород сақлаган кислота қолдигидан тузилган тузларнинг сувли эритмасини электролиз қилиш орқали:


Катодда:

Анодда:




қайтарилиш

оксидланиш



е) Металлмасларнинг водород билан ҳосил қилган биримасини сувда эритиб кислота ҳосил қилиш мумкин:



I ҳажм сувда 500 ҳажм HCl эрийди. HCl нинг сувда-ги эритмасига хлорид кислота дейилади.

B. Асосларнинг олиниши

1) Ишқорий ва ишқорий-ер металлари тузларининг сувдаги өртмаларини электролиз қилиш орқали: KCl , NaCl , BaCl_2

Қатодда

Анодда




қайтарилиш


оксидланиш




2) Оғир металлар тузларининг сувдаги өртмаларига ишқор таъсир эттириб:



3) Актив металлар оксидларини сувда әритиб:



Актив металларнинг сув билан реакцияси натижасида:




B. Тузларнинг олиниши

1. Кислоталарга металларни таъсир эттириб:



2. Кислоталарга ишқор ёки асос таъсир эттириб:




3. Кислоталарга металл оксидларини таъсир эттириб:



4. Тузларни бир-бирига таъсир эттириб:



5. Кислоталарни тузларга таъсир эттириб:



6. Металлар билан металлмасларни ўзаро бир-бирига таъсир эттириб:



7. Металл оксидлари билан кислотали оксидларни ўзаро бир-бирига таъсир эттириб:



8. Асосларга ангидридларни таъсир эттириб:




9. Пассив металл тузларига актив металларни таъсир эттириб:




Г. Нордон тузларнинг олиншии

1. Кўп негизли кислоталарнинг битта ёки иккита водороди ўрнини металл атоми билан алмаштириш орқали:



2. Кўп негизли кислоталарга ўрта тузларни таъсир эттириб:




3. Ўрта тузларга сувли шароитда шу туз таркибиغا кирувчи кислота ангидриди таъсири натижасида:




Д. Асосли тузларнинг олиншии


1. Асосларнинг тўлиқ нейтралланмаслиги натижасида ҳосил бўлади.



2. Ўрта тузларнинг ишқорлар билан бўлган реакциялари натижасида ҳосил бўлади:



Шунингдек, асосли ва нордон тузлар ўрта тузларнинг гидролизи вақтида ҳам ҳосил бўлиши мумкин:



Ион алмашиниши реакциялари фан ва техникада кенг қўлланилади. Улардан тузларни олишда ва уларни тозалашда, рудалар таркибидан металларни ажратиб олишда, катион ва анионларни ажратишда, витаминларни тозалашда, шур сувлағни тузсизлантириш ва юм-70

шатишида гидролиз йўли билан глюкоза, ксилоза ва кўп атомли спиртларни олишда, этил спирти ва озиқ-овқат сапоатида ишлатиладиган кислоталарни олишда муҳим роль ўйнайдилар.

3.6. МАШҚЛАР

1. Чўқмалар ҳосил бўлиши ва эриши билан борадиган реакциялар

Чўқмаларни ҳосил бўлиши ва эриши билан борадиган реакциялар тенгламаларини тузишда китобнинг орқа қисмида берилган тузларнинг эрувчанилиги жадвалидан албатта фойдаланиш керак бўлади.

1. Қуйида келтирилган реакция тенгламаларини молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг:

- а) темир (III) хлорид билан натрий фосфат,
- б) барий хлорид билан калий хромат,
- в) темир (II) сульфат билан калий гидроксид,
- г) стронций хлорид билан сульфат кислота,
- д) кобальт (II) нитрат билан барий гидроксид,
- е) марганец (II) бромид билан аммоний сульфид,
- ж) қўроғошин нитрат билан водород сульфид,
- з) натрий хлорид билан кумуш нитрат,
- и) титан (IV) хлорид билан кумуш нитрат,
- к) висмут (III) хлорид билан водород сульфид,
- л) натрий сульфид билан никель сульфат,
- м) қўроғошин нитрат билан натрий хлорид,
- н) алюминий хлорид билан кумуш сульфат,
- о) натрий фосфат билан алюминий сульфат,
- п) темир (II) хлорид билан кальций фосфат.

2. Қуйидаги келтирилган тузларнинг ўзаро реакциялари натижасида ҳосил бўладиган кам эрувчан тузларнинг ионли тенгламаларини тузинг: калий хлорид, натрий фосфат, аммоний сульфид, мис сульфат, барий нитрат, кумуш нитрат.

3. Реакция тенгламасини ионли қўринишда ёзинг:



4. Қўйидаги реакция тенгламасини охирига етказинг:



5.* Чўқмаларнинг ҳосил бўлиш ва эриш шароитларини мисоллар асосида тушунтиринг.

6.* Моддаларнинг эрувчанлиги асосида нима учун суюлтирилган хлорид кислотада ZnS эришини ва HgS нинг эримаслигини тушунтиринг.

B. Газ ажralиб чиқиши билан борадиган реакциялар

7. Қўйидаги реакция тенгламаларини молекуляр ва ионли қўринишда ёзинг:

- а)* темир (II) сульфид билан хлорид кислота,
- б) суръма (III) сульфид билан хлорид кислота,
- в) магний силицид билан сульфат кислота,
- г) кальций фосфид билан нитрат кислота,
- д) кальций карбид билан сув,
- е) рух арсенит билан хлорид кислота,
- з) алюминий карбид билан сув.

B. Кучсиз электролит ҳосил бўлиши билан борадиган реакциялар

8. Қўйидаги моддаларнинг эритмалари ўртасида борадиган реакцияларнинг молекуляр ва ионли тенгламаларини ёзинг:

- а)* фосфат кислота ва кальций гидроксид,
- б) натрий бисульфат билан натрий гидроксид,
- в) сульфат кислота билан калий гидроксид,
- г) кальций бикарбонат билан кальций гидроксид,
- д) алюминий гидроксид билан сульфат кислота,
- е) натрий силикат билан хлорид кислота,
- ж) кальций бикарбонат билан бромид кислота,
- з) натрий цианид билан сульфат кислота,
- и) калий оксалат билан нитрат кислота,
- к) аммоний хлорид билан литий гидроксид,
- л) кальций гидроксид билан углерод (IV) оксид.

9. Кучсиз электролитлар: HCN , H_2SiO_3 , H_3BO_3 ҳосил бўлишида кимёвий мувозанат шу моддалар ҳосил бўлиши томонига қараб силжиши билан борадиган реакцияларнинг кимёвий тенгламаларини тузинг.

10.* Қўйидаги тузларнинг гидролиз реакция тенгламасини тузинг ва реакция муҳитини кўрсатинг: а) рубидий сульфид; б) натрий ортофосфат; в) мис сульфат,

* шундай белгили масалаларнинг ечими 7-қисмда келтирилган.

11. алюминий нитрат, д) рух нитрат, е) магний хлорид, ж) хром сульфид, з) темир оксалат.

11. Қуйидаги тузларнинг қайси бири түлиқ гидролизшади? а) $(\text{NH}_4)_2\text{CO}_3$, NH_4Cl , K_2S , Al_2S_3 , б) қуйидаги тузларнинг сувли эритмаларида борадиган гидролиз реакцияси натижасида рўй берадиган реакция муҳитини кўрсанти ZnCl_2 , $\text{Al}(\text{CH}_3\text{COO})_3$, FeCl_3 .

12. K_2S , KCN , $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$, Cr_2S_3 , CuCl_2 , ZnCl_2 тузларнинг гидролиз реакциясининг молекуляр ва ионли кўринишларини ёзинг. Гидролиз натижасида муҳит қандай бўлади?

13. Қуйидаги AlCl_3 , K_2CO_3 , NaCl тузларнинг сувли эритмалари қандай муҳитни (нордон, нейтрал ёки ишқорий) наимоён қилади.

14. $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ ва Na_2S эритмалари аралаштирилганда алюминий гидроксид — $\text{Al}(\text{OH})_3$ чўкмага тушади. Бунинг сабабини тушунтиринг ва реакция тенгламасини ёзинг.

15. FeCl_3 эритмаси қиздирилганда гидролиз босқичли бориб $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ҳосил бўлиши билан тугалланади. Учала босқични ва умумий реакция тенгламаларини ёзинг.

16. $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$ ва Na_2SO_3 эритмалари аралаштирилганда $\text{Al}(\text{OH})_3$ чўкмага тушади. Бунинг сабабини тушунтиринг ва реакция тенгламасини ёзинг.

17. Нима учун NaH_2PO_4 тузининг сувдаги эритмаси кучсиз кислотали, Na_3PO_4 эритмаси эса кучли ишқорий характерга эга. Реакциянинг ионли тенгламаларини ёзинг.


18. FeCl_3 ва Na_2CO_3 концентранган эритмалари аралаштирилганда $\text{Fe}(\text{OH})_3$ ҳосил бўлиб, CO_2 гази ажралиб чиқади. Реакциянинг ионли тенгламасини ёзинг.

19. Тузларнинг гидролизланишида кимёвий мувознатни маълум бир томонга силжитиш учун қандай факторлар таъсир этади?



20. Қандай тузларнинг сувли эритмалари ўзаро бирбири билан реакцияга киришганда, молекуляр тенгламалари қуйида келтирилган ионли тенгламаларга мос келади?



21. Қуйидаги тенгламаларни молекуляр кўринишда охирига етказинг:



22. Қүйидаги тенгламаларни молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг (керакли ўринда сув молекулалари иштирок этиши мумкин):




23. Қүйидаги асос ва нордон тузларни қандай реакция ёрдамида ўрта тузларга айлантириш мумкин?



24. Қүйидаги тузларни олишда кислоталарнинг асослар билан нейтралланиш реакция тенгламаларини ёзинг:

а) кальций фосфат; б) алюминий нитрат; в) кальций арсенат; г) рух сульфат; д) калий карбонат.


25. Асосларнинг кислоталар билан чала нейтралланиш реакция тенгламаларини ёзинг (нордон тузлар ҳосил бўлади):






26. Асосли тузларнинг ҳосил бўлиш реакция тенгламаларини ёзинг:



27. Қүйидаги кислота ва асосларнинг ўзаро реакцияси натижасида ҳосил бўладиган ўрта, нордон ва асосли тузларнинг реакция тенгламаларини ёзинг:



28. Қүйидаги схемалардан фойдаланиб, ионли тенгламалар тузинг:



- г) $\text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{CaCl}_2 \rightarrow \text{CaCO}_3 \downarrow + \text{NaCl}$
 д) $\text{Ba}(\text{NO}_3)_2 + \text{MgSO}_4 \rightarrow \text{BaSO}_4 \downarrow + \text{Mg}(\text{NO}_3)_2$
 е) Барий хлорид + мис сульфат \rightarrow барий сульфат + мис хлорид
 ж) сульфат кислота + калий гидроксид \rightarrow калий сульфат + сув
 з) нитрат кислота + натрий гидроксид \rightarrow натрий нитрат + сув
 и) хлорид кислота + кальций гидроксид \rightarrow кальций хлорид + сув
 к) бромид кислота + натрий гидроксид \rightarrow натрий бромид + сув
 л) водород сульфид + натрий гидроксид \rightarrow натрий сульфид + сув
 м) темир сульфид + хлорид кислота \rightarrow водород сульфид + темир хлорид.
29. Қүйидаги ионли схемалар асосида молекуляр тенгламалар тузинг:

- а) $\text{Al}(\text{OH})_3 + \text{H}^+ \rightarrow \text{Al}^{3+} + \text{H}_2\text{O}$
 б) $\text{Fe}^{2+} + \text{S}^{2-} \rightarrow \text{FeS}$
 в) $\text{CaCO}_3 + \text{H}^+ \rightarrow \text{CO}_2 + \text{H}_2\text{O}$
 г) $\text{Fe}(\text{OH})_3 + \text{H}^+ \rightarrow \text{Fe}^{3+} + \text{H}_2\text{O}$
 д) $\text{Pb}^{2+} + \text{H}_2\text{S} \rightarrow \text{PbS} + \text{H}^+$
 е) $\text{Pb}^{2+} + \text{Cl}^- \rightarrow \text{PbCl}_2$

30. Қүйидаги катион ва анионлардан хосил бўлган тузларнинг формуулаларини ёзинг:

- | | |
|--|--|
| а) Na^+ ва NO_3^- , | Li^+ ва HSO_4^- , |
| б) Ca^{2+} ва NO_3^- , | Pb^{2+} ва I^- , |
| в) Mg^{2+} ва NO_3^- , | Sr^{2+} ва HS^- , |
| г) K^+ ва SO_4^{2-} , | Mg^{2+} ва HSO_4^- |
| д) Zn^{2+} ва SO_4^{2-} , | AlOH^{2+} ва SO_4^{2-} |
| е) Al^{3+} ва Cl^- , | Ba^{2+} ва HS^- |
| ж) ZnOH^+ ва Cl^- , | Co^{2+} ва HS^- , |
| з) $\text{Fe}(\text{OH})_2^+$ ва Cl^- , | Fe^{3+} ва SCN^- , |
| и) FeOH^{2+} ва Cl^- , | Al^{3+} ва SO_4^{2-} |


31. Формулалари H_2SO_3 , H_2SO_4 , H_2S , H_3AsO_4 бўлган кислоталарнинг кислота қолдиқларидан қайсилари нордон тузлаар таркибига киради?

32. Реакция қўйидаги тенглама бўйича боради:



Шу реакциянинг тенгламасини молекуляр шаклда ёзинг.

33. Қўйидаги электролитларнинг босқичли диссоциланиш тенгламаларини тузинг:



34. Қўйидаги моддалар эритмаларида қандай ионлар бўлади: H_2SO_4 , $NaHCO_3$, H_2S , $Mn(OH)_2$, HNO_3 , $LiOH$, CH_3COOH .

35. Қўйида берилган моддалар ўртасидаги реакция тенгламаларини молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг:

- а) қўрғошин (II) нитрат ва калий йодид,
- б) симоб (II) нитрат ва водород сульфид,
- в) хром хлорид ва натрий гидроксид,
- г) қалай хлорид ва калий гидроксид.

Г. Комплекс ионлар ҳосил бўлиши билан борадиган реакциялар

36. Қўйидаги реакция тенгламаларини молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг:

- а)* кобальт (II) роданид билан аммоний роданид,
- б) калий цианид билан никель цианид,
- в) кадмий сульфат билан аммиак,
- г) мис (II) хлорид билан аммиак,
- д) кумуш йодид билан натрий тиосульфат,
- е) кадмий хлорид билан калий цианид.

37. Қўйидаги комплекс бирикмаларда:

- | | |
|-----------------------------|-----------------------------|
| а) $[Cr(NH_3)_6]Cl_2$, | б) $[Cr(H_2O)_5Cl]$, |
| в) $[Cr(H_2O)_3(NH_3)_3]$, | г) $[Cr(C_2O_4)_2(OH)_2]$, |
| д) $Cr(NH_3)_5NO_2$, | е) $[Cr(NH_3)_4(H_2O)]$. |

Хромнинг оксидланиш даржаси +3 га тенг. Бу бирикмалардаги комплекс ионнинг зарядини ва комплекс ҳосил қилувчининг координацион сонини аниқланг.

38. Қўйидаги оксидланиш даражаси +2 га тенг бўлган палладий, платина, темир ва никель билан ҳосил

қилингган комплекс бирикмалардаги а) $[Pd(NH_3)_5Cl_3]$, б) $[Pd(NH_3)_2Cl_2]$, в) $[Pt(NH_3)_3NO_2]$, г) $[Fe(NH_3)_5CN]$, д) $[Ni(CN)_4]$, е) $[Fe(CN)_6]$ комплекс ионлар зарядининг миқдорини ва ишорасини аниқланг.

39. Қўйидаги комплекс бирикмалардаги

а) $K_2[Cu(CN)_4]$, б) $[Ni(NH_3)_6]SO_4$, в) $Zn[Ni(CN)_4]$, г) $K[AuCl_4]$, д) $Cu_2[Fe(CN)_6]$, е) $[Cu(NH_3)_4]Cl_2$, комплекс ҳосил қилувчининг оксидланиш даражасини ва координацион сонини аниқланг.

40. а) $Ca[PtCl_6]$, б) $[Cr(H_2O)_6]Cl_3$, в) $[Pt(NH_3)_5Cl_3]$, г) $K_2[SiF_6]$, д) $K[Co(NH_3)_2(NO_2)_4]$, е) $[Ni(NH_3)_6]SO_4$

комплекс бирикмалар ҳосил қилувчисининг оксидланиш даражасини ва координацион сонини ҳисобланг.

41. Таркиби а) KCN , $AgCN$; б) $AgCl \cdot 2NH_3$; в) $2KCN \cdot Cu(CN)_2$; г) $CuSO_4 \cdot 4NH_3$; д) $FeCl_3 \cdot 6H_2O$; е) $2KI_2 HgJ_2$ дан ташкил топган комплекс бирикмалардаги комплекс ион зарядини ва ишорасини аниқланг.

42. Таркиби: а) $Co(CN)_3 \cdot 3NaCN$; б) $Cu(NO_3)_2 \cdot 2NH_3$; в) $Co(NO_2)_3 \cdot 3NH_3$ дан ташкил топган комплекс бирикмаларнинг формулаларини ёзинг. Бу бирикмалардаги комплекс ҳосил қилувчисининг оксидланиш даражасини ва координацион сонини аниқланг.

43. Қўйидаги комплекс бирикмаларда а) $CoBr_3 \cdot 4NH_3 \cdot 2H_2O$; б) $CoCl_3 \cdot 4NH_3$, в) $CoCl_3 \cdot 4NH_3 \cdot H_2O$, кобальтнинг оксидланиш даражаси +3 га teng. Бу бирикмаларнинг сувдаги эритмаларида ионларга диссоциланишини ёзинг.

44. Қўйидаги комплекс бирикмаларда а) $PtCl_2 \cdot 4NH_3$; б) $PtCl_2 \cdot 2NH_3$; в) $PtCl_2 \cdot KCl \cdot NH_3$; г) $PtCl_2 \cdot 2HCl$, платинанинг оксидланиш даражаси +2 га teng. Бу бирикмаларнинг ионларга диссоциланишини ёзинг.

45. Жуфтлаб олинган қўйидаги тузлар

- а) $K_4[Fe(CN)_6]$ ва $FeCl_3$,
- б) $K_3[Fe(CN)_6]$ ва $FeSO_4$,
- в) $Na_3[Co(NO_2)_6]$ ва KCl .

орасида борадиган алмашиниш реакцияларининг молекуляр ва ионли тенгламаларини ёзинг.

46. Қўйидаги бирикмалар таркибидаги комплекс ҳосил қилувчи ионнинг оксидланиш даражасини аниқланг: $[Cu(NH_3)_4]SO_4$; $K_2[PtCl_6]$; $K_2[Zn(CN)_4]$.

47. Қўйидаги бирикмалар таркибидаги комплекс ҳосил қилувчи ионларнинг оксидланиш даражаси ва координацион сонини аниқланг: $[Ag(NH_3)_2]NO_3$; $[Pt(NH_3)_4]Cl_2$; $K_2[Mo(CN)_7]$

48. Қуйидаги бирикмаларни комплекс бирикмалар тарзидан ёзинг:



49. Қуйидаги бирикмаларни диссоциланиш тенгламасини ёзинг:



4. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИ

4.1. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ЖАРАЁНИ

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари жуда кенг тарқалган бўлиб, улар назарий ва амалий жиҳатдан реакциялар орасида муҳим роль ўйнайдилар.

Буғ қозонлари ва машина двигателларида ёқилғиларнинг ёниши, металларни электролитик чўқтириш, гальваник элементларда ва аккумуляторларда борадиган кимёвий жараёнларнинг барчаси оксидланиш-қайтарилиш реакциялари асосида боради. Оддий моддалар (темир, хром, марганец, никель кобальт, вольфрам, мис, кумуш, рух, олтингугурт, хлор, йод ва бошқалар), шунингдек қимматбаҳо кимёвий маҳсулотлар (аммиак, ишқорлар, сульфит ангидрид, нитрат ва сульфат кислоталар) нинг олиниш усуллари оксидланиш-қайтарилиш реакциялари асосида боради. Аналитик кимёда қўлланиладиган перманганатометрия, йодометрия, броматометрия каби илмий-текшириш ишларида қўлланиладиган услублар оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари асосида боради.

Оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари табиатнинг энг асосий жараёнларидан биридир. Нафас олиш, ўсимликлар томонидан карбонат ангидрид газининг ютилиши унинг ўрнига соғ кислородни ажратиши, моддалар олмашинуви каби биологик ҳодисалар оксидланиш-қайтарилиш жараёнларига асосланган.

Узоқ йиллар мобайнида одамлар оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидан фойдаланиб келдилар, ёммо унинг туб маъносини ўша вақтларда чуқур тушунмаганлар.

Фақат XX асрнинг бошларида оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг электрон назарияси яратилади. Ана шундай назариянинг тадқиқотчиларидан Л. В. Пи-

саржевский, Я. И. Михайленко, А. М. Беркенгейм ва бошқалар эдилар.

Оксидланиш-қайтарилишнинг ҳозирги замон назариясини тушуниш учун, аввало элементларнинг электрон тузилишини, уларнинг оксидланиш даражаларини тушуниб етмоқ зарур.

4.2. ВАЛЕНТЛИК ВА ОКСИДЛАНИШ ДАРАЖАСИ

Валентлик сўзи лотинча сўз бўлиб — *valentia* — куч, иъни маълум бир элемент атоми бошқа элементнинг нечта атомини бириктириб олишга кучи етади,— демакдир. Кимёвий элементнинг валентлиги бўйича бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан кимёвий боғланиши ҳам тушунилади.

Валентлик тушунчаси мураккаб тушунчадир, у кимёвий боғланиш тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир.

Биринчи марта элементларнинг валентлиги водород бўйича аниқланган, чунки водород доимий ўзгармас бир валентли бўлиб, валентлик тушунчасини элементнинг атоми нечта водород атомини бириктириб олганлиги ёки бошқа элемент атоми бирикмада нечта водород атомининг ўрнини олишига қараб белгилаганлар. Шунинг учун ҳам валентлик қоидаси қуидагича таърифланган:

Элементнинг бир атомига неча атом водород биришини ёки алмашинишини кўрсатадиган сон шу элементнинг валентлиги деб аталади.

Агар элемент водород билан бирикма ҳосил қилмай, кислород билан бирикма ҳосил қилган бўлса, бундай элементнинг валентлиги кислородга нисбатан олинади. Бунда кислороднинг валентлиги иккига teng деб олинниб, агар кислород кремний билан диоксид ҳосил қилган бўлса, Si^{+4} , яъни иккита кислород атоми билан битта кремний атоми бирикканлиги учун кремнийнинг валентлиги тўртга teng деб олинади. Шундай қилиб CO_2 да углерод валентлиги тўрт, SO_3 да олингугурт валентлиги 6, P_2O_5 , N_2O_5 ларда азот ва фосфорнинг валентликлари 5 га teng деб олинди. Валентлик водород бўйича 1 дан 4 гача (HF , SiF_4), кислород бўйича 1 дан 8 гача (Na_2O , OsO_4) teng бўлиши мумкин. Бундан ташқари, валентлик бошқа элементга нисбатан аниқланиши мумкин. Масалан, хлор бир валентли эканлиги маълум. Хлорли бирикмалар KCl , BaCl_2 ,


FeCl_3 , SiCl_4 , PCl_5 ларда, калий бир, барий икки, темир уч, кремний түрт ва фосфор беш валентли эканлиги формуладан күриниб турибди. Валентликни маълум бир элемент атомининг кимёвий боғланиши бўйича (ковалентлиги) ёки шу атом атрофида тўпланган (координацияланган) атомлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин.

Баъзи бир элементларнинг валентлиги доимийdir. Масалан: натрий ўзининг барча бирикмаларида бир валентли, рух икки валентли, лантан, алюминий уч валентлидир. Аммо валентлик жуда кўп элементларда реакциянинг бориш шароитига қараб, реакцияга кираётган элементларнинг табиатига кўра ўзгарувчан бўлади. Масалан, титан хлор билан бирикib TiCl_2 , TiCl_3 , TiCl_4 , яъни титанинг валентлиги 2, 3, 4 бўлиши мумкин. Титан ўзгарувчан валентли элементидир. Худди шунга ўхшаш жуда кўп элементлар ўзгарувчан валентлик (2, 3, 4, 6 ва 7 валентликлар)га эга.

Элементларнинг юқори валентлиги ўша элементнинг Д. И. Менделеев даврий системасининг неchanчи группасида жойлашганлиги билан белгиланади. Даврий система бўйича валентлик 1 дан 8 гача бўлиши мумкин. Аммо давр ва группалардаги элементларнинг валентликлари ўзгарувчанлиги уларни доимий ҳолда қолдирмайди, балки ҳар хил бирликда ўзгартириб туради. Масалан, даврий системанинг асосий группача элементларнинг валентлиги доимий ўзгармас: Li^+ , K^+ , Na^+ бўлса, қўшимча группача элементлари: Ag 1, 2, мис 1, 2, 3 олтин 1, 2 ва ҳатто 3 валентликни ҳам намоён қиласди. Группалар бўйича, масалан, саккизинчи группада жойлашган рутений ёки осмийда 8 валентлик намоён бўлса ҳам, аммо темир, кобальт ва никелда валентлик 2 ва 3 дан ошмайди (темирда +6 ҳолати маълум).


Элементларнинг структура формулаларида валентлик кўпинча элементларни бирлаштирувчи валент чизиқчалари билан ифодаланади. Чизиқчаларнинг сони элементнинг валентлигига ҳар доим тенг бўлади. Молекулаларда ўзаро бириккан атомлар валентлиги билан иккинчи элемент атомининг валентлиги бир-бирига тўғри келади ва молекула нейтрал бўлади.

Масалан, қўйидаги бирикмаларда атомлар орасида валент чизиқча (—), (=), (≡) ёки нуқталар (:) билан берилган.




Ҳар бир валент чизиқча бир жуфт электронга түфри келади. Молекулада ҳар иккала атом ўртасида камиданың бир жуфт электрон жойлашади. Молекула ҳосил бўлишида атомлар ўртасида икки (ёки жуфт) электрон бўлиши, ягона чизиқ билан ишораланади, атомлар орасида қўш боғ бўлса икки жуфт электронлар ёки икки чизиқ «=» орқали ва ниҳоят, уч боғ бўлса учта жуфт электронлар ёки уч чизиқ «==», воситасида кўрсатилилади.

Масалан, этиленда углерод атомлари $\text{C} = \text{C}$ ҳолда бўлса, ацетиленда эса $\text{C} \equiv \text{C}$ ҳолда бир-бiri билан боғлананиши мумкин:




Нитрат кислотанинг структура формуласи:




Азот электронининг биттаси кислород атомига ўтганлиги учун азотда тўртта тоқ электрон бўлади ва натижада азот тўртта ковалент кимёвий боғланиш ҳосил қиласида. Шунинг учун ҳам нитрат кислота молекуласида азотнинг ковалентлиги тўртга тенг.

Ҳозирги вақтда нитрат кислотанинг структура формуласи шундай тасвиirlанади:



Бунда шу назарда тутиладики, фақат азот билан боғланган иккала кислород атоми тенг қимматлидир, улар азот атомидан бир хил масофада туради ва ҳар бирида электроннинг ярим заряди бўлади, яъни азотнинг тўртингчи боғи иккала кислород атоми орасида тенг бўлинган. Бундай ёзилишда молекуладаги атомлар ташқи поғонасидағи электрон конфигурациялари барқарор бўлади: кислород билан азот саккиз электронли, водород икки электронли конфигурация ҳолатида бўлади.

Нитрат кислотани ҳар томонлама ўрганиш натижасида унинг структура формуласи қўйидагича тузилишга эга эканлиги аниқланган:




Моддаларнинг структура формулалари инифақат модданинг қандай атомлардан тузилганлигини, балки, молекулада атомларнинг бир-бiri билан қандай боғланганлиги ҳақида ҳам тўлароқ тушунча беради.

Моддаларнинг структура ҳолларини ўрганиш асосан 1861 йилда эълон қилинган А. М. Бутлеровнинг органик моддаларнинг кимёвий тузилиш назариясига таянади. Д. И. Менделеев даврий системаси ва даврий қонуни, А. М. Бутлеровнинг эслатилган назариясига асосан кимёвий реакциялар жараёнида молекулаларнинг кимёвий хоссалари молекула таркибидаги атомларнинг сонига, молекулаларнинг кимёвий тузилишига, эритувчиларнинг табиатига ва моддаларнинг агрегат ҳолатига боғлиқлигини кўрсатади.

Маълумки, ҳар хил таркибли ва ҳар хил тузилишга эга бўлган молекулалар ҳар хил кимёвий хоссаларга эга бўлади. Молекулаларнинг кимёвий хоссаларига атомларнинг ўзаро жойлашиши ва кетма-кетлиги ҳам таъсир этади. Масалан, кимё фанида бир хил таркибли ва бир хил молекуляр оғирликка эга бўлган моддалар

ҳар хил кимёвий хоссаларга ҳам эга бўлиши кенг тарқалган маълумотдир (изомерия ҳодисаси). Масалан: $\text{C}_2\text{H}_6\text{O}$ икки хил молекуляр тузилишга эга, яъни:



Этил спирт $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ $78,3^\circ\text{C}$ да қайнаса, эфир эса — $23,65^\circ\text{C}$ да қайнайди. Этил спирт глюкозанинг спиртли бижгишида ҳосил бўлади. Лекин диметил эфир фақат синтез қилиб олинади. Этил спирт ишқорий металлар билан реакцияга киришиб, водород атоми сиқиб чиқарилади, аммо эфир бундай реакцияга киришмайди, чунки этил спиртида водород атоми кислород атоми билан бириккан бўлса, эфирда эса — $\text{C} - \text{H}$ мустаҳкам ковалент боф орқали бириккан, бу атом қўзғалувчан хоссага эга эмас.

4.3. ОКСИДЛАНИШ ДАРАЖАСИ

Оксидланиш даражаси кимёдаги асосий тушунчалар жумласига киради. Баъзан оксидланиш даражаси «оксидланиш сони» ёки электрокимёвий валентлик ҳам дейилади. Бу тушунчани таърифлашда, молекулаларда боғловчи электронлар электрманфий атомларга силжийди, шу сабабли электронлар фақат мусбат ва манфий зарядланган ионлардан таркиб топади деб шартли равишда тахмин қилинади. Ҳақиқатда эса доимо ҳам шундай бўлавермайди. Кўпчилик ҳолларда электронлар бир атомдан иккинчисига батамом ўтмайди, фақат электрон булатлар ёки аниқроғи, боғловчи электрон булатлар бир атомдан бошқа атомга (маълум даражада) силжийди.

Оксидланиш даражаси — атомнинг молекуладаги шартли заряди бўлиб, у молекула фақат ионлардан таркиб топган деган тахмин асосида ҳисоблаб топилади. Бошқача айтиш ҳам мумкин: Оксидланиш даражаси — бу модда молекуласи фақат ионлардан тузилган деб фараз қилингандаги элементларнинг электровалентлигидир.

Оксидланиш даражаси валентликдан фарқ қилиб, манфий, мусбат ва ноль қийматга эга бўлиши мумкин, бу қийматлар одатда элемент символининг тепасига ёки юқориги ўнг бурчагига рақам олдидан плюс ёки минус ишораси қўйилади. Масалан, $\text{Na}_2^+ \text{O}^{-2}$, Cl_2^0 бу моле-

кулаларда кислороднинг оксидланиш даражаси — 2, натрий-ники + 1 ва хлорники эса 0 эканлиги кўриниб турибди.

Ишқорий металларнинг оксидланиш даражаси барча бирикмаларида +1 га, ишқорий-ер металларники эса +2 га тенг бўлади. Оддий моддалар: H_2 , F_2 , Cl_2 , Na , Fe нинг оксидланиш даражаси нолга тенг бўлади, чунки уларда боғловчи электрон булат силжимаган бўлади.

Мураккаб бирикмалардаги атомларнинг оксидланиш даражасини ҳисоблаб топиш мумкин, бунда молекулада атомлар оксидланиш даражаларининг алгебраик йиғиндиси доимо нольга, мураккаб ионда эса ионнинг зарядига тенг бўлишини эътиборга олиш лозим.

Эркин ҳолда ёки кимёвий бирикмалар таркибидаги атомнинг оксидланиш даражасини топиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилмоқ зарур:

1. Кислород атоми ўзининг кўп бирикмаларида асосан —2 оксидланиш даражасини намоён қилади. Фақат OF_2 ва Me_2O_2 бирикмаларда тегишли тартибда, +2 ва —1 оксидланиш даражасига эга бўлади.

Водород эса кўпинча +1, баъзи металл гидридларида эса —1 оксидланиш даражасини намоён қилади. Масалан, $\text{Ca}^{+2}\text{H}_2^-$, Na^+H^- ва ҳоказо.

2. Атомларнинг оксидланиш даражаси оддий ионли бирикмаларда унинг электр заряди билан белгиланади. Масалан, калий хлоридда калийнинг оксидланиш даражаси +1, хлорники эса —1.

3. Агар молекула ковалент боғланиш асосида ҳосил бўлган бўлса, электрманфийлиги кўп бўлган атомнинг оксидланиш даражаси минус билан, электромусбат атомнинг оксидланиш даражаси мусбат, яъни «+» билан кўрсатилади. Масалан, SO_2 да олтингугуртнинг оксидланиш даражаси +4, кислородники эса —2.

4. Молекула доимо электронейтралdir, чунки молекуладаги барча атомларнинг оксидланиш даражасининг умумий йиғиндиси нейтрал бўлиши керак. Демак, шундай экан молекуладаги атомларнинг оксидланиш даражасини ҳисоблаб топиш мумкин. Масалан, H_2SO_3 даги олтингугуртнинг оксидланиш даражасини ҳисоблаб топайлик: бу бирикмада водороднинг оксидланиш даражаси +1, кислородники —2, олтингугуртникини эса X билан белгилаймиз. Яъни қуйидаги тенгламани тузамиз, $(+1)2 + X + (-2)3 = 0$, $2 + X - 6 = 0$, $X = 6 - 2 = 4$,

4. Демак олтингүгүртнинг оксидланиш даражаси +4 га тенгdir. Худди шундай йўл билан қўйидаги бирикмалар таркибидаги элементларнинг оксидланиш даражасини ҳисоблаб топиш мумкин. NaCl , HOCl , HClO_2 , ClO_2 , HClO_3 , Cl_2O_6 , HClO_4 лар таркибидаги хлор атомининг оксидланиш даражаси ҳисобланганда: -1, +1, +3, +4, +5, +6 ва + эканлиги маълум бўлади.

5. Комплекс бирикмаларда асосан марказий атомнинг оксидланиш даражаси кўрсатилади. Масалан, $\text{K}_3[\text{Fe}(\text{CN})_6]$ да темирнинг оксидланиш даражаси +3, $[\text{Ni}(\text{NH}_3)_6]\text{SO}_4$ да никелниң оксидланиш даражаси +2, $\text{K}_2[\text{PtCl}_6]$ да эса платинани +4 га тенгdir.

6. Молекуласи бир хил элементлардан тузилган моддаларда ўша элементларнинг оксидланиш даражаси 0 га тенг бўлади (масалан, H_2 , F_2 , O_2 лар). Шунингдек металларда ҳам рентгеноструктур текширишларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, уларда оксидланиш даражаси 0 га тенг бўлади (Na , Fe , Ca , Al , Pt , Zn ва бошқалар).

7. Жуда кўп органик бирикмаларда кучсиз қутбли кимёвий боғланиш мавжуддир. Электроманфий элементлар (фтор, кислород, хлор, азот каби)нинг углеродга бирикиши углерод атомлари ва унга бирикаётган элементларнинг атомлари ўртасида электрон булутининг ўзгаришига, яъни яна ҳам шу атомлар ўртасидаги қутблиликни оширишга олиб келади. Бундай бирикмалар таркибидаги атомларнинг оксидланиш даражасини ҳам ковалент боғланишли қутбли бирикмалардаги атомларнинг оксидланиш даражасини топган каби аниқлаш мумкин.

Элементнинг оксидланиш даражаси ҳамма вақт ҳам валентликка тенг бўлавермайди. Буни қўйидаги 8- жадвалдан кўриш мумкин (унда азот молекуласи ва унинг баъзи кимёвий бирикмаларидағи азот атомининг валентлиги ва оксидланиш даражасининг қийматлари берилган).


Кўпгина органик бирикламлар: метан CH_4 , метил спирти CH_3OH , формальдегид CH_2O ва чумоли кислотаси HCOOH да углерод атомининг оксидланиш даражаси -4, -2, +0, +2 га тенг бўлса, унинг валентлиги ҳамма бирикмаларда доимо тўртга тенгdir.

Кимёвий бирикмалар таркибидаги элементларнинг оксидланиш даражасини билиш ўша модданинг кимё-

**Азотнинг баъзи бир кимёвий бирикмаларидағи валентлиги
ва оксидланиш даражаси**

Моддалар	Формуласи	Валент- лиги	Оксид- ланиш даражаси
Азот молекуласи	N_2 ; $\ddot{N} \equiv \ddot{N}$	3	0
Аммиак	NH_3 ; $H-N\ddot{:}$ $\quad\quad\quad $ $\quad\quad\quad N$	3	-3
Гидразин	N_2H_4 ; $\begin{array}{c} H & .. \\ > & N - N < \\ H & .. \end{array}$ $\quad\quad\quad H$	3	-2
Гидроксиламин	NH_2OH ; $\begin{array}{c} O & .. \\ & \\ & H \end{array}$ $\quad\quad\quad H$	3	-1
Аммоний иони	NH_4^+ ; $[H-N-H]^+$ $\quad\quad\quad $ $\quad\quad\quad H$	4	-3

вий хоссаларини ўрганишга кўпроқ имкон беради. Масалан, кислороднинг қуйидаги бирикмаларида, кислород ҳар хил оксидланиш даражасини намоён қиласди:



бундан кўринадики, шу моддалар ичидаги энг барқарор ҳосиласи кислороднинг оксидланиш даражаси -2 ва 0 бўлган бирикмалари (H_2O ва O_2) дир.

Кислороднинг O_2F_2 ва OF_2 бирикмалари кучли оксидловчилар бўлиб, уларнинг таркибидағи кислороднинг оксидланиш даражаси +1 ва +2 га teng. Бу бирикмаларда атомнинг электронга мойиллилиги жуда юқори бўлиб, жуда катта куч билан электронларни фтор ядроси тортиб туради.


Шунингдек, бирикмалар таркибидағи элемент атомларининг оксидланиш даражасини билиш бу бирикмаларнинг оксидловчи ёки қайтарувчи эканлигини билишга

жуда яхши имкон туғдиради. Масалан, олтинчи группанинг асосий группача элементлари ҳисобланган олтингугурт, селен ва теллурларнинг энг юқори оксидланиш даражаси +6 га тенг бўлган бирикмалари (концентрланган кислоталари): H_2SO_4 , H_2SeO_4 , H_6TeO_6 кучли оксидловчилардир, улар бошқа ортиқча электрон берадилмайдилар. Аммо олтингугурт, селен ва теллурларнинг энг паст оксидланиш даражалари —2 га тенг бўлган бирикмалари: H_2S , H_2Se ва H_2Te фақат қайтарувчилардир, чунки улар 2 тадан ортиқ электронни бириктириб олаолмайдилар. Уларнинг ўрта ҳолдаги оксидланиш даражаси +4 га тенг бўлган бирикмалари H_2SO_3 , H_2SeO_3 , H_2TeO_3 ҳам қайтарувчи, ҳам оксидловчи хоссаларини намоён қилишлари мумкин. Ана шундай хосса Д. И. Менделеев даврий системасидаги бошқа элементларга ҳам тааллуқлидир.

Атом, ион ёки молекуланинг оксидланиш даражасининг моҳияти шундаки, улар бошқа моддалар билан кимёвий реакцияларга кириш-кирмаслигини аниқлаш имкониятини беради. Бир неча мисоллар келтирамиз.


1. Концентрланган сульфат кислота иштирокида НJ водород сульфид H_2S билан кимёвий реакцияга кириша оладими?

Жавоб: НJ ва H_2S да йод ва олтингугурт паст оксидланиш даражасига (-1 ва -2 га) эгалар; водородники +1 га тенг. Демак, НJ ва H_2S фақат қайтарувчилик хоссасига эгалар, шунинг учун ҳам, улар бир-бири билан кимёвий реакцияга кириша олмайдилар. Аксинча, НJ билан H_2SO_4 реакцияга киришаолади, чунки H_2SO_4 да олтингугуртнинг оксидланиш даражаси +6 га тенг бўлганлиги учун олтингугурт оксидловчидир:



2. Перхлорат кислота $HClO_4$ иштирокида SO_2 водород сульфид H_2S билан кимёвий реакцияга киришадими?

Жавоб: SO_2 да олтингугуртнинг оксидланиш даражаси +4 га тенг бўлганлиги сабабли водород сульфид H_2S учун оксидловчи, оксидланиш даражаси +7 бўлган хлор атоми сақлаган перхлорат $HClO_4$ учун эса қайтарувчи ролини ўйнайди. Шунинг учун ҳам қуйидаги реакция содир бўлиши умумкин:






Биринчи реакцияда олтингүгүртнинг оксидланиш даражаси SO_2 да +4 дан 0 гача, H_2S да эса —2 дан 0 га ўтади. Иккинчи реакцияда олтингүгүртнинг оксидланиш даражаси SO_2 да +4 дан +6 гача ортади. Хлорнинг оксидланиш даражаси HClO_4 да +7 дан —1 гача пасаяди.

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари атом ва ионларнинг оксидланиш даражалари ұзғариши билан борадиган реакциялардир. Оксидланиш даражаларининг ұзғаришини қуйидаги схема ёрдамида акс эттириш қулайдыр:

оксидланиш даражасыннинг ортиши оксидланиш	+8	+7	+6	+5	+4	+3	+2	+1	0	-1	-2	-3	-4	қайтарилиш даражасыннинг пасайши қайтарилиш
	RuO_4 , OsF_8	KClO_4 , KMnO_4	H_2SO_4 , $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$	KClO_3 , HNO_3	MnO_2	Sb_2S_3	CuSe	LiF	S_8	AgCl , Na_2S_2	CdSe	NH_3 , PH_3	CH_4 , SiH_4	



Бир неча мисоллар келтирамыз:



Қуйидаги 9- жадвалда даврий системадаги элементларнинг мүмкін бұлған оксидланиш даражаси келтирілген.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг назариясига таалуқты бұлған қоidalарни күриш чиқамиз.

1. Атом, молекула ёки ионнинг электронлар беріш жараёни оксидланиш дейилади. Масалан:



Д. И. Менделеев даврий системасидаги элементларниң мүмкін бұлған оксидларының дара жалары

Давр- лар		S — эле- ментлар										d — элементлар										p — элементлар							
s ¹	s ²	d ¹	d ²	d ³	d ⁴	d ⁵	d ⁶	d ⁷	d ⁸	d ⁹	d ¹⁰	p ¹	p ²	p ³	p ⁴	p ⁵	p ⁶	(He)	(He)	(H)	(He)	(He)	(He)	(He)	(He)	(He)	(He)		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19											
1	H	He																											
	+1	0																											
	-1																												
II	Li	Be																											
	+1	+2																											
III	Na	Mg																											
	+1	+2																											

9- жадавалынч өдөвми

	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
IV	$\frac{+1}{+1}$	$\frac{+2}{+2}$	$\frac{+3}{+3}$	$\frac{+4}{+4}$	$\frac{+5}{+5}$	$\frac{+6}{+6}$	$\frac{+7}{+7}$	$\frac{+8}{+8}$	$\frac{+9}{+9}$	$\frac{+10}{+10}$	$\frac{+11}{+11}$	$\frac{+12}{+12}$	$\frac{+13}{+13}$	$\frac{+14}{+14}$	$\frac{+15}{+15}$	$\frac{+16}{+16}$	$\frac{+17}{+17}$	$\frac{+18}{+18}$	$\frac{+19}{+19}$
V	$\frac{+1}{+1}$	Rb	Sr	$\frac{+2}{+2}$	$\frac{+3}{+3}$	$\frac{\gamma}{\gamma}$	Nb	Mo	Tc	Ru	Pd	Ag	Cd	In	Sb	Te	I	Xe	

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
							+2	+3	+3	+3	+2			-2	-3	-2	-1	+1
							+1	+2	+2	+2	+2							
														-2	-3	-2	-1	
VI	Cs +1	Ba +2	La* +3	Hf +4	Ta +5	W +6	Re +7	Os +8	Ir +7	Pt +4	Au +2	Hg +2 (+1)	Tl +3	Pb +4	Bi +5	Po +6	At	Rn
VII	Fr +1	Ra +2																

Ac**
+3
+2

f-элементы										f-элементы						
		f ²	f ³	f ⁴	f ⁵	f ⁶	f ⁷	f ^{1d¹}	f ⁸	f ⁹	f ¹⁰	f ¹¹	f ¹²	f ¹³	f ¹⁴	
Ce	Pr	Nd	Pm	Srn	Eu	Gd	Tb	Dy	Ho	Er	Tu	γ b	Lu			
+4 +3	+4 +3	+3 +3	+3 +3	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+4 +3	+4 +3	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+3 +2	+3 +2

Лантанондлыр

9- жадвалынк өдөржүүлэх

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
					Th	Pa	U	Np	Pu	Am	Cm	Bk	Cf	Es	Fm	Md	No	Lr
					+4	+5	+5	+6	+5	+5	+6	+5	+4	+3	+3	+3	+3	+3
					+3	+4	+4	+3	+3	+4	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3	+3


* — VII давр элементи
** — VII давр элементи

Оксидланиш жараёнида элементнинг оксидланиш даражаси катталашади.

2. Атом, молекула ёки ионнинг электронлар биритириб олиш жараёни қайтарилиш дейилади. Масалан:




3. Электронлар берадиган атом, молекула ёки ионлар қайтарувчи лар дейилади. Масалан:




Улар реакцияда электрон чиқариб оксидланади.

4. Электронлар биритириб оладиган атом, молекула, ёки ионларни оксидловчилар дейилади. Реакция вақтида улар қайтарилади: Масалан:



Элементларнинг оксидланиш даражалари 9- жадвалда келтирилган.

5. Оксидланишда доимо қайтарилиш содир бўлади ва аксинча, қайтарилиш доимо оксидланиш билан юғлиқ, буни қуидаги тенгламалар билан ифодалаш мумкин:



Шунинг учун оксидланиш-қайтарилиш реакциялари қарама-қарши икки жараённинг бирлигидир. Бу реакцияларда қайтарувчи берадиган электронлар сони оксидловчи биритириб оладиган электронлар сонига тенг.

4.4. АТОМ ТУЗИЛИШИ ҲАҚИДАГИ ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Кимёвий жараёнларни яна ҳам чуқурроқ тушуниш, кимёвий реакция тенгламаларини тўғри тузиш ва тенглаштириш учун кимёвий элементлар атомларининг тузилишини албатта чуқурроқ билмоқ зарурдир.


Маълумки, атом мураккаб тузилишга эгадир. У мусбат электр зарядига эга бўлган атомнинг жами массасини ўзида сақлаган марказий ядро ва унинг атрофида қават-қават бўлиб айланётган манфий зарядли енгил электронлардан иборат.

Атом ядросининг заряди элементнинг Д. И. Менделеев даврий системасидаги тартиб номерига тўғри келади. Электронлар сони ядро зарядига тенгdir. Атом нейтралдир, чунки манфий зарядлар сони ядронинг мусбат зарядларига доимо тенгdir. Атом ядросининг диаметри 10^{-14} — 10^{-15} м га тенг бўлиб, атом диаметр $\sim 10^{-10}$ м дан бир неча марта кичикдир, аммо атомнинг ($\sim 99,97\%$) оғирлигини ядро ташкил этади.

Ҳамма элементлар ядро заррачаларининг зичлиги тахминан $1,2$ — $2,4 \cdot 10^{14}$ г·см⁻³ дир. Масалан, бир см³ ҳажм ядро массаси билан зич қилиб тўлдирилса, унинг массаси 120—240 млн. тонна бўлади деб тахмин этилади.

1932 йилда рус олимни Д. И. Иваненко ядронинг тузилиш назариясини яратди. Бу назарияга кўра, ядро фақат протонлар ва нейтронлардан иборатдир. Ядрони ташкил этадиган бу заррачалар умумий бир ном билан нуқлонлар деб аталади.

Протон ва нейтронлар ${}_1^1p$ ва ${}_0^1n$ билан белгиланади ва улар доимо ядрода бир-бирига айланниб турадилар:



Элементар заррачаларнинг муайян масса ва заряди бўлади. Электроннинг массаси 0,000549 у. б. (абсолют қиймати $9,1 \cdot 10^{-31}$ кг) га, заряди —1 га тенг.

Протоннинг (${}_1^1p$) массаси 2,007276 у. б. заряди +1.

Нейтроннинг (${}_0^1n$) массаси, 1,008665 у. б., зарядга эга эмас заррача — электроннейтралдир. Атомдаги протонлар сони ядро зарядига, яъни элементнинг тартиб номерига тенгdir. Нейтрон сонини топиш учун унинг атом массаси (A) дан тартиб номери (Z) ни айриш лозим:

$${}_0^1n = A - Z$$


Масалан, магнийнинг атом массаси $A = 24$, тартиб номери $Z = 12$, нейтрон заррачасининг сони ${}_0^1n = A - Z = 24 - 12 = 12$; ${}_0^1n = 12$ экан.

Текширишлар кўрсатишича, табиатда бир элементнинг атом массаси турличи бўлиши мумкин, масалан, хлор атомларининг массаси 35 ва 37 бўлади. Бу атомларнинг ядроларида протонлар сони бир хил, аммо нейтронлар сони ҳар хил бўлади. Битта элементнинг ядро заряди бир хил, аммо масса сони ҳар хил бўлган атомлари изотоплар дейилади.

Деярли барча кимёвий элементларнинг изотоплари маълум. Масалан, кислороднинг масса сони ^{16}O , ^{17}O , ^{18}O ёки калий ва аргоннинг изотоплари: ^{39}K , ^{40}K , ^{41}K , ^{36}Ar , ^{38}Ar , ^{40}Ar маълум.

Масса сони бир хил, аммо ядро зарядининг катталиги ҳар хил бўлган моддаларга изобаралар дейилади. Масалан: аргон ^{40}Ar , калий ^{39}K , кальций ^{40}Ca лар шулар жумласига киради.

Электронлар ядро атрофида квантланган қобиқлар бўйлаб ҳаракат қиласди. Бу квант қаватлар энергетик қобиқлар дейилади. Энергетик қобиқларнинг сони Д. И. Менделеев даврий системасида айни элемент турган давр номерига teng бўлади. Энергетик қобиқлар қобиқчаларга, қобиқчалар эса энергетик ячейка (орбитал)ларга бўлинади. Айни қобиқдаги қобиқчалар сони қобиқнинг тартиб номерига teng бўлади.



4-расм. Энергетик қобиқлар, қобиқчалар ва улардаги электронлар сони.

Қобиқчалардаги ҳар бир жуфт электронга битта энергетик ҳолат тўғри келади. Уларни схематик равишда тўрт бурчак — ячейка □ шаклида белгилаш қабул қилинган. Уларни энергетик ячейкалар ёки орбиталар дейилади.

Қобиқчаларда бўлиши мумкин бўлган энергетик ячейкаларнинг умумий сони $2n+1$ га, ҳар бир поғонада эса n^2 га teng бўлади. Буни қўйидаги 10-жадвалда кўрамиз.

Энергетик қобиқтар	Қобиқтардаги энергетик ячейкалар сони $2n+1$				Қобиқдардың энергетик ячейкалар соны, n^2
	$s(n)$ ячейка $2.0+1=1$	$p(1)$ ячейка $2.1+1=3$	$d(2)$ ячейка $2.2+1=5$	$f(3)$ ячейка $2.3+1=7$	
$1(n=1)$	$1s$ []				$1^2 = 1$
$2(n=2)$	$2s$ []	$2p$ [] [] []			$2^2 = 4$
$3(n=3)$	$3s$ []	$3p$ [] [] []	$3d$ [] [] [] []		$3^2 = 9$
$4(n=4)$	$4s$ []	$4p$ [] [] []	$4d$ [] [] [] []	$4f$ [] [] [] [] []	$4^2 = 16$

Атомдаги энергетик қобиқтар, қобиқталар ва ячейкалардаги электронларнинг ҳаракати ёки ҳолати түртта квант сон билан характерланади.

1. **Бош квант сони** n — энергетик қобиқнинг сонини ёки ундаги электронларнинг умумий энергиясини ифодалайди. Унинг қиймати атомнинг квант қобиқларига мос келадиган ҳар қандай бутун мусбат сон бўлиши мумкин:

бош квант сони $n = 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, \dots$

квант қобиқлар K, L, M, N, O, P, Q ...

Ҳар қайси энергетик қобиқдаги электронларнинг энг катта қиймати X_n қўйидаги формула билан аниқланади: $X_n = 2n^2$ (n — бош квант сони).


Агар $n = 1$ бўлса, бунда фақат битта қобиқ бўлиб, s — га тўғри келади, $n = 2$ бўлса, унда иккита қобиқча s — ва p — қобиқчаси, шунингдек p -қобиқча учта орбиталга эга бўлади ва унга олтита электрон сифиши мумкин, яъни ҳаммаси бўлиб 8 та электрон бўлади. Агар $n = 3$ бўлса, яъни (учинчи энергетик қобиқ) битта s — қобиқча (унда 2 та электрон), битта p — қобиқча (унда олтита электрон) ва битта d — қобиқча (унда 10 та электрон), жами — $s^2 p^6 d^{10}$, яъни 18 электрон бўлади. $n = 4$ бўлса (тўртинчи энергетик қобиқ) тўртта қобиқча: s — қобиқча (2 электронли); p — қобиқча (6 электронли); d — қобиқча (10 электронли) ва f — қобиқча (14 электронли) бўлади (11- жадвал).

2. **Орбитал квант сони** — l . Бу сон электроннинг ядро атрофидағи ҳаракат траекторияси шаклини кўрсатади. Орбитал квант сонининг максимал қиймати бош квант сонининг ($n - 1$) қийматини қабул қиласди,

**Бош квант сони, орбиталларнинг тури ва сони
ҳамда қобиқ ва қобиқчалардаги электронлар сони**


Энергетик қобиқ	Қобиқ-чалар сони n га тенг	Қобиқчалар	Орбиталлар сони		Электронларнинг максимал сони	
			қобиқчада	n^2 га тенг	қобиқчалар	қобиқчада
K ($n = 1$)	1	1 s	1	1	2	2
L ($n = 2$)	2	2 s	1	4	2	8
		2 p	3		6	
M ($n = 3$)	3	3 s	1	9	2	18
		3 p	3		6	
		3 d	5		10	
		4 s	1		2	
N ($n = 4$)	4	4 p	3	16	6	32
		4 d	5		10	
		4 f	7	25	14	50
O ($n = 5$)	5	5 s	1		2	
		5 p	3	14	6	18
		5 d	5		10	
		5 f	7		14	
		5 g	9		18	
P ($n = 6$)	6	6 s	1	36	2	72
		6 p	3		6	
		6 d	5		10	
		6 f	7		14	
		6 g	9	18	18	50
		6 h	11		22	
		7 s	1		2	
Q ($n = 7$)	7	7 p	3		6	
		7 d	5	49	10	98
		7 f	7		14	
		7 g	9		18	
		7 h	11		22	
		7 k	13		26	

бошқача айтганда: $l=0, 1, 2, 3, 4, 5 \dots (n-1)$. Маълумки, атомдаги турли электрон қобиқлардаги электронларнинг энергиялари турлича бўлади, шу сабабли ҳар бир энергетик қобиқ бир нечта энергетик қобиқчаларга



5-расм. p - ва c -орбиталларнинг фазовий ҳолатлари.

бўлинади. Ана шу энергетик қобиқчалар орбитал квант сонининг қийматларига мос келади ва улар лотин алфавитининг кичик ҳарфлари s , p , d , f , ... билан белгланади. Бизга маълум бўлган элементларда g - ва h -қобиқчалар электронлар билан тўлмайди, чунки s -, p -, d - ва f - қобиқчаларнинг ўзи ҳозир маълум бўлган 105 та элемент атомларидағи электронларнинг тақсимланишини тўлиқ ифодалаш учун етарлидир. Ҳар қайси энергетик қобиқчадаги электронларнинг энг күп сони X_l қўйидаги тенглама билан аниқланади: $X_l = 2(2l + 1)$ ёки бу ерда l -орбитал квант сондир.



6-расм. s -орбиталда иккита электроннинг қарама-қарши спинга эга бўлишини акс эттиручи схема.

3. Магнит квант сони — m . Магнит квант сони m — электронларнинг атомдаги ҳолатини ёки электрон «булут» ларининг магнит майдонида (фазода) қандай вазиятда бўлишини ифодалайди (5-расм). Унинг сон қиймати $+l$ дан $-l$ гача бўлади, масалан, $l=1$ бўлганда $m_l = -1; 0$ ва $+1$ бўлади.

4. Спин квант сони. Спин квант сони — m_s бир хил энергетик ҳолатга эга

бўлган иккита электроннинг ўз ўқи атрофида айланиши ҳар хам бўлади (6- расм).

Шунга асосан спин квант сони электронларнинг ўз ўқи итрофида қайси йўналишда айланишини ифодалайди. Унинг сон қиймати доимо битта электрон учун $+ \frac{1}{2}$ га, иккита электрон учун $+\frac{1}{2}$ ва $- \frac{1}{2}$ га тенг деб қабул қилинади.

Атомларда электронларнинг тақсимланиши Паули принципи ва Гунд қоидаси асосида амалга ошади. Паули принципи «*Бир атомда тўрттала квант сонларининг қиймати бир хил бўлган иккита электрон бўлиши мумкин эмас*». Ёки бир атомда иккита электрон бўлса уларнинг n , l , m квант сонларининг қиймати бир хил, тўртинчи спин квант сони (m_s) турлича, яъни спинлари қарама-қарши (\pm) бўлиши билан бу икки электрон бир-биридан фарқ қиласди.

Демак, ҳар қайси орбиталда кўпич билан иккита электрон бўлиши мумкин. Бу принцип $N=2n^2$ формулани изоҳлаб беради. Ҳақиқатдан ҳам, агар, масалан, учинчи поғонада ($n=3$) $3^2=9$ та орбиталнинг ҳар қайси орбиталида 2 тадан электрон бўлса, у ҳолда электронларнинг максимал сони $2 \cdot 3^2=18$ бўлади.

Орбиталларда электронларнинг жойланиш тартибини В. М. Клечковский қоидаси асосида тушунтириш мумкин.

Клечковскийнинг 1- қоидаси: Энергетик қобиқчаларда электронларнинг тўлиб бориш тартиби қобиқчаларнинг бош ва орбитал квант сонлари йигиндиси ($n+l$) ортиб бориш тартибига бўлади.




Масалан, калий элементи атомининг $4s$ — орбиталида $n=4$, $l=0$, бунда $n+l=4$ бўлади. $3d$ — орбиталларида $n=3$, $l=2$, йигиндиси $n+l=5$ бўлади. Демак, аввал $4s$, кейин $3d$ орбиталлар тўлиши керак. Са да ҳам худди шундай ҳол юз беради.

Қобиқчалардаги $n+l$ қиймати тенг бўлган қобиқчалар учун Клечковскийнинг иккинчи қоидаси қўлланилади.

2-қоида. Агар бир неча қобиқчаларда ($n+l$) қийматлари бир хил бўлса, уларда электронларнинг тўлиб бориш тартиби шу қобиқчаларнинг бош квант сони қиймати ортиб бориши тартибига бўлади.

Мисол учун Са дан кейинги 21-тартибли элемент Sc ни оламиз. $3d$ - учун $n=3$ ва $l=2$, уларнинг йигиндиси 5 бўлади. $4p$ - да $n=4$, $l=1$, йигиндиси 5. $5s$ нинг

$n=5$, $l=0$ йиғиндиси ҳам 2- қоида бүйича $n+l$ қийматлари тенг бўлганда орбиталлар бош квант соннинг ортиб бориши тартибида тўла боради. Демак, Са дан кейинги элементларда аввал $4s$ -, кейин $3d$ - орбиталлар тўла боради.



Sc дан кейинги 22 — элемент, Ti да $3s^2 3p^6 3d^2 4s^2$; 23- элемент V да $3s^2 3p^6 3d^3 4s^2$ бўлиб, Zn га қадар шу тартибида давом этади. Шундай қилиб Sc, дан бошлиб рухгача бўлган 10 та элемент оралиқ элементлар деб аталади. Буларда сиртдан иккинчи энергетик қобиқ тўла боради. Рухда $3d$ - энергетик қобиқ тўлади: $3s^2 3p^6 3d^{10} 4s^2$. Рухдан кейинги 31 - элемент Ga да электрон сиртқи $4p^1$ - қобиқчада

жойлашади: $3s^2 3p^6 3d^{10} 4s^2 4p^1$; 36-элемент Кг га етиб, сиртқи қобиғи 8 электронли бўлиб тўлади ($4s^2 4p^6$), у шерп газdir.

Умуман, қобиқ ва қобиқчаларнинг электронлар билан тўлиш тартибини қўйидаги схема орқали ҳам ифодалаш мумкин:

$$1s^2 \rightarrow 2s^2 \rightarrow 2p^6 \rightarrow 3s^2 \rightarrow 3p^6 \rightarrow 4s^2 \rightarrow 3d^{10} \rightarrow 4p^6 \rightarrow 5s^2 \rightarrow \\ \rightarrow 5p^6 \rightarrow 6s^2 \rightarrow 5d^1 \rightarrow 4f^{14} \rightarrow 5d^{2-10} \rightarrow 6p^6 \rightarrow 7s^2 \rightarrow 6d^1 \rightarrow \\ \rightarrow 5f^{14} \rightarrow 6d^{2-10} \rightarrow 7p^6.$$

Гунд қоидаси. Айни қобиқчалардаги ячейкаларда электронлар спин сонларининг арифметик йигиндиси ($\sum m_s$) доимо максимал қийматни эгаллайдиган тартибда тақсимланиши керак, бошқача айтганда айни қобиқчалардаги барча бўш ячейкалар электронлар билан аввало биттадан тўлади, сўнgra қолган электронлар тартиб билан жуфтлана бошлайди ва спинларнинг арифметик йигиндиси нолга teng бўлади, масалан, p -қобиқчадаги учта бўш ячейкага тўртта электрон икки хил тартибда тақсимланиши мумкин:

$$\text{I}x\text{on } \boxed{\uparrow \downarrow \uparrow \downarrow \uparrow \downarrow} \text{ бунда } \sum m_s = \frac{1}{2} - \frac{1}{2} + \frac{1}{2} + \frac{1}{2} = 1$$

$$\text{II}x\text{on } \boxed{\uparrow \downarrow \uparrow \downarrow \uparrow \downarrow} \text{ бунда } \sum m_s = \frac{1}{2} - \frac{1}{2} + \frac{1}{2} - \frac{1}{2} = 0$$

Электронларнинг ячейкаларда тақсимланиши Гунд қоидасига мувофиқ фақат 1-ҳолдагидек бўлиши керак, чунки бу ҳолда $1 > 0$ ва бўш ячейкалар электрон билан максимал даражада тўлган.

s -, p -, d -, f -қобиқчаларнинг ячейкалари ва улардаги максимал электронларнинг сони қўйидагича:

Қобиқча: ... s , p , d , f .

Ячейка (орбитал) лар сони: 1, 3, 5, 7

Максимал электронларнинг

сони: 2, 6, 10, 14

Кўйидаги 12-жадвалда элементлар атомлари энергетик қобиқ ва қобиқчаларининг электронлар билан тўлиб бориши ва берилган жадвалда кўрсатилганидек, 1, 2, 3 ва 4-энергетик қобиқларда энг кўпи билан 2, 8, 18 ва 32 та электрон бўлади. Барча элементлар атомларининг энергетик қобиқларининг электронлар билан тўлиб боришига қараб етти даврга бўлинади. Биринчи

Атомларда электронларнинг

Қобиқ	K	L		M		N		Қобиқ	K	L		M		N			
		n	1	2	3	4	n			n	1	2	3	4	0	1	2
		I	0	0	1	0	1	2	0	1	I	1	0	1	2	3	
Қобиқ-ча	1 s	2 s	2 p	3 s	3 p	3 d	4 s	4 p	Қобиқ-ча					4 s	4 p	4 d	4 f
1 H	1								37 Rb	2	8	18	2	6			
2 He	2								38 Sr	2	8	18	2	6			
3 Li	2	1							39 V	2	8	18	2	6	1		
4 Be	2	2							40 Zr	2	8	18	2	6	2		
5 B	2	2	1						41 Nb	2	8	18	2	6	4		
6 C	2	2	2						42 Mo	2	8	18	2	6	5		
7 N	2	2	3						43 Tc	2	8	18	2	6	5		
8 O	2	2	4						44 Ru	2	8	18	2	6	7		
9 F	2	2	5						45 Rh	2	8	18	2	6	8		
10 Ne	2	2	6						46 Pd	2	8	18	2	6	10		
11 Na	2	2	6	1					47 Ag	2	8	18	2	6	10		
12 Mg	2	2	6	2					48 Cd	2	8	18	2	6	10		
13 Al	2	2	6	2	1				49 In	2	8	18	2	6	10		
14 Si	2	2	6	2	2				50 Sn	2	8	18	2	6	10		
15 P	2	2	6	2	3				51 Sb	2	8	18	2	6	10		
16 S	2	2	6	2	4				52 Te	2	8	18	2	6	10		
17 Cl	2	2	6	2	5				53 I	2	8	18	2	6	10		
18 Ar	2	2	6	2	6				54 Xe	2	8	18	2	6	10		
19 K	2	2	6	2	6	1			55 Cs	2	8	18	2	6	10		
20 Ca	2	2	6	2	6		2		56 Ba	2	8	18	2	6	10		
21 Sc	2	2	6	2	6	1	2		57 La	2	8	18	2	6	10		
22 Ti	2	2	6	2	6	2	2		58 Ce	2	8	18	2	6	10	2	
23 V	2	2	6	2	6	3	2		59 Pr	2	8	18	2	6	10	3	
24 Cr	2	2	6	2	6	5	1		60 Nd	2	8	18	2	6	10	4	
25 Mn	2	2	6	2	6	5	2		61 Pm	2	8	18	2	6	10	5	
26 Fe	2	2	6	2	6	6	2		62 Sm	2	8	18	2	6	10	6	
27 Co	2	2	6	2	6	7	2		63 Eu	2	8	18	2	6	10	7	
28 Ni	2	2	6	2	6	8	2		64 Gd	2	8	18	2	6	10	7	
29 Cu	2	2	6	2	6	10	1		65 Tb	2	8	18	2	6	10	9	
30 Zn	2	2	6	2	6	10	2		66 Dy	2	8	18	2	6	10	10	
31 Ga	2	2	6	2	6	10	2	1	67 Ho	2	8	18	2	6	10	11	
32 Ge	2	2	6	2	6	10	2	2	68 Er	2	8	18	2	6	10	12	
33 As	2	2	6	2	6	10	2	3	69 Tm	2	8	18	2	6	10	13	
34 Se	2	2	6	2	6	10	2	4	70 Yb	2	8	18	2	6	10	14	
35 Br	2	2	6	2	6	10	2	5	71 Lu	2	8	18	2	6	10	14	
36 Kr	2	2	6	2	6	10	2	6									

тақсимланиши


O	P	Кобиқ	K	L	M	N	0		P	Q				
5	6	n	1	2	3	4	5		G	7				
0	1	2	0	I			0	1	2	3	0	1	2	0
5 s	5 p	5 d	6 s	Кобиқ-ча			5 s	5 p	5 d	5 f	6 s	6 p	6 d	7 s
1			72 Hf	2	8	18	32	2	6	2				2
2			73 Ta	2	8	18	32	2	6	3				2
2			74 W	2	8	18	32	2	6	4				2
2			75 Re	2	8	18	32	2	6	5				2
1			76 Os	2	8	18	32	2	6	6				2
1			77 Ir	2	8	18	32	2	6	7				2
2			78 Pt	2	8	18	32	2	6	9				1
1			79 Au	2	8	18	32	2	6	10				1
1			80 Hg	2	8	18	32	2	6	10				2
0			81 Te	2	8	18	32	2	6	10		2		1
1			82 Pb	2	8	18	32	2	6	10		2		2
2			83 Bi	2	8	18	32	2	6	10		2		3
2	1		84 Po	2	8	18	32	2	6	10		2		4
2	2		85 At	2	8	18	32	2	6	10		2		5
2	3		86 Rp	2	8	18	32	2	6	10		2		6
2	4		87 Fr	2	8	18	32	2	3	10		2		1
2	5		88 Ra	2	8	18	32	2	6	10		2		2
2	6		89 Ac	2	8	18	32	2	6	10		2	6	1
2	6	I	90 Th	2	8	18	32	2	6	10		2	6	2
2	6	2	91 Pa	2	8	18	32	2	6	10	2	2	6	1
2	6	1 2	92 U	2	8	18	32	2	6	10	3	2	6	1
2	6	2	93 Np	2	8	18	32	2	6	10	5	2	6	2
2	6	2	94 Pu	2	8	18	32	2	6	10	6	2	6	2
2	6	2	95 Am	2	8	18	32	2	6	10	7	2	6	1
2	6	2	96 Cm	2	8	18	32	2	6	10	7	2	6	2
2	6	2	97 Bk	2	8	18	32	2	6	10	9	2	6	2
2	6	2												
2	6	1 2	98 Cf	2	8	18	32	2	6	10	10	2	6	2
2	6	2	99 Es	2	8	18	32	2	6	10	11	2	6	2
2	6	2	100 Fm	2	8	18	32	2	6	10	12	2	6	2
2	6	2	101 Md	2	8	18	32	2	6	10	13	2	6	2
2	6	2	102 No	2	8	18	32	2	6	10	14	2	6	2
2	6	2	103 Lr	2	8	18	32	2	6	10	14	2	6	1
2	6	2	104 Ku	2	8	18	32	2	6	10	14	2	6	2
2	6	1 2	105 Ns	2	8	18	32	2	6	10	14	2	6	3

даврда битта энергетик қобиқга эга бўлган элементлар (Н, Не лар), иккинчи даврда иккита энергетик қобиқчага эга бўлган элементлар (Li, Be, B, C, N, O, F ва Ne лар), учинчи давр учта энергетик қобиқга эга бўлган элементлар (Na, Mg, Al, Si, P, Cl, Ar кабилар), тўртинчи даврда тўртта энергетик қобиқга эга бўлган элементлар (K, Ca, Sc, Ti ва бошқалар) жойлашган.

Электронларнинг энергетик поғоналарга кетма-кет жойлашишига қараб, Д. И. Менделеев даврий системасидаги барча элементлар тўртта оиласа, яъни тўрт гуруҳга бўлинган. Бундай оиласаларга: s- элементлар (14 та элемент), p- элементлар (30 элемент), d- элементлар (33 элемент) ва f- элементлар (28 элемент) киради. Биз бу элементларни қўйида кўриб чиқамиз.


S- элементлар, s- энергетик поғоналари электронлар билан тўлиб борадиган элементларга s- элементлар дейилади ва уларга 14 элемент киради.

S- элементлар ҳозир қўлланилаётган Д. И. Менделеев даврий системасида қизил рангда кўрсатилади. Бундай элементларга: Н, Не, Li, Be, Na, Mg, K, Ca, Rb, Sr, Cs, Ba, Fr ва Ra лар киради. S- энергетик поғоналарида битта ёки иккитадан электронлари бўлади. Масалан, литийда $2s^1$, бериллийда эса $2s^2$ — ҳолатда:




I ва II группанинг асосий группача элементлари кимёвий реакцияларда кучли қайтарувчи ролини ўйнайдилар.

Қайтарувчилик хоссаси ишқорий металлар Li, Na, K ва Ba да шу қадар кучлики, улар сув таркибидаги водородни сиқиб чиқарадилар ва ишқор ҳосил қиладилар:




Калий сув билан аланга ҳосил қилиб кимёвий реакцияга киришади, чунки ажralаётган водород шу вақтнинг ўзида ҳаво кислороди ёрдамида ёниб кетади. Рубидий ёки цезий сув билан реакцияга киришганда

портлаш юз беради. Ишқорий металлар водород билан реакцияга киришганда ҳам оксидланадилар, яъни металл гидридларини ҳосил қиласидилар:



Ишқорий металларнинг валентликлари уларнинг кимёвий бирикмалари таркибидан ҳам ўзгармас, бир валентли бўлиб қиласидилар, чунки уларда жуфтлашмаган тоқ электрон бор. Шунинг учун ҳам уларнинг оксидланиш даражалари асосий ҳолатда O, бирикмаларида эса доимо +1 га tengdir.

Иккинчи группанинг асосий группача элементлари металлик хоссаларига эга. Асосий ҳолатда уларнинг оксидланиш даражалари 0, уларда s-погоначасида электронлари жуфтлашган, аммо бундай ҳолатда улар реакцияга киришаолмайди, қўзғалиш энергиялари жуда паст, масалан, бериллийда 259,4 кЖ га teng. Шунинг учун ҳам 2s-орбиталдаги битта электрон осонгина 2p-орбиталга ўтиб, иккита тоқ электрон ҳосил қиласи ва бошқа элементлар билан бириккандан икки валентликни намоён қиласи. Масалан, бериллийнинг асосий ва қўзғалган ҳолати қуйидагича бўлади:



Шунинг учун ҳам уларнинг атомлари учун асосий ҳолатда оксидланиш даражалари 0 бўлса, кислород билан ёки бошқа элементлар билан ҳосил қиласан кимёвий бирикмаларида уларнинг оксидланиш даражалари +2 га teng бўлади: Масалан:



p-элементлар.

p-энергетик погоналари электронлар билан тўлиб борадиган элементларни *p*-элементлар дейилади. *p*-элементлар даврий система жадвалида сариқ рангда тасвириланган. *p*-элементларига: III—VIII группа

элементлари (гелийдан ташқари) кирадилар. Жами бўлиб, уларнинг сони 30 та. Уларнинг валентлиги асосан атомларининг ташқи орбиталидаги электронларнинг сони билан ўлчанади. *p*-элементларнинг *s*- ва *p*-погоначаларидаги валентлиги ва оксидланиш даражалари қўйидагича бўлиши мумкин:

Группалар	III	IV	V	VI	VII	VIII
валент қобигининг асосий ҳолатдаги электрон конфигурацияси	ns^2np^1	ns^2np^2	ns^2np^3	ns^2np^4	ns^2np^5	ns^2np^6
қўзғалган ҳолатдаги электрон конфигурациялари	ns^1np^2	ns^1np^3	ns^2np^3	ns^2np^4	ns^2np^5	ns^2np^6
тоқ электронлар сони	3	4	3	2	1	0


p-элементлар кимёвий бирикмаларида ҳар хил оксидланиш даражаларини намоён қилишлари мумкин, яъни *s*- ва *p*-погоначаларидаги жойлашган электронлари ҳисобига турли оксидланиш даражаларига эга бўладилар. III группа элементларининг ташқи орбиталларида учта электрон бўлиб, иккитаси *s*-погоначада ва биттаси *p*-погоначада жойлашганлиги учун улар 1 дан 3 гача оксидланиш даражасига эга бўладилар. Кўпчилик *p*-элементларидаги оксидланиш даражасининг юқори бўлишига сабаб, уларнинг жуфтлашган электронлари бўш орбиталларга ўтиши натижасида тоқ электронларнинг кўпайганлигидир. Масалан, бор асосий ҳолатда бўлганда унинг оксидланиш даражаси 1 га teng бўлса, қўзғалган ҳолатда 3 га teng бўлади, чунки унинг 2 *s*-орбиталидаги жуфтлашган электронларнинг бирни 2 *p*-қобиқчанинг бўш ячейкасига кўчганлиги сабабли учта тоқ электрон ҳосил бўлади, бу эса унинг оксидланиш даражасини +1 дан +3 гача кўтаради.

Шунинг учун III группанинг кўпчилик элементларининг максимал оксидланиш даражалари +3 га tengdir.

Бу элементлар ичидаги В фақат қайтарувчи хоссасига эга бўлиб қолмасдан, балки оксидловчи хоссасини ҳам намоён қиласди, чунки у оксидланиш даражаси —3 бўлган бирикмалар ҳам ҳосил қиласди. Металлик хоссалари I ва II группа элементларига қараганда III—

группа элементларида сустроқ бўлади. Бор кислота ҳосил қилувчи элементdir. Шунингдек, алюминий, галий ва индийларнинг оксид ва гидроксидлари амфотер хоссага эга, фақат таллий асосли хоссага эга бўлган TiOH ҳосил қилади.

Углерод 2 ва 4 валентликни намоён қилади. У асосий ҳолатда бўлганда +2 валентликни намоён қилади, аммо қўзғалган ҳолатда $2s$ - орбиталдаги жуфтлашган электронлардан бири $2p$ - қобиқчанинг бўш орбиталига кўчиши муносабати билан 4 та тоқ электрон ҳосил бўлганлиги учун унинг оксидланиш даражаси +2 дан +4 гача кўтарилади, яъни:



d-элементлар. d-энергетик погоначалари электронлар билан тўлиб борадиган элементларга d-элементлар дейилади, улар даврий система жадвалида кўк рангда кўрсатилади. d- элементларига 33 элемент киради. d- элементларига фақат қўшимча группача элементлари кирадилар. d- элементларнинг ташқи электрон қаватларида иккита ёки битта электрон жойлашган бўлади, лекин палладийнинг ташқи s- орбитасида электронлар йўқ, чунки s- орбиталдаги электронлар d- орбиталга кўчган.

d- элементлари ўзгарувчан валентлик ва ўзгарувчан оксидланиш даражаларига эга бўладилар, чунки кимёвий жараёнлар ва уларнинг фақат ташқи орбитасидаги ns^2 - ёки ns^1 - электронларигина эмас, балки nd - қобиқчадаги электронлари ҳам қатнашади. Масалан, скандий группачасидаги элементларнинг қўзғалган ҳолатларида фақат s- қобиқчадаги электронларигина эмас, балки d- қобиқчадаги электронлари ҳам кимёвий жараёнларда иштирок этади. Шунинг учун ҳам скандийнинг валентлиги ва оксидланиш даражаси +3 га tengdir. Қу-

йидаги жадвалда *d*- элементларнинг қобиқчаларда электронларнинг жойлашиш тартиби келтирилган.

13- жадвал


d - элементларнинг *s* - ва *d* - қобиқчадаги электронлар конфигурацияси

Электронлар сони

III	IV	V	VI	VII	VIII	I	II
nd^1ns^2	nd^2ns^2	nd^3ns^2	nd^4ns^2	nd^5ns^1	nd^5ns^2	$3d^64s^2$ $3d^75s^1$ $4d^75s^1$ $5d^66s^1$	$3d^74s^2$ $3d^85s^1$ $4d^85s^0$ $5d^76s^1$

VII ва VIII группа қўшимча группачада жойлашган Mn, Fe, Co, Ni каби элементларнинг асосий валентлигини: $3d^54s^2$, $3d^64s^2$, $3d^74s^2$, $3d^84s^2$ поғоначаларда жойлашган электронлар ташкил этади. Шунинг учун ҳам улар 7, 6, 5, 4, 3, 2 каби оксидланиш даражаларини намоён қиладилар. VIII группа элементларидан факат рутений билан осмий + 8 оксидланиш даражасини ҳосил қиладилар.

Қўйида баъзи *d* - элементларнинг қобиқ ва қобиқчаларида электронларнинг тақсимланишига мисоллар келтирамиз:



f-элементлар. f- энергетик қобиқчалари электронлар билан тўлиб борадиган элементларга f- элементлар дейилади ва улар даврий система жадвалида қора рангда кўрсатилиади. f- элементлар оиласига 28 та элемент киради. f- элементларни асосан лантаноидлар (58—71 гача бўлган элементлар) ва актиноидлар (90—104 гача бўлган элементлар) ташкил этади. Уларнинг ташқи орбиталларида ($6s^2$ — лантаноидларда ва $7s^2$ — актиноидларда) иккитадан электронлари, шунингдек ташқи орбитал-

даи олдинги орбиталларида ($5s^25p^6$ — лантаноидларда, $6s^26p^6$ — актиноидларда) саккизтадан ёки түқизтадан ($5s^25p^65d^1$ — лантаноидларда, $6s^26p^66d$ — актиноидлар) электронлари бўлади.

Лантаноид ва актиноидларнинг валентлиги ташқи орбитасидаги иккита s - поғонача электронлари, шунингдек d - орбиталдан битта электрон қатнашиши билан белгиланади. Улар учун асосан +3 оксидланиш даражаси характерли. Аммо Но, Се, Рг, Тб ва Ду лар баъзан +4 оксидланиш даражасини ҳам намоён қиласди. Демак, улар фақат четки орбитасидаги 2 та 3-электронларинигина эмас, балки $4f$ - орбиталдан ҳам электронларини бериб реакцияда қатнашадилар. Sm, Eu, Tm, Yb каби элементлар +2, +3 оксидланиш даражаларини ҳам ҳосил қиласдилар, чунки улар ташқи 2 та s -электронларидан ташқари $4f$ - орбиталларидан электронлар беришга қодирлар.

Актиноидлар ҳар хил оксидланиш даражаларини намоён қиласдилар, яъни улар +2 дан +7 гача оксидланиш даражасига эгадир. Тартиб номерлари ортиши билан оксидланиш даражалари ҳам +4 дан +7 гача ўзгаради. Юқорида кўриб ўтилган элементлар туркумiga хос бўлган хусусият шундан иборатки, уларда элементнинг кимёвий хусусияти унинг ташқи валент қобигидаги электронлар сонига боғлиқ. Тугалланган қобиқ электронлари атомнинг ўзак электронлари деб ҳисобланади ва улар кимёвий жараёнларда иштирок этмайди.

4.5. НЕЙТРАЛ АТОМЛАРНИНГ КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯЛАР ДАВОМИДА УЗГАРИШИ

Кимёвий реакциялар давомида атомнинг ядроси ва ўзак электронлари ўзгармай қолади. Атомларнинг кимёвий хоссалари уларнинг электрон қаватларининг структура тузилишига боғлиқдир. Кимёвий реакциялар пайтида фақат валент қобиқ электронлари муҳим роль ўйнайдилар.

Ядродан узоқда бўлган электронлар ядрога кучсизроқ тортилиб турадилар. Улар ташқи куч таъсирида атомдан осон чиқиб кетадилар.

Барча элементлар металл ва металлоидларга бўлинади. Металлар учун металл боғланиш характерли бўлиб, металлардаги эркин электронлар ташқи таъсир

(иссиқлик, электр токи, ёруғлик) ни бир жойдан иккинчи жойга ташийдилар. Аммо шуни унутмаслик керакки, металлар билан металлоидлар ўртасида маълум бир чегара йўқ.


Кўпчилик металл атомлари ўзларининг ташқи орбиталларида 1—2 электронларини сақлайдилар, фақат IV группадаги бир неча элементларнинг ташқи валент орбиталларида 4 тадан электрон бўлади.

Даврий системада металлар I, II, III группаларда, шунингдек IV группада (C ва Si дан ташқари) ва V группада (N, P, As дан ташқари) асосан металлар жойлашган. Кўшимча групача элементлари ҳам металл хоссасига эга. Умуман, даврий системанинг 80% ини металлар ташкил қиласди. Металлар оксидланиш-қайталиш реакцияларда электронларини осонгина бериб оксидланадилар, ўзлари мусбат зарядланиб бошқа элементларни қайтарадилар. Шунинг учун ҳам, барча металлар қайтарувчилардир. Металлар манфий зарядли оддий ионлар ҳосил қилмайдилар. Металларнинг ташқи электронларини осонгина узилиб кетишига фақат кимёвий реакциялардагина эмас, балки ҳар хил физикавий жараёнлар ҳам таъсирида ҳам металлар тез электронларини йўқотиб мусбат ионларга айланадилар.


Металл ионларининг қайтарувчилик хоссасига уларнинг ионланиш потенциали ва электрокимёвий стандарт потенциали ҳам муҳим роль ўйнайдилар.

Металмас элементлар атомлари (инерт газлар, водород ва бордан ташқари) ташқи орбиталларида 4, 5, 6 ва ҳатто 7 тадан электронга эга. Металлмасларга VII группа асосий групача элементлари: F, Cl, Br, J, At; VI группадан: O, S, Se, Te; V группадан: N, P, As; IV группадан: C, Si ва шунингдек H, В ҳамда инерт газлар; He, Ne, Ar, Xe, Kr ва Rn лар кирадилар. Металлмас элементлар атомлари (инерт газлардан ташқари) кимёвий реакцияларда элементар манфий зарядли ионларни ҳосил қиласдилар. Бу элементлар ўз структура тузилишига кўра ва реакция шароитига қараб, электронларни бириктириб оладилар ва кимёвий реакцияларда оксидловчи вазифасини бажаради. Баъзилари эса қайтарувчи хоссасини ҳам намоён қиласдилар. Аммо оксидловчилик хоссаси қайтарувчанлик хоссасидан кучлироқдир.

Инерт газлар He, Ne, Ar, Kr, Xe, Rn нинг ташқи орбиталари гелийда $1s^2$ билан тугаса, VIII группа-нинг бошқа элементлари атомларининг ташқи орбиталари ns^2np^6 билан тугайди. Узоқ йиллар давомида инерт газлар электрон бермайди ҳам, электрон бириктириб олмайди ҳам ва шунинг учун кимёвий бирикмалар ҳосил қилмайди, деган тушунча билан келинди. Лекин 1962 йилда Н. Бартлетт ксенон PtF₆ билан оксидланишини ва комплекс бирикма Xe⁺[PtF₆]⁻ ҳосил қилишини исботлади. Шундан сўнг нодир деб аталадиган газларнинг жуда кўп бирикмалари синтез қилинади. Электр токи таъсирида ёки қиздириш орқали фтор билан KrF₂, XeF₂, KrF₄ ва RnF₄ каби бирикмалар олинди. Шунингдек XeF₄, XeO₃, XeO₄ каби бирикмаларни ҳам ҳосил қилинди. Кучли оксидловчи озон O₃ таъсирида ксеноннинг оксидланиш даражаси +8 бўлган бирикмаси ҳосил қилинди:



Нейтрал атомларнинг бир-бирига яқинлашиши ва тўқнашиши натижасида бир атом электрон қабул қиласа, иккинчиси электронларини беради. Электронларини берган атом мусбат, қабул қилганлари эса манфий зарядланган ҳолга ўтади:




Жуда кўп элементларнинг атомлари мусбат зарядланадилар (фақат фтордан ташқари) ва қайтарувчанлик хоссасига эга бўладилар. Агар атомнинг ташқи орбитасида битта электрон бўлса ва у s-элементларга кирса, бундай элемент битта электронини осон бериб +1 мусбат зарядли заррачага айланади. Масалан, ишқорий металлар: +1 мусбат ионларга айланадилар. Агар элемент атомининг ташқи орбитасида иккитадан электрон бўлса, у ўша электронларини осон йўқотиб, +2 мусбат зарядланган ионга айланади.

Агар элемент атомининг ташқи орбитаси жуфт электронлар (тўртта, олтига ёки саккизта) билан тугаса, электронлар жуфт-жуфт бўлиб ажralадилар, Масалан, қалайнинг ташқи электрон поғонаси тўртта электрондан ($5s^25p^2$) иборат. Шунинг учун ҳам, қалай аввал Sn²⁺ ионини, сўнгра Sn⁴⁺ ни ҳосил қиласи.

Ташқи орбитаси бешта ёки еттида электрон билан тугайдиган атомлар (VII ва V групнинг бош групчача элемент атомлари*) бир неча ионларни ҳосил қиласидилар. *d*-элементларининг аввало ташқи орбитасидаги электронлар узилади, сўнгра ташқаридаги иккичи орбиталдаги электрон узилади *f*-элементлар (лантаноид ва актиноидлар) да ташқи электрон қобиқчасидаги электронлари аввал атомдан ажралади, сўнгра ички *d*-орбиталдаги тоқ электронлар атомдан ажралабошлиди ва натижада 2, 3, 4, 5, 6 оксидланиш даражага эга бўлган бирикмаларни ҳосил қиласидилар. Лантаноидлар уч мусбат зарядли ионларни ҳосил қиласидилар. Бундан ташқари Ce, Pr, Nd ва Tb лар оксидланиш даражаси мусбат тўрт бўлган бирикмаларни ҳосил қиласидилар, Sm, Eu ва Gd лар мусбат икки зарядли ионларни ҳосил қиласидилар.

Актиноидлар ўзларининг кимёвий бирикмаларида қўйидаги оксидланиш даражаларини намёён қилишлари мумкин: Th—3, 4; Pa—2, 3, 4, 5; U—3, 4, 5, 6; Np—3, 4, 5, 6, 7; Pu—3, 4, 5, 6, 7; Am—3, 4, 5, 6; Cm—3, 4; Bk—3, 4; Cf—2, 3; Es—3; Fm—3; Md—2, 3.

Ташқи орбиталида бешта, олтида, еттида электрони бўлган металлмаслар учта, иккита ёки битта электрон бириктириб, ташқи орбитасини саккизта электронга тўлдиришга ҳаракат қиласидилар. Масалан:



Атомларининг ташқи орбитасида битта, иккита ёки учта электрони бўлган элементлар манфий зарядли ионларни ҳосил қилаолмайдилар (бор ва водороддан ташқари) чунки улар ташқи орбиталларини саккизта электронга тўлдириш учун бешта, олтида ёки еттида электронни бириктира олмайдилар. Бундай ҳолатни амалга ошириш катта энергия — сарф қилишни талаб қиласидилар.

Шуни яна бир марта таъкидлаш керакки, мусбат

* — Элементар ионлар типи маълум: Э^- , Э^+ , Э^{3+} , Э^{+4} . Эритмада қўйидаги ионлар бўлиши мумкин: NO_2^- , NO_3^- , SO_3^{2-} , SO_4^{2-} , ClO_4^- аммо N^{3+} , N^{5+} , S^{4+} , S^{6+} бўлмайди.

зарядли ионларни металлар, манфий зарядли ионларни эса металлмаслар ҳосил қиласидилар.

Қўйидаги жадвалларда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ўзининг ташқи энергетик қаватида электронларининг сонини ўзгартирувчи элементлар берилган.

14- жадвал

Ўзининг ташқи қаватида электронларининг сонини ўзгартирувчи элементлар

Элемент	Тартиб номери	Атомнинг электрон қобигидаги электронлар сони	Ионлар	Ионлар электрон қаватларининг тузилиши
Na	11	2; 8; 1	Na ⁺	2,8
Mg	12	2; 8; 2	Mg ²⁺	2,8
Al	13	2; 8; 3	Al ³⁺	2,8
Si	14	2; 8; 4	—	—
P	15	2; 8; 5	—	—
S	16	2; 8; 6	S ²⁻	2, 8, 8
Cl	17	2; 8; 7	Cl ⁻	2, 8, 8
Ar	18	2; 8; 8	—	—

Кейинги жадвалда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида қатнашишга мойил бўлган атом ва ионлар берилган.

15- жадвал

Атом ёки ион	Электрон қаватларининг тузилиши	Чиқарилган электронлар	Биритириш мумкин бўлган электронлар	
			максимал сони	
Na	2, 8, 1	1		0
Na ⁺	2, 8	0		1
Mg	2, 8, 2	2		0
Mg ²⁺	2, 8	0		2
Al	2, 8, 3	3		0
Al ³⁺	2, 8	0		3

4.6. ИОНЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИ, ЭЛЕКТРОНГА МОЙИЛЛИК ВА ЭЛЕКТРОМАНФИЛИК

Кимёвий реакцияларда атомлар ва ионларнинг хоссалари кўпинча, уларнинг электронлар ядролари билан боғланиш энергиясининг катталиги ва кимёвий боғланишнинг мустаҳкамлигига боғлиқ бўлади. Электроннинг ядро билан қанчалик даражада боғлиқлиги ёки электронни ядро томонидан тортилиб туриши электроннинг ядрога яқин ёки узоқ жойлашганлигига боғлиқ. Электрон ядрога қанча яқин турса, у шунча мустаҳкам тортилиб туради, аксинча электрон ядродан қанча узоқда жойлашган бўлса, у шунчалик бўш тортилади ва озгина куч таъсирида атом таркибидан узилиб чиқади.

Атомларнинг радиуси, ионланиш энергияси, электронга мойиллиги, электр манфийлиги каби хоссалари атомнинг электрон конфигурацияси билан боғлиқ.

Атом радиуси қанчалик катта бўлса, ташқи электронлар шунчалик заиф боғланган бўлади ва аксинча, атом радиуси кичиклашиши билан электронлар ядрога кучлироқ тортила бошлайди.

Ионланиш энергияси — ядро билан боғланган электронни атомдан узиб чиқариш учун сарфланган минимал энергиядир. Бу энергия, одатда, электронвольтларда (эВ) ифодаланади.

Ҳар бир даврдаги элементлар учун ионланиш энергияси чапдан ўнгга томон ортиб боради, чунки шу қаторда атом ядросининг заряди ортиб боради. Группачаларда бу энергия электронларнинг ядродан узоқлиги ортиб борганлиги сабабли юқоридан пастга тушган сари камайиб боради. Ионланиш энергияси (J) элементларнинг кимёвий хоссалари билан боғлиқ.

Ишқорий металлардан электронлар осонликча ажralади. Улардан электрон ажralishiда талаб қилинадиган энергияси қўйидагичадир:

Элемент	Li	Be	B	C	N	O	F
Радиуси, нм ҳисобида:	0,155	0,113	0,091	0,077	0,071	0,066	0,064
Ионланиш потенциали J , Эв ҳисобида:	5,39	9,32	8,29	11,26	14,53	13,61	17,41

A. Элементнинг электронга мойиллиги

Маълумки, Д. И. Менделеев даврий системасида ҳар қайси давр ичида чапдан ўнгга ўтган сайин атомнинг ўзига электрон бириктириб олиш хоссаси орта боради. Атом ўзига электрон бириктириб олиб, ўша элементнинг манфий ионига айланади. Элемент атоми бир электрон бириктириб олганда ажралиб чиқадиган энергия миқдорига айни элементнинг электронга мойиллиги дейилади. Бу миқдор $\text{кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$, ккал/моль $^{-1}$ ёки электрон-вольтлар^{*} билан ўлчаниб, Е ҳарфи билан белгиланади. Элементнинг электронга мойиллилиги қанчалик катта бўлса, унинг металлмаслик хоссалари шунчалик кучли ифодаланган бўлади. Элемент атомларининг электронга мойиллик энергиясининг ишораси ионланиш энергиясиникига тескари бўлади, яъни Е мусбат катталикка эга бўлади. Элементлар даврий системасида ионланиш потенциалининг мутлақ қиймати группа ва даврларда қайси тартибда ўзгариб борса, Е ҳам шу тартибда ўзгариб боради. Баъзи элементларнинг электронга мойиллик қиймати қўйидаги 16- жадвалда келтирилган.

16- жадвал

Элемент	E, эВ						
H	0,754	C	1,27	Na	0,54	B	3,54
He	-0,22	N	-0,21	Mg	-2,4	I	3,29
Li	0,593	O	1,467	Al	0,52		
Be	-2,5	F	3,45	Cl	3,61		
B	0,30	Ne	-0,34	K	0,52		

B. Электрманфийлик

Элементларнинг металлмаслик хоссаларини яққол намоён қилиш учун электроманфийлик (ЭМ) тушунчаси киритилган. Элементнинг ионланиш потен-

* Ионланиш потенциали Эв билан берилган бўлса, уни ккал·моль $^{-1}$ га айлантириш қийин эмас: $\text{Эв} = 4,88 \cdot 10^{-10} / 299,8 = 1,628 \cdot 10^{-12}$ эрг; элементнинг 1 моль миқдорида Авагадро сонига тенг атомлар бўлгани учун $6,02 \cdot 10^{23}$ га кўпайтирамиз; $1 \text{ кЖ} = 1 \cdot 10^{10}$ эрг бўлгани учун $1 \cdot 10^{10}$ га бўламиз: $1,602 \cdot 10^{-12} \cdot \frac{6,02 \cdot 10^{23}}{1 \cdot 10^{10}} = 96,5 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$.

циали қанчалик кичик бўлса, у элемент шунчалик кучли металлик хоссасига эга бўлади. Шунинг учун Д. И. Менделеев даврий системасида ҳар қайси даврда чапдан ўнг томон ўтган сайин элементларнинг ионланиш энергиялари ортиб боради. Масалан, Li нинг ионланиш потенциали 5,39 эВ га; Beники 9,32 эВ; F нинг ионланиш потенциали 17,42 эВ га тенг.

Даврий системанинг ҳар қайси группасида юқоридан пастга тушиш тартибида ионланиш энергиясининг қиймати камайиб боради. Масалан, натрийнинг ионланиш потенциали 5,14 эВ, калийники эса 4,34 эВ. Айни элементнинг электрманфийлиги унинг ионланиш энергияси билан электронга мойиллиги йиғиндисининг ярмига тенг деб қабул қиласак:

$$\text{ЭМ} = \frac{E + J}{2}$$

$E+J$ қиймати катта бўлган элемент атоми молекула таркибидаги электронни ўзига тортишга интилади ва осонлик билан манфий ион ҳолатига ўтади.

Элементларнинг металлик ва металлмаслик хоссаларини таққослаб кўриш учун Р. Маллиken ва Л. Пор-

17- жадвал

Элементларнинг нисбий электрманфийлиги (НЭМ) қийматлари

Даврлар	Группалар						
	1	II	III	IV	V	VI	VII
1	2	3	4	5	6	7	8
1	H 2,1						
2	Li 1,0	Be 1,5	B 2,0	C 2,5	N 3,0	O 3,5	F 4,0
3	Na 0,9	Mg 1,2	Al 1,5	Si 1,8	P 2,1	S 2,5	Cl 3,0
4	K 0,8	Ca 1,0	Sc 1,3	Ge 1,8	As 2,0	Se 2,4	Br 2,8
5	Rb 0,8	Sr 1,0	V 1,3	Sn 1,8	Sb 1,9	Te 2,1	I 2,5
6	Cs 0,7	Ba 0,9	Za 1,0	Pb 1,9	Bi 1,8	Po 2,0	At 2,2
7	Fr 0,7	Ra 0,9	Ac 1,0				

линг электрманфийликнинг нисбий қийматларидан фойдаланишни таклиф қилдилар.

Электрманфийликка (ЭМ) 1932 йил Л. Полинг ингича таъриф берди: электрманфийлик молекуладаги атомнинг ўзига электронларни тортиш хусусияти дидир.

Литийнинг электрманфийлиги 1 деб қабул қилинди. Юқоридаги 17-жадвалда элементларнинг нисбий электрманфилиги (НЭМ) берилган.

4.7. ҚАЙТАРУВЧИ ВА ОКСИДЛОВЧИЛАР

Нейтрал атомлар қайтарувчи ва оксидловчи ҳам бўлиши мумкин; манфий зарядли металлмаслар, паст мусбат оксидланиш даражасига эга бўлган металлар, мураккаб ион ва молекулалар, электролиз жараёнида қайтарувчи бўлиши мумкин.

4.7.1. Нейтрал атомлар

Металларнинг электрнейтрал атомлари типик қайтарувчилардир. Металларга барча *s*- элементлар (Н ва Не дан ташқари), *d*-, *f*- элементлар ва ўнта *p*- элементлар киради. Қайтарувчилик хоссасини бир неча металлмаслар, масалан, водород ва углерод (*s*- ва *p*- элементлар) ҳам намоён қиласидилар.


Кимёвий реакцияларда металлар қўйидаги схема бўйича электронларини берадилар ва мусбат зарядли ионларини ҳосил қиласидилар: $\text{Me} \rightarrow \text{Me}^{n+}$. Аммо улар электрон бириктира олмайдилар.

Металларнинг қайтарувчилик хоссалари асосан уларнинг агрегат ҳолатларига, реакция мұхитига, атомларининг радиусларига ва валент электронларининг сонига боғлиқдир. Д. И. Менделеев даврий системасининг биринчи ва иккинчи бош группачаларида жойлашган ишқорий ва ишқорий-ер металлари, шунингдек лантаноид ва актиноидлар бирмунча кучли қайтарувчилар ҳисобланадилар. Пассив металлар Au, Ag, Pt, Os, Jr, Pd Ru, Rh кабилар жуда қийин оксидланадилар. Улар юқори ионланиш потенциали қийматига эга. Даврий системанинг асосий группача элементлари нейтрал атомларида қайтарувчилик хоссаси уларнинг тартиб номерлари ортиб бориши билан ортади. Масалан, литий-цезий қаторида бошқа элементлар: K, Na,

Ра га нисбатан литийда қайтарувчилик хоссаси бирмунча пастдир. Цезийда эса қайтарувчилик хоссаси бошқа элементларга қараганда юқоридир.

4.7.2. Металлмасларнинг манфий зарядли ионлари

Металлмасларнинг нейтрал атомлари битта ёки бир неча электронни бириктириб олиб, қуйидаги схема асосида ўзларининг манфий зарядли ионларини ҳосил қиласидилар:



Масалан, олтингугурт, галогенлар атомлари ўзларининг ташқи орбиталаридағи олтита ёки еттика электронлари устига тегишли тартибда иккита ёки битта электрон бириктириб, ташқи орбиталларини саккизга электронли қобиққа айлантириб, манфий зарядли зарачаларини ҳосил қиласидилар:



Ана шундай манфий зарядли зарачалар кучли қайтарувчи хоссасини намоён қилиб, кимёвий реакциялар жараёнида фақат ортиқча қабул қилиб олган ва заиф боғланган электронларинигина эмас, балки ўз атомлари таркибидаги электронларини ҳам бериб юборадилар. Бунда металлмас қанча актив оксидловчи бўлса, манфий ион ҳолатида бўлганда қайтарувчилик хоссаси шунча паст бўлади. Агар оксидловчи хоссаси пассив бўлса, манфий ион ҳолатида қайтарувчилик хоссаси шунча юқори бўлади.


Манфий зарядли ионнинг радиуси қанча катта бўлса, унинг қайтарувчилик хоссаси шунча юқори бўлади. Масалан, галогенлар группасида J^- ионида Br^- ва Cl^- ионларига нисбатан қайтарувчилик хоссаси юқоридир.

Қайтарувчи ролини қуийидаги манфий зарядли ионлар (S^{2-} , Se^{2-} , Te^{2-} , I^- , Br^- лар), шунингдек кимёвий бирикмалар (H_2S , H_2Se , H_2Te , HI , HBr) ва уларнинг тузлари (NH_3 , SbH_3 , AsH_3 PH_3 ва бошқалар) бажариши мумкин.


4.7.3. Паст оксидланиш даражасига эга бўлган мусбат зарядли металл ионлари

Паст оксидланиш даражасига эга бўлган мусбат зарядли металл ионлари ташқи орбитасидаги битта ёки иккита электронларини йўқотган нейтрал атомлардан

хосил бұлладилар. Масалан, қалай, хром, темир ва мисатомлари бошқа моддалар билан кимёвий реакцияларга киришиб, аввал минимал даражада электронларини бошқа элементларга беришлари натижасыда паст даражали мусбат зарядли ионларини ҳосил қилишлари мүмкін:




Паст оксидланиш даражаларига әга бұлган мусбат зарядли металл ионлари юқори оксидланиш даражасына әга бұлган ионларини ҳосил қылсалар, улар қайтарувчи хоссаларини намоён қылған бўлади. Масалан:





Cr^{3+} иони ишқорий мұхитда яна учта электрон беріб, CrO_4^{2-} га ёки кислотали мұхитда $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ га айланиши мүмкін, шунингдек Fe^{3+} иони яна учта электрон чиқарып, FeO_4^{2-} ионига айланиши мүмкін. Паст оксидланиш даражасына әга бұлган металларнинг мусбат зарядли ионлари оксидловчи хоссасына ҳам әга бўлиши мүмкін, аммо уларда оксидловчи хоссасына нисбатан қайтарувчилик хоссаси юқоридир.

Мураккаб ионлар ва молекулалар, яъни нейтрал атомларнинг оксидланишида оралиқ оксид ҳосил қылған ионлар қайтарувчи хоссасына әга бўлладилар. Масалан: SO_3^{2-} , NO_2^- , AsO_3^{3-} , CrO_4^{2-} , $[\text{Fe}(\text{CN})_6]^{4-}$ лар қайтарувчилик хоссасына әга бўлладилар, чунки олтингугурт, азот, мышьяк, хром, темир атомлари юқоридаги бирикмаларда оралиқ оксидланиш даражасына әга бұлган ионларини ҳосил қыладилар: S^{+4} , N^{+3} , As^{+3} , Cr^{+3} , Fe^{+3} . Булар қаторига бир қанча ўхшаш молекулалар: SO_2 , CO , NO , P_2O_6 ва бошқаларни киритиш мүмкін.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларыда ўзларининг электронларини оксидловчиларга бериб, ўзлари юқори оксидланиш даражасына әга бўладиган молекулалар ҳам қатнашади:







SO_3^{2-} , NO_2^- , AsO_3^{3-} ва бошқа ионлар кучли қайтарувчи-лар билан кимёвий реакцияга киришиб, оксидловчи хосса-ларини намоён қилишлари мүмкін. Аммо уларда оксидлов-чи хоссаси анча заифдір.

4.7.4. Лаборатория ва техникада катта аҳамиятта эга бүлган қайтарувчилар

А. Углерод. Металларнинг оксидларини қайтариб, то-за металл ажратиб олишда муҳим аҳамиятта эга ва кенг құлланилади:



Сув газини олишда ҳам углерод қайтарувчи вазифасини ба-жаради:



Углерод (II) оксид. Металлургияда CO металл оксид-ларини қайтариб металларни олишда муҳим аҳамиятта эга:



Үй температурасыда Au, Pt, Pd тузлары эритмалари тар-кибидан CO гази Au, Pt, Pd металларини бемалол қайтаради.

Б. Темир, рух, алюминий ва қалай органик бирикмалар ишлаб чиқариш саноатида нитробирикмаларни қайтарувчи модда сифатида құлланилади. Баъзан лабораторияларда қалайнинг паст оксидланиш даражасига эга бүлган Sn^{2+} бирикмалари құлланилади.

В. Сульфит кислота. Анорганик бирикмаларни эркин ҳолда ажратиб олишда, шунингдек органик бирикмаларни ва хинонларни қайтаришда құлланилади. Бу жараёнда у сульфат кислотага айланади.

Натрий сульфит ва биосульфитлар. Бу тузлар фотографияда, түқимачилик саноатида мато-ларда қолган хлор қолдигини йўқотишда қайтарувчи сифатида ишлатилади:



Г. Натрий сульфид. Ароматик нитро- ва азоби- рикмаларни қайтаришда ишлатилади.

Д. Натрий тиосульфат. Түкимачиликда матоларни бўяш учун гипохлорит кислота ёрдамида ҳар хил доғлардан тозалашда ортиб қолган хлорни қайта- риша ишлатилади.



Е. Металл ҳолатидаги натрий. Титан группасидаги металларни қайтаришда қайтарувчи сифатида қўлланилади:



Ж. Водород. Қайтарувчи ва оксидловчи хосса- ларига эга:




Оддий шароитда водород молекуласи барқарор бўл- ганлиги учун пассив, яъни кам активдир, аммо қизди- рилганда кўпчилик металлмаслар — хлор, бром, фтор, кислород билан кимёвий реакцияга киришади. Атомар водород молекуляр водородга нисбатан анча активдир. Атомар водород оддий шароитда олтингугурт, мишъяк билан кимёвий реакцияга киришади, шунингдек жуда кўп металларнинг оксидларини тоза металлга қадар қайтариш хоссасига эгадир.

Вольфрам, молибден, галлий, германийларни тоза ҳолда ажратиб олишда водородотермия саноатда муҳим аҳамиятга эгадир:



Ўзбекистонда Чирчиқ шаҳаридаги ўтга чидамили ва қаттиқ металлар ишлаб чиқариш комбинатида молибден ва вольфрам оксидларини водород печьларида қайтариш асосий жараён ҳисобланади.

З. Электротоки. Оксидланиш-қайтарилиш жара- ёнида моддаларни электролиз қилиш вақтида ҳосил бўлаётган катионларни катодда қайтарилиш, анионларни анодда оксидланишида доимий электр токи муҳим роль ўйнайди. Масалан, никель хлорид эритмасининг электролизи қуйидагича боради:



Электр токи таъсирида моддаларни қайтариш усули техникада кенг қўлланилади.

Шундай қилиб, техникада ва лаборатория амалиётида қўйидаги қайтарувчилар муҳим аҳамиятга эгадирлар: элементар металлар (Zn , Al , Sn ва бошқалар), натрий амалгамаси, литий гидрид — LiH , литий алюмогидрид LiAlH_4 , водород (молекуляр ва атомар ҳолда), углерод (кўмир ва кокс), углерод (II) оксид, сульфит ангиридрид — SO_2 , натрий тиосульфат $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3$, кислоталар (ва уларнинг тузлари) H_2SO_4 , HJ , H_2S , H_3PO_3 , $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$ (оксалат кислота), чумоли кислота — HCOOH , гидразин — N_2H_4 , гидроксиламин — NH_2OH , қалай ва темир бирикмалари (Sn^{2+} , Fe^{2+}), спиртлар (этил спирт — $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$, метил спирт — CH_3OH), альдегидлар (сирка альдегид — $\text{CH}_3-\overset{\text{H}}{\underset{\text{O}}{\text{C}\equiv}}$, чумоли альдегиди — $\text{H}-\overset{\text{O}}{\underset{\text{H}}{\text{C}\equiv}}$), глюкоза $\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$, электролиз жараёнида катод ва бошқалар.


4.7.5. Оксидловчилар

Нейтрал атом ёки молекулалар, металларнинг ионлари, мураккаб ионлар ва молекулалар, юқори оксидланиш даражасига эга бўлган металларнинг ионлари, юқори оксидланиш даражасига эга бўлган мусбат зарядли металлмасларнинг ионлари, мусбат зарядли водород иони оксидловчи хосасига эга бўладилар.

A. Нейтрал атомлар

Ташқи электрон қаватида 4, 5, 6 ёки 7 электрони бўлган нейтрал элемент атомлари ҳам оксидловчиларга кирадилар. Булар p - элементлардир ($s^2p^2-s^2p^5$). Электронга мойиллилиги катта бўлган ва катта электрман-фийлик хусусияти бор бўлган нейтрал атомлар (фтор, хлор, кислород ва бошқалар) оксидловчиларга кирадилар. Улар электронларни бириктириб қайтарувчи

хоссаси юқори бўлган манфий ионларни ҳосил қиласди:



Металлмасларнинг электронларни бириктириб электрманфийликка эга манфий зарядли анионлар ҳосил қилиш хоссаси қўйидаги тартибда камайиб боради: F, O, Cl, N, Br, S, J, At, Se, P, Fe, H, C, As, Si, B (бу қатор НЭМ қийматининг камайиш қаторидир). Энг кучли оксидловчиларга кислород билан галогенлар киради. Улар битта ёки иккита электронни бириктириб оладилар. Энг пассив оксидловчиларга тўртинчи группа элементлари кирадилар, чунки улар тўрттагача электронни бириктириб оладилар. Демак, бир давр ичидаги элементларнинг оксидловчилик активлиги VII—IV бош группачаларида камайиб боради.


VII, VI, V, IV группаларнинг асосий группачасида оксидловчилик активлиги атомлар радиусларининг ўсиши билан юқоридан пастга томон пасая боради. Масалан, галогенлар группасида энг кучли оксидловчи фтор бўлса, радиуси ортиб бориши сабабли йод фторга қараганда оксидловчилик активлиги анча паст элемент ҳисобланади. Юқорида келтирилган барча элементлар (фтордан ташқари) кучли оксидловчилар билан учрашганда электронларини берадилар ва қайтарувчилик хоссасига эга бўладилар, шунинг учун бундай элементларни оксидловчилар-қайтарувчилар деб юритилади. Аммо шуни унутмаслик керакки, металлмасларда қайтарувчи хоссасига қараганда, оксидловчи хоссаси кучлидир.

Аввал айтилганидек, VIII группада жойлашган нодир газлар: He, Ne, Ar, Kr, Xe ва бошқалар тегишли даврларда жойлашган *s*- ва бошқа *p*- элементларидан ўзларининг жуда ҳам паст қайтарувчилик хоссалари билан кескин фарқ қиласди.

B. Мусбат зарядли металларнинг ионлари

Барча мусбат зарядли металларнинг ионлари ҳар хил оксидланиш даражаларига эга бўладилар. Энг кучли оксидловчилар қаторига мусбат зарядлари максимал бўлган металларнинг ионлари киради. Масалан: Sn²⁺, Fe²⁺, Ge²⁺, Cu⁺ ионларида қайтарувчи хоссалари бўлса Sn⁴⁺, Fe³⁺, Ge⁺, Cu²⁺ ларда эса оксидловчи хос-

салари юқоридир. Оксидланиш даражаси паст бүлган мис Cu^{2+} иони, бундан ҳам оксидланиш даражаси паст бүлган ионгача ёки нейтрал атомга қадар қайтарилиши мүмкін. Масалан:




Аммо, шуни назарда тутмоқ керакки, паст оксидланиш даражасига эга бүлган ионлар (катионлар) нейтрал атомларға нисбатан катта энергетик қувваттаға эга бўлиб, типик қайтарувчилар билан учрашганда озмикўми оксидловчилик хоссасига эга бўладилар.

Масалан:



Нодир металларнинг ионлари (Au , Ag , Pt , Os , Ir , Pd , Ru ва Rh) ҳатто паст оксидланиш даражаларига эга бўлсаларда кучли оксидловчи хоссаларига эга бўладилар:




Металл қайтарувчи сифатида қанчалик актив бўлса, у оксидлочи ион сифатида шунчалик пассив бўлади. Агар металл қайтарувчи сифатида қанчалик пассив бўлса, оксидланган ион ҳолида у шунчалик актив бўлади. Масалан, нейтрал атомлар калий ва кумуш ион ҳолига ўтаётганда (K^+ , Ag^+) унинг ионланиш потенциали 415,6 $\text{kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$, кумушники эса 724,5 $\text{kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$ га тенг бўлади. Шунинг учун ҳам кумуш ионнинг электронга мойиллиги, калийникига қараганда анча юқори бўлади.



B. Металл атомларининг юқори оксидланиш даражасидаги ионлари ва молекулалари

Ҳар бир металлнинг ўзига хос бўлган энг юқори оксидланиш даражасидаги ионлари типик оксидловчилардир.

KMnO_4 , $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$, K_2CrO_4 , $\text{Pb}(\text{CH}_3\text{COO})_4$, HAuCl_4 лардаги металл ионлари паст оксидланиш даражаларига ўтиш учун ҳаракат қиладилар, яъни Mn^{2+} , Cr^{+3} , Pb^{+2} , Au^0 га ўтишга интиладилар.

Масалан:






Юқори оксидланиш даражасидан қуий мусбат оксидланиш даражалари ҳолатига ўтиш қайтарувчининг активлиги ва эритмадаги яратилган шароитга қараб турлича бўлиши мумкин.

Бу тўғрисида муҳит таъсирига бағишлиланган қисмга қаранг.



Г. Металлмаслар атомларининг юқори оксидланиш даражасига эга бўлган мусбат зарядли ионлари ва молекулалари

Юқори оксидланиш ёки баъзан паст оксидланиш даражасига эга бўлган металлмаслар ҳам кучли оксидловчи хоссасига эга бўладилар. Ана шундай оксидловчиларга, масалан, кислород тутган кислота қолдиқлари, уларнинг оксидлари, тузлари HNO_3 , концентрланган H_2SO_4 , SO_3 , HOCl , HClO_3 , NaOBr , KClO_3 ва бошқалар киради. Бу металлмаслар юқори оксидланиш даражасидан қайтарувчи таъсирида паст оксидланиш даражасига ўтишга интиладилар.

Кучли оксидловчиларга: H_2SeO_4 , H_6GeO_6 ларнинг концентрланган эритмалари киради. Оксидловчилик хоссаси бўйича активлик кетма-кетлиги қуйидагичадир: $\text{H}_2\text{SO}_4 < \text{H}_2\text{SeO} < \text{H}_6\text{TeO}_6$. Кучли қайтарувчиларнинг таъсири ва реакция муҳитига қараб бу металлмаслар қуйидаги ҳолларгача қайталиши мумкин:



Масалан:



Галогенларнинг кислородли бирикмаларининг оксидловчилик хоссаларини қуйидагича тавсифлаш мумкин:

оксидловчилик активлигининг ортиши

HOCl	HClO_2	HClO_3	ClO
гипохлорит кислота	хлорит кислота	хлорат кислота	перхлорат кислота
HOBr	HBrO_2	HBrO_3	HBrO_4
HOI	HIO_2	HIO_3	$\text{HIO}_4, \text{H}_5\text{IO}_6$


турғунылғы ва кислотали
хоссаларининг ортиши

$\text{HOCl} — \text{HOBr} — \text{HOI}$ қатори бүйіча оксидловчилик активлиги ва барқарорлығы камайиб боради. HOBr ва HOI бирикмалари диспропорцияланиш реакциясига киришадилар. Масалан:




$\text{HClO}_3 \rightarrow \text{HBrO}_3 \rightarrow \text{HIO}_3$ қатори бүйіча биринчи ва иккінчи кислоталарда оксидловчилик хоссалари бир-бирига жуда үшшайды, аммо йодат кислотада оксидловчилик хоссаси юқоридагиларга нисбатан анча пастдир.

Хлорнинг кислородли кислоталаридан фақат HClO_4 әркин ҳолда маълум. У 92°C дан юқори температурада қиздирілгандың ички молекулалар оксидланиш-қайтарилиш реакциясига киришиб, қуидаги тенгламалар бүйіча парчаланады:




HClO_4 нинг оксидловчилик активлиги HClO_3 никига қараганда анча паст, шунингдек суюлтирилган эритмаларыда эса умуман сезиларлы даражада эмас.



HIO_4 нинг оксидловчилик хоссаси HIO_3 га нисбатан кучлироқдир. H_5JO_6 ортойод кислотаси яна ҳам күпроқ оксидловчилик хоссасига әгадир:




Галогенларнинг кислородли кислоталаридек, уларнинг тузлари ҳам оксидланиш-қайтарилиш хоссаларига эга бўлганликлари учун ҳам оксидловчи сифатида ишлатилиди. Хлор, бром ва йодларнинг кислородли бирикмалари оксидловчилик хоссаларига эга бўлганликлари учун ҳам (реакциянинг бориши шароитига қараб) әркин ҳолдаги молекулагача қайтариладилар:



Шунингдек водороднинг мусбат зарядли ионлари баъзи (кислоталарда, ишқорларда ва сувда) оксидловчилик хоссасини намоён қиладилар, бундан лаборатория шароитида водород олишда қўлланилади: уни суюлтирилган хлорид, сульфат, ортофосфат ва сирка кислоталарига рух, темир, магний, марганец ёки алюминий металларини таъсир эттириб олинади:



Шунингдек NaOH , KOH , $\text{Ca}(\text{OH})_2$ эритмаларига алюминий, рух, кремний, қалай ва бошқа металларни таъсир эттириб, мусбат зарядли водород ионлари қайтарилади:



Сувнинг водород иони билан асосан актив металлар (I ва II группа металлари) оксидланадилар:






Шундай қилиб, атомлар паст оксидланиш даражасига эга бўлсалар (масалан, азот, мишъяқ, олтингугурт, селен, теллур, бирикмаларида $-\text{NH}_3$, AsH_3 , H_2S , H_2Se , H_2Te ларда тегишли равища N^{-3} , As^{-3} , S^{-2} , Te^{-2}) улар фақат қайтарувчи хоссаларига эга бўладилар, чунки уларнинг атомларини ташқи орбиталлари саккизта электронга тўлганлиги учун бошқа электрон қабул қила олмайди.

Азот, мишъяқ, олтингугурт, селен, теллур, марганец, хром кислоталари (HNO_3 , H_3AsO_4 , H_2SO_4 , H_6TeO_6) ва тузлари таркибида, шунингдек KMnO_4 , $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ таркибида энгюқори мусбат оксидланиш даражаларига (N^{+5} , As^{+5} , Se^{+6} , Te^{+6} , Mn^{+7} , Cr^{+6}) эга бўлганларни учун улар фақат оксидловчи хоссаларига эга бўладилар. Шунингдек кислоталар HNO_2 , H_3AsO_3 , (ёки HAsO_2), H_2SO_3 , H_2SeO_3 , уларнинг тузларида, MnO_2 ва K_2MnO_4 да азот, мишъяқ, олтингугурт, селен, теллур, марганец пастроқ оралиқ оксидла-


ниш даражасига (N^{+3} , As^{+3} , S^{+4} , Se^{+4} , Te^{+4} , Mn^{+4} , Mn^{+6}) әгадирлар. Бу бирикмалар компонентларнинг реакцияга киришиш қобилиятига ва реакция бораётган шароитга қараб ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи хоссаларини намоён қилишлари мумкин.

Худди ана шундай оралиқ оксидланиш даражасига әга бўлган ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи хоссаларини намоён қиласидиган моддаларга мисоллар келтирамиз:





Водород пероксид H_2O_2 реакция шароитига қараб, оксидловчи ёки қайтарувчи ролини бажаради.

Олтингугурт, селен, теллур эркин ҳолда водород билан ёки металлар билан реакцияга киришганда оксидловчи, аммо кислород, фтор ва хлор билан реакцияга киришганда қайтарувчи хоссасини намоён қиласиди:



Йод кучли қайтарувчилар билан кимёвий реакцияга киришганда оксидловчи, кучли оксидловчилар билан реакцияга киришганда эса қайтарувчи ролини бажаради:



4.7.6. Техника ва лабораторияда муҳим аҳамиятга әга бўлган оксидловчилар

1. Кислород. Металлургия ва кимё саноатида (домна печларида, сульфат ва нитрат кислота олиш сано-


ати) хом ашё ишлаб чиқариш унумини күтариш мақсадида ишлатилади. Кислород ва ацетилен аралашмаси қарийб 3500°C иссиқлик бериши қобилиятидан фойдаланиб металларни қирқиши ва пайвандлаш ишларида ишлатилади. Кислород медицинада кенг күлланилади. Нафас олишда ҳаво таркибидаги кислороднинг 40—60% и сарфланади. У юрак, ўпка фаолиятини яхшилашга ва бир маромда ишлашига олиб келади. Кислород ёнмайди, аммо ёнишга ёрдам беради. У кучли оксидловчидир. У элементлар билан кимёвий реакцияга киришиб, ҳар хил бирикмаларни ҳосил қиласи. Молекуляр кислородга нисбатан атомар кислород активроқдир. Кислород фақат фтор билан реакцияда қайтарувчи вазифасини бажаради:




Бундан бошқа бирикмаларидан унинг оксидланиш даражаси —2 га тенгдир. Кислород учун +2, —2, +1, —1 оксидланиш даражаси маълум.

Агар оксидланиш жараёни катта иссиқлик ёки ёруғлик чиқиши билан борадиган бўлса, бундай реакцияларни ёниш реакцияси дейилади.


Молекуляр кислород кимёвий реакциялари шароитга қараб қўйидагича бориши мумкин:



2. Озон. Озон кислородга нисбатан янада кучли оксидловчи бўлиб, жуда кўп рангли моддаларни рангизлантиради. Олтин ва платинадан ташқари, барча металларни оксидлайди. Аммиакни нитрит ва нитрат кислоталарга айлантиради, сульфидларни сульфатгача оксидлайди. Озон кучли оксидловчи бўлганлиги учун бактерияларни ўлдиради. Шунинг учун ҳам озон сувни ва ҳавони дезинфекция қилишда қўлланилади. Озон жуда тез атомар ва молекуляр кислородга парчаланади: $\text{O}_3 = \text{O}_2 + \text{O}$. Кумуш юқори температурада ҳам кислород билан қиздирилса, оксидланмайди, аммо озон кумушни оддий шароитда осонгина оксидлайди:



Ишқорий металларнинг озонидлари ишқорларга озон таъсир эттириб олинади.



KO_3 — кучли оксидловчидир, аммо у гидролизга учрайди:




Озон калий йод эритмаси таркибидан йодни эркин ҳолда сиқиб чиқаради:




Озон аралашган ҳавога калий йодид ва крахмал шимдирилган қофоз тутилса қофоз дарҳол күкаради. Бу реакция озонни очишда қўлланади.

3. Калий перманганат. Органик бирикмаларни оксидлаш жараёнида қўлланилади. Калий перманганат сульфитларни сульфатларга, нитритларни нитратларга айлантиради, калий йодидни эркин йодгача, хлорид кислотани хлоргача, водород пероксидни кислородгача оксидлайди. KMnO_4 нинг қайтарилиши реакция борадиган муҳитга боғлиқдир. Кислотали муҳитда ($\text{pH} < 7$) MnO_4^-


— бинафша рангли ион ҳолидан рангсиз Mn^{2+} гача қайтарилади:



Нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитда ($\text{pH} \geq 7$) қўнғир чўкма — MnO_2 ҳосил бўлади:





Кучли ишқорий муҳитда ($\text{pH} \geq 7$) бинафша рангли эритма яшил рангга айланади, яъни MnO_4^{2-} иони ҳосил бўлади:






4. Хромат ва бихромат кислоталар. Ҳар иккала кислота ҳам эритмаларда маълум, аммо ҳамма вақт эркин кислоталар ўрнига, уларнинг тузлари K_2CrO_7 , K_2CrO_4 кўп қўлланилади. С CrO_4^{2-} — ионлари сариқ рангли, $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ — ионлари қовоқ ранглидир.

Барча хромнинг кислоталари ва хромат ангириди — CrO_3 кучли оксидловчилардир:




5. Нитрат кислота. Энг күчли оксидловчилардан бири нитрат кислота (HNO_3)дир. HNO_3 жуда күп металларни, шунингдек жуда күп металлмасларни оксидлайди: олтингүргүртни сульфат кислотага қадар, фосфорни ортофосфат кислотагача, углеродни CO_2 -гача оксидлайди. Баъсан нитрат кислота иштирокида борадиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари шу қадар шиддатли борадики, экзотермик реакцияларда аланга чиқиб кетади (масалан, скрипидарни тутовчи нитрат кислота билан реакцияси).

NO_3^- таркибидаги азот реакция шароитига қараб (кислота концентрацияси ва қайтарувчининг табиати) битта электрондан саккизта электронгача қабул қилиши мумкин:



Турли концентрацияли нитрат кислотанинг активлиги ҳар хил бўлган металлар билан таъсирилашуви натижасида қайтарилишида кузатиладиган ҳолатларни қўйидаги схема тарзида тасвирлаш мумкин:




Юқоридаги реакция тенгламаларига кўра, нитрат кислотанинг ҳар қандай концентрацияли эритмаларига

металлар таъсир этганда, газ ҳолидаги водород ажралиб чиқмайди.

Металларнинг электрокимёвий активлик қаторининг ўнг томонида жойлашган металлар (мис, симоб, кумуш ва бошқалар) концентранган нитрат кислота билан кимёвий реакцияга киришганда кислота NO_2 гача қайтарилади, суютирилган эритмаси эса NO га қадар қайтарилади. Актив металлар (рух, кальй) ўртacha концентрацияли нитрат кислотани N_2O га қадар, яъни +1 га қадар қайтаради. Худди шундай актив металлар жуда суюқ нитрат кислотани аммиакка ёки аммоний тузларига қадар қайтаради. Темир, никель ва бошқа ўртacha активликка эга бўлган металлар суютирилган нитрат кислотани NO га ёки жуда суютирилганини эса NH_4^+ ионига қадар қайтариши мумкин: кобальт шундай шароитда NO_3^- ни N_2 қадар қайтаради. Олтин, платина, иридий, родий, ниобий, тантал, вольфрам ва бошқаларни нитрат кислота билан оксидланмайдилар, чунки уларнинг сиртида металларни пассивлаштируви оксид пардаси ҳосил бўлади.

Жуда кўп металлмаслар HNO_3 ни NO ёки NO_2 га қадар қайтарадилар, қайтарилиш даражаси кислотанинг концентрациясига боғлиқ. Шундай қилиб, реакция муҳитига қараб, нитрат кислота қўйидаги моддалар ҳосил бўлиши схемаси бўйича қайтарилади:




Азотнинг оралиқ оксидланиш даражаси (0, +1, +2, +3, +4) га эга бўлган бирикмалари ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи вазифасини бажаради.

Шуни қайд қилиш керакки, нитрат кислота тузларининг эритмаларига қараганда кислотали эритмалари анча кучли оксидловчи ҳисобланади. Оддий шароитда KNO_3 эритмаси оксидловчи хоссасига эга эмасдир. Қиздирганда барча нитратлар ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакциялари асосида кислород ажратиб парчаланадилар:



Пассив металларнинг (кумуш, олтин) нитратлари қиз-тирилганда эркин металл, кислород ва азот (IV) оксиди ға қадар парчаланади:




Бошқа металларнинг нитратлари қиздирилганда металл оксиdi, азот(IV) оксиdi ва O_2 ға парчаланади:



6. Нитрит кислота. Нитрит кислота (HNO_2) оксидловчи, аммо нисбатан кучли оксидловчилар билан реакцияга киришганда нитрат кислотасига қадар оксидланиб, қайтарувчи вазифасини бажаради. Нитрит кислота ва унинг тузлари (KNO_2 ва NaNO_2) органик бүёқ олиш саноатида құлланилади.

7. Концентрангансульфат кислота. H_2SO_4 -кислота юқори температура尔арда кучли оксидловчи ва виофасини бажаради. У углеродни CO_2 ға, S ни SO_2 ға қадар оксидлайди, HI ва HBr ни эркин I_2 , Br_2 ға қадар оксидлайди. Сульфат кислота пассив металларни (Cu , Ag , Hg ва бошқаларни) оксидлайди. Аммо концентрангансульфат H_2SO_4 билан Fe , Al , Au , Pt , Os каби металлар оксидланмайдылар.

Сульфат кислота оксидловчи хоссасини намоён қилиб, реакция борадиган шароит (металлар активлиги, концентрация ва температура) ға қараб қуйидагича қайтарилиши мумкин:



H_2SO_4 пассив ға кам актив металлар (Cu , Hg , Ag , Sn , Bi , Fe , Mn , Pd ға ғана) ғыллан реакцияга киришиб, SO_2 ға қадар қайтарилиши мумкин:



Темирга 93% дан юқори концентрациялы сульфат кислота таъсир этмайды.



Кучли қайтарувчилар (ишқорий ва ишқорий-ер металлари) билан сульфат кислота реакцияга киришиб, H_2S ға қадар қайтарилади:



Zn концентранган сульфат кислотани SO_4 , S ва H_2S га қадар қайтараолади:



Кучли қайтарувчилар билан концентранган H_2SO_4 қүйидаги реакцияга киришиши мумкин:



Суюлтирилган сульфат кислота билан активлик қатрида водороддан чапроқда турган активроқ металлар реакцияга киришиши мумкин:




Бундай ҳолда водород иони оксидловчи вазифасини бажаради.


8. Водород пероксид. H_2O_2 кучли оксидловчи ҳисобланади. Рангли моддаларни рангсизлантириш (оқартыриш) керак бўлиб қолганда ишлатилади, чунки бошқа оксидловчиларга қараганда тезда ўз-ӯзидан парчаланиб маҳсулот таркибида қолмайди.

Саноатда H_2O_2 тўқималарни оқартыришда, тери ва жунларни тозалаш ишларида ишлатилади, аммо H_2O_2 тўқималар толаси сифатини бузмайди. Суюлтирилган H_2O_2 медицинада дезинфекция мақсадида ишлатилади.

Водород пероксид молекуласида кислород атомлари ўртасидаги кимёвий боғланиш қутбсиздир ($\text{H} - \text{O} - \text{O} - \text{H}$ ёки $\text{H} : \text{O} : \text{O} : \text{H}$), унда кислород атомларининг оксидланиш даражаси — 1 га teng. Водород пероксиддаги кислород атомлари оралиқ оксидланиш даражасини ҳосил қиласр экан, демак H_2O_2 ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи вазифасини бажаради ва диспропорцияланиш реакциясида қатнашади:



H_2O_2 күп ҳолларда оксидловчи вазифасини ўтайди. Ишқорий металларнинг пероксидлари ва супероксидлари сув ости кемаларида нафас олишда кислород манъбай бўлиб хизмат қиласди, яъни улар кема ҳавосини йиғилган CO_2 газидан тозалаб, ўрнига тоза ҳолдаги O_2 ни ажратиб чиқаради:



Водород пероқсид сув билан чексиз аралаша олади. Савдода унинг 3—30% ли эритмаси харид қилинади.

9. Электр токи. Техникада моддаларни тоза ҳолда ажратиб олишда қайтарувч (катод) ва оксидловчи (анод) вазифасини ўтайди. Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари орасида энг муҳими электролиз орқали моддаларни ажратиб олишdir.

10. Хлорат кислота KClO_3 . Бу кислота эритмаларда энг кучли оксидловчи ҳисобланади. Унинг 40% ли эритмаси қофозни ҳам алгангалатиб юборади. Аммо унинг тузлари — хлоратлари эритмада оксидловчи хоссасига эга эмас, аммо кристалл ҳолатда улар кучли оксидловчиdir:



11. Марганец (IV) оксид. Хлорид кислотани оксидлаб хлор олишда, шиша пишириш саноатида ҳар хил сульфитли бирикмаларни оксидлашда, шунингдек гальваник элементлар тайёрлашда ишлатилади.

12. Кўрғошин (IV) оксид. Кўрғошин (IV) оксид (PbO_2) кучли оксидловчи, қўрғошинли аккумуляторлар тайёрлашда ишлатилади.

13. Хлорли оҳак — $\text{Ca}(\text{ClO})\text{Cl}$. Хлорли оҳак анча кучли оксидловчи, мато ва қофозларни оқартириш жараёнида, дезинфекциялашда, ҳар хил оқартириш ишларида ишлатилади. Кучли оксидловчи, масалан:



14. Натрий ва калий гипохлоритлар. KOCl ва NaOCl пахта билан канопдан тайёрланган матоларни ҳамда қофозни оқартиришда фойдаланилади. Уларни олиш реакциялари тенгламалари:



Оксидловчилик хоссалари қуйидаги жараёнлар билан боғланган:




Ҳосил бўлган атомар кислород ва хлор (I) оксид кучли оксидловчилардир.

15. **Калий гипобромит** **КОВг.** Калий гипобромит ҳам калий гипохлоритга ўхшаш, саноатда органик моддаларни оксидлаш ишларида ишлатилади.

16. **Қизил қон тузи** $\text{K}_3[\text{Fe}(\text{ClN})_6]$. Бу туз таркибида уч валентли темир бор. Шунинг учун ҳам, ишқорий эритмалардаги водород сульфидни оксидлаш мақсадида қўлланилади. Кучли оксидловчилар қаторига «шоҳ ароғи» («зар суви») ҳам киради. «Шоҳ ароғи» таркибида 1:3 нисбатда концентранган нитрат ва хлорид кислоталари бор. Шунинг учун ҳам, бундай аралашмада ҳатто Au, Pt лар ҳам осон оксидланади:




«Шоҳ ароғи» нинг бундай таъсири қуйидагича тушунирилади: HNO_3 хлорид кислота таркибидаги хлорни эркин ҳолгача оксидлайди ёки нитрозил хлорид NOCl ҳосил бўлиши олтинни, платина ва симоб сульфидни оксидланишига олиб келади. Хлорид ва нитрат кислоталарнинг бир-бiri билан ўзаро реакцияга кириши натижасида нитрозил хлорид ва эркин хлор ажралиб чиқиши реакцияси қуйидагича боради:



ёки олтинни атомар хлор ва нитрозил хлор билан оксидланиши:



Агар хлорид кислота мўлроқ олинса, тетрахлоролтин кислота ҳосил бўлади:



Селенат кислота H_2SeO_4 сульфат кислотага нисбатан кучлироқ оксидлаш хоссасига эга, лекин унинг иштирокида реакция унчалик шиддатли равишда бор-маслиги мумкин.

Бу кислота олтинни ҳам эритиш хусусиятига эга:



Китобнинг кейинги қисмларида техникада ва лабораторияда муҳим роль ўйнайдиган баъзи оксидловчилар: кислород O_2 , озон O_3 , галогенлар (F_2 , Cl_2 , I_2), калий перманганат KMnO_4 ,



марганец (IV) оксид MnO_2 , қүрғошин (IV) оксид PbO_2 , калий бихромат $K_2Cr_2O_7$, калий хромат K_2CrO_4 , хром (VI) оксид CrO_3 , нитрат кислота ва унинг тузлари, водород пероксид H_2O_2 , гипохлоритлар ($KOCl$, $NaOCl$), хлорат кислота $HClO_3$, «шоҳ ароғи», концентрангтан H_2SO_4 , тиосульфат кислота $H_2S_2O_3$ ва унинг тузлари, $Na_2S_2O_3$, селен (IV) оксид SeO_2 ; мис (II) оксид CuO , кумуш оксида Ag_2O , натрий илемутат $NaBiO_3$, қызил қон тузи $K_3[Fe(CN)_6]$ ва электр токи таъсири билан танишамиз.

4.8. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИНИНГ СИНФЛАРИ




Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари қўйидагича классификацияланади, одатда, бунда реакцияларнинг 4 тури мавжуд:

1. Молекулалараро оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.
2. Ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.
3. Диспропорцияланиш реакциялари.
4. Синпропрорцияланиш.

Молекулалараро оксидланиш-қайтарилиш реакциялари жумласига турли молекулаларда атомлар оксидланиш даражасининг ўзгариши билан борадиган реакциялар киради, яъни бунда оксидловчи ва қайтарувчи турли моддалар таркибида бўлади.



Ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакциялари жумласига битта молекуладаги турли атомларнинг оксидланиш даражаси ўзгариши билан борадиган реакциялар киради. Бунда мусбат оксидланиш даражаси каттароқ бўлган атом, оксидланиш даражаси кичикроқ бўлган атомни оксидлайди. Булар жумласига термик парчаланиш реакциялари киради. Масалан:




Бунда битта молекула таркибида ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи бўлади.



Диспропорцияланиш реакциялари.

Бу реакцияларнинг содир бўлишида битта элемент атомларининг оксидланиш даражаси бир вақтнинг ўзида ортади ва камаяди. Бунда бошланғич модда турли хил бирикмалар ҳосил қиласи, улардан бирида атомларнинг оксидланиш даражаси юқори, иккинчисида эса паст ҳолатга ўтади. Равшанки, бундай реакциялар молекуласида оралиқ оксидланиш даражасига эга бўлган атомлар бўлиши керак. Калий манганият K_2MnO_4 нинг ўзгариши бунга мисол бўла олади; бу бирикмада марганец +6 га тенг оралиқ оксидланиш даражасини намоён қиласи. Бу тузнинг эритмаси равшан тўқ кўк-яшил рангда (MnO_4^{2-} ионнинг рангги) бўлади, лекин қисқа вақт ичидаги эритманинг ранги қўнғир тусга киради. Бу MnO_2 чўкмаси тушганлигини ва MnO_4^- ионнинг ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

Бунда қўйидаги реакция содир бўлади:



Диспропорцияланиш реакциялари жумласига қўйидаги реакциялар ҳам киради:




Синпропорцияланиш реакциялари. Бундай жараёнда молекула таркибидаги турли хил оксидланиш даражасига эга бўлган элементлар реакция натижасида бир хил оксидланиш даражасига эга бўлган бирикмага айланади.

Масалан:



Бундай турдаги реакцияларда оксидловчи ва қайтарувчи хоссага эга бүлгөн атомлар турли моддалар таркибида ҳам бўлиши мумкин. Масалан:



Қуйидаги 18- жадвалда ҳар хил моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш хоссалари берилган.

18-жадвал

**Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари натижасида оксидловчи ва қайтарувчилар оксидланиш даражаларининг ўзгариши
Қайтарувчилар**

Қайтарувчи	Чиқарилган электронлар сони	Ўтадиган ҳолати	Реакцияларнинг бориши шартшароитлари	
			1	2
Э*	1, 2, 3	$\text{M}^+, \text{M}^{+2}$ M^{+3}	Kислотали ва нейтрал муҳитда металталлар катионга айланадилар. ($\text{Na} - \bar{e} \rightarrow \text{Na}^+$). Ишқорий муҳитда амфотер гидроксидлар ҳосил қиласидиган металлар, қайтарувчилик хоссасин намоён қилиб, гидроксотузлар (масалан, натрий гексагидроксоалюминат) ҳосил қиласи:	$2\text{Al} + 6\text{NaOH} + 6\text{H}_2\text{O} = 3\text{H}_2 + 2\text{Na}_3[\text{Al}(\text{OH})_6]$
K	1	K^+		
Ca	2	Ca^{+2}		
Al	3	Al^{+3}		
S	4	SO_2	Кислотали муҳитда:	
S	6	SO_4^{2-}	$\text{S} + 2\text{H}_2\text{O} - 4\bar{e} \rightarrow \text{SO}_2 + 4\text{H}^+$ $\text{S} + 4\text{H}_2\text{O} - 6\bar{e} \rightarrow \text{SO}_4^{2-} + 8\text{H}^+$	
S	4	SO_3^{2-}	Ишқорий муҳитда:	
S^{-2}	2	S	$\text{S} + 6\text{OH}^- - 4\bar{e} \rightarrow \text{SO}_3^{2-} + 3\text{H}_2\text{O}$	Кучли оксидловчилар (масалан, $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7$) таъсирида

Э *— элемент.

1	2	3	4
S^{-2}	6	SO_2	Рудаларни күйдириш реакцияси жара- ёнда.
S^{-2}	8	SO_4^{2-}	Кучли оксидловчилар таъсирида (маса- лан, HNO_3).
$[O_2]^{2-}$	2	O_2	Пероксидларга оксидловчилар таъсирида
NH_3	5	NO	Катализатор иштирокида
$2NH_3$	6	N_2	
$2S_2O_3^{2-}$	2	$S_4O_6^{2-}$	Кучсиз оксидловчилар таъсирида
$S_2O_3^{2-} +$ $+ H_2O$	2	$S + 2H +$ $+ SO_4^{2-}$	
$S_2O_3^{2-} +$ $+ 5H_2O$	8	$2SO_4^{2-} +$ $+ 10H^+$	Мұл миқдорда олинган кучли оксидлов- чилар таъсирида
H_2	2	$2H^+$	
$2HX$	2	X_2	
SO_2	2	SO_4^{2-}	Кучли ва ўртача кучли оксидловчилар таъсирида
SO_3^{2-}	2	SO_4^{2-}	бу ҳам
PO_3^{3-}	2	PO_4^{3-}	бу ҳам
NO_2^-	2	NO_3^-	бу ҳам
Sn^{2+}	2	Sn^{4+}	$SnCl_2$ хлорид кислота эритмаларида $Sn^{2+} + 6Cl^- - 2e \rightarrow [SnCl_6]^{2-}$
$[Sn(OH)_4]^{2-}$	2	$[Sn(OH)_6]^{2-}$	Ишқорий шароитда: $[Sn(OH)_4]^{2-} + 2OH^- - 2e \rightarrow [Sn(OH)]^2$
Fe^{2+}	1	Fe^{3+}	Нейтрал ёки кучсиз ишқорий мұхитда
$[Fe(CN)_6]^{4-}$	1	$[Fe(CN)_6]^{3-}$	Кучли ишқорий мұхитда.
Mn^{2+}	2	MnO_2	Нейтрал ёки кучсиз ишқорий мұхитда
Mn^{2+}	4	MnO_4^{2-}	Кучли ишқорий мұхитда
Cr^{3+}	3	CrO_4^{2-}	Ишқорий шароитда хром (III) бирикма- лары оксидланиб, хроматларга айланы-

X^* — галоген, (I^- , Br^- , Cl^-)

1	2	3	4
			ди, бунда Cr^{3+} нинг яшил ранги сариқ тусга айланади, бу ранг CrO_4^{2-} ионига хосдир. Кислотали мұхитда бу ион түк-сариқ рангли $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ га үтади.
AsO_3^-	2	AsO_4^{3-}	
C	2	CO	Юқори температурада кислород етишмаган шароитда
C	4	CO_2	Күмір ёнганды, баъзи оксидлар қайтарилганда (масалан, CuO , PbO ва бошқалар).
CO	2	CO_2	$450^\circ - 700^\circ\text{C}$ да домна печларида
P_4	20	P_4O_{10}	Кислород мұл шароитда ёнганды
P_4	12	P_4O_6	Кислород етишмаганда ёки фосфор се-кин оксидланғанда
N_2H_4	4	N_2	Сувли эритмаси I_2 ни 1 ⁻ гача, Ag^+ ва Hg^{2+} ни эркин металлгача, Cu^{2+} ни Cu^+ гача қайтаради.
MnO_2	2	MnO_4^{2-}	KNO_3 билан аралашмаси ишқорий мұхитда суюқлантирилғанда мангантатлар-гача оксидланади, буни яшил рангнинг ҳосил бўлишидан билиш мумкин.
HCOOH	2	CO_2	Кучли қайтарувчи ҳисоблани, KMnO_4 , CrO_3 , Ag^+ , Hg^{2+} ва бошқалар таъ-сирида осон оксидланади.
$\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4$	2	2CO_2	Осон оксидланиб, CO_2 ва H_2O га айла-нади.
H—CHO	2	HCOOH	Альдегид группасида водород атоми карбонил группа ҳар хил оксидлов-чилар таъсирида осон оксидлана-ди. Чумоли альдегиди ишқорий хоссага эга бўлган моддалар ёрдамида диспро-порцияланиш реакциясига киришади: $\text{HCHO} + \text{HCHO} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{CH}_3\text{OH} + \text{HCOOH}.$
CH_3- —CHO	2	CH_3COOH	Сирка альдегиди 60°C да $\text{Mn}(\text{CH}_3\text{COO})_2$ иштирокида ҳаво кислороди билан ок-сидланади ва сирка кислотасига айла-нади.

Электролиз шароитига қараб сувли эритмаларда кучла-ниш қаторида водороддан кейин турған элементлар ион-лари эркин металл ҳолигача; ишқорлар, уларнинг тузлари, кислоталар эритмасининг электролизи нати-жасида H_2 ҳосил бўлади.

Оксидловчилар

Оксидловчи	Биринчи-рилган электронлар сони	Қайтарилган холати	Реакцияларнинг бориш шартлари			
			1	2	3	4
X ₂	2	2 X ⁻				Галогенлар эритмада газ ҳолида ҳам кучли оксидловчи ҳисобланадилар.
O ₃	2	O ₂ +O ⁻²				Кислотали мұхитда: $O_3 + 2H^+ + 2\bar{e} \rightarrow O_2 + H_2O$
PbO ₂	2	Pb ²⁺				Нейтрал мұхитда: $O_3 + H_2O + 2\bar{e} \rightarrow O_2 + 2OH^-$ PbO ₂ кучли оксидловчи ҳисобланады, кислотали ёки ишқорий шароитда ҳам оксидлаш қобилиятiga әгадир. Кислотали шароитда: $PbO_2 + 4H^+ + 2\bar{e} \rightarrow Pb^{2+} + 2H_2O$
[O ₂] ²⁻	2	2 O ²⁻				Ишқорий мұхитда: $PbO_2 + 2\bar{e} \rightarrow PbO_2^{2-}$ Кислотали мұхитда: $H_2O_2 + 2H^+ + 2\bar{e} \rightarrow 2H_2O$
HOX	2	X ⁻				Нейтрал ёки ишқорий мұхитда: $H_2O_2 + 2\bar{e} \rightarrow 2OH^-$ HOCl, HOBr ва уларнинг тузларыда галогенид ионигача қайтарилади.
Ca^O-Cl	2	2 Cl ⁻				
MnO ₄ ⁻	5	Mn ²⁺				Кислотали мұхитта MnO ₄ ⁻ қизғаш рангли иондан, рангсиз Mn ²⁺ га айланади.
MnO ₄ ⁻	3	MnO ₂				Нейтрал ёки кучсиз ишқорий мұхитда құнғир рангли чүкма MnO ₂ чүқади.
MnO ₄ ⁻	1	MnO ₄ ²⁻				Кучли ишқорий мұхитда кам қайтарувчи иштирокида MnO ₄ ²⁻ түқ күк-яшил тусга киради.
M ⁺ , M ²⁺ , M ³⁺ , ClO ₃ ⁻ , BrO ₃ ⁻ , MnO ₂	1, 2, 3	M				Нодир металларнинг ионларига хос.
		Cl ⁻				Юқори температурада.
		Br ⁻				Юқори температурада.
		Mn ²⁺				

1	2	3	4
$\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$	6	2Cr^{3+}	Күпинча кислотали мұхитда.
CrO_4^{2-}	3	Cr^{3+}	Кислотали мұхитда $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ күренишида иштирок этади.
CrO_3	3	Cr^{3+}	Кислотали мұхитда
HNO_3	1	NO_2	Концентранган HNO_3 Cu, Ag, Pb ва шунга ұшаш пассив металлар билан реакцияға киришгана: $2\text{HNO}_3 + \text{e} \rightarrow \text{NO}_2 + \text{H}_2\text{O} + \text{NO}_3^-$ HNO_3 металласлар (C, P, S ва б.) ва сульфидлар билан таъсирлашады.
HNO_3	3	NO	$4\text{HNO}_3 + 3\bar{\text{e}} \rightarrow \text{NO} + 2\text{H}_2\text{O} + 3\text{NO}_3^-$ суюлтирилған HNO_3 билан күчсиз қайтарувчилар иштирокида: $\text{NO}_3^- + 4\text{H}^+ + 3\bar{\text{e}} \rightarrow \text{NO} + 2\text{H}_2\text{O}$ $\text{NO}_3^- + 3\text{H}^+ + 2\bar{\text{e}} \rightarrow \text{HNO}_2 + \text{H}_2\text{O}$
HNO_3	8	N_2O	Суюлтирилған HNO_3 билан күчли қайтарувчилар (Ca, Mg) иштирокида; $2\text{NO}_3^- + 1\text{OH}^+ + 8\bar{\text{e}} \rightarrow \text{N}_2\text{O} + 5\text{H}_2\text{O}$
HNO_3	10	N_2	Суюлтирилған HNO_3 билан ўртача күчли қайтарувчилар (масалан: кобальт, никель).
HNO_3	8	NH_4^+	$2\text{HNO}_3 + 1\text{OH}^+ + 10\bar{\text{e}} \rightarrow \text{N}_2 + 6\text{H}_2\text{O}$ Іншакаралық суюлтирилған HNO_3 билан актив металлар. $\text{NO}_3^- + 8\bar{\text{e}} + 1\text{OH}^+ \rightarrow \text{NH}_4^+ + 3\text{H}_2\text{O}$
NaNO_3	8	NH_3	Юқоридеги реакция маҳсулотлари ишқорий эритмаларини қыздырганда
KNO_3			
O_2	4	2O^{2-}	Кислотали мұхитда: $\text{O}_2 + 4\text{H}^+ + 4\bar{\text{e}} \rightarrow 2\text{H}_2\text{O}$
			Нейтрал ва ишқорий мұхитта $\text{O}_2 + 2\text{H}_2\text{O} + 4\bar{\text{e}} \rightarrow 4\text{OH}^-$
O_2	2	$[\text{O}_2]^{2-}$	
NO_2^-	1	NO	
2H^+	2	H_2	

1	2	4	4
H_2SO_4	2	SO_2	Концентранган H_2SO_4 билан күчсиз қайтарувчилар реакцияларыда: $2 \text{H}_2\text{SO}_4 + 2 \bar{e} \rightarrow \text{SO}_2 + \text{SO}_4^{2-} + 2 \text{H}_2\text{O}$
H_2SO_4	6	S	Концентранган H_2SO_4 билан ўртача күчли қайтарувчилар реакциясыда: $4 \text{H}_2\text{SO}_4 + 6 \bar{e} \rightarrow \text{S} + 3 \text{SO}_4^{2-} + 4 \text{H}_2\text{O}$
H_2SO_4	8	S^{-2}	Концентранган сульфат кислотанинг актив қайтарувчилар билан реакцияси натижасыда $5 \text{H}_2\text{SO}_4 + 9 \bar{e} \rightarrow \text{H}_2\text{S} + 4 \text{SO}_4^{2-} + 4 \text{H}_2\text{O}$
H_2SeO_4	2, 6, 8	SeO_2 , Se, Se^{2-}	H_2SO_4 каби оксидлайди, аммо ундан күчли оксидловчидир. Сүвсиз иссиқ H_2SeO_4 олтинни ҳам оксидлайди: $2 \text{Au} + 6 \text{H}_2\text{SeO}_4 = \text{Au}_2(\text{SeO}_4)_3 + 3 \text{H}_2\text{SeO}_3 + 3 \text{H}_2\text{O}$ $\text{H}_2\text{O} + \text{SeO}_2$
SeO_2 $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2$	4 2	Se 2Se^{-2}	Аммоний полисульфид икки валентли SnS ни SnS_2 га қадар оксидлашда құлланилади. «Шоҳ арги», яғни HNO_3 билан HCl таъсирида эркін хлор ва нитрозил хлорид ҳосил бўлиб, улар Au, Pt каби металларни оксидлайди: $3 \text{Pt} + 4 \text{HNO}_3 + 12 \text{HCl} \rightarrow 3 \text{PtCl}_4 + 4 \text{NO} + 8 \text{H}_2\text{O}$
$\text{S}_2\text{O}_8^{2-}$	2	2SO_4^{2-}	Персульфат кислота ёки унинг тузлари, персульфатлар водород пероксид нинг ҳосилаларидан бўлиб, күчли оксидловчи хоссасига эгадир; $6 \text{FeSO}_4 + 3 (\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8 \Rightarrow$ $= 3 \text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + 3 (\text{NH}_4)_2\text{SO}_4$
NaBiO_3	2	Bi^{3+}	Натрий висмутат күчли оксидловчи ҳисобланиб, қўйидагича реакцияга киришади: $\text{BiO}_3^- + 6 \text{H}^+ + 2 \bar{e} \rightarrow \text{Bi}^{3+} + 3 \text{H}_2\text{O}$

1	2	3	4
FeCl ₃	1	Fe ²⁺	<p>Масалан, Mn²⁺ құйыдаги тенглама бүйіча оксидланады:</p> $2 \text{Mn}^{2+} + 5 \text{BiO}_3^- + 14 \text{H}^+ \rightarrow 2\text{MnO}_4^- + 5 \text{Bi}^{3+} + 7 \text{H}_2\text{O}$
Электролиз жаралған электрод (анод)	Галогенидлар әркін галогенларгача (фторидлар фақат суюқланмаларда), кислородлы кислоталар қолдиқлари оксидланмайды, фақат әркін кислород ҳосил бұлады. Шундай ҳолат ишқорлар электролизида ҳам кузатылады.		

4.9. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИ ТЕНГЛАМАЛАРИНИ ТУЗИШ

4.9.1. Оддий реакцияларини тенгламаларини тузиш

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларнинг тенгламаларини тузиш учун реакцияга киришаётган моддаларнинг формулаларини билмоқ зарур. Реакцияга киришаётган моддалар аниқ бұлғач (уни тажриба асосида ҳам аниқлаш мүмкін) янги модда формуласи көлтириб чиқарылади. Албатта, реакцияга киришаётган моддаларнинг миқдорлари реакцияга қадар ва реакциядан кейин бир-бирига тенг бўлиши керак. Массалар сақланиш ва эквивалентлар қонунларига асосан моддалар бир-бirlари билан ҳамма вақт эквивалент миқдорда бирикишлари шарт. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг қонун ва қоидаларига асосан, реакцияга киришаётган моддалардан бири электрон бериши, бошқаси эса ўша электронни бириктириши керак. Шунингдек, реакция бориши учун зарур бўлган реакция муҳити, реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрацияларини маълум бир меъёрда бўлиши, температура, босим ва катализаторлар бўлиши шарт.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг бориши ёки бормаслиги ҳақида фикр юритилганды атомларнинг ионланиш энергияси, электроманфийлик, электронга

мойиллиги каби хоссалари ва уларнинг қийматларига эътибор берилиши керак.

Шунингдек, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида реакцияга киришувчи ва янги ҳосил бўлувчи моддалар нинг стандарт электрод потенциал қийматлари жадвалларидан (китобнинг охирги саҳифасида берилган) фойдаланиш мумкин.

Моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш реакциялари га мойиллиги уларнинг оксидланиш-қайтарилиш стандарт потенциал қийматларига боғлиқdir.

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тузишда аввало оксидловчи ва қайтарувчиларни топиш, улардаги элементнинг оксидланиш даражаларини аниқлаш, коэффициентлар танлаш ва сўнгра умумий тенгламани тенглаштиришга киришиш керак. Элементларнинг атомлари чиқарган ёки бириктирган электронларнинг сонини атом ёки ионларнинг оксидланиш даражаларининг ўзгаришига қараб аниқланади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнида ҳамма вақт чиқарилган электронлар сони, бириктирилган электронлар сонига тенг эканлигини эсда тутмоқ зарур.

Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари ҳамиша бир вақтда содир бўлади. Бир атом ёки ион электрон йўқотса, бошқа атом ёки ион бу электронни бириктириб олади.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига оддий типдаги мисоллар келтирамиз.

1. Алюминийнинг кислородда оксидланиш реакциясини кўриб чиқамиз.

Реакциянинг чап томонида реакцияга киришувчи моддаларнинг формулаларини, олдин қайтарувчи, ундан кейин оксидловчи формулаларини ёзамиш:



Моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш хоссалари бўйича оксидловчи ва қайтарувчини, шунингдек уларнинг оксидланиш даражаларини аниқлаймиз. Бунинг учун қўйидаги тартибда иш тутиш тавсия этилади.

Алюминий — III группанинг асосий группача элементи бўлиб, актив металлар қаторига киради. Унинг тартиб номери 13. Электронларининг қобиқ ва қобиқчаларда тақсимланиши қўйидагича:


^{13}Al $1s^2 2s^2 2p^6 3s^2 3p^1$. Атомнинг асосий ҳолатида ташқи валент қобиғи $3s^2 3p^1$ шаклда бўлиб, унда битта тоқ электрон ($3p^1$ ҳолатда) гўёки +1 валентли бирикма

осиلى қиладигандек күринади. Аслида эса +3 валентли бирикма ҳосил қиласы, чунки атом құзғалған ҳолда — қобиқчадаги 1 та электрон Зр — орбиталнинг бүш иштейкасига ұтганлиги туфайли, алюминийда 3 та тоқ электрон пайдо бўлиб, у ўз бирикмаларида ҳамма вақт 1 та электронини бериб юбориши туфайли доимий, ўзгармас ҳолда +3 валентликни намоён қиласи. Эркин алюминий атомининг ионланиш потенциалининг қиймати (5,98 эВ) га, мойиллиги (0,52 эВ) ва электроманфийлиги (1,5 эВ) га аҳамият берилса алюминий актив металл бўлиб, қайтарувчи вазифасини бажариши кераклиги шик бўлади. Унинг оксидланиш даражаси 0 дан +3 гача күтарилади.

Шунингдек, кислород Д. И. Менделеев даврий системаси VI группаси асосий группача элементи бўлиб, у асосий ҳолда $01s^2 2s^2 2p^4$ күринишда ёки $1s^2 2s^2 2p_x^2 2p_y^1 2p_z^1$ ҳолда электрон конфигурацияга эга. Унинг ионланиш потенциали 13,61 эВ (алюминийнигiga қараганда 2 марта кўп), бўлиб, электронга мойиллик қиймати 1,47 эВ, электроманфийлиги эса 3,50 га тенгdir.


Демак, кислород алюминийга қарама-қарши үлароқ кучли оксидловчиидир. Кислород молекуласи 4 та электрон бириктириб олади. Кислороднинг асосий ҳолатида оксидланиш даражаси 0 бўлса, фақат 2 та электрон бириктириб —2 валентли ҳолатга, яъни 8 электронли тургун қобиқчага эга бўлади.

2. Алюминий ва кислород атомларининг нечтадан электрон бериши ёки бириктириши бўйича, реакциянинг ионли тенгламасини ёзамиз, оксидловчи ва қайтарувчиларни топамиз. Шунингдек, коэффициентларни танлаймиз.



Чап томонда ёзилган рақамлар устунида жараёнларда қатнашган электронлар сони ва ҳолатининг ўзгартариб ёзилгани акс эттирилган. Рақамлар: 4 (кислород учун) ва 3 (алюминий иони учун) тенгламадаги коэффициентлардир.


3. Тенгламанинг чап ва ўнг томонларига керакли коэффициентларни қўйиб, тенгламани чап ва ўнг томонидаги атомларнинг сонларини тенглаштирамиз:



Демак, электрон йўқотган модда, атом ёки ион оксидланади, лекин шу вақтда у бошқа моддани қайтаради, шунинг учун уни қайтарувчи дейилади. Электрон биритириб олган модда, атом ёки ион қайтарилади, лекин шу жараёнда бошқа моддани оксидлайди, шунинг учун уни оксидловчи дейилади. Юқорида келтирилган мисолда Al қайтарувчи, O эса оксидловчидир.


Йўқотилган электронлар сони билан биритириб олинган электронлар сони бир-бирига тенг бўлиши керак, шу сабабли топилган коэффициентларнинг ўрнини алмаштириб ёзиш қулай бўлади.

Яна бир неча мисоллар келтирамиз. Металл ҳолдаги Zn билан кумуш нитрат ўртасида бўладиган оксидланиш-қайтарилиши реакциясини кўриб чиқайлик:



2. Қайтарувчи, оксидловчи ва уларнинг оксидланиш даражасини реакциядан олдин ва реакциядан кейин аниқлаймиз.

Zn — даврий система II групласининг қўшимча группасида жойлашган, актив металл. Электронларнинг қобиқ ва қобиқчаларда жойлашиши қўйидагича:



Zn атомининг ташқи 4s — орбитасида 2 та электрон бор. Рухнинг ионланиш потенциали 9,391 эВ; нисбий электроманфийлиги 1,66, оксидланиш-қайтарилиш стандарт потенциали Zn/Zn^{2+} , $E^0 = -0,763$ В. Рух актив металл бўлганлиги учун ўзининг 2 та электронини чиқаради ва қайтарувчилик хоссасини намоён қилади, унинг оксидланиш даражаси 0 дан +2 гача ортади.


Кумушнинг қобиқ ва қобиқчаларида электронларнинг тақсимланиши қўйидагича:




Унинг ионланиш потенциали 7,574 эВ, стандарт оксидланиш қайтарилиш потенциали $\text{Ag}^+/\text{Ag} = +0,799$ В. Мусбат зарядланган Ag^+ кучли оксидловчидир. Аммо NO_3^- иони

оксидловчилик хоссасини бу шароитда намоён қилаолмайды.


Шундай қилиб, рух билан кумуш нитрат кислота ортасида оксидланиш-қайтарилиш реакцияси бориши натижасида рухнинг оксидланиш даражаси 0 дан +2 гача ортади. Кумушники эса +1 дан 0 гача камаяди.



3. Электрон тенгламасини тузамиз, қайтарувчи ва оксидловчини аниқлаб, коэффициентлар таилаймиз:



Қуйидаги оксидланиш-қайтарилиши реакцияларида қатнашувчи элементларнинг символи юқорисида оксидланиш даражаси, пастки томонида эса қайтарувчи чиқарган ва оксидловчи биритирган электронлар сонлари күрсатилган:



Оддий моддаларнинг реакцияга киришиш мойиллиги ёки лаёқатлилиги, уларнинг кўп хоссаларига, масалан, электрон структурасига, валент электронлар сонига, атомларининг ҳажмига, электрон орбиталларининг шаклига, электронларининг зичлигига боғлиқдир. Шунингдек уларнинг реакцияга киришиш лаёқатига реакция борадиган шароитлар: босим, температура, реакция муҳити, катализаторлар таъсир қилиши мумкин.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тенгламаларини тузишда асосан кимёвий жараённинг қайси томонга йўналишини билиш шарт ва лозимдир. Агар кучли қайтарувчи билан кучли оксидловчи ўзаро реакцияга киришса, жараён охирига қадар боради, чунки ҳосил

бўлаётган маҳсулотларда оксидланиш-қайтарилиш хоссаси заифлашади.

4.92. Мураккаб реакцияларнинг тенгламаларини тузиш

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларга кириша оладиган ёки ўзаро бир-бири билан реакцияга кириша олмайдиган моддаларни аниқлашда, асосан, янги ҳосил бўлган моддаларнинг барқарорлиги, уларнинг таркибидағи атомлар бир-бири билан мустаҳкам кимёвий боғланишга эга эканлиги, реакцияга қатнашашётган моддаларнинг табиати, ташқи факторлар ёки реакция муҳити, яъни реакция бораётган шароит мухим роль ўйнайди.

Мураккаб реакцияларда қайтарувчи ва оксидловчилардан ташқари, реакцияга киришувчи моддалар учун реакция муҳитини ташкил қиласидиган моддалар: кислоталар, ишқорлар ва сув қатнашадиган ҳолатлар кўп учрайди.

Мураккаб реакцияларда ҳам, реакцияга киришувчи моддаларнинг лаёқатлилиги уларнинг кимёвий тузилишига ва реакция шароитига боғлиқдир.

Реакция муҳити кимёвий жараёнга шу қадар таъсир этадики, баъзан у реакциянинг йўналишини ўзгартиришга ҳам олиб келади, масалан:

Нейтрал ёки ишқорий муҳитда




Кислотали муҳитда

Эритмаларда кислотали муҳит ҳосил қилиш учун кўпинча сульфат кислотадан фойдаланилади. Хлорид ва нитрат кислоталардан фойдаланилмайди, чунки хлорид кислота оксидланишга мойил, аммо нитрат кислотанинг ўзи кучли оксидловчи бўлганлиги учун реакция йўналишини бутунлай бошқа томонга буриб юбориши мумкин. Реакция муҳитини ишқорий ҳолга келтириш учун NaOH, KOH дан фойдаланилади.


Мураккаб реакцияларнинг тенгламаларини тузишда чап томонга реакцияга киришувчи моддалар (қайтарувчи моддалар), сўнгра оксидловчилар ва керак бўлганда, кислота, ишқор ёки сувнинг формулаларини; ўнг томонда эса реакция натижасида ҳосил бўлган янги маҳсулотлар-

ни ёзмоқ керак. Бунинг учун қүйидаги қоидаларга эъти-
бор бермоқ лозим.


1. Агар реакцияга киришувчи моддаларда, реакция
натижасида олинган янги моддаларга нисбатан кисло-
род атомлари сони күп бўлса, ажралаётган кислород
кислотали муҳитда водород ионлари H^+ билан реакция-
га киришиб, сув ҳосил қиласди:




нейтрал ва ишқорий муҳитда кислород сув молекуласи
 билан реакцияга киришиб гидроксил группа OH^- ҳосил
 қиласди:



2. Агар реакцияга киришувчи моддалар янги ҳосил
 бўлувчи моддаларга қараганда камроқ кислород атом-
 ларига эга бўлсалар, реакция учун керак бўлган кисло-
 род атомлари кислотали ва нейтрал муҳитда эритмадаги
 сув молекуласидан олинади. Масалан:



ишқорий муҳитда гидроксил ионидан олинади:



3. Оксидланиш даражаси мусбат бўлган металлмаслар-
 нинг атомлари ва юқори оксидланиш даражасига эга бўл-
 ган металларнинг ионлари кислород билан бирикиб нейтрал
 молекулалар CO , CO_2 , NO , NO_2 , SO_2 , SiO_2 , MnO_2 , шунинг-
 дек, мураккаб кўп кислородли анионлар: NO_3^- , PO_4^{3-} , SO_3^{2-}
 SO_4^{2-} , CrO_4^{2-} , MnO_4^{2-} ни ҳосил қиласдилар.


4. Водород иони паст оксидланиш даражасига эга бўл-
 ган элементларнинг ионлари: F^- , S^{2-} , Se^{2-} , Te^{2-} билан
 H_2F_2 , H_2S , H_2Se , H_2Te ва бошқа ёмон диссоциланадиган
 бирикмаларни ҳосил қиласди.

5. Оксидланиш даражаси паст бўлган ва юқори бўл-
 ган элементлар ионлари OH^- иштирокида шу элемент-


ларнинг юқори оксидланиш даражали кислородли бирикмаларини ҳосил қиласидилар:






6. Элементларнинг юқори оксидланиш даражали бирикмаларининг сув молекуласи билан бўлган реакцияси уларнинг оксидланиш даражалари паст бўлган бирикмаларгача қайтарилиши ёки гидроксид ионларининг ҳосил бўлиши билан боради:




7. Кислотали ёки нейтрал муҳитда металларнинг ионлари (+1, +2 ёки +3 зарядли) кислоталарнинг қолдиқлари билан тузларни ҳосил қиласидилар:



8. Металларнинг ионлари (+2, +3, +4 зарядли) ишқорий шароитда ишқорлар билан амфотер гидроксидлар ёки гидроксокомплексларни ҳосил қилишлари мумкин:



Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг боришида реагентлар рангининг ўзгариши, чўқмалар тушиши, газ ажралиб чиқиши каби ҳолатлар юз беради. Масалан, қизғиш бинафша рангли MnO_4^- иони қайтарилиб, Mn^{2+} ионига айланганда эритма ранги аниқланиши қийин бўлган оч-қизғиш рангга бўялади. Шунингдек, қовоқ рангга эга бўлган $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ эса Cr^{3+} ионига айланганда эритма яшил рангга бўялади:



$2\text{H}_2\text{S} + \text{SO}_2 \rightarrow 3\text{S} + 2\text{H}_2\text{O}$ реакцияси кукунсимон сариқ рангли олтингугуртнинг чўқиши билан боради.

$\text{Zn} + \text{H}_2\text{SO}_4 = \text{ZnSO}_4 + \text{H}_2$ водород ажралиши билан боради.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини тузища асосан қуйидаги икки усулдан фойдалапилади:

1. Электрон баланс усули.
2. Ярим реакция (ион-электрон) усули.




1. Электрон баланс усули. Бу усул билан оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тенгламаларини тузища ва тегишли коэффициентларини топиб тенглаштиришда «*Оксидловчи биритириб оладиган электронлар сони, қайтарувчи берадиган электронлар сонига тенг бўлиши керак*»— деган қоидага амал қилиш керак.

Юқорида элементлар оксидланиш сонининг ортишига оксидланиш, камайишига эса қайтарилиш дейилган эди.



Шунга асосан, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари натижасида атомнинг оксидланиш даражасининг мусбат қиймати ортса, ёки манфий алгебраик қиймати камайса, бу элемент атоми ёки иони ўзидан электрон чиқариб оксидланади, аксинча бўлса, элемент атоми (иони) ўзига электрон биритириб олиб қайтарилади.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг электрон тенгламалари тузилади. Масалан:

а) Оксидланиш жараёни





б) Қайтарилиш жараёни







Ўзгарувчан оксидланиш даражасига эга бўлган элементлар энг юқори оксидланиш даражасига эга бўлган ҳолатларида электрон қабул қилиб фақат оксидловчи; энг кичик оксидланиш даражасида (қайси группада жойлашганлигига қараб $-1, -2, -3$ ёки -4 ҳолатда электрон чиқариб фақат қайтарувчи; оралиқ оксидланиш даражасида ёки электрон чиқариб, ёхуд электрон қабул қилиб, оксидловчи ҳамда қайтарувчи бўлади. Масалан, Mn атоми $+2, +4, +6$ ва $+7$ оксидланиш даражасига эга бўлиши мумкин. Шунинг учун

a) $\text{Mn}^{+7} \xrightarrow{+1\text{ e}} \text{Mn}^{+6}$ (бу реакцияларда Mn^{+7} иони фақат оксидловчи).




б) $\text{Mn}^{+2} \xrightarrow{-2\bar{e}} \text{Mn}^{+4}$ (бу реакцияларда Mn^{+2} иони фақат қайтарувчи).



(реакциянинг бу йўналишида
 Mn^{+4} иони оксидловчи)


(реакциянинг бу йўналишида
 Mn^{+4} иони қайтарувчи)




қайтарилиш жараёни
 $(\text{Mn}^{+6}$ иони оксидловчи)

оксидланиш жараёни
 $(\text{Mn}^{+6}$ иони қайтарувчи)


Электрон баланс усули бўйича оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тенглаштиришга бир неча мисоллар келтирамиз:




Реакцияда иштирок этаётган ҳар бир атомнинг оксидланиш даражаларини уларнинг устига ёзиб чиқамиз ва оксидланиш даражалари ўзгарган элементларни аниqlаб оламиз (ости чизилган):



Кейин бу элементларнинг оксидланиш даражалари ўзгаришини кўрсатувчи электрон тенгламаларини тузамиз:



Берилган (2 та) ва қабул қилинган (3 та) электронлар сонини ўнг томондаги чизиқдан кейин ёзамиш ва бу иккала соннинг энг кичик қолдиқсиз бўлинувчисини топамиз. Бу сон 6 экан. Кейин 6 ни 2 га ва 3 га бўлиб, чиқсан сонларни кейинги чизиқдан кейин ёзамиш. Шу охирги сонларни реакциянинг тўлиқ тенгламасида ҳосил бўлган моддалар (Zn^{2+} ва NO) коэффициентлари ҳолида ёзамиш:



Чап томондаги рух коэффициенти ҳам 3 га тенг, лекин N атоми тутган нитрат кислота коэффициенти 2 га тенг эмас, чунки рух ионини боғлаш учун 6 та NO_3^- иони талаб этилади.


Натижада нитрат кислотадан 8 моль олиш керак. Ҳосил бўлган сув молекулаларининг сони чап томондаги нитрат кислотаси миқдоридан келиб чиқади.

Охира кислород атомларини ҳисоблаб, бу тенглама моддалар массаларининг сақланиш қонунига бўйсимиши кўриниб турибди.


Юқорида айтганимиздек, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари реакция бораётган муҳитга ҳам боғлиқdir. Кислотали, ишқорий ва нейтрал муҳитларда бориши мумкин бўлган оксидланиш-қайтарилиш реақциялари учун умумий ҳолатларни кўриб чиқамиш.

Кислотали шароитда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари.

1. Реакцияга киришаётган ва янги ҳосил бўлаётган моддаларнинг реакция схемасини тузамиш:




2. Қайтарувчи ва оксидловчининг реакцияга қадар ва реакциядан кейинги оксидланиш даражаларини аниқлаймиз:




Реакция схемасидан кўринаяптики, олtingугуртнинг оксидланиш даражаси +4 дан +6 гача ошиб, у 2 та элек-

трон чиқарған, яъни S^{+4} —қайтарувчи экан. Марганец-нинг оксидланиш даражаси +7 дан +2 гача пасайған. Mn^{+7} —оксидловчи (5 та электронни қабул қылған).

3. Электрон тенгламасини тузамиз, оксидловчи ва қайтарувчиларга тегишли коэффициентларни танлаймиз:




Реакция тенгламасига 5 ва 2 коэффициентлар (қайтарувчи олдига 5 ва оксидловчи Mn^{2+} олдига 2) ни қўямиз:



Шунга аҳамият берингки, схема бўйича эритмада SO_3^{2-} ва MnO_4^- ионлари бор, лекин S^{+4} ёки Mn^{+7} иони йўқ. Бу вазиятга қўйида тўхталиб ўтамиз.


4. Тенгламанинг ўнг томонидаги кислота қолдиқларининг умумий сонини кўрсатадиган коэффициентни танлаб кислота олдига қўйиш учун, тенгламанинг ўнг томонидаги кислота қолдигини ҳисоблагандан уларнинг сони 8 та экани, яъни 5 та оксидланиш-қайтарилиш жараёни ($5SO_3^{2-} + 5e^- \rightarrow 5SO_4^{2-}$) да қатнашгани ва яна 3 та кислота қолдиқ (сульфат кислота ҳисобига) катионларни боғлашда иштирок этганини ҳисобга олинганда қўйидаги тенгламани ёзишни талаб этади:



5. Эритмадаги водород ионлари сони бўйича H_2O учун коэффициентни танлаймиз:



У ҳолда тенгламанинг якуни қўйидагича бўлади:



Тенгламанинг тўғри эканлигини реакцияга қадар ва реакциядан кейин ҳосил бўлган моддалар таркибидаги атомлар сонларининг ўзаро тенг бўлганлиги исботлайди ва унга тенглик (=) белгиси қўйилади.

II. Ион-электрон ёки ярим реакция усули. Юқо-

ридаги тенгламани ион электрон усули бўйича тенглаштириш йўлини кўриб чиқамиз.


Бунинг учун электролитларнинг ионли тенгламаси тузилади. Бунда кучли электролитлар ион, газ ёки чўкма ҳолида бўлса, уларни молекула ҳолида ёзилади. Ионли кўринишда фақат реакцияга қадар ва реакциядан кейин ўзгаришга эга бўлган оксидловчи ва қайтарувчилар ёзилади. Шунингдек реакция муҳитини характерлайдиган заррачалар кислотали муҳитда H^+ иони, ишқорий муҳитда OH^- иони, нейтрал муҳит бўлса H_2O ёзиган қўйилади; юқоридаги тенглама ионли кўринишда: $\text{MnO}_4^- + \text{SO}_3^{2-} + \text{H}^+ \rightarrow \text{Mn}^{2+} + \text{SO}_4^{2-} + \text{H}_2\text{O}$ ёзилиши керак бўлади. Оксидланиш-қайтарилиш жараёнида қатнашувчи қайтарувчи ва оксидловчини аниқлаймиз. Бу реакцияда MnO_4^- — оксидловчи, чунки кислотали муҳит pH < 7 да MnO_4^- иони 5 та электрон биритириб, Mn^{2+} ионига қадар қайтарилиади. MnO_4^- таркибидан ажralаётган эркин кислород сув таркибидаги 8 та водород иони билан реакцияга киришиб, 4 моль сув ҳосил қиласди:



Бу тенглама оксидловчининг қайтарилишини акс эттирувчи ярим тенгламадир.


SO_3^{2-} — қайтарувчидир, чунки у 2 та электрон чиқариб, SO_4^{2-} гача оксидланади. SO_4^{2-} — иони SO_3^{2-} — ионига қараганда кўпроқ кислород атомига эга бўлди.

Етишмаган кислород атомини у сув молекуласидан олади, натижада 2 та водород иони ҳосил бўлади:




Бу тенглама қайтарувчининг оксидланишини акс эттирувчи ярим тенгламадир.


Демак, қайтарувчи томонидан чиқарилган умумий электронларнинг сони оксидловчи томонидан биритирилган электронлар сонига тенг бўлиши керак:




Чиқарилган ва биритирилган электронларнинг сони бўйича тенгламадаги ионлар олдига қўйиладиган коэффициентларни танлаймиз:



Тенглик алматининг чап ва ўнг томонидаги ўхшаш зарражалар қисқартирилди:



Энди ионлар олдига қўйилган коэффициентларга асосланниб, умумий молекуляр тенгламага ҳам коэффициентлар қўйиб чиқамиз:



Хулоса қилиб айтганда ион-электрон усулида асосан ионлар қатнашади. Шунинг учун ҳам эритмада S^{4+} , S^{6+} , Mn^{7+} ионлари бўлмасдан, балки SO_3^{2-} , SO_4^{2-} , MnO_4^- ионлари қатнашади. Эритмада содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида қатнашадиган моддалар электролит бўлса, шу жараёнда қатнашаётган моддани ион ёки молекула ҳолда ёзиб шу модданинг табии ҳолатини акс эттириши мантиқий жиҳатдан тўғри деб топилади. Лекин, газ ва қаттиқ жисм ҳолатидаги моддаларни айрим атомларга бўлиб ёзмасдан яхлит молекула ҳолида тенгламада қатнашириш тўғри бўлади.

Баъзан, бир қаттиқ модда таркибида иккита қайтарувчи (масалан, As_2S_3 , P_2S_3 кабилар) атомлар бўлганда уларни ягона модда ҳолида ёзиш керак бўлади. Аксинча, ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида ягона қаттиқ модда (масалан, $(\text{NH}_4)_2\text{Cr}_2\text{O}_7$ да) таркибидаги иккита зарража (Cr^{+6} ва N^{-3}) орасидаги жараённи электрон-баланс усулида ёритиш керак.

Куйидаги кимёвий реакция тенгламасида галоген оксидловчи бўлиб, манфий зарядли ионгача қайтарилигини кўриб чиқамиз:



Бу реакцияда қайтарувчи нечта электрон чиқарса, оксидловчининг тегишли миқдордаги атомлари ўшанча электронни бириктириб олади. Шунинг учун ҳозирча улар олдига коэффициентлар қўймаймиз.

Агар манфий зарядли галоген қайтарувчи ва оксидловчи ролида ҳам галоген тутган модда бўлса, унда ҳар


иқкала ион ҳам нейтрал атомга айланади ва атомлар бирикиб, галоген молекуласини ҳосил қиласы:




Умуман ион-электрон усули бүйича оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тенглаштириш учун қүйидаги қоидаларга риоя қилмоқ зарур:

1. Реакциянинг молекуляр тенгламасини тузиш.
2. Реакциянинг ионли тенгламасини тузиш.
3. Ион-электрон тенгламаларини тузиш.
4. Оксидловчи ва қайтарувчи, шунингдек қайтарилиштеги молекулалардың тенгламасын тенгламалар топиш.
5. Топилган коэффициентлар реакциянинг ионли тенгламасига қўйилиб, чап ва ўнг томондаги моддалар заррачалари сони тенглаштирилади.
6. Реакциянинг молекуляр тенгламаси тузилади.

Масалан, қўйидаги реакция тенгламасини ион-электрон усули бүйича тенглаштирайлик:




бу реакцияда Cl^- — иони қайтарувчи:




MnO_4^- — иони оксидловчи. MnO_4^- ионининг Mn^{2+} ионига қайтарилиш жараёнини (яъни $\text{MnO}_4^- \rightarrow \text{Mn}^{2+}$) ифодаловчи тенгламани тузишда, MnO_4^- таркибига кирган кислороднинг водород ионлари билан бирикиб сув молекулаларини ҳосил қилишини эътиборга олиш зарур, бу эса тенгламанинг чап томонида тенг миқдорда водород ионлари бўлишини талаб этади:




Бу схеманинг чап томонидаги мусбат зарядлар сони ўнг томондагига нисбатан бешта ортиқ бўлгани учун чап томонга бешта электрон киритиш керак, шундан кейин қайтарилиш жараёни тенгламаси қўйидаги кўринишга келади:




Чап томонда зарядлар йиғиндиси $(-1) + 8 + (-5) = +2$ бўлиб, у ўнг томондаги заряд миқдорига тенг. Электрон баланс усулида кўрсатилганидек коэффициентлар топилади:



Оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг тенгламаларини қўшиб тегишли коэффициентларга кўпайтириб қўйидаги тенгламани ҳосил қиласиз:




Молекуляр тенгламаси:




Кислотали мұхитда қалай хлориднинг калий бихромат билан оксидланиш-қайтарилиш реакция тенгламасини ион-электрон усули билан тенглаштиришини кўриб чиқамиз:

1. Тенгламанинг чап томонида реакцияга киришадиган моддаларнинг ионлари ва водород иони ёзилади. H^+ ионининг ёзилиши реакция кислотали шароитда боришини кўрсатади:



2. Sn^{2+} қайтарувчи, у иккита электрон чиқариб, Sn^{4+} -ионига айланади. $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ иони оксидловчи, у олтита элекtron бириткириб, иккита Cr^{3+} ионига айланади. 6 ва 2 сонлари коэффициентлар бўлиши керак эди, аммо 6 ни 2 га бўлсақ, у ҳолда 1 ва 3 рақамлари коэффициент бўлиб қолади. Бундан шундай хулоса чиқадики, битта $\text{Cr}_2\text{O}_7^{2-}$ ионига 3 та Sn^{2+} иони тўғри келади:




3. Тенгламанинг ўнг томонида ҳосил бўлган ионлар ва молекулаларни ёзив чиқамиз:



4. Тенгламанинг чап томонидаги кислород атомлари кислота таркибидаги водород ионлари билан сувни ҳосил қилишини ҳисобга олиб, водород ионлари учун 14 коэффициентини танлаймиз:



Демак, шундан сүнг молекуляр тенглама қыйидаги шаклга келади:



Реакция давомида ўз оксидланиш даражасини ўзgartирмаган Cl^- , K^+ , SO_4^{2-} ионлари бошқа үхаш ионларга алмаштирилиши мумкин. Кислотали мұхитда содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига яна бир мисол келирамиз. Реакция қыйидаги схема бўйича боради:




ионли кўринишда:




Бу реакцияда Cl^- иони қайтарувчи: $2\text{Cl}^- - 2e^- = \text{Cl}_2$; MnO_4^- иони оксидловчи. MnO_4^- ионининг Mn^{2+} ионига ча қайтарилиш жараёнини (яъни $\text{MnO}_4^- \rightarrow \text{Mn}^{2+}$) ифодаловчи тенгламани тузишда MnO_4^- таркибига кирган кислороднинг водород ионлари билан бирикib сув молекулалари ҳосил қилишини эътиборга олиш зарур, бу эса тенгламанинг чап томонида тенг миқдорда водород ионлари бўлишини талаб этади;




Бу схеманинг чап томонидаги мусбат зарядлар сони ўнг томондагига нисбатан бештага ортиқ бўлгани учун чап томонга бешта электрон киритиш керак, шундан кейин қайтарилиш жараёни тенгламаси қыйидаги кўринишга келади.




Электрон баланс усулида кўрсатилгандек коэффициентлар топилади:



оксидланиш ва қайтарилиш жараёnlарининг тенгламаларини қўшиб тегишли коэффициентларга кўлайтириб қўйидаги тенгламани ҳосил қиласиз:



Молекуляр тенгламаси:



Ишқори шароит. Кислотали шароитда ёзганимиз каби ишқори шароитда натрий сульфит билан калий перманганат ўртасида борадиган оксидланиш-қайтарилиш реакциясими кўриб чиқамиш:

1. Тенгламанинг чап томонида реакцияга киришаётган моддаларнинг формуласини ёзамиз:



2. Қайтарувчи ва оксидловчини аниқлаб, коэффициентлар танлаймиз. Биз юқорида айнан шу натрий сульфит ва калий перманганат қатнашган кислотали шароитдаги оксидланиш-қайтарилиш жараёни билан танишиб чиқдик. Энди яна шу моддалар қатнашган кучли ишқори мұхитдаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг бориши билан танишиб чиқамиш. Ишқори шароитда бу моддалар бошқача характерда бўладилар.

Натрий сульфитда SO_3^{2-} иони қайтарувчи, у 2 та электрон береб (кислотали шароитдагидек) SO_4^{2-} ионига айланади. Калий перманганат молекуласидаги MnO_4^- иони оксидловчи, у кучли ишқори шароитда қайтарувчи етишмаганлиги учун битта электрон бириктириб, MnO_4^{2-} ионига қадар қайтарилади. Қайтарилиш бўйича 2 та электрон, оксидланиш бўйича 1 та электрон ва Na_2SO_3 молекуласи учун икки молекула KMnO_4 талаб этилади.

Шундай қилиб, тенгламанинг чап томони қўйидаги кўришишга эга:



3. Энди тенгламанинг ўнг томонида ҳосил бўлган бирикмаларни ёзамиз:



4. Ишқор учун коэффициентлар танлаймиз. Бунинг учун тенгламанинг чап ва ўнг томонидаги ўз оксидланиш даражасини ўзгартирмаган металл ионларини ҳисоблаймиз ва улар ўртасидаги фарқни коэффициент тарзида қабул қиласиз. Тенгламанинг ўнг томонида

K^+ , чап томонида 2K^+ иони бор, улар ўртасидаги фарқ $1 - 2 = 2$, демек ишқор учун коэффициент ҳам 2 бўлади:



Нейтрал муҳит: Натрий сульфит билан калий перманганат ўртасидаги реакцияни нейтрал муҳитда бориши билан танишиб чиқамиз:

1. Реакцияга қатнашувчи моддалар:



2. Қайтарувчи ва шунингдек оксидловчиларни аниқлаймиз, улар учун коэффициентлар танлаймиз.


Натрий сульфитнинг (Na_2SO_3) оксидланиш-қайтарилиш хосаси кислотали ёки ишқорий муҳитдагидек сақланади. Нейтрал муҳитда калий перманганатнинг оксидловчилк хосаси ўзгаради. $\text{MnO}_4^- \rightarrow \text{MnO}_2$ гача қайтарилади: SO_3^{2-} иони ёки Na_2SO_3 молекуласи кучли қайтарувчанликни намоён қилиди, чунки SO_3^{2-} иони 2 та электрон бериб, SO_4^{2-} ионига қадар оксидланади.

KMnO_4 молекуласида MnO_4^- иони оксидловчи, чунки нейтрал ёки кучсиз ишқорий муҳитда 3 та электрон бириктириб MnO_3 га қадар қайтарилади. Шунинг учун қайтарувчи остига 2, оксидловчи остига 3 қўйиб коэффициентларни танлаймиз. Бу тенгламада 3 та Na_2SO_3 молекуласига 2 та KMnO_4 молекуласи тўғри келади. Тенгламанинг чап қисми:

$$3\text{Na}_2\text{SO}_3 + 2\text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \dots$$

ҳолатга эга бўлади.

Электрон-ион тенгламаси бўйича қайтарувчи ва оксидловчи учун коэффициентлар танлаймиз:



Нейтрал муҳитда оксидланиш +4 дан +6 гача ортади, марганецда эса +7 дан +4 гача камаяди.

3. Тенгламанинг ўнг қисмiga реакция натижасида ҳосил бўлган янги моддаларнинг формуулаларини, яъни натрий иони кислота қолдиги SO_4^{2-} иони билан бирикиб, Na_2SO_4 ни ҳосил қиласи, калий иони гидроксил иони билан бирикиб, калий гидроксид KOH ни ҳосил қиласи.

Реакцияда фақат бир молекула сув қатнашади.

Тенгламанинг охирги ҳолати қўйидагича бўлади:




Ионли ҳолда:



Нейтрал мұхитда борадиган бир неча оксидланиш-қайтарилиш реакциялары мисоллар сифатида қўйида-ги реакцияларни келтирамиз:




Нейтрал мұхитда SO_3^{2-} ионини Co^{3+} иони ёрдамида оксидланишининг ионли кўринишини келтирамиз:



б) SO_3^{2-} иони қайтарувчи. Ўиккита электрон бериб, SO_4^{2-} ионига айланади. Co^{3+} иони битта электрон бириктириб, Co^{2+} ионига айланади.

Қайтарувчи остига 2, оксидловчи остига 1 қўйиб, қайтарувчи ва оксидловчи учун коэффициентлар танланади:



в) Тенгламанинг чап қисмига реакцияга киришувчи моддаларнинг формулалари, ўнг томонда эса янги ҳосил бўлган моддаларнинг формулалари ёзилиб коэффициентлари танланади:



KMnO_4 кислотали мұхитда энг актив оксидловчилик хоссасига эга, у Mn^{2+} гача қайтарилади. Аммо нейтрал ва күксиз ишқорий мұхитда камроқ, яъни Mn^{+4} гача (MnO_2) қайтарилади. Агар кучли ишқорий мұхит бўлса яна ҳам оксидловчилик хоссаси камаяди. Буни қўйида-гича тушунтириш мумкин: кислоталар сувда эриши натижасида гидроксоний иони H_3O^+ ва кислота қолдиғига диссоциланади:




H_3O^+ иони MnO_4^- ионига таъсир этиб, марганец билан

кислород ўртасидаги кимёвий бөгланиш ёки тортишиш күчтін заифластиради. Шунингдек нейтрал мұхитда сувнинг қутбلى 'молекулаларининг қутбилигини ҳосил бўлган H_3O^+ иони пасайтиради. Натижада MnO_4^- ионининг деформацияланиши сусаяди. Кучли ишқорий мұхитда марганец билан кислород ўртасидаги тортишиш кучи ёки кимёвий бөгланиш яна ҳам мустаҳкамроқ бўлгани туфайли MnO_4^- ионининг оксидловчилик хоссаси яна ҳам камаяди, чунки MnO_4^- битта электрон бириктиради.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига мұхитдан ташқары реакцияга киришувчи моддаларнинг концентрацияси, катализаторлар ва температура ҳам таъсир этади.

Умуман, ҳар қандай оксидланиш-қайтарилиш жараёнининг умумий кўринишини қўйидагича тасаввур қиласа бўлади:




Кимёвий мувозанат константаси K нинг қийматини ёзсан:

$$K = \frac{[\text{ок}_1][\text{қайт}_2]}{[\text{қайт}_1][\text{ок}_2]}$$

Бу формуладан кўриниб турибдики, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг кимёвий мувозанати реакцияга киришаётган моддаларнинг концентрацияларига боғлиқ экан. Демак оксидловчи ёки қайтарувчининг концентрацияси оширилса, кимёвий мувозанат чапдан ўнгга томон, агар аксинча, моддаларнинг қайтарилилган ёки оксидланган шаклининг концентрацияси оширилса, кимёвий мувозанат ўнгдан чапга томон силжиб, ҳосил бўлган янги моддаларнинг концентрацияси камаяди. Температуранинг кўтарилиши оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тезлигини оширади. Теллурнинг ишқор

билинг реакциясига температуранинг таъсири қўйидагича схемадан кўринади:

қиздириганда



совитилганда

Катализаторлар иштирокида борадиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини кўриб чиқамиз. Оксалат кислотасининг оксидланиши Mn^{2+} иони ёрдамида янада тезлашади, чунки бу кислота эритмасига қўшилган калий перманганат қайтарилиб, эритмада Mn^{2+} ионини ҳосил қиласди. Бунда ҳосил бўлган Mn^{2+} иони реакцияни тезлаштиради.


Реакциянинг бундай ҳолатини автокатализ дейилади. Масалан:



Бу реакция оксидланиш-қайтарилиш реакциясига кирмайди, аммо автокатализга мисол бўла олади, чунки реакция жараёнида ҳосил бўлган оз миқдордаги сув катализаторлик ролини ўйнайди. Натижада реакция шиддатли равишда кетади.

Лаборатория шароитида бертоле тузига MnO_2 (катализатор) таъсир эттирганда реакция тезлашиб, кислород тезроқ ажралади. Худди шундай KMnO_4 нинг парчаланишида ҳам MnO_2 муҳим роль ўйнайди.

Катализатор иштирокида иккита кимёвий модда бирбири билан реакцияга киришиб, ҳар хил бирикмаларни ҳосил қиласди:




Биринчи реакцияда йод ионлари, иккинчи реакцияда эса молибдат кислота (H_2MoO_4) катализаторлик вазифасини бажаради.

Ҳаво кислороди ёрдамида Na_2SO_3 ни Na_2SO_4 га қадар оксидланишини пасайтирувчи манфий катализаторлик вазифасини спирт, глицерин каби моддалар бажаради. Ёруғлик таъсирида хлор билан водороднинг бирикиши-

ди оз миқдордаги кислороднинг аралашуви реакцияни сенилаштиради.


Баъзан оксидланиш-қайтарилиш реакциялари бир-биrlарини тезлаштиришлари мумкин. Бундай реакцияларни кўпинча тулашишган ёки индукияланган и реакциялар ҳам деб юритилади. Бундай реакцияларни биринчи марта рус олими Н. А. Шилов 1904 йили тавсифлаган эди. Перманганат иони таъсирида хлор ионининг аста содир бўладиган оксидланиш реакцияси туташган ҳолда темир (II) ионининг иштирокида қисқа муддатда содир бўлади:



Еки арсенит кислотанинг (H_3AsO_3) ҳаво кислороди билан оксидланиш реакцияси сульфит кислотаси H_2SO_3 ёрдамида жуда тезлашади, чунки бунда сульфит кислота ҳаво кислороди билан осон оксидланади, аммо арсенит (H_3AsO_3) кислота ҳаво кислороди билан тезликда оксидланмайди, бироқ иккаласининг бир вақтда реакцияга қатнашиши уларни параллель ҳолда тез оксидланишига олиб келади.


Юқорида кўрилган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари учун коэффициент танлаш усули жуда кўп оддий ва мураккаб жараёнлар учун қўл келади. Аммо оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тузишда қўйидаги ҳолларга эътибор бермоқ зарур.

1-ҳол. Реакцияда иштирок этаётган турли моддалар таркибидаги бир хил элемент атомлари ёки ионлари электрон йўқотиши ёки бириктириб олиши мумкин, ма-салан:




бу реакцияда Cl^{+5} 5 та электрон бириктиради, Cl^- иони бўлса 1 та электрон йўқотиб, иккала ион ҳам электронейтрал хлор атомига айланади.


Реакцияларнинг электрон баланс тенгламаси:




Тегишли коэффициентлар қўйилгандан сўнг, реакциянинг тўлиқ тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади:




2- ҳ о л. Баъзан кислота оксидловчи вазифасини баъжарганда ҳам оксидлаш, ҳам туз ҳосил қилиш учун сарф бўлади, масалан,




бу реакцияда HNO_3 нинг бир қисми Hg ни оксидлаш учун, қолган қисми $\text{Hg}(\text{NO}_3)_2$ ни ҳосил қилиш учун сарф бўлади. Бу реакциянинг электрон баланс тенгламаси:



Демак, 3 моль Hg ни оксидлашга 2 моль HNO_3 сарф бўлади. Бундан ташқари 3 моль $\text{Hg}(\text{NO}_3)_2$ ҳосил қилиш учун яна 6 моль HNO_3 сарфланади. Шунга асосан реакция тенгламасини қўйидаги кўринишда ёзиш мумкин:



Лекин



Худди шу реакцияга ўхшаш қўйидаги реакцияда ҳам юқоридаги ҳол рўй беради:




Бу реакцияда ҳам ўнта молекула HCl қайтарувчи сифатида қатнашса, 6 та молекула HCl туз ҳосил қилиш учун сарфланади. Шунингдек,




Реакцияда 3 та атом Cu га 2 молекула оксидловчи HNO_3 , бундан ташқари, мис нитрат ҳосил бўлиши учун яна 6 молекула HNO_3 сарфланган.

3- ҳ о л. Баъзан бир вақтда битта молекуладаги иккита элемент атомлари оксидланиб, битта элемент атоми эса қайтарилади: масалан, мишъяқ сульфиднинг концентранган нитрат кислота билан бўлган оксидланиш-қайтарилиш реакцияси:



As_2S_3 даги As^{+3} , S^{-2} лар As^{+5} , S^{+6} га қадар оксид-

шпиади, HNO_3 даги N^{+5} эса N^{2+} га қадар қайтарилади.
Демак:




Бир молекула As_2S_3 да 2As^{+3} , 3S^{-2} бор: бир молекула As_2S_3 нинг 28 электрон йўқотгани, шунингдек 28 молекула HNO_3 З дан электронни бириктириб олгани электрон тенгламадан аниқланади.

Демак, З молекула As_2S_3 га 28 молекула HNO_3 тўғри келади ва 28 NO ҳосил бўлади. H_3AsO_4 , H_2SO_4 , H_2O ларнинг коэффициентини ҳисоблаб топиш қийин эмас:




Шу реакция тенгламасини қўйидагича ҳам тавсифлаш мумкин:



Бундай тенгламаларда кўп миқдордаги заррачалар қатнашиши моддий баланс ҳолатини қарор топган ёки тонмаганлигини текширишни қийинлаштиради. Ярим реакция усулида бу вазифани осонлаштириш мақсадида тенгламаларнинг чап ва ўнг томонларидаги зарядлар йиғиндиси бир бирига тенг бўлишига ишонч ҳосил қилиш шарт. Ҳақиқатан ҳам, чап томондаги 28 та манфий заряд ўнг томондаги $(-3 \cdot 6) + (-2 \cdot 9) + 8 = -28$ га тенглиги ион кўринишдаги оксидланиш-қайтарилиш реакциясидаги асосий моддаларнинг коэффициентлари тўғри эканлигидан дарак беради.

Шу йўсинда муҳокама юритиш оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларининг механизмини ва моҳиятини англашга, тенглама коэффициентларини тўғри таңлашга ёрдам беради.

4- ҳ о л. Баъзан оксидловчи ва қайтарувчи вазифасини бир модда таркибидаги бир хил оксидланиш даражасига эга бўлган элемент атоми ёки иони бажаради. Бундай реакцияларда олинган дастлабки модда таркибидаги элементга нисбатан оксидланиш даражаси катта ва кичик бўлган иккита янги модда ҳосил бўлади. Масалан:



ёки аксинча, ҳар хил бирикмалар таркибиға кирадиган бир элементнинг ҳар хил ионлари кислотали мұхитда ҳам оксидланади ҳам қайтарилади. Масалан калий йодид билан калий йодат ўртасидаги реакциянинг бориши билан танишиб чиқамиз.



5- ҳ о л. Баъзан оксидланиш-қайтарилиш реакция тенгламаларини одатдагидек тузиб бўлмайди. Масалан, қўйидаги реакцияяди:

$\text{Al} + \text{Fe}_3\text{O}_4 \rightarrow \text{Al}_2\text{O}_3 + \text{Fe}$, бунда Al — қайтарувчи, у 3 та электрон беради, Fe_3O_4 таркибидаги FeO 2 та электрон, Fe_2O_3 эса 6 та электрон бириктиради, жами бўлиб бир молекула оксидловчи 8 та электрон бириктириб олади. Қайтарувчи учун коэффициент 8, оксидловчи учун коэффициент 3 бўлади. Шундай қилиб, тенглама қўйидаги кўринишга эга бўлади:




Қора порохнинг ёниши содда кўринишда қўйидаги тенглама бўйича боради:



Бу реакцияда углерод атоми қайтарувчи, у 4 та электрон бериб, CO_2 гача оксидланади; азот-оксидловчи, чунки KNO_3 N_2 га қадар қайтарилади, у $5 \cdot 2 = 10$ та электрон қабул қиласди. Шунингдек, S° дан 2 та электрон олинганда S^{2-} га қадар қайтарилади. Шундай қилиб оксидловчи жами бўлиб 12 та электрон бириктиради. Демак, қайтарувчи томонидан берилган умумий электронларнинг сони, оксидловчи томонидан бириктирилган умумий электронлар сонига тенг бўлиши керак, яъни $4 \times 3 = 12$. У ҳолда тенглама қўйидагича ёзилиши керак:



6- ҳ о л. Озон энг кучли оксидловчи ва беқарор модда, осон атомар кислородга парчаланади. Унинг парчаланиши босқичма-босқич боради:







* Баъзан реакция CO , K_2CO_3 , K_2SO_4 , K_2S ҳосил бўлиши билан бориши мумкин.

Шунинг учун ҳам, оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидан озон билан оксидланиш молекуляр ва атомар кислороднинг ҳосил бўлиши ҳисобига боради. Масалан:




Br⁻ ионлари қайтарувчи, улар иккита электрон чиқариб, молекуляр бромгача оксидланадилар. Молекуляр озон эса 2 та электрон бириктириб, кислород молекуласига айланади:



Охирги реакция муҳит ўзгариши натижасида NH₄NO₂, NH₄NO₃ лар ҳосил қилиб ҳам бориши мумкин.


Реакциянинг электрон баланс тенгламасини тузишда O₃ молекуласидан O₂ молекуласи ва O⁻² ҳосил бўлишини назарда тутиш керак, масалан,




Реакциянинг тўлиқ тенгламаси:





7-ҳол. Реакциянинг электрон баланс тенгламасидаги топилган коэффициентларни бир неча марта қисқартириш ёки кўпайтириш лозим бўлади, масалан,




Реакциянинг электрон баланс тенгламасига асосан 8 атом Zn ва 2 молекула HNO₃ билан реакцияга киришганлиги учун, 4 атом Zn билан 1 молекула HNO₃ реакцияда қатнашиши керак. Демак, топилган коэффициентларни (8 ва 2) икки марта қисқартириб ёзиш керак:




Реакциянинг тўлиқ тенгламаси:



Бунда FeSO_4 нинг оксидланишидан ҳосил бўлган $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3$ таркибида битта эмас, иккита темир атоми бор бўлганлиги учун топилган коэффициентлар (5 ва 1) ни иккига кўпайтириб ёзиш керак:




Реакциянинг тўлиқ тенгламаси:




8- ҳ о л. Баъзан оксидловчи ва қайтарувчи вазифасини бажарадиган атомлар ёки ионлар бир модданинг таркибида бўлади, масалан:




Бу реакцияда Бертоле тузи молекуласи таркибидаги O^{-2} қайтарувчи, Cl^{+5} иони эса оксидловчи бўлади:



Реакциянинг тўлиқ тенгламаси:



Бу реакцияда Cl_2 молекуласи таркибидаги хлор атомларидан бири оксидловчи, иккинчиси эса қайтарувчи бўлади:




Реакциянинг тўлиқ тенгламаси:




Бертоле тузининг парчаланиш реакциясини ички молекулаларо **оксидланиш-қайтарилиш** реакцияси деб аталади. Охирги реакция эса диспропорцияланиш реакциясидир.


9-ҳ о л. Қайтарувчи модда таркибидаги мусбат ва манфиий зарядли иккита ион бир вақтда оксидланиши мумкин. Бу ҳолда реакциянинг электрон-баланс тенгламасини тузишда оксидланган иккита ионнинг берган электронлар сонини қўшиб жамлаш керак, масалан:



Реакциянинг электрон баланс тенгламаси тузилади:




Шундай усул билан топилган коэффициентларни реакция тенгламасига қўямиз:



10-ҳ о л. N_2H_4 ва NH_2OH да азот атомлари оксидланиш ва қайтарилиш хоссаларини намоён қиласидилар.

Гидразинда азот —2 оксидланиш даражасига эга. Азотнинг нейтрал барқарор ҳолатга ўтишида гидразин қайтарувчилик хоссасини намоён қиласиди. Аммо азот яна электрон бириктириб —3 оксидланиш даражасини ҳосил қилиши мумкин, чунки азот атомида бир жуфт эркин электрон бўлиб, ана шу электронлар ҳисобига донор-акцептор боғланиш ҳосил бўлади:






Электрон баланс усули бўйича, оксидловчи ва қайтарувчилик учун коэффициентларни қўйидаги схема асосида топиш мумкин:

қайтарувчи	$2N^{-2} - 4\bar{e} \rightarrow N_2^0$	1
оксидловчи	$J_2 + 2\bar{e} \rightarrow 2J^{-1}$	2
қайтарувчи	$Ti^{3+} - \bar{e} \rightarrow Ti^{+4}$	2
оксидловчи	$2N^{-2} + 2\bar{e} \rightarrow 2N^{-3}$	1

Гидроксиламин (NH_2OH) даги азот оксидловчи ва қайтарувчи хоссаларини намоён қиласди. Гидроксиламинда умумий оксидланиш даражаси 1 га тенг. Сувли эритмаларда гидроксиламин ва унинг тузлари N_2 молекуласига қадар оксидланыб, кучли қайтарувчи хоссаларини намоён қиласдилар. Баъзан эса азот (I) оксидгача оксидланади. Шунинг учун ҳам Fe^{+2} , Mn^{+2} , Ti^{+3} , HJ , H_2S лар билан бўлган реакцияда у кучли оксидловчи хоссаларини намоён қиласди ва ўзи эса аммиакка айланади. Гидроксиламиннинг қайтарувчилиги ишқорий шароитда ва оксидловчилиги кислотали шароитда амалга ошади. Баъзан эса гидроксиламин реакция бораётган шароитга мос хоссаларни намоён қиласди. Масалан, сирка кислотали муҳитда у J_2 ни HJ гача қайтаради, аммо кучли хлорид кислотали муҳитда эса аксинча — HJ ни эркин J_2 гача қайтаради.

Гидроксиламиннинг қайтарувчи ва оксидловчи хоссаларини намойиш қиласдиган мисоллар келтирамиз:





11-ҳол. Баъзан водород пероксид H_2O_2 ёки унинг бирикмалари оксидловчи ёки қайтарувчи хоссаларини намоён қиласди. Ҳар хил реакция муҳитларида H_2O_2 нинг оксидловчи ва қайтарувчи хоссаларига мисоллар келтирамиз.


Юқорида кўрганимиздек, водород пероксид H_2O_2 да кислороднинг оксидланиш даражаси минус бирга тенг. У фақат кучли оксидловчилар таъсир этганда қайтарув-

чи, бошқа ҳолларда оксидловчи бўлади. Шунинг учун H_2O_2 иштирок этган реакцияларнинг электрон баланс тенгламасини тузишда айни реакцияда H_2O_2 нинг оксидловчи, ёки қайтарувчи эканлигини аниқлаш керак.

а) H_2O_2 оксидловчи бўлган ҳол учун мисол:




б) H_2O_2 қайтарувчи бўлган ҳол учун мисол:




Топилган коэффициентларни тенгламага қўямиз:






в) Водород пероксид муҳитга боғлиқ равишда қўйидаги схема бўйича қайтарилади:



Қўйидаги ҳолда H_2O_2 оксидловчи сифатида бўлади:




Лекин KMnO_4 ёки $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8$ қаби кучли оксидловчи таъсирида водород пероксид қайтарувчи сифатида намоён бўлади. Масалан:



г) рН нинг озгина ўзгариши билан баъзан H_2O_2 оксидловчи, баъзан эса қайтарувчилик хоссасини намоён қиласди:

$\text{pH} = 1$ бўлганда




$\text{pH} = 2$ бўлганда




Хулоса қилиб айтганда, H_2O_2 кислотали, ишқорий ва нейтрал муҳитларда оксидловчи, кислотали ва ишқорий муҳитларда эса қайтарувчи хоссаларини намоён қилар экан.


12-ҳол. Комплекс бирималар ҳам оксидловчи, ҳам қайтарувчи хоссаларини намоён қилиши мумкин. Бундай ҳолларда комплекс ҳосил қилувчи марказий ионнинг заряди ўзгариши мумкин, масалан:



ёки оддий моддаларнинг таъсири натижасида комплекс биримлаштирилди:



Бу реакцияда бромциан ҳосил бўлади, унда CN^+ , Br^- ҳолатда бўлади. Шу сабабли оксидланиш-қайтарилиш схемаси қўйидагича бўлади:



Ёхуд комплекс ҳосил қилувчи ион нейтрал ҳолда ажраби чиқиши мумкин:



Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари комплекс бирималарда электронларнинг қайта тақсимланиши асосида боради. Аммо шуни унутмаслик керакки, комплекс ҳосил қилувчи марказий ионни ҳамма вақт ҳам оксидлаш мумкин эмас, чунки лигандлар марказий ионнинг оксидланишига йўл бермайди, лигандлар марказий атом валентлигини мустаҳкамлайди. Масалан, оддий бирималар PbCl_4 , MnCl_4 , CoCl_3 ва бошқалар таркибидағи


Pb , Mn , Co лар ўзларининг паст оксидланиш даражасига қадар осонгина қайтариладилар, аммо уларнинг комплекс бирикмалари бўлган: $\text{K}_6[\text{PbCl}_6]$, $\text{K}_2[\text{MnCl}_6]$, $[\text{Co}(\text{NH}_3)_6]\text{Cl}_3$ таркибидаги қўрғошин, марганец ва кобальтлар осонликча қайтарила олмайди, чунки уларнинг комплекс бирикмалари жуда барқарордир. Органик бирикмаларда қутбли боғланишлар кам бўлганлиги учун молекулада қайси атомлар мусбат, қайсиси манфий зарядланганини аниқлаш қийин. Шунинг учун бундай реакцияларнинг тенгламаларини тузишда ва оксидловчи, қайтарувчиларнинг коэффициентини танлаш электронларнинг сонига қараб эмас, балки реакцияяга киришувчи моддаларнинг қанчалик янги моддаларга айланишига қараб билиб олинади. Бир неча мисоллар келтирамиз:



Тенгламадан кўриниб турибдики, ҳар бир молекула $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ ни CH_3COOH га айланишида (бизнинг мисолда CH_3COOK) битта ортиқча кислород атоми талаб этилади. Реакция тенгламасидан кўриниб турибдики $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ молекуласи иккита кислород атомини талаб қиласи ёки қайтарувчидан тўртта электронни талаб қиласи. Калий перманганат, тўғрироғи, MnO_4^- иони оксидловчи бўлиб, бундай шароитда 3 та электронни талаб қиласи. Ана шу юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда кимёвий реакция тенгламасини тузамиз ва коэффициентларни танлаймиз:




Этанол таркибидаги метилен группасидаги углерод





реакциядан кейин ҳосил бўлган сирка кислотасида шу зар-

рача ---C---OH ҳолидаги углерод атомининг оксидланиш даражаси $+3$ ҳолида эканлигини атомларнинг нисбий электр манфийликлари асосида аниқлаш қийин эмас. Бу реакция тенгламасидаги коэффициентларни электрон баланс усулида танласак:




Олинган натижа юқорида келтирилган ҳолатдан фарқ қилмайды.


Бу жараённи ярим реакция усулида ҳал этайлик:




Глюкоза $\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$ кислотали шароитда калий перманганат билан қуидаги тенглама бўйича оксидланади:








Глюкоза ва ҳосил бўлган моддаларнинг оксидланиши учун сарфланган кислород атомларини ҳисоблагандан, ҳар бир молекула $\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$ учун 12 та кислород атоми кераклиги ва 24 та электрон сарфланишини кўрсатади. Кислотали муҳитда калий перманганат 5 та электрон бириктириб олиши ва Mn^{2+} гача қайтарилиши мумкин эканлиги маълум. Буни ҳисобга олиб, реакция тенгламасини ёзib коэффициентларни танлаймиз:



Органик моддалар иштирокида борган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тенгламаларини тузишда оддий реакцияларда оксидланиш даражасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Анорганик бирикмалардагидек органик бирикмалар қатнашган оксидланиш-қайтарилиш реакциялари учун коэффициентларни оксидланиш даражаларининг ўзгаришига қараб танлаш бўйича мисоллар келтирамиз:







Коэффициентлар танлашда шуни унумаслик керакки, органик бирикмаларда атомнинг электрон булути ёки унинг зичлиги ва реакцияларнинг бориш механизми ҳисобга олинмайди. Ана шундай камчиликларга қарамасдан бу усул осонлик билан коэффициентлар танлашга имкон беради.

Ана шундай органик бирикмалар қатнашган оксидланыш-қайтарилиш реакцияларига мисоллар келтирамиз.

1. Ҳаво кислороди ёрдамида этиленни оксидлаб, этилен оксидини олиш (реакция 270—290 °C да кумуш кристаллари ёрдамида олиб борилади):




2. Мис катализатор иштирокида ва ҳаво кислороди ёрдамида пропиленни акролеинга қадар оксидлаш:



3. Вино спиртини сирка кислотасига қадар оксидлаш:




4. Хлороформни ҳаво кислороди билан фосгенга қадар оксидлаш:





5. Водород ёрдамида кетонкислотани қайтариш:




6. Альдегидларни оксидлаб карбон кислоталарни олиш:




ёки аниқ мисоллар:




7. Метанолни синтез қилишда углерод (II) оксидни водород билан 220—300 °C да, юқори босим остида ва ZnO катализатори ёрдамида қайтарилади:




8. Оксидланиш даражаси +4 ва +6 бўлган селенни унинг бирикмалари таркибида аниқлашда ва ажратиб олишда қайтарувчи сифатида аскорбин кислота (витамин С) дан фойдаланилади:



9. Формальдегидни синтез қилиш учун метанол ҳаво кислороди ёрдамида оксидланади:



10. Кумуш унинг комплекс бирикмасидан углерод (II) оксид ва глюкоза ёрдамида қайтариб олинади:




4.9.3. Диспропорцияланиш ва ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг тенгламаларини тузиш


Диспропорцияланиш реакцияларидан битта элемент атомларининг оксидланиш даражаси маҳсулотларда ҳам ортади, ҳам камаяди. Баъзан бундай реакцияларни дисмутацияланиш реакциялари ҳам дейилади.

Бунда бошланғич модда турли хил бирикмалар ҳосил қиласи, улардан бирида атомларнинг оксидланиш даражаси юқори, иккинчисида эса паст бўлади. Равшани, бундай реакциялар молекуласида оралиқ оксидланиш даражасига эга бўлган атомлар бор моддаларда содир бўлиши мумкин. Калий мангтанат K_2MnO_4 нинг ўзгариши бунга мисол бўлаолади; бу бирикмада маргандең +6 га тенг оралиқ оксидланиш даражасини намоён қиласи. Бу тузнинг эритмаси тўқ яшил ранги (MnO_4^{2-} ионнинг ранги) бўлади, лекин оз вақтдан сўнг эритманнинг ранги қўнғирга айланади. Бу MnO_2 чўкмаси тушганигини ва MnO_4^{2-} ион ҳосил бўлганлигини кўрсатади.


Бунда қўйидаги реакция содир бўлади:




Диспропорцияланиш реакциялари жумласига кўп учрайдиган қўйидаги реакциялар ҳам киради:




Диспропорцияланиш реакцияларига яна бир неча мисоллар келтирамиз:



Диспропорцияланиш реакциялари органик кимёда ҳам катта аҳамиятга эга. Масалан, Канницарро реакциясида ишқор таъсирида ароматик алдегидлар спирт ва кислотага айланади:



Шунга ўхшаш диспропорцияланиш реакциясида алифатик ва гетероциклик альдегидлар алюминий алкоголятлари таъсирида мураккаб эфир ҳосил қиласи (Тищенко реакцияси):



Ароматик альдегидлар учун калий ёки натрий алкоголятлари ишлатилади.

Ички молекулар оксидланиш-қайтарилиши реакцияларида элементлар орасида электронларнинг алмашиниши битта молекула ичидаги атомлар орасида содир бўлади. Мисол тариқасида бир қанча термик диссоциаланиш реакциялари тенгламасини келтирамиз:




4.9.4. Сув иштирокида борадиган реакция тенгламаларини тузиш

Сув молекулаларининг қутбилиги бошқа эритувчиликнидан катта фарқ қилгани учун, электролитлар сувда диссоциланади. Эритувчиларнинг ионлаш хусусияти уларнинг диэлектрик константаларига ҳам боғлиқдир. Сувнинг диэлектрик константаси 81 га teng, демак икки заряднинг бир бирига тортилиш кучи сув мұхитида вакуумга қараганда 81 марта камаяди. Сув молекуласининг қатнашиши билан борадиган кимёвий жараёнларни уч турга бўлиш мумкин:

1. Сув оксидловчи ролини ўйнайдиган реакциялар.
2. Сув қайтарувчи хоссаларини намоён қиласидиган реакциялар.

3. Ион алмашиниш ва бирикиш реакциялари.


1. Xона шароитида сувнинг водород атоми ишқорий ва ишқорий-ер металларини оксидлайди (магнийдан ташқари):



Шунингдек водород атоми шу металларнинг гидридларини ҳам оксидлайди:



кукунсимон Mg билан Zn $100^{\circ}C$ да сув таъсирида оксидланади. Кам актив металлар юқори температурада сув билан реакцияга киришлари мумкин:



2. Хона температурасида сув атомар кислород ва фтор билан оксидланиши мумкин:



Бундай реакциялар давомида, яъни F_2 билан сув ўртасидағи реакция пайтида O_2 , O_3 , H_2O_2 , OF_2 лар ҳосил бўлиши мумкин.


Хлор билан сувнинг ўзаро реакцияси натижасида гипохлорит ва хлорид кислоталар ҳосил бўлади:




Сув билан бром ва йод реакцияга киришганда ҳам худди шундай жараён содир бўлади, аммо кимёвий мувозанат кўпинча ўнгдан чапга силжиган бўлади. Хлор сув билан $100^{\circ}C$ да ёки совуқда ва ёруғлик таъсирида кимёвий реакцияга киришса, бром $550^{\circ}C$ да реакцияга киришиб, кислород ажратиб чиқаради:



3. Жуда кўп моддалар сув билан бирикиш ёки алмашиниш реакцияларига киришадилар:



Сувда тузлар, кислоталар ва асослар эриганда уларнинг ионлари гидратланади, яъни сув молекулалари билан бирикмалар ҳосил қиласадилар. Масалан, сульфат кислота молекуласи 150 гача сув молекулаларини бириктириб олади:



Сувнинг катализаторлик ҳоссаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Жуда кўп реакциялар сув иштирокида

боради. Масалан, хлор сувсиз ҳолда темирга таъсир этмайди. Қуруқ ҳолда H_2S ва SO_2 кимёвий реакцияга киришмайди, қалдироқ газ сув буғи бўлмаса портлаш хоссасини йўқотади.

4.9.5. Металларнинг кислота ва ишқор эритмалари билан ўзаро реакциялари тенгламаларини тузиш

Кимёвий реакциялар жараёнида металларнинг атомлари билан кислоталар ўртасида қуйидагича ўзгаришлар бўлиши мумкин:

- Кристалл панжарасидаги атомлар ўртасидаги кимёвий боғланишнинг узилиши.
- Нейтрал атомдан электроннинг ажралиши.
- Ҳосил бўлган металл ионлари билан сув ўртасидаги ўзаро таъсирлашув.

Агар алоҳида ҳолдаги атомнинг активлиги унинг ионланиш энергияси билан ўлчанадиган бўлса, қаттиқ металлнинг кислота билан реакциясининг активлиги металл панжарасини емириш учун сарфланган энергия билан ўлчанади. Металл кристалл панжарасининг емирилиш энергияси қанча паст бўлса, у шунча актив ҳисобланади. Масалан, натрий, рубидий, калийга қарандан литийда бу хусусият паст, кальцийда эса натрийга қараганда янада паст бўлади.

Барча металлар ва металлмаслар ўзларининг активликлари бўйича маълум бир кетма-кетликка эгадирлар. Бу кетма-кетлик стандарт электрокимёвий потенциал кучланишлар қатори номи билан машҳурдир:

Металлар активлигининг камайиши тартиби.

Li, Cs, Rb, K, Ba, Sr, Ca, Na, Mg, Al, Mn, Zn, Cr, Ga, Fe, Cd, Tl, Co, Ni, Sn, Pb, H, Sb, Bi, Cu, Ru, Hg, Ag Rh, OS, Pd, Pt, Au.

Металлар ионларининг электронларни бириттириб олиш хоссасининг камайиши тартиби.

Металларнинг активлик қаторидан кўриниб турибдики, Li Cs дан олдин, Ca эса натрийдан олдин жойлаштирилган.

Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида металларнинг электрокимёвий қаторидан унумли фойдаланиш учун қуйидаги ҳолатларга аҳамият бериш зарур:



1. Металлар активлик қаторида қанчалик ўнгроқда жойлашган бўлса, унинг активлиги шунчалик кам бўла-

ди ва аксинча. Металларнинг активлиги қанчалик катта бўлса, улар шунчалик осон оксидланади, оксидланган ҳолатдан қайтарилиши шунчалик суст бўлади.

2. Металл активлик қаторида қанчалик ўнгроқда жойлашган бўлса, унинг кимёвий активлиги шунчалик кам бўлади, улар қийин оксидланади, оксидланган ҳолатдан қайтарилиши шунча осон бўлади.

3. Манфий потенциал қийматга эга бўлган ва водороддан чaproқда жойлашган металлар гидроксоний иони билан тез оксидланадилар ва суютирилган кислоталарнинг таркибидан водородни осонроқ сиқиб чиқарадилар.

Аммо қўрошин водороддан чaproқда жойлашган бўлса ҳам 80% ли сульфат кислота эритмасида оксидланмайди, чунки унинг сиртида дарҳол $PbSO_4$ таркибли ҳимоя пардаси пайдо бўлади, бу парда қўрошиннинг ички қаватларигача оксидланишга қўймайди. Активроқ металлар сувли эритмада қандай оксидлансалар кислотали муҳитда ҳам шундай оксидланадилар, аммо рух билан водород ўртасида жойлашган металлар фақат кислотали шароитда оксидланадилар. Оксид пардасига эга бўлган металлар ишқорий шароитда оксидланади. Аксинча, водороддан ўнгроқда жойлашган металлар (электрод потенциали мусбат бўлган металлар) суютириган кислоталарда ҳам оксидланмайдилар. Мис суютирилган HCl ва H_2SO_4 да оксидланмайди, аммо концентранган H_2SO_4 ва HNO_3 кислоталар билан кимёвий реакцияга киришади:



4. Актив металлар пассив металлар тузлари эритмалари билан реакцияси натижасида пассив металларни сиқиб чиқарадилар, масалан:



Актив металларни уларнинг сувдаги эритмаларидан электролиз жараёнида ҳам олиб бўлмайди, чунки уларнинг нормал электрод потенциаллари водородникига нисбатан манфий қийматга эга.

Электрокимёвий кучланишлар қатори металларнинг кимёвий хоссаларини тавсифлайди. Ундан электролиз жараёнида ионларнинг катодда қайтарилиш имкониятларини муҳокама қилишда, шунингдек металларнинг

умумий хоссаларини тавсифлашда фойдаланилади. Бунда стандарт электрод потенциаллар қийматлари металларнинг қайтарувчи ва ионларнинг оксидловчи хусусиятларига миқдорий характеристика берилади.

Металл учун электрод потенциалнинг алгебраик қиймати қанчалик кичик бўлса, шу металлнинг қайтарувчи хусусияти шунчалик кучли ва ионининг оксидловчилик хусусияти шунчалик кучсиз бўлади.

Бу қатордан кўриниб турибдики, металлар орасида энг кучли қайтарувчи литий, олтин энг кучсиз қайтарувчи ва аксинча, олтин иони Au^{+3} — энг кучли, литий иони Li^+ эса — энг кучсиз оксидловчидир.

Кучланиш қаторидаги ҳар қайси металл қаторда ўзидан кейин жойлашган барча металларни уларнинг тузлари эритмаларидан сиқиб чиқара олади. Лекин бу ҳолат барча ҳолларда албатта амалга ошади деган сўз эмас. Масалан, алюминий мисни мис (II) хлорид CuCl_2 эритмасидан сиқиб чиқаради, аммо уни мис (II) сульфат CuSO_4 эритмасидан сиқиб чиқара олмайди. Бунга сабаб шуки, хлорид — ион Cl^- алюминий сиртидаги оксид пардани — Al_2O_3 ни емиради, аммо сульфат ион SO_4^{2-} ни емира олмайди.

Кўпинча кучланиш қатори асосида металларни тузларининг сувдаги эритмаларидан анча актив ишқорий ва ишқорий-ер металлар таъсирида сиқиб чиқариш тенгламаларини ёзишга ҳаракат қилинади. Бу ҳолда металлар сиқиб чиқарилмайди, чунки ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг ўзлари сув билан реакцияга киришади. Бу тўғрида бир неча мисоллар келтирамиз. Масалан:



Бу реакция осон боради.

Қуйидаги реакция $2\text{K} + \text{FeSO}_4 \rightarrow \text{Fe} + \text{K}_2\text{SO}_4$ бориши мумкин эди, лекин калий ёрдамида темирни сиқиб чиқариб бўлмайди, чунки калийнинг сув билан реакцияга киришиши энергетик афзалдир:



кейин содир бўладиган жараён олдин кутилган натижадан фарқ қиласди:



Стандарт электрод потенциалли металларнинг қайтрувчилик хоссаси ва улар ионларининг оксидловчилик хоссалари фақат сувли эритмаларда борадиган жараёнлар учун тадбиқ қилиниши керак. Масалан:



Стандарт электрод потенциали қатори бүйича бу реакция содир бўлмаслиги керак, лекин бу реакция юқори температура ва сувсиз шароитда боради, чунки Al_2O_3 ҳосил бўлиши натижасида катта миқдорда иссиқлик ажралади, бу иссиқлик калий оксидини парчалашга олиб келади.

Келтирилган мисоллардан шундай хulosса чиқариш мумкинки, электрокимёвий кучланишлар қаторидан фойдаланишда кўриб чиқилаётган жараёнларга хос хусусиятларни эътиборга олиш керак. Энг асосийси — кучланишлар қатори фақат сувдаги эритмаларга тааллуқли эканлигини ва металларнинг сувли муҳитда борадиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидаги кимёвий активлигини тавсифлаш востиши таси эканлигини доимо эсда тутиш керак.

4.9.6. Баъзи оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг бориш механизми

Кимёвий реакцияларни ўрганишда фақат реакцияга киришувчи ва янги ҳосил бўлувчи моддаларнигина эмас, балки жараён қандай тарзда боришини билиш фойдаланадир. Реакциянинг механизми реакция босқичларини ва уларда қандай моддалар иштирок этишини билишини талаб этади.

Жуда кўп олимлар (акад. Н. Н. Семенов, Н. М. Эмануэль) томонидан оксидланиш, полимерланиш, углеводородларнинг юқори температурада парчаланиши каби жуда кўп кимёвий жараёнларнинг бориш ҳолатлари ва оралиқ маҳсулотларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, эркин радикалларнинг пайдо бўлиш йўллари илмий жihatдан асослаб берилган.

Кимёвий жараённинг бориш механизмини тушуниш учун аввало реакцияга киришаётган моддаларнинг молекуляр тузилишини ва реакция мобайнида қандай ўзгаришини билиш керак. Бундан ташқари, атомлар ўртасида содир бўлаётган кимёвий боғланишларнинг табиатини, реакция бораётган муҳитнинг таъсирини, реакциянинг барча босқичлардаги тезликлар ва ташқи куч таъсирида

бўлаётган ҳар хил ўзгаришларнинг моҳиятини тушуниб етмоқ керак. Кимёвий жараённинг бориш йўлларини тушуниб етгач, керакли маҳсулотни энг осон ва енгил йўллар билан олиш усусларини топиш мумкин.

Кимёвий жараёнларнинг бориш қонуниятлари ва реакцияларнинг бориш механизми билан кимёвий кинетика шуфулланади. Кимёвий кинетика қўзлайдиган мақсадлар орасида реакцияларнинг тезлигини ошириш ва унум даражасига салбий таъсири қиласидиган қўшимча реакцияларнинг тезлигини камайтириш, саноатнинг ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, хом ашёдан тўла ва тўғри фойдаланиш кам вақт ичida кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш каби имкониятларни ўз ичига олади.

Шу билан бирга кимёвий кинетика реакцияларнинг тезлиги билан ҳам шуфулланади. Кимёвий реакцияларнинг тезлиги реакцияга киришувчи моддаларнинг табиитига, уларнинг концентрациясига, температурага, катализаторларининг иштирок этиш-этмаслигига ва бошқа бир қанча омилларга боғлиқдир.

Илмий жиҳатдан олганда эса кимёвий реакцияларнинг кинетикасини текшириш реакцияларнинг қандай йўллар билан боришини, яъни уларнинг механизмини ўрганишга ёрдам беради. Бу эса кимёвий реакцияларнинг ва уларнинг тезлигини бошқаришга имконият туфдиради.


Кимёвий кинетикада қўйидаги илмий текшириш усуслари кенг қўлланилади: спектроскопик анализ, массспектроскопия, радиоактив индикатор, электрон парамагнит резонанс усуслари жуда кенг қўлланилади.

Ҳозирги вақтда кимёгарлар реакцияга киришаётган моддаларнинг таркиби, тузилиши, реакция бораётган шароитга қараб, олдиндан қандай миқдорда модда олинишини билиш имкониятига эга бўлаолади.

Амалда тез ёки секин борадиган реакциялар билан тўқнашиш мумкин. Ҳар хил керакли маҳсулотларни тез, сифатли ва арzon йўллар билан олиш усусларини билиб олиш ва амалга ошириш учун олимлар тинимсиз кинетик текширишлар, анализлар олиб борадилар.

Баъзи оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг бориш механизmlари билан танишиб чиқайлик.

1. Газ ҳолдаги водород бромид $400-600^{\circ}\text{C}$ да сезиларли даражадаги тезлик билан кислород таъсирида оксидланади:



Реакцияда бешта молекула қатнашади (түрт молекула HBr ва бир молекула O_2), аммо бирданига бешта молекула түқнашиш эҳтимоллиги жуда ҳам кичик. Шунинг учун бу реакция босқичма-босқич, яъни оралиқ маҳсулотлар ҳосил бўлиши орқали боради:






2. Темир (II) ионининг молекуляр кислород билан реакцияси кислотали шароитда қўйидаги кимёвий реакция тенгламаси бўйича боради:



Бу жараён бир босқичда содир бўла олмайди, чунки, бирданига тўққизта заррача бир вақтда тўқнашиш эҳтимоллиги жуда ҳам кичик: Ундан ташқари, 9 та заррачадан саккизтаси мусбат зарядли, улар бир-бири билан итаришиши тўқнашишга йўл қўймайди.

Ўтказилган тадқиқотларга асосланаб, бу реакция қўйидаги босқичлар асосида боришини тушуниш қийин эмас:




Бу реакция тенгламаларида HO^- ва HO_2^- лар оддий радикаллар бўлса, HO_2^- эса ион-радикалdir, O_2^- ва H_2O_2 лар оралиқ моддалардир. Юқорида келтирилган мисоллар кимёвий жараён тенгламалари содда кўринишга эга бўлса ҳам, кўпчилик реакциялар бир неча мураккаб босқичлар орқали содир бўладиган жараённинг соддалаштирилган схемаси деб қаралиши керак.

4.9.7. Занжирили реакциялар

Занжирили реакциялар оксидланиш-қайтарилиш жарайни турли моддаларни хлорлаш реакцияларидан, полимерлаш, органик бирикмаларнинг парчаланиши ва бошқа ҳодисаларда иштирок этиши кузатилади. Занжирили реакциялар назария ва амалда мұхим ақамияттаға әга. Улар газ ва суюқ ҳолдаги моддалар орасыда содир бўлади.

Занжирили реакцияларнинг икки хил тури — тармоқланган ва тармоқланмаган хиллари маълум. Тармоқланмаган занжирили реакцияларга мисол тариқасида хлор билан водород ўртасидаги реакцияни келтириш мүмкин:



Бу реакция оддий шароитда жуда секинлик билан боради, аммо қиздирганда ёки кучли нур оқими (қүёш нури ёки ёниб турган магний пластинкаси шуъласида) портлаш билан жуда тез кетади. Бундай реакцияларнинг содир бўлиш механизмини қўйидагича ифодалаш мүмкин: ультрабинафша нурлар квонти хлор молекуласини эркин атом ёки радикал атомга ажратади (одатда бундай заррачаларни Cl ҳолида кўрсатилади). Сўнгра хлор радикаллари молекуляр водород билан тўқнашиб, HCl ва водороднинг радикалини ҳосил қиласи. Водород радикали ўз навбатида хлор молекуласи билан тўқнашиб, яна HCl ва битта хлор радикалини ҳосил қиласи ва натижада хлор молекуласи билан водород молекуласи бирикиб, хлор ёки водород тамом бўлгунча бу жараён давом этади. Буни қўйидаги тенглама асосида кўрсатиш қабул қилинган:

- 1) $\text{Cl}_2 + h\nu = \text{Cl}^\cdot + \text{Cl}^\cdot$ (занжирилинг бошланиш жараёни)
- 2) $\text{Cl}^\cdot + \text{H}_2 = \text{HCl} + \text{H}^\cdot$ (водород радикали).
- 3) $\text{H}^\cdot + \text{Cl}_2 = \text{HCl} + \text{Cl}^\cdot$ ва ҳоказо
- 4) $\text{Cl}^\cdot + \text{H}^\cdot = \text{HCl}$
- 5) $\text{Cl}^\cdot + \text{Cl}^\cdot = \text{Cl}_2$
- 6) $\text{H}^\cdot + \text{H}^\cdot = \text{H}_2$

2 ва 3 — жараёнлар занжирили реакциянинг давом этиш босқичлари ҳисобланади. 4—6 босқичларда радикаллар ўзаро тўқнашиб молекулаларни ҳосил қилиши радикалларни ҳалокатига олиб келади ва шу сабабли уларни «радикаллар ҳалокати босқичи» деб юритилади.


Ана шундай реакциялар турига метанни хлорлаш реакцияси ҳам киради:



Бу жараёнда занжир метаннинг радикали CH_3^\cdot — метил радикали ҳисобига давом этади (2,3 — босқичлар). Реакциянинг секинлашиши ва тўхташи радикалларнинг молекула ҳолига ўтиш босқичи орқали амалга ошади.

Кўриниб турибдики, реакция бошлангач, реакция занжири давом этади. Бундай реакциялар занжирли реакциялар дейилади.

Академик Н. Н. Семёновнинг аниқлашича, занжирли реакциялар анча кенг тарқалган бўлиб, улар эркин атомлар ва атом группалари — радикаллар ҳосил бўлиши ҳамда уларнинг ўзаро таъсирилашиши билан боради. Занжирнинг тармоқланиш реакцияси амалга ошганда системада актив марказлар сони ортади. Занжир бўғимларида ҳар қайси йўқолган битта марказнинг ўрнига бирдан кўп бўлган янги марказлар ҳосил бўлади, масалан, $2\text{H}_2 + \text{O}_2 = 2\text{H}_2\text{O}$ реакциясида қўйидаги жараёнлар содир бўлади:



Юқорида баён этилган оддий занжирли радикал жараёнга қараганда бунда асосий маҳсулотдан ташқари бир неча радикаллар ҳосил бўлади. Бу радикаллар ўз тармоқларини бошлаши бундай реакцияларнинг жуда катта тезликда амалга ошишининг сабабчиси бўлади.

4.9.8. Фотокимёвий реакциялар

Электромагнит тўлқинларнинг кўзга кўринадиган, ультрабинафша ва инфрақизил нурлар соҳасидаги нурквенти таъсирида борадиган кимёвий реакциялар фотокимёвий реакциялар деб аталади.

Фотокимёвий реакциялар моддаларнинг ҳамма агрегат ҳолатларида содир бўлиши мумкин. Бундай реакциялар жуда кенг тарқалган бўлиб, улардан бири — ўсимликларда қўёш нури таъсирида борадиган турли фотосинтез жараёнлари (углерод (IV) оксиддан глюкозанинг $\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$ ҳосил бўлиш реакцияси) дир. Фотокимёвий

кимёвий реакцияларни бизга маълум бўлган жараёнлар (қуёш нури таъсирида бўёқлар рангининг ўчиши ва бошқалар) да кузатиш мумкин. Улардан ташқари нур таъсирида ўтказиладиган синтезлар (фосген, HCl), парчаланиш (H_2O_2 нинг диспропорцияланиши), турли оксидланиш, қайтарилиш ва бошқа реакциялар фотокимёвий реакциялар механизми бўйича амалга оширилади.


Бирор фотокимёвий реакциянинг бошланиши учун биринчи шарт нурнинг ютилишидир, яъни нур ютилиши натижасидагина реакция содир бўлиши мумкин. Ф. Х. Гротгус (1817 йил) фикрича, фақат реакцион муҳит ютган нургина кимёвий таъсир кўрсата олади. Ютилган нур валент электронларини қўзғатиб моддани кимёвий бирикиш реакциясида актив ҳолатга келтиради. Фотонлар таъсирида молекулладаги валент боғлар узилади ва уларни атом ёки ионга айлантиради.

Электромагнит нурлар тўлқин узунликлари 10^{-7} — 10^{-6} м ёки бунинг энергияси $1,9 \cdot 10^{-19}$ — $1,9 \cdot 10^{-18}$ Жоуль (1,2—12эВ) бўлиб, бу энергия қиймати кимёвий боғникига яқиндир. Масалан, углерод (II) оксидининг углерод (IV) оксидига ўтишидаги ёруғлик нури тўлқин узунлиги 0,1470 нм; H_2S нинг H_2 ва S га парчаланишидаги нурнинг тўлқин узунлиги 0,2080 нм бўлиши керак.

Фотокимёвий реакциялардан энг асосийси ўсимликлардаги фотосинтез ҳодисаси ва қуёшнинг ультрабинафша нурлари ёрдамида кислород молекуласининг O_3 га айланишидир. Шунингдек, муҳим аҳамиятга эга бўлган фотография ҳодисасида ҳам фотокимёвий жараён содир бўлади.

Ҳаммага маълумки, ёғоч ёки қоғоз ёнганда CO_2 ва H_2O ҳосил бўлади. Ўсимликларда аксинча, CO_2 ва H_2O қуёш нури таъсирида хлорофилл катализатори иштирокида ўсимлик баргларида органик бирикмалар (глюкоза, лактоза, манноза, сахароза, крахмал каби моддалар) ва соф кислород O_2 ҳосил қилиш жараёни амалга ошади.

Табиий фотокимёвий реакцияларнинг асосий кўринишларидан бири — бу атмосферанинг юқори қатламларида яшин таъсирида молекулляр кислороддан озоннинг ҳосил бўлиши реакциясидир:



Хосил бўлган озон қуёшнинг ультрабинафша радиация энергиясини (тўлқин узунлиги 0,250—0,260 нм) ютиб, одамлар учун хавфли касаллик — нурланиш касаллигидан асрайди. Бунда ультрабинафша нурлар таъсирида озон парчаланади:



Фотокимёвий реакцияларнинг асосий қонуни Эйнштейннинг квант эквивалентлик қонунидир. Бу қонунга кўра ютилган ҳар бир фотон $\text{Ph}(h\nu)$ бир молекулани ўзгартиради, бошқача айтганда, нур таъсирида кимёвий реакцияга киришайтган ҳар бир молекула бир квант энергияни ютади. Молекуланинг ўзгариши кимёвий ёки физик жараён бўлиши мумкин. Шундай қилиб, бир моль модда фотокимёвий реакцияга киришганда ютилган нур энергиясининг миқдори:

$$\text{Квант унуми} = \frac{\text{Ўзгаришга учраган молекулалар сони}}{\text{Ютилган квантлар сони}}$$

Шундай қилиб, молекулаларга ютиладиган энергия миқдори нур (электромагнит тебранишлар) тўлқинининг узунлигига тескари пропорционалдир. Тўлқин узунлиги кичик бўлган нурлар энергияси ва кимёвий активлиги катта бўлади.

4.9.9. Кимёвий эквивалент

Инглиз олими Ж. Дальтон (1766—1844) элементлар ўзаро муайян миқдорлардагина бирика олади, деган фикр айтди ва бу миқдорларни «бирикүвчи миқдорлар» деб атади. Аммо кейинроқ бу термин ўрнига эквивалент атамаси қабул қилинди.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, элементлар бир-бiri билан муайян оғирлик нисбатларида реакцияга киришадилар. Масалан, 1,008 оғирлик қисм (оғ. қ.) водород билан 8 оғ. қ. кислород ёки 35,5 оғ. қ. хлор, ёхуд 23 оғ. қ. натрий қолдиқсиз бирикади. Бу оғирлик миқдорлар ўзаро эквивалент (тeng қимматли) массалардир.

Элементнинг 1,008 оғирлик қисм водород ёки 8 оғирлик қисм кислород билан бирикадиган ёки бирикмаларда уларнинг ўрнини оладиган миқдори шу элементнинг эквиваленти дейилади. Хлорнинг эквиваленти 35,5 у.б.га teng, чунки 35,5 оғ.қ. хлор 1,008 оғ.қ. водород билан бирикади: алюминийнинг эквиваленти 9 у.б. га teng, чунки 9 оғ.қ. алюминий кислотадан 1,008

оғ.қ. водородни сиқиб чиқаради ёки 8 оғ.қ. кислород билан бирикади. Ж. Дальтон айтганидек: «Барча элементлар ўз эквивалентларига пропорционал миқдорларда ўзаро бирикади ва алмашинади».

Жуда күп элементлар кислород билан бирикади. Сувда водород билан кислород 1:8 нисбатда бир-бири билан бирикади.

Бирор элементнинг эквиваленти унинг водород ёки кислород билан ҳосил қилган бирикмаси таркиби орқали ёхуд водородга алмашиниши орқали ҳисоблаб топилади. Элементнинг эквивалентини водород ёки кислород орқали аниқлаш шарт эмас, эквиваленти маълум бирор элемент билан ҳосил қилган бирикмаси ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин.

Эквивалент тушунчаси баъзи мураккаб моддаларга ҳам тадбиқ этилади. Масалан, анализларда ва кимёвий ҳисобларда, умуман, турли реакцияларда, кўпинча, кислоталар, тузлар, асосларнинг эквивалентларини ҳисоблашга тұғри келади.

Элементнинг эквиваленти (\mathcal{E}), атом массаси (A) ва айни бирикмадаги стехиометрик валентлиги (B) орасида қўйидагича боғланиш мавжуд:

$$\mathcal{E} = \frac{A}{B}; \text{ Al}_2\text{O}_3 \text{ да, } \mathcal{E}_{\text{Al}} = \frac{27}{3} = 9;$$

$$\text{CaSO}_4 \text{ да } \mathcal{E}_{\text{Ca}} = \frac{40}{2} = 20;$$

$$\text{KCl} \text{ да, } \mathcal{E}_{\text{K}} = \frac{39}{1} = 39$$

Ион алмашиниш реакцияларда бир асосли кислотанинг эквивалент массаси унинг моляр массасига teng. Шунинг учун кислота моляр массаси унинг негизлилигига (реакцияларда металларнинг ионлари билан алмашинадиган водород ионларининг сонига) бўлинади. Масалан: $\text{H}_2\text{SO}_4 + 2\text{KOH} = \text{K}_2\text{SO}_4 + 2\text{H}_2\text{O}$, $\mathcal{E}_{(\text{H}_2\text{SO}_4)} = 98/2 = = 49$ г (моль-эквивалент) $^{-1}$; $\text{H}_2\text{SO}_4 + \text{KOH} = \text{KHSO}_4 + \text{H}_2\text{O}$, $\mathcal{E}_{(\text{H}_2\text{SO}_4)} = 98/1 = 98$ г (моль-эквивалент) $^{-1}$


Асосларда эса унинг моляр массаси гидроксил ионларининг сонига бўлинади. Масалан: $\text{Mg}(\text{OH})_2 + 2\text{HCl} = = \text{MgCl}_2 + 2\text{H}_2\text{O}$, $\mathcal{E}_{(\text{Mg}(\text{OH})_2)} = 58/2 = 29$ г. (моль-эквивалент) $^{-1}$. Тузларнинг эквивалентини ҳисоблаш учун уларнинг молекуляр массалари металл атомларининг сонига бў-

линиади. Агар туз таркибидаги металл атоми бир валентли бўлмаса, унда молекуляр массани металл валентлигининг ионлар сонига кўпайтиришдан ҳосил бўлган қийматга бўлиш керак, масалан:

$$\mathcal{E}_{[\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3]} = \frac{342 \text{ г}\cdot\text{моль}^{-1}}{3 \cdot 2} = 57 \text{ г}\cdot(\text{моль-эквивалент})^{-1}$$

Оксидланиш-қайтарилиш жараёнларида стехиометрик ҳисобланишларда оксидловчи ва қайтарувчиларнинг эквивалентларидан фойдаланилади. Оксидловчи ва қайтарувчиларнинг эквивалентларини топиш учун уларнинг моляр массасини оксидланиш ва қайтарилишда иштирок этган электронларининг сонига бўлинади.

Айни модда учун унинг оксидланиш-қайтарилиш реакциясидаги эквиваленти реакция шароитига қараб ҳар хил қийматга эга бўлиши мумкин. Масалан, оксидланиш-қайтарилиш реакцияси кислотали муҳитда олиб борилса, KMnO_4 таркибидаги оксидланиш даражаси етти бўлган марганец қайтарилиб Mn^{2+} катионини ҳосил қиласди. Масалан, қайтарувчи сифатида FeSO_4 олиб, оксидланиш сульфат кислотаси муҳитида олиб борилса, қўйидаги реакция содир бўлади:



Бунда KMnO_4 молекуласи 5 та электрон бириктириб олади. Уни қўйидаги тенгламадан ҳам кўриш мумкин:



Демак, KMnO_4 нинг шу реакциядаги эквиваленти қўйидагича

$$\mathcal{E} = \frac{158,04}{5} = 31,6 \text{ г}\cdot(\text{моль-эквивалент})^{-1}$$

Агар оксидланиш ишқорий ёки нейтрал муҳитда олиб борилса, MnO_4^- аниони MnO_2 ҳолигача қайтарилади:



MnO_4^- иони учун жараён тенгламаси:



Демак, KMnO_4 нинг моль-эквиваленти кислотали муҳитдаги га қараганда бошқача бўлади:

$$\mathcal{E} = \frac{158 \cdot 0,4}{3} = 52,68 \text{ г}\cdot(\text{моль-эквивалент})^{-1}$$

4.9.10. Машқлар

Қүйидаги саволларга жавоб беринг:

1. Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари билан ион алмашиниш реакциялари ўртасидаги асосий фарқлар нимада?

а) Оксидланиш ва қайтарилиш деб қандай жараёнга айтилади?

б) Оксидланиш-қайтарилиш жараённда оксидловчи ва қайтарувчиларда қандай ўзгаришлар содир бўлади?







в) Атомнинг оксидланиш-қайтарилиш хоссаларига унинг радиусининг катталиги қандай таъсир кўрсатади?

г) Атомнинг оксидланиш-қайтарилиш хоссасига унинг ионланиш потенциали қиймати қандай таъсир кўрсатади?


2. Даврий системадаги кучли оксидловчи ва кучли қайтарувчи хоссасини намоён қиласидиган элементларни кўрсатинг.

3. Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига муҳитнинг таъсири қандай?


4. Қўйидаги реакцияларининг қайсилари оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига киради?



5*. Қўйидаги оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг тенгламаларини охирига етказинг:




суюл.





суюл.



конц.



конц.



* Ечими китоб охирида — 7.2 қисмда берилган.

- 15) $\text{As}_2\text{O}_3 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 конц.
 16) $\text{Na}_2\text{S} + \text{Br}_2 \rightarrow$
 17) $\text{H}_2\text{S} + \text{HOCl} \rightarrow$
 18) $\text{Zn} + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 19) $\text{Al} + \text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 20) $\text{NaOCl} + \text{KJ} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 21) $\text{CrCl}_3 + \text{Br}_2 + \text{KOH} \rightarrow$
 22) $\text{CaOCl}_2 + \text{NaBr} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 23) $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4 + \text{MnO}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 24) $\text{Na}_2\text{S} + \text{Na}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 25) $\text{Sb} + \text{KClO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 26) $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3 + \text{KOCl} \rightarrow$
 27) $\text{MgJ}_2 + \text{H}_2\text{O}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 28) $\text{J}_2 + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 29) $\text{HJO}_3 + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 30) $\text{H}_2\text{O}_2 + \text{H}_2\text{S} \rightarrow$
 31) $\text{MnS} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 суюл.
 32) $\text{MnS} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 конц.
 33) $\text{Cu}_2\text{O} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 конц.
 34) $\text{Mn}(\text{NO}_3)_2 + \text{PbO}_2 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 35) $\text{Se} + \text{HNO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 36) $\text{H}_2\text{SeO}_3 + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 37) $\text{NaVO}_3 + \text{H}_2\text{S} + \text{HCl} \rightarrow$
 38) $\text{NaAsO}_2 + \text{J}_2 + \text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 39) $\text{SnCl}_2 + \text{Na}_2\text{WO}_4 + \text{HCl} \rightarrow$
 40) $\text{KJ} + \text{H}_2\text{SO}_5 \rightarrow$
 41) $\text{CaOCl}_2 + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 42) $\text{MnSO}_4 + \text{KClO}_3 + \text{KOH} \rightarrow$
 43) $\text{Na}_3\text{CrO}_3 + \text{PbO}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 44) $\text{H}_2\text{C}_2\text{O}_4 + \text{KClO}_3 \rightarrow$
 45) $\text{Hg} + \text{NaNO}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 46) $\text{AsH}_3 + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 47) $\text{Na}_2\text{SO}_3 + \text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 48) $\text{FeSO}_4 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 49) $\text{Na}_2\text{SeO}_3 + \text{Cl}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 50) $\text{NaNO}_2 + \text{O}_3 \rightarrow$
 51) $\text{H}_2\text{O}_2 + \text{Ag}_2\text{O} \rightarrow$
 52) $\text{H}_2\text{SO}_3 + \text{H}_3\text{AsO}_4 \rightarrow$
 53) $\text{SO}_2 + \text{V}_2\text{O}_5 \rightarrow$
 54) $\text{FeSO}_4 + \text{O}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 55) $\text{SO}_2 + \text{SeO}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 56) $\text{Na}_3\text{AsO}_3 + \text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 57) $\text{Na}_3\text{AsO}_3 + \text{AgNO}_3 \rightarrow$
 58) $\text{SO}_2 + \text{NaJO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 59) $\text{Cd} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 суюл.
 60) $\text{Sn} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 суюл.
 61) $\text{Co} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 жуда суюл.
 62) $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_4 + \text{AgCl} + \text{NH}_4\text{OH} \xrightarrow[10^\circ\text{C}]{} \rightarrow$
 63) $\text{Au} + \text{H}_2\text{SeO}_4$ (конц.)
 64) $\text{Sb}_2\text{O}_3 + \text{Br}_2 + \text{KOH} \rightarrow$
 65) $\text{NH}_3 + \text{SeO}_2 \rightarrow$
 66) $\text{AgNO}_3 + \text{AsH}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 67) $\text{SnCl}_2 + \text{HNO}_2 + \text{HCl} \rightarrow$
 68) $\text{HNO}_2 + \text{Br}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 69) $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{Br}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 70) $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_3 + \text{SeO}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 71) $\text{CrBr}_3 + \text{H}_2\text{O}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 72) $\text{Cr} + \text{Ag}_2\text{SeO}_3 \rightarrow$
 73) $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2\text{O}_8 + \text{Mn}(\text{NO}_3)_2 \rightarrow$
 74) $\text{FeCl}_2 + \text{HNO}_3 + \text{HCl} \rightarrow$
 75) $\text{MnSO}_4 + \text{NaBiO}_3 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 76) $\text{NiS} \rightarrow \text{H}_2\text{O}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 77) $\text{Bi}_2\text{S}_3 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 78) $\text{H}_2\text{SeO}_3 + \text{HClO}_3 \rightarrow$
 79) $\text{NaCrO}_2 + \text{H}_2\text{O}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 80) $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2 + \text{KJ} \rightarrow$
 81) $\text{H}_2\text{O}_2 + \text{AuCl}_2 + \text{NaOH} \rightarrow$
 82) $\text{Se} + \text{AuCl}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 83) $\text{PH}_3 + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 84) $\text{HCl} + \text{K}_2\text{SeO}_4 \rightarrow$
 85) $\text{HJ} + \text{MoO}_3 \rightarrow$
 86) $\text{FeS}_2 + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 87) $\text{H}_2\text{S} + \text{C}_6\text{H}_5\text{NO}_2 \rightarrow$
 88) $\text{FeCl}_3 + \text{KJ} \rightarrow$
 89) $\text{Zn} + \text{CuSO}_4 \rightarrow$
 90) $\text{Zn} + \text{S} \rightarrow$
 91) $\text{SnCl}_2 + \text{FeCl}_3 \rightarrow$
 92) $\text{Cu} + \text{H}_3\text{SO}_4 \rightarrow$
 конц.
 93) $\text{Zn} + \text{KNO}_3 + \text{KOH} \rightarrow$
 94) $\text{J}_2 + \text{HNO}_3 \rightarrow$

- 95) $\text{Br}_2 + \text{NO}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 96) $\text{Cr}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{H}_2\text{O}_2 + \text{KOH} \rightarrow$
 97) $\text{AgNO}_3 + \text{NH}_4\text{OH} + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 98) $\text{NH}_4\text{OH} + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 99) $\text{C}_2\text{H}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 + \text{KMnO}_4 \rightarrow$
 100) $\text{CH}_3\text{OH} + \text{KMnO}_4 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 101) $\text{K}_2\text{Cr}_2\text{O}_7 + \text{HCl} \rightarrow$
 102) $\text{Cu}_2\text{O} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 103) $\text{H}_2\text{S} + \text{H}_2\text{O}_2 \rightarrow$
 104) $\text{PbS} + \text{O}_3 \rightarrow$
 105) $\text{NaJ} + \text{MnO}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 106) $\text{PbO}_2 + \text{MnSO}_4 + \text{HNO}_2 \rightarrow$
 107) $\text{KOH} + \text{ClO}_2 \rightarrow$
 108) $\text{Fe}(\text{CrO}_2)_3 + \text{Na}_2\text{CO}_3 + \text{O}_2 \rightarrow$
 109) $\text{Al} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 110) $\text{KMnO}_4 + \text{HNO}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 111) $\text{NaNO}_2 + \text{O}_3 \rightarrow$
 112) $\text{FeSO}_4 + \text{O}_2 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 113) $\text{KCl} + \text{O}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 114) $\text{HgCl}_2 + \text{SnCl}_2 \rightarrow$
 115) $\text{H}_2\text{SO}_3 + \text{H}_2\text{S} \rightarrow$
 116) $\text{P} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 117) $\text{Pb} + \text{HNO}_3 \rightarrow$
 118) $\text{KNO}_3 + \text{KJ} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$
 119) $\text{AsH}_3 + \text{AgNO}_3 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow$
 120) $\text{S} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$

6. Ўз-ўзидан оксидланиш ва ўз-ўзидан қайтарилиш реакциялари тенгламаларини тугалланг:

- 1) $\text{S} + \text{KOH} \rightarrow \text{K}_2\text{S}_2\text{O}_3 + \text{H}_2\text{O}$
- 2) $\text{J}_2 + \text{NaOH} \rightarrow \text{NaOJ} + \text{NaJ}$
- 3) $\text{HClO}_3 + \text{HClO}_3 \rightarrow \text{ClO}_3^- + \text{HClO}_4$

7. Ички молекуляр оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларига коэффициентлар танланг:

- 1) $\text{CuJ}_2 \rightarrow \text{CuJ} + \text{J}_2$
- 2) $(\text{NH}_4)_2\text{Cr}_2\text{O}_7 \rightarrow \text{N}_2 + \text{Cr}_2\text{O}_3 + \text{H}_2\text{O}$
- 3) $\text{Au}_2\text{O}_3 \rightarrow \text{Au} + \text{O}_2$

8. Оксидловчи (ёки қайтарувчи) янги ҳосил булган моддаларни боғлаш

учун ҳам сарфланиши кузатиладиган реакция тенгламаларини ёзинг:


- 1) $\text{HBr} + \text{KMnO}_4 \rightarrow \text{Br}_2 + \text{KBr} + \text{MnBr}_2$
- 2) $\text{HCl} + \text{CrO}_3 \rightarrow \text{Cl}_2 + \text{CrCl}_3$
- 3) $\text{Cu}_2\text{O} + \text{HNO}_3 \rightarrow \text{NO} + \text{Cu}(\text{NO}_3)_2$
9. Куйидаги оксидланиш-қайтарилиш реакциялари тенгламаларини молекулар күринишда ёзинг:
 - 1) $\text{J}^- + \text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{J}_2 + \text{Fe}^{2+}$
 - 2) $\text{Fe}^{2+} + \text{AuCl}_4^- \rightarrow \text{Au} + \text{Fe}^{3+} + \text{Cl}^-$
 - 3) $\text{AsO}_4^{3-} + \text{S}^{2-} \rightarrow \text{As}^{3+} + \text{S}$
 - 4) $\text{Sb}^{3+} + \text{MnO}_4^- \rightarrow \text{Sb}^{5+} + \text{Mn}^{2+}$
 - 5) $\text{SO}_3^{2-} + \text{MnO}_2 \rightarrow \text{Mn}^{2+} + \text{S}_2\text{O}_6^{2-}$
 - 6) $\text{S}_2\text{O}_3^{2-} + \text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{Fe}^{2+} + \text{S}_4\text{O}_6^{2-}$
 - 7) $\text{J}^- + \text{SbO}_3^- \rightarrow \text{Sb}^{3+} + \text{J}_2$
 - 8) $\text{VO}_3^- + \text{J}^- \rightarrow \text{V}^{4+} + \text{J}_2$
 - 9) $\text{Bi} + \text{NO}_3^- + \text{Bi}^{3+} + \text{NO}$
 - 10) $\text{Cl}^- + \text{Pb}_3\text{O}_4 \rightarrow \text{Cl}_2 + \text{Pb}^{2+}$
 - 11) $\text{NH}_2\text{OH} + \text{Br}_2 \rightarrow \text{N}_2 + \text{Br}^-$
 - 12) $\text{AsH}_3 + \text{Au}^{3+} \rightarrow \text{AsO}_3^{3-} + \text{Au}$
 - 13) $\text{Cr}^{3+} + \text{BiO}_3^- \rightarrow \text{Cr}_2\text{O}_7^{2-} + 3\text{Bi}^{3+}$
 - 14) $\text{BrO}_3^- + \text{AsO}_3^{3-} \rightarrow \text{Br}^- + \text{AsO}_4^{3-}$
 - 15) $\text{HPO}_4^{2-} + \text{SO}_4^{2-} \rightarrow \text{SO}_3^{2-} + \text{HPO}_4^-$
 - 16) $\text{H}_2\text{O}_2 + \text{Ce}^{4+} \rightarrow \text{O}_2 + \text{Ce}^{3+}$
 - 17) $\text{NO}_2^- + \text{ClO}_3^- \rightarrow \text{NO}_3^- + \text{Cl}^-$
 - 18) $\text{SO}_3^{2-} + \text{SeO}_3^{2-} \rightarrow \text{Se} + \text{SO}_4^{2-}$
 - 19) $\text{SO}_3^{2-} + \text{Ag}^+ \rightarrow \text{Ag} + \text{SO}_4^{2-}$
 - 20) $\text{S}_2\text{O}_3^{2-} + \text{ClO}^- \rightarrow \text{Cl}^- + \text{SO}_4^{2-}$
 - 21) $\text{J}_2 + \text{NO}_3^- \rightarrow \text{J}^- + \text{N}_2$
 - 22) $\text{Fe}^{2+} + \text{ClO}^- \rightarrow \text{Fe}^{3+} + \text{Cl}^-$
 - 23) $\text{Zn} + \text{N}_2\text{O}^- \rightarrow \text{Zn}^{2+} + \text{NH}_4^+$

- 24) $J^- + H_2Sb_2O_7^{2-} \rightarrow J_2 + Sb^{3+} + SO_4^{2-} + NO$
 25) $Sb^{3+} + MnO_4^- \rightarrow Mn^{2+} + Sb^{5+}$
 26) $C_6H_4O_2^{2-} + J_2 \rightarrow C_6H_4O_2 + J^-$
 27) $C_6H_5NO_2 + Ti^{3+} \rightarrow Ti^{4+} + C_6H_5NH_2$
 28) $Zn + MoO_4^{2-} \rightarrow Zn^{2+} + Mo-$
 29) $Fe^{2+} + Pb_3O_4 \rightarrow Fe^{3+} + Pb^{2+}$
 30) $Cl^- + Pb_2O_3 \rightarrow Cl_2 + 2Pb^{2+}$
 31) $H_2PO_2^- + Cu^{2+} \rightarrow PO_4^{3-} + Cu$
 32) $CH_2O + Ag^+ \rightarrow Ag + CHO_2^-$
 33) $N_2H_4 + J_2 \rightarrow N_2 + J^-$
 34) $CO + JO_3^- \rightarrow J_2 + CO_2$
 35) $Cu^{2+} + NH_2OH \rightarrow N_2O + Cu^+$
 36) $Al + NO_2^- \rightarrow NH_3 + AlO_2^-$
 37) $P + JO_3^- \rightarrow PO_4^{3-} + J^-$
 38) $P + JO_3^- \rightarrow HPO_3^{2-} + J_2$
 39) $NH_3 + BrO_3^- \rightarrow N_2 + Br^-$
 40) $NH_4^+ + NO_2^- \rightarrow N_2$
 41) $CrO_2^- + MnO_4^- \rightarrow CrO_4^{2-} + MnO_2$
 42) $FeCuS_2 + NO_2^- \rightarrow Fe^{3+} + Cu^{2+} + SO_3^{2-} + NO$
 43) $[Fe(CN)_6]^{3-} + H_2O_2 \rightarrow [Fe(CN)_6]^{4-} + O_2$
 44) $[Fe(CN)_6]^{4-} + H_2O_2 \rightarrow [Fe(CN)_6]^{3-}$
 45) $Rh^{3+} + HCO_3^- \rightarrow Rh + CO_2$
 46) $H_2O_2 + Cr_2O_7^{2-} \rightarrow CrO_5$
 47) $H_2O_2 + CrO_4^{2-} \rightarrow CrO_8^{3-}$
 48) $H_2O_2 + MnO_4^- \rightarrow O_2 + Mn^{2+}$
 49) $Cu_2S + NO_3^- \rightarrow Cu^{2+} +$
 50) $FeAsS + NO_3^- \rightarrow Fe^{3+} + AsO_4^{3-} + NO$
 51) $S^{2-} + HNO_3 \rightarrow SO_4^{2-} + NO + H_2O$
 52) $Zn + HNO_3 \rightarrow Zn(NO_3)_2 + NH_4NO_3 + H_2O$
 53) $KMnO_4 + KJ + H_2SO_4 =$
 54) $C_3H_7OH + O_2 =$
 55) $C_{12}H_{22}O_{11} + O_2 =$
 56) $NaBr + NaBrO_3 + H_2SO_4 =$
 57) $SnCl_2 + K_2Cr_2O_7 + HCl =$
 58) $C_8H_{18} + O_2 =$
 59) $Ag + NO_3^- + H^+ \rightarrow Ag^+ + NO + H_2O$
 60) $JO_3^- + J^- + H^+ \rightarrow J_2 + H_2O$
 61) $Cu + NO_3^- + H^+ \rightarrow Cu^{2+} + NO + H_2O$
 62) $S_2O_3^{2-} + I_2 \rightarrow S_4O_6^{2-} + I^-$
 63) $SO_3^{2-} + I_2 + H_2O \rightarrow SO_4^{2-} + I^- + H^+$
 64) $Mn^{2+} + PbO_2 + H^+ \rightarrow MnO_4^- + Pb^{2+} + H_2O$
 65) $Cr^{3+} + ClO_3^- + OH^- \rightarrow CrO_4^{2-} + Cl^- + H_2O$
 66) $SO_3^{2-} + MnO_4^- + H^+ \rightarrow SO_4^{2-} + Mn^{2+} + H_2O$
 67) $MnO_4^- + Cl^- + H^+ \rightarrow Mn^{2+} + Cl_2 + H_2O$
 68) $Mn^{2+} + H_2O_2 \rightarrow MnO_2 + H$
 69) $Mg + NO_3^- \rightarrow Mg^{2+} + NH_2OH$

5. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИНИНГ МИҚДОРИЙ ТАВСИФИ

5.1. МОДДАЛАР ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ХОССАЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОД ПОТЕНЦИАЛИ БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ

Металлар сувга ёки ўз тузларининг эритмасига ботирилганда қандай ҳодиса рўй беришини кўриб чиқамиз. Металлар нейтрал атомлардан, мусбат зарядли ионлардан ва эркин электронлардан иборатdir. Агар бирор металл пластинкаси сувга ботирилса, устки қаватидаги ионларига сув молекулалари манфий қутблари билан таъсир этиб, металл ионларини эритмага ўтишини осонлаштиради. Натижада сувда металл ионларининг гидратлари ҳосил бўлади. Моддаларнинг бундай эриши, яъни уларни ион ҳолида эритмага ўтиши электрокимёвий эриши дейилади. Металл пластинка ионининг бир қисми камайганлиги учун унинг манфий заряди мусбат зарядидан ортиб кетади, натижада металл пластинканинг усти манфий зарядланиб қолади. Шу сабабли, сувга ўтиб кетган ионлар металл пластинка атрофини қуршаб, қўш электр қавати ҳосил қиласди (7-расм). Шундай қилиб, металл пластинка билан сув чегарасида потенциаллар фарқи пайдо бўлади. Ҳосил бўлган потенциаллар фарқи электрод потенциали деб аталади. Бу ерда тескари жараён ҳам боради, яъни сувга ўтиб кетган ионлар пластинкага тортилиб, қайтадан металлнинг кристалл панжарасига жойлашади, лекин бу икки жараён орасида мувозанат вужудга келади:




7-расм. Қўш электр қабатнинг ҳосил бўлиши.

кетган ионлар пластинкага жойлашади, лекин бу икки жараён орасида мувозанат вужудга келади:



M — металл атоми, $M(H_2O)_m^{n+}$ — эритмадаги металларнинг гидратланган иони, n — ион заряди ёки металл атоми йўқотган электронларнинг сони, e — электрон.

Металлдаги ҳаракатдаги мувозанат схемаси:



Активлик қаторида водороддан олдин турган металлар ўз тузларининг эритмасига ботирилганда эритмага ион юборади, металл қанча актив бўлса, шунча кўп ионланади, пластинка манфий зарядли, потенциал ҳам манфий ишорали бўлади, аммо пассив металлар ўз тузлари эритмасига ботирилганда мусбат зарядланади, чунки пассив металлар эритмага ион юбора олмайди. Шу сабабли, Cu, Ag, Pt, Au потенциаллари мусбат ишорали бўлади.

Юқорида айтилганлар бўйича гальваник элементларнинг ишлашини кўриб чиқамиз.


Оксидланиш-қайтарилиш реакцияси битта идиш ичida олиб борилса, кимёвий реакция вақтида ҳосил бўладиган энергия иссиқлик энергиясига айланади, масалан,



Бу реакцияда электронлар руҳдан мисга бевосита ўтади. Агар реакцияга киришадиган моддалар алоҳида-алоҳида идишларга солинса ва бу идишларни ташки ўтказгич (сим) орқали туташтирилса, электронлар шу ташки ўтказгич орқали ўта бошлайди. Бу ҳолда реакция вақтида ҳосил бўладиган кимёвий энергия электр энергияга айланади.

Кимёвий энергияни электр энергияга айлантириб берадиган асбобларга *гальваник элементлар* дейилади. Гальваник элементлар ва аккумуляторлар кимёвий электр энергиянинг манбай бўлади. Оддий гальваник элементни ясаш учун актив ва пассив металлардан олиб, уларни ўзларининг тузлари эритмаларига тушириб, бир-бирларига уланса, ток ҳосил қилиш мумкин.

Масалан, мис — рух гальваник элементининг ишлаш фаолияти билан танишиб чиқайлик. Рух ва мис пластинкаларнинг иккаласи ҳам ўз тузи эритмасига, масалан, $ZnSO_4$ ва $CuSO_4$ эритмасига туширилади (8-расм). Рух ва мис пластинкалар гальваник элементнинг электролари бўлади. Рух пластинка $ZnSO_4$ эритмасига туширилиши билан унинг устки қаватидаги ионлар эритмага ўтиб, Zn метали манфий, эритмада эса мусбат зарядланган қават ҳосил бўлади. Мис пластинка $CuSO_4$ га туширилганда мис мусбат, эритмада эса манфий за-




8- рәсм. Рух-мис гальваник элемент.

рядли қават ҳосил бўлади. Умуман, металлар тузларининг эритмасига туширилганда ҳосил бўладиган потенциаллар фарқи жуда кичикдир. Эритманинг концентрацияси юқори бўлса, металлнинг эритмага ион юбориши, яъни электрод потенциали камаяди. Электрод потенциали металл катионининг валентлигига, концентрациясига ва температурага боғлиқдир.

$ZnSO_4$ эритмасига туширилган Zn пластинкаси билан $CuSO_4$ эритмасига туширилган Cu пластинкаси ёнма-ён қўйилиб, Zn ва Cu пластинкалар сим билан туташтирилса, унда электр токи пайдо бўлади. Мис ва рух электродларнинг потенциал қийматлари турлича бўлганлиги, яъни эркин электронлар рух электродда мис электроддагидан кўп бўлганлиги учун бу икки электроднинг потенциаллари бараварлашишга интилади. Шу сабабли, электронлар сим орқали рух электроддан мис электродга ўтади. Шундай қилиб, электр токи ҳосил бўлади. Бунинг натижасида қўш электр қавати, яъни рух билан $ZnSO_4$ ва мис билан $CuSO_4$ ўртасидаги мувозанат бузилиб туради. Бузилган мувозанатни тиклаш учун Zn пластинкадан Zn^{2+} ионлар узлуксиз равишда эритмага ўтиб туради, яъни рух пластинка эриб боради, $CuSO_4$ таркибида мис ионлар эса қайтарилиб, мис пластинка устини қоллаб боради.


Демак, рух электродда:



мис электродда эса:



бораётган жараёнларнинг йифиндиси гальваник элементда бораётган умумий реакцияни акс эттиради:




Демак, бундай гальваник элементда Zn оксидланиб Cu²⁺ қайтарилади. Бу оксидланиш-қайтарилиш реакциясининг кимёвий энергияси түғридан-түғри электр энергиясига айланади. Демак, оксидланиш-қайтарилиш потенциали электрод билан эритма чегарасида электроддан эритмага ёки эритмадан электродга электрон ўтиши натижасида ҳосил бўлар экан.

5.2. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ПОТЕНЦИАЛЛАРИ

Бир металлининг ҳар хил валентли тузлари эритмаси аралашмасига, умуман оксидловчи ва қайтарувчи моддаларнинг эритмалари аралашмасига платина сингари бетараф металл туширилса оксидланиш-қайтарилиш (редокс) потенциали ҳосил бўлади: бундай электродлар оксидланиш-қайтарилиш электродлари деб аталади.


Масалан, FeCl₃ ва FeCl₂ эритмалари аралашмасига платина туширилган бўлсин. Одатда электродлар қўйидагича ёзилади:



Вертикал чизиқ—«1» фазалар чегарасини англаатади. Бу чизиқнинг бир томонига эритмага туширилган модда (металл), иккинчи томонига эса эритманинг таркиби ёзилади. Эритмаларнинг концентрациялари ҳар қайси эритманинг формуласи тагига (ё олдига, ёки кетига) ёзилади. Юқоридаги мисолда a₀ — оксидловчи FeCl₃ нинг, a₀ — қайтарувчи FeCl₂ нинг активлиги (концентрацияси). Электр токини вужудга келтирувчи система ва шу жумладан, гальваник элементлар — электр занжири ёки электрокимёвий занжир деб аталади.

Бундай оксидланиш-қайтарилиш хусусиятига эга бўлган электрод бошқа бир электрод билан бирлаш-

тирилганды ҳосил бўлган элементда қайтар хусусиятга эга бўлган оксидланиш-қайтарилиш жараёни содир бўлади:



Реакциянинг бориши учун керак бўладиган электронни эритмага туширилган платина беради. Масалан, Fe^{3+} -ионга электрон платинадан ўтади. Натижада платина-нинг ўзи мусбат зарядланади. Мусбат зарядли платина эритмадаги манфий ионларни ўзига тортади. Натижада қўш электр қават ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, платина билан эритма чегарасида потенциаллар айрмаси вужудга келади. Бу ҳол $\text{Pt} | \text{FeCl}_3$, FeCl_2 электроди айни электродга нисбатан манфийроқ потенциалга эга бўлган электрод билан бирлаштирилганды юз беради.

Акс ҳолда жараён ўнгдан чапга боради, эритмада бораётган жараёнда электрон ажралиб чиқади, бу электрон Fe^{2+} дан платинага ўтиб, уни манфий зарядлайди. Манфий зарядланган платина эритмадан мусбат ионларни тортиб, электр қўш қават ҳосил қиласди. Оксидланиш-қайтарилиш электродларининг бошқа электродлардан фарқи шундаки, бунида электрод потенциалини вужудга келтиришда тушурилган металл жараёнда бевосита иштирок этмайди, бошқа электродларда эса улар потенциал ҳосил қилиш жараёнида бевосита (ўз иони билан) иштирок этади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қиймати, яъни электроднинг мусбат ёки манфий зарядланиш дарражаси электроддан олинган ёки берилган электронларнинг сонига боғлиқ. Бу эса ўз навбатида, оксидловчи модда билан қайтарувчи модда активлигининг нисбатига пропорционалдир.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллар жуфти факат қайтарувчи ёки оксидловчининг табиатигагина эмас, балки уларнинг концентрацияларига ҳам боғлиқ. Масалан, оксидланиш-қайтарилиш жуфт $\text{Fe}^{3+}/\text{F}^{2+}$ да Fe^{2+} ионларининг активлиги қанча юқори бўлса уларнинг концентрацияси ҳам эритмада шунча кўп бўлади. $\text{Fe}^{3+}/\text{Fe}^{2+}$ жуфтидаги ионлар активлигининг бир-бирига бўлган нисбати қанча ошса, уларнинг потенциал қиймати ҳам шунча ошади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциали (E) оксидловчи ва қайтарувчиларнинг концентрацияларининг бир-

бирига бўлган нисбатларига ва температурага боғлиқлиги қўйида келтирилган Нернст тенгламаси бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$E = E_0 + \frac{RT}{nF} \ln \frac{C_{\text{оксид}}}{C_{\text{қайт.}}} \quad (1)$$

E — мазкур жуфтнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали, Вольтларда; $C_{\text{оксид.}}$ — оксидланган заррача концентрацияси ёки активлиги, $C_{\text{қайт.}}$ — қайтарилиган заррача концентрацияси R — универсал газ доимийлиги ($8,314 \text{ Ж} \cdot \text{К}^{-1} \cdot \text{моль}^{-1}$), T — абсолют ўлчамдаги температура ($273 + t^{\circ}\text{C}$), F — Фарадей сони, у $96491,4 \pm 1,1$ Кулон, яхлитлангандан 96500 Кулон, n — қайтарилиган ёки оксидланган заррачаларнинг бир-бирига ўтишида қатнашган электрон сони; E° — нормал ёки стандарт потенциал. Агар $C_{\text{оксид.}} = C_{\text{қайт.}}$ бўлса, $\ln \frac{C_{\text{оксид}}}{C_{\text{қайт.}}} = 0$ (2) бўлади ва юқоридаги

$$E = E^\circ$$

формула (1) га константанинг сон қийматлари қўйилса ва натурал логарифмдан ўнли логарифмга ўтилса 18°C да қўйидаги формула келиб чиқади:

$$E = E^\circ + \frac{0,59}{n} \lg \frac{C_{\text{оксид.}}}{C_{\text{қайт.}}};$$

$T = 298 \text{ K}$ ($t = 25^{\circ}\text{C}$) тенглама қўйидаги ҳолга келади:

$$E = E^\circ + \frac{0,059}{n} \lg \frac{C_{\text{оксид.}}}{C_{\text{қайт.}}}$$

Агар бу тенгламада оксидланган ҳолдаги заррача концентрацияси қайтарилиган заррача концентрациясидан катта бўлса, унда потенциал E нормал потенциалдан катта ($E > E^\circ$) бўлади.

$C_{\text{оксид.}}/C_{\text{қайт.}}$ яъни оксидловчи концентрациясининг қайтарувчи концентрациясига бўлган нисбати қанча оширилса, потенциал E шунча ошади, аксинча, эритмада $C_{\text{оксид.}} < C_{\text{қайт.}}$ бўлса, унда $E > E^\circ$ бўлади.

$\text{Fe}^{3+}/\text{Fe}^{2+}$ нинг нормал оксидланиш потенциал $= 0,771 \text{ В}$.

Агар Fe^{2+} концентрацияси, Fe^{3+} концентрациясидан, 10 баравар оширилса, унда $\text{Fe}^{3+}/\text{Fe}^{2+}$ потенциали қўйидаги қийматга эга бўлади:

$$E_{Fe^{3+}/Fe^{2+}} = E^{\circ} + \frac{0,059}{n} \lg \frac{Fe^{3+}}{Fe^{2+}} = 0,771 + \\ + 0,059 \lg 0,1 = 0,771 + 0,059 \lg 0,1 = 0,771 - 0,059 = \\ = 0,712 \text{ В.}$$

Масалан, агар Fe^{2+} нинг концентрацияси Fe^{3+} концентрациясидан 100 марта оширилса, унда потенциал 0,653 В га, Fe^{2+} концентрацияси 1000 марта оширилса, потенциал 0,594 В га; Fe^{2+} концентрацияси 10000 марта оширилса, потенциал 0,535 В бўлади.

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қиймати ёки миқдори фақат оксидловчи ва қайтарувчининг концентрациясигагина эмас, эритмадаги водород ионларининг концентрациясига $[H^+]$ ҳам боғлиқдир. Водород ионларининг концентрациялари оширилса, таркибида водород сақлаган қуйидаги оксидланган ҳолдаги заррачалар (масалан MnO_4^- , CrO_4^{2-} , $Cr_2O_7^{2-}$, AsO_4^{3-} ва б.) ларнинг оксидланиш қайтарилиш потенциал қийматларини оширади, аксинча, водород ионлари концентрацияларини камайтириш эса потенциал қийматни пасайтиради.

6-иловага қараганда кучли кислотали муҳитда кислороднинг оксидлаш потенциали қиймати +1,228 В, кучсиз кислотали муҳитда +0,682 В, ишқорий муҳитда эса +0,401 В га тенгдир. Таркибида кислород сақлаган жуда кўп оксидловчиларнинг қайтарилиш жараёни водород ионларининг қатнашиши билан боради. Шунинг учун ҳам, 6-иловадаги марганецнинг қайтарилиши «оксидловчи» устунида $MnO_4^- + 8H^+ \rightarrow Mn^{2+} + 4H_2O$ тенгламаси келтирилган.

$MnO_4^- + 8H^+ + 5e \rightarrow Mn^{2+} + 4H_2O$ реакцияси учун оксидланиш потенциали қиймати:

$$E = E^{\circ} + \frac{0,059}{5} \lg \frac{[MnO_4^-][H^+]^8}{[Mn^{2+}][H_2O]^4} \text{ бўлади.}$$

Реакция жараёнида H_2O нинг концентрацияси ўзгармайди, шунинг учун тенглама қуйидаги ҳолга келади:


$$E = E^{\circ} + \frac{0,059}{5} \lg \frac{[MnO_4^-][H^+]^8}{[Mn^{2+}]};$$

Оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қийматини билган ҳолда жараённинг қайси томонга қараб боришини ҳам олдиндан айтиш мумкин. Маълумки, галь-

ваник элементлар иккала электрод ўртасидаги потенциаллар айрмаси мусбат қийматга эга бўлганда ишлай бошлайди. Электр юритувчи куч (ЭЮК) нинг қиймати мусбат ёки иккала электрод ўртасидаги потенциаллар айрмасининг қиймати мусбат бўлсагина, оксидланиш-қайтарилиш реакциялари маълум бир томонга қараб йўналиш олади. Буни қўйидаги бир неча мисолларда кўриб чиқамиз.

1- мисол. Кислотали мұхитда моддаларнинг концентрациялари 1 моль·л⁻¹ бўлса, PbO₂ билан KI эритмалари ўртасида оксидланиш-қайтарилиш реакцияси борадими?

Е ч и ш: Реакция тенгламасини тузамиз:



Бу реакция учун элемент схемаси:

$2\text{J}^- | \text{J}_2 || \text{Pb}^{+4}\text{O}_2 | \text{Pb}^{+2}$. 6- иловадан: оксидланиш-қайтарилиш потенциал қийматларини топамиз:

$$2\text{J}^- | \text{J}_2 \text{ учун } E^{\circ} = +0,53 \text{ В, } \text{PbO}_2 | \text{Pb}^{2+} \text{ учун } E^{\circ} = +1,68 \text{ В.}$$

Иккинчисининг потенциали юқори бўлганлиги учун PbO₂ оксидловчанинг роли катта.

Шунинг учун, ЭЮК = 1,68 - 0,53 = 1,15 В.

Реакция боради, чунки ЭЮК нинг қиймати мусбатдир.

2-мисол. Суюлтирилган сульфат кислотада металл ҳолидаги кумуш эрийдими?

Е ч и ш. Жуфтларнинг потенциал қийматларини топамиз:

$\text{Ag} | \text{Ag}^+ \text{ учун } E^{\circ} = +0,799 \text{ В, } \text{H}_2 | 2\text{H}^+ \text{ учун } E^{\circ} = 0,00$; шунингдек электр юритувчи кучни топамиз.

ЭЮК = 0,00 - 0,799 = -0,799 В. Демак, металл ҳолдаги кумуш суюлтирилган сульфат кислотада эримас экан, чунки ЭЮК қиймати манфийдир.

3- мисол. Рух пластинкаси 0,01 М ZnSO₄ эритмасига туширилган. Рухнинг электрод потенциалини топинг.

Е ч и ш. Металл ботирилган эритманинг концентрацияси 1 М дан катта ёки кичик бўлса, металлнинг электрод потенциали (E) Нернст формуласи бўйича топилади:

$$E = E_0 + \frac{0,059}{n} \lg C \text{ бунда } C = 0,01 \text{ М ёки } C = 10^{-2} \text{ М.}$$

6- иловадан рухнинг нормал электрод потенциали (E°) ни топамиз: у = -0,76 В га teng.

Формулага тегишли қийматларни қўйсак;

$$E = -0,76 + \frac{0,058}{2} \lg 10^{-2} = 0,76 + 0,029 \cdot (-2)$$

бу идан

$$E = -0,76 + (-0,058) = -0,818 \text{ В келиб чиқади.}$$

4- мисол.

Қуйидаги схема бүйича ифодаланган гальваник элементтинг ЭЮҚ ни ҳисобланг: $(-) \text{Ni} | \text{Ni}^{2+}(0,01\text{M}) \parallel \text{Ag}^+(2\text{M}) | \text{Ag}(+)$.

Е чи ш: Нернест формуласидан фодаланиб берилган концентрацияли эритмаларга тұғри келадиган никель ва кумушнинг электрод потенциалларини топамиз: Никель электроди учун

$$E = -0,25 + \frac{0,058}{2} \lg 10^{-2} = 0,308 \text{ В.}$$

Кумуш электроди учун $E = 0,80 + 0,058 \lg 2 = +0,817 \text{ В};$
 $\text{ЭЮҚ} = 0,817 - (-0,308) = 1,125 \text{ В.}$

5.3. ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ ЖАРАӘНИНИНГ МУВОЗАНАТ КОНСТАНТАСИ

Күп ҳолларда фақат оксидланиш-қайтарилиш жараәнининг йўналишинигина эмас, балки унинг тұлиқ бориши-бормаслигини ҳам билиш керак бўлади. Масалан, кимёгар миқдорий анализда одатда реакциянинг 100% охиригача боришига таянади ёки шунга интилади.

Реакциянинг доим чапдан ўнгга кетиши мувозанат константасининг қийматига қараб аниқланади:

$\text{Zn} + \text{CuSO}_4 = \text{Cu} + \text{ZnSO}_4$ ёки $\text{Zn} + \text{Cu}^{2+} \rightleftharpoons \text{Zn}^{2+} + \text{Cu}$
 реакциясида массалар сақланиш қонунига асосан;

$$K = C_{\text{Zn}^{2+}} / C_{\text{Cu}^{2+}}$$

K — мувозанат константаси, у мис ва рух ионлари концентрацияларининг бир-бирига бўлган нисбатларини кўрсатади. Қимёвий мувозанат константаси қўйида-гича Нернест формуласи асосида аниқланади.

Zn/Zn^{2+} ва Cu/Cu^{2+} жуфти учун потенциаллар қийматларини Нернест формуласига қўйамиз:

$$E_{\text{Zn}/\text{Zn}^{2+}}^0 = -0,76 + \frac{0,059}{2} \lg C_{\text{Zn}^{2+}}$$

$$E_{\text{Cu}/\text{Cu}^{2+}}^0 = +0,34 + \frac{0,059}{2} - \lg C_{\text{Cu}^{2+}};$$

Кимёвий мувозанат содир бўлганда:

$$E_{\text{Zn}/\text{Zn}^{2+}}^0 = E_{\text{Cu}/\text{Cu}^{2+}}^0; -0,076 + \frac{0,059}{2} \lg C_{\text{Zn}^{2+}} = \\ = +0,34 + \frac{0,059}{2}$$

$$\lg C_{\text{Cu}^{2+}} \text{ бундан } \frac{0,059}{2} \lg C_{\text{Zn}^{2+}} - \frac{0,059}{2} \lg C_{\text{Cu}^{2+}} = \\ = 0,34 - (-0,76);$$

$$\text{ёки } \frac{0,059}{2} (\lg C_{\text{Zn}^{2+}} - \lg C_{\text{Cu}^{2+}}) = 0,34 - (-0,76) = 1,10 \text{ В}$$

$$\lg K = \lg \frac{C_{\text{Zn}^{2+}}}{C_{\text{Cu}^{2+}}} = \frac{0,34 - (-0,76) \cdot 2}{0,059} = \\ = \frac{2,2}{0,059} = 37,28 \approx 37,3 \text{ ёки}$$

$$K = \frac{C_{\text{Zn}^{2+}}}{C_{\text{Cu}^{2+}}} = 10^{37,3}.$$


Мувозанат константасининг қиймати эритмада мис иони рух ионининг концентрациясидан 10^{37} марта кичик бўлиб қолгунга қадар жараён давом этишини кўрсатади, яъни хулоса қилиб айтганда, тенгламаси юқорида келтирилган реакция охирига қадар боради. Агар оксидловчи ва қайтарувчиларнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари аниқ бўлса, мувозанат константаси қийматини ҳар қандай оксидланиш-қайтарилиш реакциялари учун ҳисоблаб чиқариш мумкин. Мувозанат константаси оксидланиш-қайтарилиш потенциали билан қўйидагича боғланган:

$$\lg K = \frac{(E_1^0 - E_2^0)}{0,0};$$


K — мувозанат константаси, E_1^0 ва E_2^0 — оксидловчи ва қайтарувчиларнинг стандарт потенциал қийматлариридир, n — оксидловчиларнинг қабул қилган ёки қайтарувчилар томонидан чиқарилган электронлар сони.

Мувозанат константасини билган ҳолда реакциянинг охиригача бориш-бормаслигини билиш мумкин:

Қүйидаги реакциянинг мувозанат константасини ҳисоблайлик:



ёки ионли күринишда:



Жуфтлар потенциаллари $\text{MnO}_4^- + 8\text{H}^+ | \text{Mn}^{2+} + 4\text{H}_2\text{O} = 1,51$ В ва $\text{Fe}^{2+} | \text{Fe}^{3+} = 0,77$ В га тенглигини 6- иловадан оламиз.

Бу рақамларни потенциаллар қиймати тенгламасига қўйсак:

$$\lg K = \frac{[E_0 - E_k] \cdot n}{0,059} = \frac{(1,51 - 0,77) \cdot 5}{0,059} = \frac{3,7}{0,059} = 62,7$$

Бундан:

$$\lg K = \frac{C_{\text{Mn}^{2+}} \cdot C^5 \text{Fe}^{3+}}{C_{\text{MnO}_4^-} \cdot C_{\text{Fe}^{2+}} \cdot C^8 \text{H}^+} = 10^{62,7} \text{ бўлади.}$$

Бундан, реакцияга қатнашаётган ионлар концентрациясидан (махражда) реакция натижасида ҳосил бўлган ионлар концентрацияси $10^{63,5}$ марта юқори бўлганда, кимёвий мувозанат қарор топади. Демак, бу реакция амалда 10% чапдан ўнгга томон боради.


Кимёвий мувозанат константасини аниқлаймиз.



Реакциядан кўриниб турибдики, темир CuSO_4 таркибидан мисни тўлиқ сиқиб чиқара олади.

$$K = \frac{[\text{Fe}^{2+}]}{[\text{Cu}^{2+}]};$$

Жуфтлар потенциаллари қиймати:



Қайтарувчилардан оксидловчига ўтган электронлар сони $n=2$. Кимёвий мувозанат константаси тенгламасига юқоридаги сонлар қийматларини 6- иловадан топиб қўймиз:

$$\lg K = \frac{[0,34 - (-0,44)] \cdot 2}{0,059} = 26,4 \text{ ёки } K = 10^{26,4}$$

Эритмада Fe^{2+} иони концентрацияси Cu^{2+} иониникига қаралғанда $10^{26.4}$ марта күп бұлғандагина реакцияда мувозанат қарор топади.


Константанинг катталигига, асосан, реакция бораңтында мұхит катта таъсир күрсатади. Масалан, кислотали мұхитда арсенат кислотанинг йод ионлари ёрдамда қайтарилиш реакциясини күриб чиқайлик.



Ишқорий мұхитда арсенат кислотанинг қайтарилиш потенциали анча паст. Шунинг учун ҳам ишқорий мұхитда қайтар жараён ҳам бұлади:



Нейтрал мұхитда (H_2O) иккала жараённи қуийдаги ҳолда күриш мүмкін:




Аммо бу жараёнлар содир бұлмайды. Бириңчи тенглама бүйича реакция бормайды, чунки эритмада $-\text{OH}^-$ ионлари концентрацияси ошиб кетади. Бу жараённи тескари томонға кетишга йүллайды, фақат кислотали мұхит ҳосил қилиш реакцияни чапдан ўнгга кетишга олиб келади. Шунингдек, иккінчи тенглама бүйича ҳам реакция бормайды, чунки эритмада H^+ ионлари концентрацияси ошиб кетади, бу реакция ишқорий мұхитда чапдан ўнгга томон йўналиши мүмкін.


Демак, хулоса қилиб айтганда жараённинг содир бўлиши учун маълум реакцион мұхитни яратиш керак.

Шунинг учун кислотали ёки ишқорий мұхитни талаб қиласынан компонентларни танлаш керак. Агар оксидланыш-қайтарилиш жараёнида бир модда (қайтарувчи) кислотали мұхитга, иккінчи модда (оксидловчи) ишқорий мұхитга эга бўлса, бундай ҳолатда жараён охиригача бормайди. Шунинг учун реакциянинг охирига қадар бориши учун маълум шароитни түғдирмоқ зарур.

CuS ни HNO_3 да эриш реакцияси бүйича мувозанат константасини топамиз:



6- иловадан жуфтлар учун оксидланиш-қайтарилиш потенциалларининг қийматларини топамиз:



E_2^0 — реакцияси учун оксидланиш-қайтарилиш потенциалини ҳисоблаймиз:



$$E_2^0 = E_{\text{S}^{-2}/\text{S}}^0 + \frac{0,059}{2} \lg \frac{1}{[\text{S}^{-2}]}, \quad E_{\text{S}^{-2}}^0 \approx -0,51 \text{ В.}$$

$[\text{Cu}^{2+}] = 1 \text{ моль} \cdot \text{л}^{-1}$ бўлса, S^{-2} ионлари концентрацияси мис метали чўкмаси устида:

$$[\text{S}^{-2}] = \frac{\mathcal{E}K_{\text{CuS}}}{\text{Cu}^{2+}} = \mathcal{E}K_{\text{CuS}} = 3,2 \cdot 10^{-37,3}.$$

Агар бу қийматларни қайтарувчининг потенциал қийматини топиш тенгламасига қўйсак,

$$E_2^0 = -0,51 + \frac{0,059}{2} \lg \frac{1}{3,2 \cdot 10^{-37,3}} = +0,60 \text{ В.}$$

CuS ва HNO_3 ўртасидаги тенгламадан кўриниб турибдики, қайтарувчи CuS томонидан чиқарилган ва оксидловчи HNO_3 томонидан бириткирилган умумий электронларнинг сони 6 га тенг.

Мувозанат константаси қийматини топамиз:

$$\lg K = \frac{[E_1^0 - E_2^0] \cdot n}{0,059} = \frac{(0,96 - 0,60) \cdot 6}{0,059} = +36,6$$

Демак, $K = 10^{36,6}$ тенг.

Константа қийматига кўра кимёвий мувозанат тўлиқ даражада чапдан ўнгга томон силжиган.

Қўйидаги реакция учун:



мувозанат константасини ҳисоблайлик. Оксидловчи учун 6-иловадан $E_1^0 = -0,96$ В бизга маълум, қайтарувчининг E_2^0 ни топиш учун юқорида бажарилган амалларни қайтарамиз: $E_{\text{S}^{-2}/\text{S}^\circ}^0 = -0,51$ В эди. Унда:

$$[\text{S}^{-2}] = \frac{\mathcal{E}K(\text{HgS})}{[\text{Hg}^{2+}]} = \mathcal{E}K[\text{HgS}] = 1,6 \cdot 10^{-52} \text{ (4- илова).}$$

$$E_2^0 = -0,51 + \frac{0,059}{2} \lg \frac{1}{1,6 \cdot 10^{-52}} = -0,51 -$$

$$-0,0295 \lg 6,25 = -0,51 - 1,5 = 1,02 \text{ В.}$$

$\lg K = \frac{(0,96 \times 1,02) \cdot 6}{0,059} = -6,1$ ва $K = 10^{-6,1}$ бўлади. Демак, HgS суюлтирилган нитрат кислотада эримайди. Мувозанат ўнгдан чап томонга йўналган.

5.4. Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари жадвалидан фойдаланиш

Потенциаллар қиймати (6-илова) 25°C (стандарт шароит) учун берилган. Температура ўзгариши билан потенциаллар қиймати жуда кам ўзгаради, шу сабабли бу иловадан оддий шароитда реакцияларнинг йўналишини аниқлаш учун фойдаланиш мумкин. Келтирилган қийматлар гальваник занжирда эритмадаги моддалар концентрациялари 1 моль \cdot л $^{-1}$ бўлган вазиятлар учун келтирилган.



Жадвалдан фойдаланишда қўйидаги ҳолларни эсда тутмоқ лозим:

1. Оксидланувчи модданинг концентрацияси оширилса реакциянинг ЭЮК ортади ва аксинча.

2. Li^+ ва Ca^{2+} ионларининг электрод потенциаллари Na^+ никидан манғирироқ бўлишининг сабабини шу ионларнинг ионланиш потенциаллари асосида тушунтириб бўлмайди ($I_{Na^+} = 5,09$ эВ, $I_{Li^+} = 5,39$ эВ, $I_{Ca^{2+}} = 11,87$ эВ). Бу ионларнинг радиуслар $Li^+ < Na^+ < Ca^{2+}$ қаторида ортиб бориши, ёки ионларнинг заряд зичликларининг ўзгариши ($\rho_{Li^+} = 147$ нм $^{-1}$, $\rho_{Na^+} = 10,87$ нм $^{-1}$ ва $\rho_{Ca^{2+}} = 19,23$ нм $^{-1}$) ҳам потенциаллар қиймати қаторини тушунтирумайди.

Литий ва кальций ионларининг гидратланиш энталпиялари ($\Delta H = -7531,37$ кЖ \cdot моль $^{-1}$ ва $\Delta H = -1615,02$ кЖ \cdot моль $^{-1}$) натрий иониники ($-422,58$ кЖ \cdot моль $^{-1}$) дан катта бўлиши бу элементлардан оксидланиш-қайтарилиш реакцияларидаги кутилмаган активлигини тушунтириш имконини беради.

Яна бошқа бир вазият — хлорга қараганда фторнинг оксидланиш-қайтарилиш потенциали жуда ҳам каттаги:



кўзга ташланади. Лекин бу ионларнинг электронга моявз

йиллиги иккаласида ҳам қарийб бир хил, аммо уларнинг гидратланиш энталпиялари (фтор учун 575,9 кЖ·моль⁻¹) хлор учун эса 406, 1 кЖ·моль⁻¹) фарқи фторнинг активлиги катта бўлишини асослайди. Фторнинг диссоциланиш иссиқлиги 153,2 кЖ·моль⁻¹ бўлса, хлорники 239,4 кЖ·моль⁻¹ га тенг.


6- иловада келтирилган оксидланиш-қайтарилиш потенциали 25°C да фақат сувли эритмаларнинг реакцияларига тааллуқлидир. Масалан, юқори температурада қаттиқ моддаларда:



гидрадланиш иссиқлиги эмас, балки қаттиқ моддаларнинг кристалл панжараларини емириш учун сарфланадиган кристалл панжара энергияси ва шунингдек диссоциланиш энергияси асосий омиллар ҳисобланади.

6- иловадаги тенгламанинг чап томонида жойлашган моддаларнинг оксидланиш даражаси, символлари тенгламанинг ўнг томонида жойлашган моддаларнинг оксидланиш даражаларидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам тенгламанинг чап томонида жойлашган атомлар, молекулалар ва ионлар қайтарувчилик хоссасига эга бўлсалар, тенгламанинг ўнг томонида жойлашганлари эса маълум миқдордаги электронларни қабул қилиб, оксидловчилик хоссасини намоён қиласди.

Шундай қилиб, электронларини берадиган атомлар, молекулалар ва ионлар оксидловчилар, электронларни бириктирадиганлар эса қайтарувчилардир. Масалан:






Бу реакцияларнинг электр юритувчи кучи (ЭЮК) ни топиш учун оксидловчининг стандарт потенциал қийматидан қайтарувчининг стандарт потенциал қийматини айриб ташлаш керак. Агар юқорида келтирилган реакцияларнинг ЭЮК ни ҳисобласак (тегишли тартибда):

$$\begin{aligned} -0,44 - (-2,363) &= 1,923 \text{ В}; & +0,401 - (-0,250) &= 0,651 \text{ В} \\ 0,00 - (-2,363) &= 2,363 \text{ В}; & +1,692 - (+0,337) &= 1,355 \text{ В}; \\ +0,337 - (-2,363) &= 2,70 \text{ В}; & +0,850 - (0,00) &= 0,850 \text{ В} \end{aligned}$$

бўлади.



6- иловада келтирилган оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари бўйича бир неча хулосалар қиласиз:

1. Стандарт оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари водороднидан ($E^\circ = 0,00$) кичик бўлган металлар ва ионлар кислота таркибидан водородни сиқиб чиқара оладилар, аммо потенциал қийматлари водороднидан юқори бўлган металларнинг ёки ионлар кислота таркибидан водородни сиқиб чиқара олмайдилар. Масалан:



$$-0,337 \text{ В.}$$

2. Стандарт потенциал қийматлари бошқа металл ёки ионга нисбатан паст бўлган металлар ёки ионлар потенциали юқори бўлган металлар тузларининг эритмалари таркибидан металл атомини ёки ионини сиқиб чиқариши ёхуд унинг паст даражали ионларини ҳосил қилиши мумкин. Масалан:



3. Энг кучли қайтарувчиларга ишқорий ва ишқорийер металларнинг атомлари киради. Анча кучсиз қайтарувчиларга эса нодир металларнинг атомлари ва галогенларнинг ионлари (йоддан ташқари) кирадилар.

4. Анча кучли оксидловчиларга — галогенларнинг нейтрал атомлари, юқори оксидланиш даражасига эга бўлган металларнинг ионлари, мусбат зарядланган металл мас атомларини тутган мураккаб ион ва молекулалар, шунингдек нодир металларнинг ионлари киради.

Анча кучсиз оксидловчиларга тўртинчи группанинг асосий группача элементлари киради.

6- иловадан фойдаланганда шуни эсда тутмоқ керакки, ҳамма термодинамик жиҳатдан мумкин бўлган реакциялар амалда ЭЮК қиймати бўйича бориши мумкин бўлса ҳам боравермайди. Масалан, алюминийни унинг сувдаги бирикмаларидан калий ёрдамида ажратиб олиб бўлмайди ёки магний ёрдамида рух бирикма-



лари таркибидан рухни сиқиб чиқариб бўлмайди, чунки биз металларнинг электрокимёвий кучланишлар қаторини тушунтирганда бу масала устида муфассал тўхтаган эдик (ишқорий металларнинг ўзлари сувли эритмалар билан кимёвий реакцияларга киришиб қоладилар).

Стандарт оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари жадвали (б-илова) қўйидагиларга эътибор беришингизни талаб қиласди:


1) Стандарт оксидланиш-қайтарилиш потенциалининг қиймати ва белгисига қараб; моддаларнинг хоссалари тўғрисида аниқ бир фикрга келиш (атомлар, молекулалар ва ионлар қайтарувчанлик ёки оксидланувчилик хоссаларини намоён қилишлари ҳақида маълумотга эга бўлиш) мумкин: Масалан:



2) Муҳитга қараб стандарт потенциалнинг ўзгаришини аниқлаш мумкин. Масалан:



3) Маълум бир элементнинг қайси кимёвий бирикмаси кучли қайтарувчи ёки оксидловчи бўлишини аниқлаш мумкин. Масалан: олtingугуртнинг сульфид иони кучли қайтарувчилик хоссасини намоён қиласди:



4) Оксидланиш-қайтарилиш реакцияларининг йўналишини ва содир бўлишини олдиндан айтиш имкониятими яратади.

Агар ЭЮК мусбат қийматга эга бўлса, реакция танланган йўналиш бўйича бориши мумкин.

Жадвалдаги оксидланиш-қайтарилиш потенциалига қараб, 85000 дан ортиқ кимёвий реакциянинг мувозанат константаси қийматини ҳисоблаб топса бўлади.

5.5 Электролиз

Электролитларнинг сувдаги эритмаларига ёки юқори температура таъсирида суюқлантирилган электролитга икки электрод туширилиб ўзгармас ток манбай билан туташтирилса, катионлар (мусбат зарядли ионлар) катодга, анионлар (манфий зарядли ионлар) анодга томон силжиди. Катодга электр манбаидан электронлар келиб тургани учун у манфий зарядли бўлади, унинг электронларини катионлар биректириб олиб нейтралланади, яъни қайтарилади. Аноддаги электронлар электр манбаига тортилгани учун унда электронлар етишмайди ва шу сабабдан анод доимо мусбат зарядли бўлади. Электролит таркибидаги анионлар анодга бориб, электронларини бериши натижасида нейтралланади, яъни оксидланади. Демак, катодда қайтарилиш, анода оксидланиш жараёни содир бўлади. Электронлар аноддан катодга томон боради. Шундай қилиб, электролитнинг сувдаги эритмасидан ёки суюлтирилган электролитдан электр токи ўтказилганда электролит парчаланади, бу ҳодиса электролиз деб атлади. Қўмир, графит ва металлар биринчи тур ўтказгичлар бўлиб, электр токини осон ўтказади. Бунда ўтказгичларнинг кимёвий таркиби ўзгармайди. Суюқлантирилган электролитлар ва уларнинг эритмалиридан электр токи ўтганда, юқорида айтилганидек, катионлар катоддан электрон биректириб олади, анионлар ўз электронларини анодга беради. Бунинг натижасида электр токи тўхтосиз ўтиб туради. Иккинчи тур ўтказгичлардан электр токи ўтганда бу моддалар парчаланиб, бошқа моддаларга айланади Улар биринчи тур ўтказгичлардан ана шу хоссалари билан фарқ қиласи Демак, электролиз электр токи таъсирида содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияси дидир Бунда эритмадаги ионлар концентрацияси қанча кўп бўлса, эритма орқали шунча кўп электр токи ўтади. Эритма орқали ўтадиган электр токи миқдори ионлар зарядига ҳам боғлиқ. Икки валентли, яъни икки зарядли ионлар бир зарядли ионлардан икки баравар ортиқ, уч зарядли ионлар уч баравар ортиқ электр миқдори ўтказади. Ионларнинг ҳаракатчанлиги турлича бўлади баъзи ионлар тез ҳаракат қиласи, баъзиларининг ҳаракатчанлиги камроқ бўлади. Шубҳасиз, тез ҳаракат қилувчи ионлар электр токини тезроқ та-

шийди. Масалан, H^+ ва OH^- ионларининг ҳаракатчалиги бошқа ионларнинг ҳаракатчанилигидан ортиқроқ, улар электролизда электродларга тезроқ етади. Шунинг учун кислота ва асослар эритмаси яхши электролизланади ва уларнинг электр ўтказувчанлиги яхши бўлади.

Электролитларнинг ва электродларнинг табиатига қараб, электролиз турличи бўлиши мумкин.


Электролитларнинг сувдаги эритмаларида электролит эритмаларидан бошқа сув ионлари H^+ ва OH^- ҳам бўлади. Уларнинг концентрацияси ғоят кичик, лекин эритмага ток манбаига уланган электродлар туширилганда, электролит ионлари билан бирга сув ионлари ҳам электродларга боради.

5.6 Катодда содир бўладиган жараёнлар

Кўйида умумий ҳолатларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз.


1. Катодга электролит катиони ва сувнинг водород иони боради. Булардан қайси бирининг олдин нейтралланиши (қайтарилиш) электролит катионларининг кучланиш қаторидаги ўрнига боғлиқдир. Агар электролит катиони водороддан олдин турса, унинг электрон биритириб олиши қийин. Масалан, ишқорий металл ва ишқорий-ер металлар катионлари:

Li^+ , K^+ , Na^+ , Be^{2+} , Ca^{2+} , Mg^{2+} , Ba^{2+} Al^{3+} лар билан водород ионлари H^+ биргаликда келса, аввал водород ионлари H^+ қайтарилади, чунки водород ионида электроакцепторлик хоссаси юқоридир. Масалан: CaCl_2 эритмасининг электролиз схемаси (асосий жараён тагига чизиб қўйилган):



2. Электрокимёвий кучланишлар қаторида алюминийдан кейин турган металларнинг бирималари электролиз қилинганда, катодда водород ва доимо метал катионлари қайтарилади ва метал эркин ҳолда ажралади, бунга сабаб бу металларнинг катионлари водород

катионларига нисбатан осон қайтарилади. Масалан $ZnCl_2$ эритмасининг электролиз схемаси:







5.7. Анодда содир бўладиган жараёнлар

Анодда содир бўладиган жараёнлар электролитнинг хилига ва аноднинг қандай материалдан ясалганлигига боғлиқ бўлади.


Кислородсиз кислоталар ва уларнинг тузлари электролиз қилинганда анода доимо кислородсиз кислота қолдиқлари: I^- , Br^- , Cl^- , S^{2-} оксидланади, бунга сабаб кислородсиз кислота қолдиқларида электродонорлик хоссалари сувнинг OH^- анионига нисбатан юқори, $CaCl_2$, $ZnCl_2$ эритмалари электролиз қилинганда анодда Cl^- анионининг оксидланиши юқоридаги мисолларда кўрсатилган.

Кислородли кислоталар ва уларнинг тузлари электролиз қилинганда анодда доимо OH^- анионлари оксидланади ва кислород ажralиб чиқади, бунга сабаб NO_3^- , CO_3^{2-} , SO_3^{2-} , SO_4^{2-} , $C_10_2PO_4^{3-}$ сингари кислородли кислоталарнинг қолдиқлари OH^- анионига нисбатан осон оксидланиш хоссасига эга эмас. Масалан, $Mg(NO_3)_2$ ва $MnSO_4$ тузларининг электролиз схемаси:





3. Электролиз жараёнида эримайдиган ёки эрийдиган анодлар ишлатилади. Эримайдиган анод кимёвий жиҳатдан инерт бўлган, яъни оксидланиш жараёнига учрамайдиган материаллардан, кўпинча платина ёки графитдан тайёрланади. Эрийдиган анодлар эса электролиз вақтида оксидланиш жараёнига учрайди, масалан, Cu, Ni, Ag, Fe ва бошқалар. Pt ли анодда CuSO_4 эритмасининг электролиз схемаси:



Cu ли анодда CuSO_4 эритмасининг электролизи:

Бунда катодда эритмадаги мис ионлари қайтарилади, анодда эса мис электроди оксидланади ва мис ион ҳолида эритмага ўтади, натижада эритмадаги $\text{CuSO}_4 \rightleftharpoons \text{Cu}^{2+} + \text{SO}_4^{2-}$ мувозанати ўзгармайди.

Катодда ($-$) $\text{Cu}^{2+} + 2\bar{e} = \text{Cu}$; анодда (+) $\text{Cu} - 2\bar{e} = \text{Cu}^{2+}$

5.8. Электролизнинг миқдорий қонунлари

Электролиз вақтида электродларда борадиган оксидланиш-қайтарилиш жараёнлари Фарадей қонунларига бўйсунади ва қўйидагича таърифланади:

1. Электролизда ажралиб чиқадиган моддаларнинг массаси электролит орқали ўтган ток кучига ва вақтга пропорционалdir.

2. Турли электролитлар орқали тенг миқдор электртоки ўтганда электродларда эквивалент миқдорда моддалар ажралиб чиқади.

Электролит эритмасидан ёки суюқланмасидан 96500

кулон ток ўтганда электродда 1 моль-эквивалент модда ажралиб чиқади.

Фарадей қонунининг математик ифодасини умумий кўринишда қўйидагича ёзиш мумкин.

$$m = \frac{\mathcal{E}}{F} \cdot J \cdot t$$

бунда m — электролиз вақтида ажраладиган модда массаси,

\mathcal{E} — модданинг моль-эквиваленти, t — электролиз учун кетган вақт, секунд ёки соат ҳисобида,

J — ток кучи (Амперларда)

\mathcal{E} — модданинг электрокимёвий эквиваленти дейилади.

F — Фарадей сони.

Масала шартида вақт секундда берилган бўлса $F=96500$ га, соатларда берилса $F=26,8$ га тенг бўлади. Шунга кўра:

$$m = \frac{\mathcal{E}}{96500} J \cdot t \text{ (сек)}$$

$$m = \frac{\mathcal{E}}{26,8} J \cdot t \text{ (соат).}$$

1. мисол. CuSO_4 эритмасидан 40 мин давомида 1,65 А кучга зга бўлган ток ўtkазилса, катодда неча грамм мис ажралиб чиқади?

Ечиш: Фарадей қонунига кўра, вақтни секундга ўтказиб, $m = \frac{\mathcal{E} \cdot J \cdot t}{96500}$ формулага тегишли қийматлар $\mathcal{E} = 31,77$; $J = 1,65$; миснинг моль-эквиваленти 31,77 ва вақт 40.60 = = 2400 секундни қўйиб, ажралиб чиқсан мис миқдорини топамиз:

$$m = \frac{31,77 \cdot 1,65 \cdot 2400}{96500} = 1,3 \text{ г.}$$

2- мисол. 3,36 г кумушни AgNO_3 дан электролиз қилиб олиш учун 5 А кучга эга бўлган токни эритмадан қанча вақт давомида ўтказиш керак?

$$\text{Ечиш: } m = \frac{\mathcal{E} \cdot J \cdot t}{96500} \text{ бундан } t = \frac{m \cdot 96500}{J \cdot \mathcal{E}},$$

Кумушнинг моль-эквиваленти 107,87 га тенг Бу формулага тегишли қийматлар: $m = 3,36$ г; $J = 5$; $\mathcal{E} = 107,87$ ни қўйиб вақтни топамиз:

$$t = \frac{3,36 \cdot 96500}{107,87 \cdot 5} = 600 \text{ сек ёки } 10 \text{ мин.}$$

3- мисол. Катодда 4,74 г мис ажратиб олиш учун I соат давомида CuSO_4 эритмасидан кучи неча амперга тенг бўлган ток ўтказиш керак?

$$\text{Ечиш. } J = \frac{\mathcal{E}}{26,8} = \text{бундан } J = \frac{m \cdot 26,8}{\mathcal{E} \cdot t};$$

Келтирилган формулага тегишли қийматлар:

$m = 4,74$; $\mathcal{E} = 31,77$; $t = 1$ соатни қўйиб ток кучини топамиз:

$$J = \frac{4,74 \cdot 26,8}{31,77 \cdot 1} = 4,0 \text{ A}$$

4- мисол. Бирор металлнинг сульфати эритмасидан 45 мин давомида кучи 6A га тенг бўлган ток ўтказичдан катодда 5,49 г металл ажралиб чиқсан. Металлнинг эквивалентини аниқланг.

$$\text{Ечиш: } m = \frac{\mathcal{E} \cdot J \cdot t}{96506} \text{ бунда } \mathcal{E} = \frac{m \cdot 96500}{J \cdot t}$$

келтирилган формулага тегишли қийматларни қўямиз: $m = 5,49$; $t = 45 \cdot 60 = 2700$; $J = 6$ ни қўйиб, металлнинг эквивалентини топамиз:

$$\mathcal{E} = \frac{5,49 \cdot 96500}{6 \cdot 2700} = 31,53.$$

5.9. Электролизда электрокимёвий қутбланишлар

Электролитик қутбланиш икки хил бўлади: *кимёвий ва концентрацион қутбланишлар*.

Агар H_2SO_4 эритмасига платина электродлар туширилиб, эритмага ташқи манбадан электр токи юборилса ва бу вақтда потенциаллар айрмаси 1 В га тенг бўлса, занжирдаги амперметрнинг стрелкаси силжиб, электр токи борлигини кўрсатади, сўнгра аста-секин ўз жойига, яъни нолга қайтади. Демак, бора-бора занжирда электр токи қолмайди. Электролизда ҳамма вақт ана шундай бўлади, яъни:

$$J = \frac{E}{R+r}$$

формула бўйича қараганда занжирда электр токи кучининг камайиши ёки бутунлай йўқолиб кетиши, ток кучи J , электр юритувчи куч E нинг камайиши ёки ички

(R) ва ташқи (г) қаршиликларнинг кўпайиши ёхуд иккала ҳолнинг бир вақтда содир бўлиши натижасида камайиши мумкин. Электролиз вақтида ташқи қаршилик ўзгармайди. Агар электролиз натижасида токни ёмон ўтказадиган моддалар ҳосил бўлса, ички қаршилик ошиши мумкин. Электролиз вақтида электролитик ванна гальваник элементга айланади ва унинг электродлари орасида ташқи электр манбаига қарши йўналган потенциаллар айрмаси вужудга келади. Бу ҳодиса электролитик қутбланиш ёки қисқача, қутбланиш дейилади. Қандай қилиб электролиз вақтида электролитли ваннада қутбланиш электр юритувчи кучи ҳосил бўлишини юқорида келтирилган мисолда кўриб чиқайлик. Сульфат кислота эритмаси орқали электр токи юборилган бўлсин.

Электролитлардан электр токи ўтганда электроднинг ҳолати — унинг потенциали, қўш электр қават зарядининг зичлиги ўзгаради. Бу ҳодисага электроддининг қутбланиши дейилади. Бунда электроднинг ток бўлмаган ҳолатдаги мувозанат потенциали ўзгаради.

Электролитга ташқи манбадан ток юборилганда катодга электрон келиши сабабли унинг потенциали манфийлашади, аксинча, аноддан электронлар кетиши сабабли, унинг мусбат потенциали ошади, яъни электродлар кутблашади.

Агар металл пластинка ўзининг тузи эритмасига туширилган бўлса, бунинг натижасида катион эритмадан электродга ўта бошлайди ва келаётган электронни нейтраллайди: $M^+ + e \rightarrow M$. Натижада потенциал қиймати кўп миқдорда ўзгармайди. Электроднинг мусбат потенциали ошганда эса бу жараён тескари боради:

$M \rightarrow M^+ + e$ ва яна потенциал кўп миқдорга ўзгармайди. Бундай электродлар қутбланмайдиган электродлар де йилади. Cu, Zn металлар сингари электродлар шундай электродлардир.


Нодир металлар (олтин, платина) ўз ионларини эритмага бу металларнинг ионлари (тузи) бўлмаса юқорида баён этилган $M \rightleftharpoons M^+ + e$ жараён бормайди. Ташқаридан юборилган кам ток ҳам электроднинг потенциалини сезиларли ўзгартиради. Бундай электродлар идеал қутбланувчан электродлар дейилади. Катоддаги потенциал водород мувозанат потенциалидан ошгандан сўнг водород ажралиб чиқа бошлайди. Анодда эса кислород ажралади.

Электродларда ажралиб чиқаётган бу газлар платина электродга адсорбцияланиб газ электродлар — кислород ҳамда водород электродлар ҳосил бўлади. Натижада, сульфат кислота эритмасига туширилган платина пластинкаларида кислород ҳамда водород электродлардан иборат қўйидаги гальваник элемент вужудга келади:



Бу гальваник элементнинг электр юритувчи кучи электролиз давомида аста-секин оша боради ва, ниҳоят, ўзининг энг юқори қийматига эришади. Демак, юқоридаги мисолда қутбланишнинг сабаби кимёвий гальваник элементнинг вужудга келишидир. Шунинг учун бундай қутбланишга кимёвий қутбланиш дейилади.

Электролитли ваннада концентрацион гальваник элемент вужудга келишидан ҳам қутбланиш содир бўлиши мумкин. Агар электрод қайтар бўлса, яъни металл таркибида шу металл иони бўлган эритмага туширилганда, масалан: Cu ($CuSO_4$) Cu занжиридан электр токи ўтказилса, катодда мис ионлари қайтарилиши сабабли катод қисмида $CuSO_4$ нинг концентрацияси камаяди, анод қисмида аксинча, $CuSO_4$ нинг концентрацияси кўпаяди, чунки Cu анод эрийди. Натижада ваннада қўйидаги концентрацион гальваник элемент вужудга келади:



$$C_2 < C_1$$

Одатда, бундай концентрацион элементларнинг электр юритувчи кучи кам бўлади, баъзан эса, масалан, комплекс тузлар электролиз қилинганда анчагина қийматга эришади.

Катод яқинида ва эритма ичидаги концентрация фарқи вужудга келганлигидан мис ионлари эритма ичидан катод юзасига диффузиялана бошлайди. Маълум вақтдан сўнг катоддан кетган ва катодга келаётган мис ионларининг миқдори бараварлашади ва ўзгармайдиган концентрация — стационар концентрация қарор топади.

2.10. Электролизнинг амалий аҳамияти

Электролиз жараёнида саноатда турли мақсадларда кенг фойдаланилади. Электрокимёвий йўл билан турли реакцияларни ўтказиш мумкин, ҳатто системанинг эркин энергиясининг ортиши билан борадиган ва оддий шароитда қийин ёки бутунлай бормайдиган реакцияларни ҳам амалга өшириш мумкин. Масалан, сувни осонлик билан водород ва кислородга ажратиш мумкин. Электролиз усули билан алюминий, магний сингари металларни, уларнинг тузлари эритмасидан газ ҳолидаги хлор, ишқорлар, оксидланиш-қайтарилиш жараёни воситасида турли органик моддалар олинади.

Соф ҳолдаги металлар фақат электролиз йўли билан олинади. Бу усул металларни тозалаш (рафинация) дейилади.

Тоза мис олишда электролиздан кенг фойдаланилади. Электролит сифатида H_2SO_4 ва $CuSO_4$ анод сифатида эса тозаланмаган (кимёвий усулда олинган) мис таёқчаси, катод сифатида тоза мис пластинка ишлатилади. Электролиз натижасида мисдан ясалган электрод эриб, катодда тоза мис ажралиб чиқади. Турли қўшимчалар эритмада қолади ёки эритма тагига чўқади. Бу йўл билан тозалиги 99,9% бўлган мис олиш мумкин.

Электролиздан гальванопластикада металл буюмларнинг сиртларини бошқа металл билан қоплашда ҳам кенг фойдаланилади. Металл буюмларни хромлаш, никеллаш, қалайллаш, кумушлаш сингари ишлар ҳаммага маълум ва кўп тарқалган жараёндир. Гальванопластика ҳам тозалаш жараёнига ўхшашдир. Анод сифатида қопловчи металл, катод сифатида қопланиши керак бўлган металл олинади.

Электрометаллургия асосан электролиз жараёнига асосланган. Кимёвий жараёнда қийин қайтариувчи металларни электролиз усули билан олинади.

Электролиздан аналитик мақсадлар учун ҳам фойдаланилади. Қўпчилик металларнинг ўта кучланиши жуда камлигидан уларнинг ажралиб чиқиши потенциали мувозанат потенциалига амалда тенг бўлади. Шунинг учун эритмада турли металларнинг ионлари бўлса, электролиз натижасида улар кучланиши камайиб бориши қатори тартибида ажралиб чиқади. Бу ҳол эритмадаги металларни электролиз йўли билан миқдорий анализ қилишга имкон беради.

5.11. Аккумуляторлар

Агар электрокимёвий система электр токи манбаи билан туташтирилса, унда кимёвий ўзгариш юз бериб, электр энергияси кимёвий энергияга айланади. Сүнгра бу элемент электродлари сим билан туташтирилса, йифилган кимёвий энергия ҳисобига бу система электр манбаига айланади, яъни кимёвий энергия электр энергияга айланади. Бундай электрокимёвий элемент аккумулятор дейилади. Шундай қилиб, аккумуляторлар иккиламчи электр манбаларидир. Аккумуляторлар зарядланганда борадиган реакция билан зарядсизланганда борадиган реакция бир-бирига қарама-қарши кимёвий жараёнлардир.

Умуман олганда, ҳамма қайтар гальваник элементлар аккумулятор бўла олиши мумкин. Лекин айрим сабабларга кўра, масалан, электр сифими кичик бўлиши, моддалар физик ҳолати турғун бўлмаслиги натижасида баъзи кимёвий ва бошқа ўзгаришлар бўлиши туфайли қайтар гальваник элементларнинг кўпчилиги аккумулятор бўла олмайди.

Ҳозир амалда икки хил аккумулятор кислотали (қўрошинли) ва ишқорли аккумулятор кўп тарқалган.

Кислотали (қўрошинли) аккумулятор сирти қўрошин оксиди пастаси билан қопланган икки қўрошин электроддан иборат. Электролит сифатида сульфат кислотанинг 25—30% ли эритмаси (солиштирма оғирлиги тахминан 1,15—1,21) ишлатилади. Сульфат кислота туширилган қўрошин пластинка сиртида қўрошин оксид сульфат кислота эритмасида $PbSO_4$ га айланади. Натижада қўйидаги электрокимёвий занжир вужудга келади:





Системадан электр токи ўтказилганда манфий қутбда Pb^{2+} иони Pb гача қайтарилади. Мусбат қутбда эса Pb^{2+} иони Pb^{4+} гача оксидланади. Шундай қилиб, қўрошин иккала электродда икки хил ҳолатга келади. Натижада қўйидагича электрокимёвий занжир вужудга келади.


Pb , $PbSO_4 / H_2SO_4 / PbSO_4$, PbO_2 . Аккумулятор ишлаганда (зарядсизланганда) бу жараённинг тескариси боради ва қўрошин иккала электродда бир хил оксидланиш даражасига

эришади. Шундай қилиб, аккумулятор ишлаганда, яъни электр токи манбаи бўлган ҳолда қўйидаги жараёнлар боради:


Мусбат қутбда:




ёки умумий кўринишда:



Манфий қутбда:




ёки умумий кўринишда:




Электродларда борган реакцияларнинг тенгламалари бир-бирига қўшилса, аккумуляторда борган умумий реакция тенгламаси чиқади.

Аккумулятор зарядланганда (ундан электр токи ўтказилганда) бу реакциянинг акси боради. Шундай қилиб, аккумуляторда содир бўладиган барча реакцияларни қўйидаги тенглама билан ифодалаш мумкин:



Кислотали аккумуляторнинг электр юритувчи кучи $E = 2,02$ В.

Ишқорли аккумулятор. Электролит сифатида ўювчи калийнинг тўйинган эритмаси ишлатилади. Бу элементнинг занжири қўйидагича ифодаланади:




Аккумулятор зарядсизланганда (ишлаганда) қўйидаги жараёнлар содир бўлади:

Мусбат электродда:



Манфий электродда:



Демак, умумий реакция тенгламаси:

зарядсизланганда



зарядланганда

Ишқорли аккумуляторнинг электр юритувчи кучи 1,35—1,33 В га тенг. Бундан ташқари, кадмий-никель ва кумуш-рух ишқорий аккумулятор ҳам мавжуд.

5.12. Металларни коррозияси ва унга қарши кураш чоралари

Кўпчилик металлар ҳаво, туз, сув, кислота ва ишқор эритмалари таъсирида емирилади. Металларнинг, умуман, турли моддаларнинг ташқи муҳит билан кимёвий ёки электрокимёвий таъсирилашиши натижасида бузилиши ва емирилиши коррозия дейилади.

Коррозия халқ ҳўжалигига катта зарап етказади.

Ташқи шароитга қараб металлар турли хил коррозияга учраши мумкин. Коррозиянинг хиллари ўзининг моҳияти, механизми жиҳатидан бир-биридан жуда катта фарқ қиласи. Коррозия физик-кимёвий тавсифи жиҳатидан икки хил бўлади: кимёвий ва электрокимёвий коррозия. Энг кўп тарқалган коррозия электрокимёвий коррозиядир. Электрокимёвий коррозия металлар электролит эритмалари муҳитида турганда содир бўлади.

Коррозия оқибатида оксидлар ва гидроксидлар ҳосил бўлади. Шундай қилиб, коррозиянинг кимёвий сабаби металлнинг оксид ёки гидроксид ҳолатига ўтганда барқарор ҳолатга ўтишидир. Металларнинг электрокимёвий коррозияга учраш механизми уларда гальваник элементлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ.



Металлар соғ бўлмай, уларга маълум даражада бошқа металлар аралашган бўлади. Фоят тоза металлар (масалан, тоза рух) ҳолдаги активлик қаторида турган ўрнига қарамай деярли коррозияланмайди.

Маълумки, Zn кўп кислоталарда эрийди. Эриши натижасида кислотадан водородни сиқиб чиқаради. Тозалиги юқори бўлган рух кислоталарда узоқ вақт сақланса ҳам эригани сезилмайди. Агарда рух тоза бўлмай, оз бўлсада темир, суръма мис ёки бошқа металлар аралашган бўлса рух ва аралашган металлар микрогальваник элемент ҳосил қиласи. Анодда рух ўзидан


кейин турган металлар билан жуфтланган бўлса, у анод бўлади ва коррозияга учрайди, яъни ўзи эрийди. Мисол учун рухнинг хлорид кислотада эришини кўрайлик:



Анод:





Катод:



Нейтрал ёки кучсиз кислотали эритмаларда, нам ҳавода электрокимёвий коррозия бироз бошқачароқ ўтади. Агарда оддий темир пластинкасини сувга солиб қўйсак коррозия бошланади, бунга сабаб металл бўлак-часида Fe_3C бирикмаси мавжуд. Бу бирикма темир билан микрогальваник элемент ҳосил қиласди. Темир анод бўлиб микрокатод ролини Fe_3C бажаради. Темир ион ҳолида сувга ўтиб OH^- ионлари билан $\text{Fe}(\text{OH})_2$ ҳосил қиласди. Сувдаги кислород уни $\text{Fe}(\text{OH})_3$ гача оксидлайди. Темир пластинкаси емирила бошлайди. Бу коррозия жараёнини қўйидаги схема ёрдамида кўрсатиш мумкин:

Катод (-)



Анод (+)



Кимёвий коррозия ҳар хил қуруқ газларнинг (кислород, водород сульфид, сульфат ангидрид ва бошқалар) ва электролитмаслар (бензин, спирт, керосин) таъсирида ҳосил бўлади. Масалан, идишни қуруқ йод буғи билан тўлатиб, ичига кумуш пластинка туширилса бироз вақт ўтгандан кейин реакция натижасида кумуш сирти қизил-қўнғир тусга киради. Бу AgJ ҳосил бўлганини кўрсатади. Демак, кимёвий коррозия вужудга келади. Бунга ўхшаш ўзгаришлар мисга SO_2 ёки H_2S нинг таъсири натижасида вужудга келади; ҳавода қиздирилган темир ва бошқа металлар ҳам кимёвий коррозияга учрайди.

Юқори температурада кўпчилик металларнинг оксидланиш тезлиги кескин ортади. Масалан, темирда 250—300°C даёқ кўзга кўринадиган оксид парда ҳосил бўлади. 600°C ва ундан юқорида металл сирти ҳар хил даражада оксидланган темир оксидлари FeO , Fe_3O_4 , Fe_2O_3 дан иборат оксид қават билан қопланади. Оксид

қабат темирни чуқур оксидланишдан сақламайды, чунки унда дарз жойлар ва ғоваклар бўлиб, булар кислороднинг металлга ўтишига қаршилик кўрсата олмайди. Шунинг учун темир 800°C дан юқори температурада қиздирилганда унинг оксидланиш тезлиги жуда кучайиб кетади.

Баъзи металларнинг коррозияланиш жараёни ҳаво кислороди таъсирида жуда секинлашади. Бунга сабаб шуки, металл сиртида ҳимояловчи оксид парда ҳосил бўлиб, у металлга газларнинг ҳам, суюқликларнинг ҳам ўтишига тўсқинлик қиласди.

5.13. Металларни коррозиядан сақлаш усуллари

Ҳар йили олинадиган темирнинг 10—15% га яқин миқдори фақат коррозияланиш туфайли исроф бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Коррозияланиш натижасида металл буюмлар ўзининг қимматли техник хоссаларини йўқотади. Шу сабабли металларнинг коррозияланишига қарши курашиш чораларининг аҳамияти жуда катта. Бу чоралар ниҳоятда хилма-хил. Ўлардан баъзиларини кўрсатиб ўтамиш.

1. Металлар сиртида ҳосил қилинадиган ҳимоя қопламалар. Улар металл (рух, қўрғошин, никель, хром ва бошқа металлар) ва металлмас (лак, бўёқ, сир ва бошқа моддалар) бўлиши мумкин. Бу қопламалар метални ташқи муҳитдан ажратиб қўяди.

2. Коррозияланмайдиган қотишмаларни яратиш, масалан, пўлат таркибида 12% гача хром бўлса, коррозияланиш таъсирига чидамли, зангламайдиган пўлат олинади. Пўлатга никель, кобальт ва мис қўшилганда ҳам унинг коррозияга чидамли бўлиш хусусияти куяяди.

3. Протекторли ҳимоя. Ҳимояланадиган конструкция (ер ости трубопроводи, кема корпуси) электролит муҳитида (дениз суви, ер ости сувлари бўладиган ҳоллар)да қўлланилади. Пўлат буюмларни ҳимоялашда протектор сифатида одатда магний, алюминий, рух ва уларнинг қотишмалари ишлатилади. Коррозия жараёнида протектор анод вазифасини ўтайди ва ўзи емирилади, шу билан конструкцияни емирилишидан сақлаб қолади.

4. Муҳит таркибининг ўзгариши.

Бу ҳолда металл буюмларнинг коррозияланишини се-

кинлатиш учун электролитга коррозияни секинлатувчилар, бошқача айтганда *ингибиторлар* дейиладиган моддалар (күпинча органик моддалар) қўшилади. Ингибиторлар металл билан кимёвий бирикади ва унинг сиртида ҳимоя парда ҳосил қиласи деб тахмин этилади. Темир буюмларни хлорид кислота таъсиридан ҳимоя қилиш учун уротропин ишлатилади.

5.14. Кимёвий реакцияларнинг йўналиши

Модда ва системанинг кўп хоссалари уларнинг ички энергиясига боғлиқ бўлади. Системанинг ички энергияси молекулаларнинг илгарилама ва айланма ҳаракат энергияларидан, молекуладаги атом группаларининг тебранма ҳаракат энергиясидан, атомлардаги электронларнинг айланма ҳаракт энергиясидан, молекулалар-аро таъсир энергиясидан, ядродаги мавжуд энергиядан ташкил топган бўлади.

Жараёнларнинг амалга ошиши ёки ошмаслиги кимёвий реакциялар ҳақидаги муҳим маълумотдир. Реакциянинг танланган йўналишда маълум унум билан содир бўлишини унинг мувозанат ҳолатига турли ташқи омиллар — босим, бошланғич моддалар ва маҳсулотлар концентрациясининг ўзгариши таъсирини аниқлаш; маълум шароитда содир бўлиши мумкин бўлмаган жараённи амалга ошириш учун қандай ташқи омиллар таъсири лозимлигини ва аксинча, заарарли жараён тезлигини кескин пасайтириш ёки батамом тўхтатиш щарт-шароитларини билиш катта аҳамиятга эга.


Кимёвий жараёнларда турли энергиявий ўзгаришлар содир бўлади, яъни кимёвий энергия бошқа энергияга айланади. Масалан, иссиқлик тарқалиш, нурланыш, электр энергияси ҳосил бўлиши вужудга келади. Кўпинча кимёвий жараёнлар натижасида иш бажарилади.

Термодинамиканинг биринчи қонуни турли кимёвий жараёнларга татбиқ этилади, деярли ҳамма жараёнлар иссиқлик чиқариш ёки ютиш билан боради. Бу иссиқлик системанинг кимёвий энергиясини тавсифлайди. Бу иссиқликнинг ўзгариши ва бошқа энергия турларига ўтиши ҳам термодинамиканинг биринчи қонунига бўйсунади.

Турли моддаларнинг хоссалари билан улар таркиби, тузилиши ва мавжуд бўлиш шароити орасидаги


муносабатларни кимёвий термодинамика ўрганади. Бу фаннинг муҳим йўналишларидан бири термокимёдир. Бу йўналиш термодинамиканинг биринчи қонунига асосланган. Термокимёнинг асосий қонуни — Гесс қонуни термодинамиканинг биринчи қонунидан келиб чиқадиган муҳим оқибатидир.

Кимёвий жараёнларда ажраладиган ёки ютиладиган иссиқлик реакциянинг иссиқлик эффиқти дейилади.



9- расм. Гесс қонунига доир схема.

Кимёвий реакцияларнинг иссиқлик эффиқти Гесс қонунига биноан: *кимёвий реакцияларнинг ўзгармас ҳажм ва босимдаги иссиқлик эффиқти системанинг бошлиғи*нг ва охирги ҳолатига боғлиқ бўлиб, жараённинг бориши йўлига, қандай оралиқ босқичлар орқали боришига боғлиқ эмас. Масалан, CO_2 гази С ва O_2 дан икки йўл билан: бевосита ва CO орқали ҳосил бўлиши мумкин (9- расм). Гесс қонунига мувофиқ қўйида келтирилган тенгламалардаги ΔH_2 ва ΔH_3 лар йиғиндиси ΔH_1 га тенг бўлади:



Кимёвий реакциялар натижасида ажралиб чиқадиган ёки ютиладиган иссиқлик миқдори кўрсатилиб ёзиладиган тенгламаларга *термокимёвий тенгламалар* дейилади. *Термокимёвий тенгламалар* масса ва энергиянинг сақланиш қонунларига риоя қилиб тузилади. Реакция натижасида ажралиб чиқадиган ёки ютиладиган иссиқлик миқдори $\text{kJ}\cdot\text{моль}^{-1}$ билан ифодаланади.


Экзотермик реакциялар вақтида ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдори минус (-), эндотермик реакциялар вақтида ютиладиган иссиқлик миқдори эса плюс (+) ишоралар билан белгиланади.

Кимёвий реакцияларнинг иссиқлик эффекти одатда калориметр ёрдамида топилади ва термокимёвий ҳисоб орқали исботланади. Энталпия, ички энергия қийматларини абсолют қийматини аниқлай олмаймиз. Аммо, термодинамик ҳисоблар учун асосан ички энергия ва энталпияни қанчалик даражада ўзгарганлигини билишнинг ўзи кифоя қиласиди.

Экзотермик реакцияларда иссиқлик ажралади, натижада системанинг энталпияси (ΔH), ички энергияси (ΔU) қийматлари камаяди ва бу ҳолатни энталпия ўзгаришнинг манфий қиймати ҳолида акс эттирилади.

Эндотермик реакцияларда иссиқлик ютилади H ва U нинг қийматлари ортади, натижада ΔH ва ΔU мусбат қийматга эга бўлади.

Термокимёвий тенгламаларда реакцияга киришувчи моддаларнинг агрегат ҳолатлари ҳам кўрсатилади:



Қўйидаги жадвалда баъзи моддаларнинг ҳосил бўлиш стандарт иссиқлик зффектлари берилган.

19- жадвал

Баъзи моддаларнинг ҳосил бўлиш стандарт иссиқлик зффектлари.

Модда	Агрегат ҳолати	ΔH_{298}^0 , кЖ·молъ $^{-1}$	Модда	Агрегат ҳолати	ΔH_{298}^0 , кЖ·молъ $^{-1}$
H_2O	газ (г)	-241,88	(HP)	г	-269,0
H_2O	суюқ (с)	-285,91	H Cl	г	-92,33
CO	г	-110,55	H Br	г	-36,6
CO_3	г	-393,62	H J	г	+26,3
SO_2	г	-297,0	H_2S	г	-20,15
SO_3	г	-395,3	CH_4	г	-74,87
SO_3	қаттиқ (қ)	-462,5	C_2H_2	г	+226,80
NO	г	+90,4	Al_2O_3	қ	-1670,2
NO_2	г	+33,5	$Al_2(SO_4)_3$	қ	-3435,8
NH_3	г	-461,2			

Термодинамиканинг иккинчи қонунининг асосий моҳияти мавжуд шароитда жараённинг қайси томонга йўналишини олдиндан аниқлаш ва қайтар жараёнлар-

да мувозанат қарор топиш шартларини аниқлашдан иборат.

Агар бирор жараённинг ташқи белгилариға қараб, у қайси жараёнга мансублиги аниқланса, термодинамиканинг иккинчи қонунидан фойдаланиб, жараённинг қайси томонга йўналишини олдиндан аниқлаш мумкин. Бунинг учун термодинамик функциялар деб аталган катталиклар — энтропия, эркин энергия, термодинамик потенциал, кимёвий потенциаллар қийматларининг ўзгаришидан фойдаланилади. Бу функцияларнинг ўзгариши кимёвий мувозанат қандай шароитда қарор топишини кўрсатади.

ЭНТРОПИЯ

Энтропия ҳам (у «S» ҳарфи билан белгиланади ва «тартибсизлик» деган маънони билдиради) худди системанинг ички энергияси (U) сингари унинг ҳолат функцияси бўлиб, яъни тўлиқ функция бўлиб, унинг ўзгариши фақат системанинг дастлабки ва охирги ҳолатларига боғлиқ, жараён содир бўлиш йўлига боғлиқ эмас.

Модданинг турли ҳолатларда (газ, суюқ, кристалл) бўлиш эҳтимоллигини акс эттириш учун энтропиянинг миқдорий қийматини $S(\text{Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1})$ орқали белгиланади. Энтропиянинг 25°C (298 K) ва босим 101325 Па (101,325 кПа) ҳолатдаги [стандарт энтропия — S_{298}^0] қийматлари 20-жадвалда келтирилган.

Ҳар қандай системадаги ионлар, атомлар ва молекулалар бетартиб ҳаракати натижасида тартиби юқори бўлган ҳолатдан тартибсизлиги катта бўлган ҳолатга ўтиши табиийдир. Бунда системанинг энтропияси катталашади (яъни $\Delta S > 0$ бўлади). Системанинг энтропияси ундаги модданинг агрегат ҳолатига боғлиқ, чунки суюқлик буғланганда, кристалл модда эритувчидаги эритилганда ёки иситилганда суюқланма ҳолатига ўтганда, модда заррачаларининг ўзаро жойлашишида тартиб камаяди ва аксинча, буғ суюқлик ҳолати (конденсация) га, суюқ ҳолдан кристалл ҳолатга ўтганда ҳам системадаги заррачаларининг ўзаро жойлашишида тартиб ортади ($\Delta S < 0$).

Масалан, буғ ҳолдаги сувнинг энтропиясига қарандага қаттиқ ҳолдаги сув (муз) нинг энтропияси 4,8 мартача кам бўлади.

Бир хил агрегат ҳолатдаги моддалар молекулалари

таркибида атомлар сони күпайса, унда энтропия қиймати ҳам ортади. Бундай ҳолатларни атомар, молекуляр кислород ва озон, ёки газ ҳолатдаги S, S₂, S₆ ва S₈ ларни таққослаш натижасида аниқлаш мумкин.

Системанинг энергияси ортиб боришини энтропия омили деб аталади, унинг катталиги температура ортиши билан ўсиб боради. Унинг миқдорини температура ва жараёнда энтропия ўзгариши (ΔS) күпайтмаси ($T\Delta S$) орқали ифодаланади, катталиги эса Жоулларда берилади.

Ташқи муҳитдан чегара билан ажратилган система (бундай системада ташқи муҳит билан модда, иссиқ-

20- жадвал

S₂₉₈⁰ да баъзи моддалар энтропиясининг стандарт қийматлари

Моддалар	Агрегат ҳолати	S ₂₉₈ ⁰ Ж·моль ⁻¹ ·К ⁻¹	Моддалар	Агрегат ҳолати	S ₂₉₈ ⁰ Ж·моль ⁻¹ ·К ⁻¹
Ag	кристал	42,55	Fe	қ	67,36
AgCl	қ	96,1	H ₂	г	130,6
AgBr	қ	107,1	H ₂ O	г	188,74
AgJ	қ	114,2	H ₂ O	суюқ (с)	69,96
AlSb	қ	72,97	H ₂ O	қ	39,33
Al	қ	28,31	KCl	қ	82,68
Ba	қ	22,96	KClO ₃	қ	142,97
BaCO ₃	қ	112,1	KMnO ₄	қ	171,71
BaCl ₂	қ	125,1	KOH	қ	59,41
Ba(NO ₃) ₂	қ	213,7	K ₂ CrO ₄	қ	200,0
BaSO ₄	қ	131,8	K ₂ SO ₄	қ	175,73
C	олмос	2,38	MgCO ₃	қ	65,69
C	графит	5,74	MgO	қ	26,24
CO	газ (г)	197,4	N ₂	г	191,4
CO ₂	г	213,6	NH ₃	г	192,4
CH ₄	г	186,19	NH ₄ NO ₃	қ	150,60
C ₂ H ₂	г	200,79	HNO ₃	с	156,16
O	г	160,95	NO	г	210,6
O ₂	г	205,04	S	г	167,7
O ₃	г	238,8	S ₂	г	228,18
			S ₆	г	377,0
			S ₈	г	444,2

лик ёки иш миқдори билан алмасиши жараёни бўлмайди) да фақат энергия қиймати ортадиган жараён ва реакцияларгина ўз-ўзидан содир бўлади. Бу қоида термодинамика нинг II қонуни деб ҳам аталади.

ГИББС ЭНЕРГИЯСИ

Кимёвий реакциялар содир бўладиган ҳолда бир вақтнинг ўзида иккита қарама-қарши ҳодиса рўй беради: заррачалар кучли кимёвий боғланиш туфайли бирикаб мураккаб заррачалар ҳосил қиласидар. Мураккаб заррачалар парчаланиб, оддий заррачаларни ҳосил қиласидар. Булардан биринчисида системанинг энталпияси ва иккинчисида эса энтропияси ўзгаради. Ана шу икки ўзаро қарама-қарши жараёнлар эффектларининг йиғиндиси система (реакция) нинг Гиббс энергияси дейилади. Бу пайтда системанинг температураси ва босими ўзгармас бўлгани учун уни система изобаризотермик потенциали ўзгариши ҳам дейилади ва ΔG билан белгиланади, унинг ўлчов бирлиги $\text{кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$.

1 моль модданинг стандарт шароитда ҳосил бўлишида реакция изобар-изотермик потенциалининг ўзгариши шу модданинг стандарт ҳосил бўлиш изобар-изотермик потенциали ўзгариши дейилади ва ΔG_{298}^0 кўринишда ёзилади.

Ҳар қандай кимёвий реакция изобар-изотермик потенциалининг ўзгариши — ΔG_{298}^0 (к.р.) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta G_{298(\text{к.р.})}^0 = \sum \Delta G_{298(\text{маҳсулот})}^0 - \sum \Delta G_{208(\text{даст. модда})}^0$$

Бунда: $\sum \Delta G_{298(\text{маҳсулот})}^0$ — реакция натижасида ҳосил бўлган моддалар изобар-изотермик потенциалининг ўзгариши йиғиндиси.

$\sum \Delta G_{278(\text{даст. модда.})}^0$ — реакцияга киришаётган моддалар изобар-изотермик потенциалининг ўзгариши йиғиндиси.

Умуман, системанинг температураси (T), энталпия ўзгариши (ΔH), энтропия ўзгариши (ΔS) ҳамда изобар-изотермик потенциали ўзгариши ўртасида қуйидаги боғланиш мавжуд:

$$\Delta G = \Delta H - T \cdot \Delta S;$$

Изобар-изотермик потенциалининг қийматига қараб,

стандарт шароитда реакцияларнинг бориши-бормаслиги хусусида холоса қилинади. Агар кимёвий реакция изобар-изотермик потенциали ўзгаришининг қиймати

21- жадвал

Айрим моддаларнинг стандарт Гиббс ΔG_{298}^0 энергияси

Моддалар	Агрегат холати	ΔG_{298}^0 кЖ · моль ⁻¹	Моддалар	Агрегат холати	ΔG_{298}^0 кЖ · моль ⁻¹
Ag F	қ	—187,9	HCl	г	—95,1
AgCl	қ	—109,7	HBr	г	—53,5
AgBr	қ	—94,9	HJ	г	+1,3
Ag	қ	—66,3	H ₂ O	г	—228,2
Al(OH) ₃	қ	—1138,6	H ₂ O	с	—237,2
Al ₂ O ₃	қ	—1582,26	H ₂ S	г	—33,3
Al ₂ (SO ₄) ₃	қ	—3100,88	H ₂ Se	г	+71,1
BaCO ₃	қ	—1137,8	H ₂ Te	г	+138,4
BaCl ₂	суюқ	—810,8	HNO ₃	эритма	—110,4
BaSO ₄	қ	—1352,8	H ₂ SO ₄	ә	—741,1
BaSO ₄	с	—1311,2	H ₂ SO ₄	қ	—789,1
CF ₄	Газ	—634,7	KF	қ	—537,7
CCl ₄	г	—63,95	KCl	қ	—408,7
CBr ₄	г	+35,9	KCl	ә	—413,7
CH ₄	г	—50,81	KBr	қ	—377,3
CO	г	—137,14	KJ	қ	—324,9
CO ₂	г	—394,3	KNO ₃	ә	—392,8
CH ₃ OH	с	—163,34	KOH	ә	—439,3
CaCO ₃	қ	—1128,8	NaF	қ	—539,2
Ca(OH) ₂	қ	—1118,4	NaCl	қ	—384,1
CaSO ₄	қ	—1319,2	NaCl	ә	—392,5
CuF	қ	—209,2	NaBr	қ	—348,6
CuCl	қ	—120,1	NaJ	қ	—285,1
CuBr	қ	—99,5	NaNO ₃	ә	—367,8
CuJ	қ	—69,5	NaOH	қ	—380,4
CuSO ₄	қ	—676,4	Na ₂ SO ₄	ә	—1260,3
FeCl ₂	қ	—303,4	NaON	ә	—147,2
Fe(OH) ₂	қ	—473,1	BaSO ₄	қ	—1353,1
Fe(OH) ₃	қ	—693,9	O ₂	г	—300,1
SO ₃	г	—371,16	FeS	қ	—97,5
HF	г	—269,6			

$\Delta G > 0$ яъни мусбат бўлса, бу реакциялар оддий шароитда ўз-ўзидан боради; агар $\Delta G < 0$, яъни манфий бўлса, бундай реакцияларни оддий шароитда амалга ошириб бўлмайди. Агар $\Delta G = 0$ бўлса, бунда система кимёвий мувозанат ҳолида бўлади.

Айрим моддаларнинг стандарт ҳосил бўлиш Гиббс энергияси ΔG_{298}^0 қўйидаги жадвалда келтирилган.

Энди юқорида айтиб ўтилган тушунчаларга доир бир мисол билан танишиб чиқамиз.

Масала: $4\text{NH}_3 + 5\text{O}_2 \rightleftharpoons 6\text{H}_2\text{O} + 4\text{NO}$ реакциянинг ΔS_{298}^0 ҳисоблансан.

Реакция стандарт шароитда борадими?

Ечиш. 20- жадвалда ҳар бир модда учун энтропия қийматини ёзиб оламиз:

$$\begin{aligned} S_{298(\text{NH}_3)}^0 &= 192,5 \text{ Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1}, S_{298(\text{O}_2)}^0 = \\ &= 205,03 \text{ Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1}, \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} S_{298(\text{H}_2\text{O})}^0 &= 188,74 \text{ Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1}, S_{298(\text{NO})}^0 = \\ &= 210,62 \text{ Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1}. \end{aligned}$$

Энди реакция энтропияси ўзгаришини ҳисобласак:

$$\begin{aligned} \Delta S_{298(\text{k.p.})}^0 &= \sum \Delta S_{298(\text{маҳсулот})}^0 - \sum \Delta S_{298(\text{дасто модда})}^0 = \\ &= [6 \cdot S_{298(\text{H}_2\text{O})}^0 + 4 \cdot S_{298(\text{NO})}^0] - [4 \cdot S_{298(\text{NH}_3)}^0 + 5 \cdot S_{298(\text{O}_2)}^0] = \\ &= (6 \cdot 188,74 + 4 \cdot 210,6) - (4 \cdot 192,5 + 5 \cdot 205,03) = \\ &= 179,69 \text{ Ж}\cdot\text{моль}^{-1}\cdot\text{К}^{-1}. \end{aligned}$$

Реакциянинг изобар-изотермик потенциали ўзгаришини ҳисоблаймиз: 21- жадвалда берилган моддаларнинг стандарт изобар-изотермик потенциали қийматларидан фойдаланамиз:

$$\Delta G_{298(\text{NH}_3)}^0 = -16,64 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}, \Delta G_{298(\text{O}_2)}^0 = 0$$

$$\begin{aligned} \Delta G_{298(\text{H}_2\text{O})}^0 &= -228,0 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}, \Delta G_{298(\text{NO})}^0 = \\ &= +86,69 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1} \end{aligned}$$

Бу қийматларни қўйидаги формулага қўйсак:


$$\begin{aligned} \Delta G_{298(\text{k.p.})}^0 &= [6 \cdot \Delta G_{298(\text{H}_2\text{O})}^0 + 4 \cdot \Delta G_{298(\text{NO})}^0] - [4 \cdot \Delta G_{298(\text{NH}_3)}^0 + \\ &+ 5 \cdot \Delta G_{298(\text{O}_2)}^0] = [6 \cdot (-228,0) + 4 \cdot 86,64] - [4 \cdot (-16,64) + \\ &+ 5 \cdot 0] = +954,88 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}. \end{aligned}$$

Кўриниб турибдики, $\Delta G_{298(\text{k.p.})}^0 = +954,88 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$,

яъни $\Delta G_{298}^0 > 0$ экан. Шунинг учун бу реакция стандарт шароитда боради.

Энди бир неча мисолларнинг ечими билан танишиб чиқамиз;

1- мисол. Стандарт шароитда газ ҳолдаги SO_3 ва кристалл Al_{22}O_3 дан кристалл ҳолатидаги $\text{Al}_2(\text{SO}_3)_3$ ҳосил бўлишидаги Гиббс энергияси ΔG_{298}^0 қийматларини топамиз.




$$\Delta G_{298}^0 (\text{Al}_2\text{O}_3)_{(\text{k})} = -1582,26 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}, \Delta G_{298}^0 (\text{SO}_3)_{(\text{r})} = \\ = -371,16 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$$

$\Delta G_{298}^0 [\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3]_{(\text{k})} = -3100,88 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$; Тенгламага қийматларни қўйиб чиқамиз:

$$\Delta G_{298}^0 = -3100,88 - (-1582,26) - 3,371,26 = \\ = -405,14 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1};$$

Шундай қилиб, $\Delta G_{298}^0 < 0$, манфий қийматга эга. Демак, бу реакция стандарт ҳолатда боради.

2- мисол. Стандарт шароитда углерод (II) оксид билан водород ўртасида реакция бориб метил спирт ҳосил бўладими?




21- жадвалдан $\text{CO}_{(\text{r})}$, $\text{H}_{2(\text{r})}$ ва CH_3OH лар учун ΔG_{298}^0 нинг қийматларини топамиз. Улар: -137 ; 0 ; ва $-163,34 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$ га тенгдир. Бу қийматларни тенгламага қўямиз;

$$\Delta G_{298}^0 = -163,34 - (-137,14) = -26,20 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$$

ΔG_{298}^0 қиймати манфий бўлганлиги учун реакция чапдан ўнгга томон боради.

3- мисол. Стандарт шароитда қўйидаги реакциянинг қайси томонга қараб йўналишини аниқланг.



Бу моддалар учун стандарт Гиббс энергияси: $-394,34$; $-237,2$; $-50,81 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$.

Реакцияни Гиббс энергиясининг ўзгаришини аниқлаймиз:


$$\Delta G_{298}^0 = \Delta G_{298}^0 (\text{CH}_4) = \Delta G_{298}^0 (\text{CO}_2)_{(\text{r})} - \Delta G_{298}^0 (\text{H}_2\text{O})_{(\text{c})}$$

Қийматларни формулаага қўйиб ҳисоблаймиз:

$$\Delta G_{298}^0 = G_2 - G_1 = -50,81 - (-394,3) - 2(-237,2) = \\ = 817,89 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}.$$

ΔG_{298}^0 қиймати мусбат. Шунинг учун реакция фақат ўнгдан чапга кетиши мумкин, яъни карбонат ангидрид ва сув ҳосил бўлиш томонига қараб боради.

4- мисол. Қўйидаги реакция учун стандарт шароитда Гиббс энергиясининг ўзгаришини аниқланг:



Гиббс энергияси ΔG_{298}^0 ни аниқлаш учун, аввало реакциянинг ΔH_{298}^0 ва ΔS_{298}^0 қийматларини ҳисоблаб чиқамиз:

Реакциянинг Гиббс энергияси ўзгаришини қўйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз.

$$\Delta G_{298}^0 = \Delta H_{298}^0 - T\Delta S_{298}^0$$

19 ва 20- жадваллардан энтропия ва энтальпия қийматларини топамиз:

$$\Delta H_{298(C_2H_2)}^0 = 226,80 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}, S_{(C_2H_2)}^0 = \\ = 200,8 \text{ Ж} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^{-1}$$

$$\Delta H_{298(O_2)}^0 = 0 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}, S_{(O_2)}^0 = 205,03 \text{ Ж} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^{-1}, \\ \Delta H_{298(CO_2)}^0 = -393,62 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1},$$

$$S_{(O_2)}^0 = 213,6 \text{ Ж} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^{-1}, \Delta H_{298(H_2O)}^0 = \\ = -285,91 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}, S_{(H_2O)}^0 = 69,96 \text{ Ж} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^{-1}$$


$$\Delta H_{298}^0 = 2\Delta H_{(CO_2)}^0 + \Delta H_{(H_2O)(s)}^0 - \Delta H_{(C_2H_2)(g)}^0 = \\ = -2(-393,62) - 285,91 - 226,80 = - \\ = -1299,95 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$$

$$\Delta S_{298}^0 = 2S_{(CO_2)}^0 + S_{(C_2H_2)}^0 - 2,5, S_{(O_2)}^0 = 2 \cdot 213,6 + 69,96 - \\ - 200,8 - 2,5 - 205,03 = -216,21 \text{ Ж} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^{-1} \text{ ёки } \Delta S^0 = \\ = -0,2162 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1} \cdot K^2. \text{ Энди энтальпия ва энтропия қийматларини формулага қўйиб, } \Delta G_{298}^0 \text{ ни ҳисоблаймиз:}$$

$$\Delta G_{298}^0 = -1299,95 - (-0,2162)298 = -1235 \text{ кЖ} \cdot \text{моль}^{-1}$$


ΔG_{298}^0 манфий қийматга эга бўлиши реакциянинг ўнг томонга боришидан далолат беради.

5- мисол. Суюлтирилган хлорид кислота қўрғошин сульфидни эритадими?




Юқорида келтирилган схема бүйича ҳисоблар натижаси $\Delta G_{298}^0 = +30,9 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$ эканлигини күрсатади.

Гиббс энергияси қийматининг мусбат бўлиши қўроғошин сульфидни хлорид кислотада эритиб бўлмаслигини кўрсатади, аммо қўроғошин сульфид суюлтирилган нитрат кислотада эриди, чунки: $\Delta G_{298}^0 = -1453,1 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$





6- мисол. Қўйидаги реакция тўғри йўналишда давом этадими?



Гиббс энергиясининг қийматини ҳисоблаганда, у $\Delta G_{298}^0 = -57,6 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$ эканлиги маълум бўлди. Демак, Гиббс энергиясининг қиймати манфий бўлганлиги учун реакция тўғри йўналишда давом этади.

7- мисол. PCl_3 ва AsCl_3 гидролизга учрайдими?



ΔG_{298}^0 — биринчи реакция учун $-278,23 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$ иккинчи реакция учун эса $-53,13 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$.


Демак, Гиббс энергиясининг қийматлари ҳар иккала реакция учун ҳам манфий қийматга эга бўлганлиги PCl_3 ва AsCl_3 ларнинг гидролизга учраши мумкин эканлигини исботлайди.

8- мисол. Стандарт шароитда реакция қайси томонга қараб боришини аниқланг.



Биринчи реакция доим чапдан ўнгга томон боради, чунки ΔG_{298}^0 нинг қиймати манфийдир. Аммо иккинчи реакция ўнгдан чапга томон боради, чунки ΔG_{298}^0 қиймати мусбатдир.

9- мисол. Тўғридан-тўғри ҳаводаги азотни сувда эритиб аммиак олиш мумкини?



Термодинамик анализ күрсатдикі, $\Delta G_{298}^0 = +358 \text{ кДж}\cdot\text{моль}^{-1}$.

Шунинг учун ҳам бу реакция бормайди. Ҳатто бу реакция катализатор иштирокида ҳам бормайди, чунки ΔG_{298}^0 нинг қиймати жуда катта.

5.15- машқлар

6- иловада берилган оксидланыш-қайтарилиш потенциаллари жадвали ва 19—21- жадвалларда берилган термодинамик катталиклардан фойдаланиб, кимёвий реакциялар тенгламаларини тузинг ва саволларга жавоб беринг: ΔG , ЭЮК, ΔH° , ΔS° қийматларини анықланг.

1. H_2SO_4 эритмасига кадмий туширилса, қандай ҳодиса юз беради?

2. Кальций метали $BaCl_2$ бирикмаси таркибидаги барий ионини қайтара оладими?

3. Агар $SnCl_2$ нинг сувли эритмасига хлор таъсир эттирилса, қандай ҳодиса рўй беради?

4*. $Zn(NO_3)_2$ ва $Pb(NO_3)_2$ бир нормалли эритмаларидан ташкил топган $Zn|Zn(NO_3)_2||Pb(NO_3)_2|Pb$ элементларининг ЭЮК ни ҳисобланг ва кимёвий реакциялар тенгламаларини тузинг.

5. Суюлтирилган хлорид кислота билан Sn актив реакцияга киришадими ёки Co ?

6. Хлор ёрдамида $FeCl_2$ ни $FeCl_3$ гача оксидлантириш мумкинми?

7. Мис металлини суюлтирилган сульфат кислота билан оксидлаб бўладими?

8. Кислотали мухитда $KMnO_4$ PbJ ни оксидлай оладими?

9. Кислотали мухитда Mn HBr ни оксидлайдими?

10. Кислотали мухитда газ ҳолдаги кислород $FeSO_3$ ни $Fe_2(SO_4)_3$ гача оксидлайдими?

11. Кислотали мухитда қўрошин диоксид билан $LiBr$ ни оксидлаш мумкинми?

12. $PbO_{2(k)}$, $MnO_{2(k)}$, $Cl_{2(r)}$, $O_{2(r)}$ ларнинг оксидловчилик хоссаларини солиштириб кўринг.

13. Хлор газига нисбатан, Mg , Al , Cu ларнинг қайтарувчилик хоссаларини солиштириб кўринг.

Бу масаланинг ечими 7.3- қисмда келтирилган

14. Водород пероксид билан $Mn(OH)_2$ ни оксидлаш мумкинми?

15.* Кислотали эритмада $FeBr_2$ калий перманганат билан оксидланадими?

16. Суюлтирилган HCl ва HNO_3 билан Pb реакцияга киришадими?

17. Кислотали муҳитда $Mn(NO_3)_2$ ни қўрғошин (IV) оксид билан оксидлаш мумкинми?

18. Йи тузлари эритмаларига туширилган Co ва Cu электродлари ёрдамида тузилган гальваник элементнинг ЭЮҚ ни ҳисобланг.

19. $NiSO_4$ эритмасининг электролиз схемасини тузинг, катод ва анодда борадиган кимёвий жараённи тушунтиринг.

20. $ZnCl_2$ эритмасига платина электродлари туширилган электролитдан ток ўтказилди. Катод ва анодда борадиган кимёвий жараённи тушунтиринг ва уларнинг тенгламаларини тузинг.

21. Б. С. Якоби томонидан кашф этилган гальванопластика ҳодисаси бўйича темир пластинкаси устини никель билан қоплашга имкон берадиган гальваник элементнинг чизмасини тузинг, катод ва анодда борадиган кимёвий реакцияларнинг тенгламаларини тузинг.

22. Темирдан ясалган идишга мис сульфат тузи эритмасини қўйганда қандай жараён рўй беради. Кимёвий реакция тенгламасини тузинг.

23. Алюминий фторидни магний билан қайтариш реакцияси тенгламасини охирига етказинг.



24. Алюминийдан ясалган идишда Na_2CO_3 билан кир кийимларни солиб қайнатса нима бўлади? Тегишли реакция тенгламаларини тузинг.

25. Темир (III) хлорид эритмаси нима учун руҳдан ясалган идишда эмас, балки мисдан ясалган идишда сақланиши мумкин?

26. $Ni|Ni^{2+}$ ва $Zn|Zn^{2+}$ жуфтлари асосида гальваник элементнинг ЭЮҚ ни ҳисобланг. Кимёвий реакция тенгламаларини тузинг.

27. ЭЮҚ максимум қийматга эга бўлган қандай металл жуфтларидан гальваник элемент тузиш мумкин?

28. Йи ли эритмаларга туширилган рух ва темир пластинка электродларидан иборат гальваник элемент

тузилган. Шу элементнинг ЭЮҚ ни аниқланг ва кимёвий реакция тенгламаларини тузинг.

29.* Мис бирималари таркибидан мис ионини симб билан қайтариш мумкинми?

30. Этилен (г), сув буғи (г) реакциялари натижасида этил спирти буғи ҳосил бўлиш жараёни учун ΔG_{298}^0 қийматини ҳисобланг. $\Delta G_{298}^0 [C_2H_5OH(g)] = -168,04 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$ га тенг.

31. Қуйидаги тенглама бўйича реакциянинг иссиқлик эффицитини ҳисобланг:



рух ва мис хлоридларнинг ҳосил бўлиш иссиқлиги: 478,2 ва $-262,3 \text{ кЖ}\cdot\text{моль}^{-1}$ га тенг.




32. Қуйидаги реакция тенгламаси бўйича стандарт шароитда ΔS_{298}^0 ўзгаришини аниқланг.



33. Қуйидаги кимёвий реакция бўйича ишлайдиган гальваник элемент


$Zn + Hg_2SO_4 = ZnSO_4 + 2Hg$ учун ЭЮҚ қиймати 1,4208В. Унинг ΔG_{298}^2 қийматини аниқланг.

34. Қуйидаги схемалар билан ифодаланган гальваник элементларда электронлар ўтказгич орқали қайси томонга ҳаракат қилишини кўрсатинг:



Электродлардан қайси бири анод ва қайси бири қатод бўлади? Электродларда борадиган жараёнларнинг электрон тенгламаларини тузинг.

35. Схемалари қўида келтирилган гальваник элементларнинг электродларида содир бўладиган жараёнларнинг электрон тенгламаларини ёзинг.



Бу гальваник элементларда қайси электродлар анод ва қайси электродлар катод бўлади?


36. Аноди рух бўлган гальваник элемент схемасини тузинг. Электродларда борадиган жараёнларнинг электрон тенгламаларини ёзинг.

37. Бирида катоди кадмий, иккинчисида эса аноди кадмий бўлган иккита гальваник элементнинг схемаларини тузинг. Электродларда содир бўладиган жараёнларнинг электрон тенгламаларини ёзинг.

38. Бирида мис катод, иккинчисида мис анод бўлган иккита гальваник элементнинг схемаларини тузинг. Электродларда содир бўладиган жараённинг электрон тенгламаларини ёзинг.

39. Гальваник элементларнинг бирида никель катод, иккинчисида эса анод вазифасини бажаради. Шу икки гальваник элементнинг схемаларини тузинг. Электродларда борадиган жараёнларнинг электрон тенгламаларини ёзинг.

40. Иш жараёнида қуйидаги реакциялар содир бўладиган гальваник элементларнинг схемаларини тузинг:



6. КИМЁВИЙ ТЕНГЛАМАЛАР ТУЗИШ БҮЙИЧА МАШҚЛАР

Кимёвий тенгламаларни тузишга киришиш учун моддаларнинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши ҳақидаги қонун ва қоидаларни, кимёвий реакцияларнинг бориш шарт-шароитларини билмоқ зарур.

Умумий ва анерганик кимёвий назарий асослари реакцияга киришувчи моддаларнинг қандай кимёвий хоссаларга эга эканлигини, реакцияларнинг бориш шароитларини, унинг йўналишини чуқур ва аниқ қилиб тушунириб беради. Шунингдек реакциянинг чап ва ўнг томонига қайси моддаларнинг формулалари ёзилиши ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш керак. Кимёвий реакцияларнинг техникада ва амалий машғулотлардаги аҳамиятини тушуниш, тенгламаларни тўғри ва аниқ тузабилиш, уни ўқийбилиш албатта зарурдир.


Шуни уқтириб айтамизки, талабаларнинг ўз устида мустақил ишлаши, машқларни тушунган ҳолда бажаришлари, уларнинг фикрлаш қобилиятларини оширади, натижада фанга илмий ёндошишга олиб келади. Моддаларнинг структура ва фазовий формулаларини ёзабилиш кимёвий саводнинг аломати ҳисобланади.

6.1. ВОДОРОД, КИСЛОРОД, ВОДОРОД ПЕРОҚСИД

1. Лабораторияда ўтказиладиган амалий машғулотларда водородни металларга суюлтирилган кислоталар, сув ва баъзан ишқорлар таъсир қилиб олинади. Оксидлари амфотер хоссага эга бўлган элементларнинг ишқорлар билан таъсирлашиш реакция тенгламаларини тузинг.

2. Оксидланиш қайтарилиш потенциаллари жадвалидан фойдаланиб, қайси металлар кислоталардан водородни сиқиб чиқарадио ва қайсилари водородни сиқиб чиқараолмаслигини аниқланг, бир неча тенгламалар тузинг.

3.* Қуйидаги водород олиш реакцияси тенгламаларини тугалланг:



Реакциянинг бориш шароитини кўрсатинг ва кимёвий мувозанат константаси тенгламасини тузинг.

4. Водороднинг қайтарувчилик ва оксидловчилик хоссасига таалуқли бўлган реакция тенгламаларини тузинг.

5. Лабораторияда кислородни кислород тутган биримларни парчалаб олиш усулларидан фойдаланилади. Бертоле тузи, калий перманганат, калий нитрат, калий бихроматни парчалаб кислород олиш реакцияси тенгламаларини тузинг.

6. Сульфат кислота иштироқида сувни электролиз қилиб кислород олиш реакцияси тенгламасини тузинг.

7. Металлмасларнинг кислород билан оксидланиш реакцияси тенгламаларини ёзинг.

8. Ҳаво кислороди ёрдамида литий, барий ва висмутларнинг оксидланиш реакциялар тенгламаларини ёзинг.



9. Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари жадвали асосида энг кучли оксидловчиларни аниқланг: кис-

лородми ёки озон? Кислород ва озоннинг оксидловчилигига доир реакция тенгламаларини тузинг.

10*. Калий йодиднинг сувли эритмасини озон билан оксидлаш реакцияси тенгламасини тузинг.


11. Бир ҳажм кислород ва икки ҳажм водород ара-лашмасининг ёниши натижасида нима ҳосил бўлади? Реакция тенгламасини тузинг.

12. Қуйидаги водород пероксидни олиш реакциялар тенгламаларини тугалланг:



Ҳар бир реакциянинг амалий аҳамиятини ва уларнинг бо-риш шароитларини кўрсатинг.

13*. H_2O_2 оксидловчи вазифасини ўтаган қуйидаги ким-ёвий реакцияларни тугалланг:



14*. H_2O_2 қайтарувчилик хоссасини намоён қилган қуйи-даги реакцияларни тугалланг:



15. Реактив ёқилғиси сифатида гидразин (N_2H_4) ва во-дород пероксид (H_2O_2) қўлланилади. Улар иштирокида ре-акция тенгламаларини тузинг.

16. 98% ти метан бўлган бир ҳажм табиий газни тўла ёндириш учун қанча кислород сарф бўлади?

17. 1 кг кислород кўп ҳажмни эгаллайдими ёки 1 кг озонми?

18. Озон нима учун дезинфекциялаш хоссасига эга? Асосланган жавоб беринг.

19. Водород пероксид ионларга қандай диссоцила-нади. Реакция тенгламасини ёзинг.

20. Барий пероксид билан сульфат кислота орасида борадиган реакция тенгламасини ёзинг.

21. Водород пероксид билан йодид кислота орасида бўладиган реакциянинг тенгламасини ёзинг. Эритма

нима учун сәриқ тусни олади, крахмал құшилғанда нима учун эритма құкаради?

22. Құроғашн сульфиддан иборат қора чүкмәгә водород пероксид құшилғанда құроғашн сульфат ҳосил бұлади ва чүкма оқаради. Реакция тенгламасини тузинг.

6.2. ИШҚОРИЙ МЕТАЛЛАР

1. Ишқорий металлар сув, кислород ва кислоталар: хлорид, сульфат, нитрат кислоталар билан қандай реакцияга киришади? Реакция тенгламаларини тузинг.

2. Литий, натрий, калий, рубидий ва цезийларни эркин ҳолда олиш реакция тенгламаларини тузинг. Реакцияларнинг бориши шароитларини күрсатинг.

5. Рубидий билан бром, цезий билан селен, франций билан олтингугурт, литий билан азот, калий билан водород ўртасидаги кимёвий реакция тенгламаларини тузинг.

4. Қуйидаги тузларнинг гидролиз реакция тенгламаларини ёзинг: Na_2Se , CH_2COOK , NaHCO_3 .

5. Суръма оксидлари Sb_2O_3 ва Sb_2O_5 ишқорларнинг эритмаларида эрийди. Реакция тенгламаларини тугалланг:



6. Натрий тузи эритмаси (CH_3COONa) устига мүл миқдорда иккиласынан уранилацетат ($\text{UO}_2)_3 \text{Zn}(\text{CH}_3\text{COO})_8$ құшилса, сәриқ кристалл чүкма ($\text{UO}_2)_3 \text{ZnNa}(\text{CH}_3\text{COO})_9 \times 6 \text{H}_2\text{O}$ ҳосил бўлади. Ҳосил бўлган модданинг номини айтинг ва реакция тенгламасини тузинг.

7. Калий хлорид билан вино кислотаси ўртасидаги реакция тенгламасини тузинг ($\text{KHC}_4\text{H}_4\text{O}_6$ таркиби оқ кристалл чүкма тушади),

8*. KNO_3 тузи эритмасини $\text{Na}_3[\text{Co}(\text{NO}_2)_5]$ эритмаси устига қуйилса, сәриқ кристалл чүкма $\text{K}_2\text{Na}[\text{Co}(\text{NO}_2)_6]$ тушади, агар шу чүкма устига мүл миқдорда KNO_3 эритмасидан құшилса, $\text{K}_3[\text{Co}(\text{NO}_2)_5]$ чўкади. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

9. Реакция тенгламаларини тугалланг:



10*. Na_2O_2 ва CO_2 ўртасида содир бўладиган реакция тенгламасини тузинг.

6.3. МИС, КУМУШ, ОЛТИН

1. Техникада мис қандай усуллар билан олинади? Реакция борадиган шароитни кўрсатинг ва реакция тенгламаларини тузинг.

2. Кумуш ва олтин олишда қўлланадиган қўйидаги цианид усули бўйича борадиган реакциялар тенгламаларини тугалланг:

- 1) $\text{Ag}_2\text{S} + \text{NaCN} \rightarrow \text{Na}[\text{Ag}(\text{CN})_2] + \text{Na}_2\text{S}$
- 2) $\text{Zn} + \text{Na}[\text{Ag}(\text{CN})_2] \rightarrow \text{Ag} + \text{Na}_2[\text{Zn}(\text{CN})_4]$
- 3) $\text{Au} + \text{O}_2 + \text{NaCN} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{Na}[\text{Au}(\text{CN})_2] + \text{NaOH}$
- 4) $\text{Zn} + \text{Na}[\text{Au}(\text{CN})_2] \rightarrow \text{Au} +$

3. Мис, кумуш ва олтиннинг сувга, кислородга, ҳавога, кислота ва ишқорларга муносабати қандай?

Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

4. Мис сульфатга натрий гидроксид таъсир этганда нима ҳосил бўлади?

Реакция тенгламасини ёзинг?

5. $\text{Cu}(\text{OH})_2$ ни кислота ва ишқорлар билан бўлган реакция тенгламаларини ёзинг.

6. Агар ҳаворанг ($\text{Cu}(\text{OH})_2$) чўкмаси қиздирилса нима ҳосил бўлади? Реакция тенгламасини ёзинг.


7. Cu_2O қандай йўл билан олинади? Реакция тенгламасини ёзинг.

8. CuCl_2 ва Cu металидан фойдаланиб, қандай қилиб CuCl ҳосил қилиш мумкин?

9.* Реакциялар тенгламаларини тугалланг:



10. Реакциялар тенгламаларини охиригача етказинг ва ҳосил бўлган модда номини айтинг:



11. Кумуш хлориднинг аммиакда эриш реакцияси тенгламасини ва нитрат кислота таъсир этганда, яна қайта кумуш хлорид ажралиб чиқиш реакциялари тенгламаларини ёзинг.


Реакцияларнинг бориши шароитини тушунтиринг.

12. AgCl , AgBr ва AgJ ларнинг ҳосил бўлиш реакция

тенгламаларини ёзинг. Улардан қайсилари натрий тиосульфатда эриди.

13. CuSeO_4 , CuCl_2 , $\text{Cu}(\text{NO}_3)_2$ тузлари эритмаларининг гидролиз реакциялари тенгламаларини ёзинг.

14.* CuSO_4 эритмаси устига Na_2CO_3 эритмасини қуйганда яшил рангдаги миснинг асосли тузи чўкмаси ҳосил бўлади. $[\text{CuOH}]_2\text{CO}_3$ нинг ҳосил бўлиш реакция тенгламасини ёзинг:





15. Мисдан ясалган қадимий буюмларда яшил рангли мис гидроксокарбонат ҳосил бўлишини кўриш мумкин. Унинг ҳосил бўлиш реакция тенгламасини ёзинг.

16. Cu_2S ва Ag_2S нинг ҳосил бўлиш реакциялари тенгламаларини ёзинг. Реакция борадиган шароитни кўрсатинг.

17. CuSO_4 нинг суюлтирилган эритмасига калий йод эритмасини қўйганда CuJ билан бирга эркин ҳолда йод ажралиб чиқади. Реакция тенгламасини ёзинг.


18. Қўйидаги реакция тенгламаларини охирига етказинг:



19. CuO нинг метил ва этил спиртлари билан қайта-рилиши реакцияси тенгламаларини ёзинг. Бунда метил спиртидан формальдегид ва этил спиртидан эса сирка альдегид ҳосил бўлади.

20.* Агар AgNO_3 эритмаси устига томчилаб суюлтирилган NH_4OH эритмаси қўйиб борилса, аввал чўкма ҳосил бўлиб, шу чўкма устига бир неча томчи 10% ли формалин эритмаси, 10% ли глюкоза эритмаси ($\text{C}_6\text{H}_{12}\text{O}_6$) ёки калий натрий тартрат тузи ($\text{KNaC}_4\text{H}_4\text{O}_6$) эритмаларидан қўйиб борилса ва аста-секин қиздирилса, пробирканинг ички девори металл ҳолидаги ялтироқ кумуш билан қопланади. Содир бўладиган реакциялар тенгламаларини ёзинг.

21. Қўйидаги реакцияларнинг бориш шароитини кўрсатинг, уларни тенгламаларини тугалланг:



22. Оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари жадзалига асосланиб Cu^+ , Cu^{2+} , Ag^+ , Au^{3+} каби ионлар орасидаги күчсиз ва кучли оксидловчи ионларни аниқланг ва уларни оксидловчилик хоссаларининг ортиб бориш тартиби бўйича жойлаштиринг.

23. Юқоридаги жадвал бўйича қайси кислоталар Cu , Ag , Au металларини оксидлай олишини айтинг.

24. Фотографияда қўлланиладиган суратларни кўринадиган ва турғун ҳолатга келтирадиган жараёнларнинг кимёвий реакция тенгламаларини ёзинг.

25.* Кумушдан ясалган буюмларнинг ҳавода қора-йишини қандай тушунасиз. Реакция тенгламасини ёзинг.

26. Кумуш нитрат тузига ишқор таъсир этиб нима учун кумуш гидроксидини ҳосил қилиб бўлмайди? Жавобингизни содир бўладиган реакцияларнинг тенгламаларини тузиш билан исбот қилинг.

27. Cu_2O ва CuO ни сувда эритиб мис гидроксидларни олиб бўладими? Мис гидроксида ишқор ва кислота эритмалари билан кимёвий реакцияга киришадими? Реакция тенгламасини ёзинг.

6.4. БЕКИЛЛИЙ, МАГНИЙ ВА ИШҚОРИЙ-ЕР МЕТАЛЛАР

1. Бериллий, магний ва ишқорий-ер металларнинг сувга, ҳаво кислородига, кислота ва ишқорларга муносабати қандай? Тегишли реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.

2. Са ва Mg га нисбатан Sr , Ba , Ra лар сув билан нима учун шиддатли реакцияга киришадилар. Реакция тенгламаларини ёзинг.

3. Техникада бериллий, магний ва ишқорий-ер металларнинг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг. Реакция борадиган шароитни кўрсатинг.

4. Магний гидроксидга NH_4Cl ва бериллий гидроксидига эса кислота ёки ишқор эритмаси таъсир этганда нима ҳосил бўлади? Тегишли реакция тенгламаларини тузиңг.

5*. $\text{Mg}(\text{NO}_3)_2$ эритмасига Na_2CO_3 эритмаси қўйилганда чўкма ҳосил бўлади. Агар шу чўкма устидан карбонат ангирид газини ўтказсак, нима ҳосил бўлади. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

6. MgNH_4PO_4 тузининг ҳосил бўлиш реакция тенгламасини ёзинг.


7. $\text{Ca}(\text{OH})_2$, $\text{Sr}(\text{OH})_2$, $\text{Ba}(\text{OH})_2$, $\text{Ra}(\text{OH})_2$ ларнинг ҳосил бўлиш реакция тенгламаларини ёзинг.

8. Агар оқакли сув эритмаси ёки барий гидроксид қўшилган сувга карбонат ангидрид юборилса, нима ҳосил бўлади? Реакция тенгламаларини ёзинг.

9. Магнийнинг бирор эрувчан тузи (масалан, MgCl_2) устига оз-оздан Na_2CO_3 эритмасидан қўшиб борсак, магнийнинг асосли карбонат тузи ҳосил бўлади. Тегишли реакция тенгламасини ёзинг ва уни тугалланг:




10. Реакция тенгламаларини тугалланг:



11. Кальций хлорид, барий нитрат ёки стронций хлоридларнинг тўйинган эритмалари устига CaSO_4 эритмаси қўйилса нима ҳосил бўлади?

Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

12. Қуйидаги реакция тенгламаларини охирига етказинг ва ҳосил бўлган маҳсулотларнинг номини айтиш:



13. Кальцийнинг суюлтирилган ва концентрланган HNO_3 ва H_2SO_4 кислоталари билан таъсирланиш реакция тенгламаларини ёзинг.

14. Қуйидаги реакция тенгламаларини охирига етказинг:



15. Нима учун магний сувнинг водород иони ёрдамида оксидланиши жараёнида NH_4Cl ёки CuCl_2 қатнашмаса охирига бормайди?

Реакция тенгламаларини ёзаб исботланг.

16.* Қальций гидрид ҳавода ёниши натижасида ёки сув билан кимёвий реакцияга киришганда қандай жараёнлар рўй бериши мумкин?

Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

6.5. РУХ, КАДМИЙ, СИМОБ

1. Д. И. Менделеев даврий системаси ва оксидланиш-қайтарилиш потенциаллари жадвалларидан фойдаланган ҳолда Zn , Cd ва Hg ларнинг хоссаларига қиска тавсиф беринг.

2.* Агар металл қолидаги симоб таркибіда эриган рух, қалай ва құрғошин бўлса, уларни симобдан ажратиш учун симоб сульфатининг тўйинган эритмасига солиб яхшилаб чайқатилади. Бунда қандай ҳодиса рўй беради?

Тегишли реакция тенгламалрини ёзинг.

3. Саноатда рух, кадмий ва симоб олиш реакция тенгламаларини ёзинг. Реакция борадиган шароитни кўрсатинг.

4. Қўйидаги реакция тенгламаларини тугалланг:



5. Рух гидроксиднинг кислота ва ишқор билан реакция тенгламасини ёзинг:

6. HgCl_2 (сулема), Hg_2Cl_2 (каломел) ларнинг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг.

7. ZnSO_4 , CdSO_4 , HgSO_4 , $\text{Zn}(\text{NO}_3)_2$, $\text{Hg}_2(\text{NO}_3)_2$ ларнинг гидролизланиш реакция тенгламаларини ёзинг.

8. $\text{Zn}(\text{NO}_3)_2$, $\text{Hg}(\text{NO}_3)_2$ ларнинг Na_2CO_3 ёки K_2CO_3 лар билан бўлган реакцияси натижасида гидроксокарбонатлар ҳосил бўлади. Қўйидаги реакция тенгламаларини тугалланг:





9. CdSO_4 ва K_2CO_3 ўртасидаги реакция тенгламасини ёзинг.

10. Рух ва симобнинг асосли тузлари билан HCl ва HNO_3 ўртасидаги реакция тенгламаларини ёзинг.

11. ZnS , CdS , HgS олиниш реакция тенгламаларини ёзинг.

12. Қўйидаги реакция тенгламаларини тугалланг:



Ҳар бир реакциянинг бориши шароитларини кўрсатиб, ҳосил бўлган моддаларнинг номларини айтинг.

13. Агар ZnSO_4 , CdSO_4 , ва $\text{Hg}(\text{NO}_3)_2$ тузларининг эрит-

маларига аввал томчилаб, сүнгра мүл ҳолда концентранган аммиак эритмаси қуийлса, комплекс бирикмалар ионлари: $[Zn(NH_3)_4]^{2+}$, $[Cd(NH_3)_4]^{2+}$ ва $[Hg(NH_3)_4]^{2+}$ ҳосил бўлади. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

14*. $K_2[HgJ_4]$ (Несслер реагенти) нинг ишқорли эритмаси аммоний ионини топиш учун асосий реактивдир. Қуидаги реакция тенгламасини тугалланг: $K_2[HgJ_4] + KOH + NH_3 \rightarrow$

6.6. БОР, АЛЮМИНИЙ ВА СКАНДИЙ ГРУППАСИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАР

1. Оксидланиш-қайтарилиш потенциали жадвали бўйича бор ва алюминийнинг сувга, кислородга, кислота ва ишқорларга бўлган муносабатини тушунтиришинг.

Тегишли реакцияларнинг тенгламаларини ёзинг.

2. Алюминийнинг қайси табиий бирикмасидан алюминий ажратиб олинади. Анод ва катодда бўладиган ўзгаришларининг кимёвий реакциялар тенгламаларини ёзинг.

3. Ортоборат кислотанинг олиниш реакция тенгламасини ёзинг.


4. Танакорнинг гидролизланиш реакцияси тенгламасини ёзинг:







5. Ортоборат кислотани аниқлаш реакция тенгламасини ёзинг.

6. Танакор билан Co^{2+} , Cr^{3+} , Mn^{2+} ионлари ўртасидағи реакция асосида мунчоқлар ҳосил бўлиш реакция тенгламаларини ёзинг.

7. Борат кислотани ўювчи натрий билан нейтралланиш реакция тенгламасини ёзинг:



8. Қуидаги реакциялар тенгламаларини охирига етказинг:



Реакциянинг бориш шароитини ва янги ҳосил бўлган моддаларнинг номини ёзинг.

9. Мета- ва тетраборат кислоталарининг структура формулаларини ёзинг.

Реакция тенгламаларини тузинг.

10. B_2H_6 ва B_4H_{10} ларнинг олиниш реакция тенгламаларини, шунингдек уларнинг структура формулаларини ёзинг.


11. Қуидаги реакция тенгламаларини тугалланг:



Реакциянинг бориш шароитларини ва ҳосил бўлган маҳсулотларининг номини айтинг.

12. HCl , H_2SO_4 , HNO_3 ларнинг суюлтирилган эритмалари билан алюминий ўртасидаги реакция тенгламаларини ёзинг.

13. Қуидаги реакцияларнинг тенгламаларини тугалланг:



14. Алюминий билан натрий ишқори эритмаси орасидаги реакция тенгламасини тугалланг:



15. $Al(OH)_3$ нинг олиниш реакциясини ва унинг KOH , H_2SO_4 билан реакция тенгламаларини ёзинг.



16. Нима учун $AlCl_3$ эритмасига кристалл ҳолидаги K_2CO_3 таъсир эттирилганда CO_2 ажралади? Реакция тенгламасини ёзинг.

17. Ўт ўчиришда ишлатиладиган $K_2SO_4 \cdot Al_2(SO_4)_3 \cdot 24 H_2O$ тузга сода қўшилади. Улар орасидаги реакция тенгламасини ёзинг.

18. $Al_2(SO_4)_3$ эритмасига мўл миқдорда NH_4OH ёки $NaOH$ эритмаси қўшилганда турли натижалар кузатилади. Буни қандай тушунтириш мумкин.

Реакция тенгламаларини ёзинг.

19. Қуидаги гидролиз реакциялари тенгламаларини ёзинг:



20*. KClO_3 , Na_2O_2 ва KMnO_4 билан алюминий қиздирилганда содир бўладиган реакция тенгламаларини ёзинг:

- 1) $\text{Al} + \text{KClO}_3 \rightarrow$
- 2) $\text{Al} + \text{Na}_2\text{O}_2 \rightarrow$
- 3) $\text{Al} + \text{KMnO}_4 \rightarrow$


21. Қўйида ҳосил бўладиган моддаларнинг номларини айтинг:

- | | |
|---|---|
| 1) $\text{Sc} + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow \text{H}_2 +$ | 4) $\text{La} + \text{N}_2 \rightarrow$ |
| 2) $\text{Y} + \text{HCl} \rightarrow$ | 5) $\text{La} + \text{H}_2 \rightarrow$ |
| 3) $\text{La} + \text{Cl}_2 \rightarrow$ | |

6.7. УГЛЕРОД, КРЕМНИЙ, ҚАЛАЙ, ҚУРҒОШИН ВА ТИТАН ГРУППАЧАСИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАР

1. Карбонат ангидридни олиш реакциялари тенгламаларини ёзинг.

2. Реакция тенгламаларини охирига етказинг ва ҳосил бўлган моддаларнинг номларини ёзинг:



3. Ўт ўчиригич ускуна концентрланган NaHCO_3 ва концентрланган H_2SO_4 эритмаси билан тўлдирилган. Уларнинг ўзаро бир-бири билан реакцияга киришиши натижасида қандай моддалар ҳосил бўлади. CO_2 гази қандай вазифани бажаради? Реакция тенгламаларини ёзинг.

4. Барий гидроксиди (барий суви) билан углерод (IV) оксид орасидаги реакция тенгламасини ёзинг.

5. Агар карбонат ангидридга ёниб турган магний лентаси киритилса нима ҳосил бўлади? Реакция тенгламасини ёзинг.

6. Никель ва кобальтнинг асосли тузларининг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг.

7. Ис газининг олиниш реакция тенгламасини ёзинг.

8. Углерод (II) оксид металларни уларнинг бирикмаларидан қайтариши мумкин. Қўйидаги реакция тенгламаларини тугалланг:

- 1) $\text{CO} + \text{PdCl}_2 + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{Pd} + \text{CO}_2 + \text{HCl}$
- 2) $\text{CO} + 2[\text{Ag}(\text{NH}_3)_2]\text{OH} \rightarrow \text{Ag} + \text{CO}_2 + \text{NH}_3$

Иккала реакцияда эркин ҳолдаги металларнинг қора рангли чўкмаси ҳосил бўлиши сабабли бу жараён сифат реакцияси ролини бажаради.

9. Лаборатория ва саноатда метан олиш реакция тенгламаларини тузинг.

10. Қуйидаги CCl_4 ҳосил қилиш жараёнинг реакция тенгламаларини ёзинг:




11. Бромли сув солинган идиш орқали CO_2 , N_2 , O_2 аралашмаси ўтказилди.

Эритмадан ютилмай чиққан газлар қайсилар? Реакция тенгламаларини ёзинг.

12. Реакциялар тенгламаларини охирига етказинг ва олинган маҳсулотларнинг номини айтинг:

- | | |
|---|--|
| 1) $\text{CO} + \text{Cl}_2 \rightarrow$ | 4) $\text{Fe} + \text{CO} \rightarrow$ |
| 2) $\text{CS}_2 + \text{K}_2\text{S} \rightarrow$ | 5) $\text{BaCS}_3 + \text{H}_2\text{SO}_4 \rightarrow$ |
| 3) $\text{CO} + \text{S} \rightarrow$ | |

13. Совун Na ёки K нинг стеарин ($\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{COOH}$) кислотаси билан ҳосил қилган тузидир. Реакция тенгламаларини тугалланг:



- 2) $\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{COONa} + \text{H}_2\text{O} \rightarrow \text{NaOH} +$
3) $\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{COOH} + \text{Ca}(\text{HCO}_3)_2 \rightarrow \text{Ca}(\text{C}_{17}\text{H}_{35}\text{COO})_2 \downarrow +$

Бу реакцияларнинг аҳамиятини тушунтириинг.

14. а) Кальций карбиднинг олиниш реакция тенгламасини, б) унинг сув билан таъсирилашиб реакция тенгламасини ёзинг.



15. Пробиркаларга NaOH , NaHCO_3 , Na_2CO_3 каби моддалар солинган. Қандай реакциялар ёрдамида уларни бир-биридан фарқлаш мумкин. Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

16. Реакция тенгламаларини охирига етказинг:



- 1) $\text{C} + \text{H}_2\text{SeO}_4 \rightarrow$ 2) $\text{C} + \text{HNO}_3 \rightarrow \text{NO}_2$ 3) $\text{Al} + \text{C} \rightarrow$

Бу реакцияларнинг аҳамиятини ва ҳосил бўлган моддаларнинг номларини ёзинг.

17. Күйидаги реакцияларнинг аҳамиятини ва янги ҳосил бўлган моддаларнинг номларини кўрсатиб, реакция тенгламаларини туғалланг;



18. Реакция тенгламаларини тугалланг:




19. Кремний олиш реакция тенгламаларини ёзинг. Реакциянинг бориш шароитини ва ҳар бир реакциянинг мөхиятини тушунтиринг.

20. SiO_2 үа NaOH дан фойдаланиб, натрий метасиликатни олиш реакция тенгламасини тузинг.

21. Метакремний кислотасини олиш реакция тенгламасини тугалланг:







22. Реакция тенгламаларини охирига етказинг:




23. FeSiO_3 ни ҳосил қилиш учун қандай кимёвий бирикмалардан фойдаланиш мумкин? Реакция тенгламасини тузинг.

24. Натрий метасиликат Na_2SiO_3 ва кальций ортосиликат (Ca_2SiO_4) гидролизга учрайдилар. Уларнинг биринчиси гидролизланганда натрийбисиликат ($\text{Na}_2\text{Si}_2\text{O}_5$) ҳосил бўлади. Иккинчиси гидролизланганда эса кальций метасиликат (CaSiO_3) ҳосил бўлади. Реакция тенгламаларини ёзинг; $\text{Na}_2\text{Si}_2\text{O}_5$ нинг структура формуласини ёзинг.

25. Күйидаги магний силицид Mg_2Si , силан (SiH_4), кремний (IV) оксид (SiO_2) ва гексафторсиликат кислотани олиш реакция тенгламаларини ёзинг.



26. Оддий шиша олиш реакция тенгламасини тугалланг:




Реакциянинг бориш шароитини ва ҳар бир реакциянинг моҳиятини ва аҳамиятини тушунтириинг.

27. Плавик кислотада шишани эриш реакция тенгламасини тугалланг:



28. Реакция тенгламаларини тугалланг:





Реакцияларнинг бориш шароитини ва уларнинг моҳиятини тушунтириинг.

29. Реакция тенгламасини тугалланг:





Реакциянинг бориши учун керакли ва кимёвий мувозанатни силжитувчи омилларни кўрсатинг.

30. Қўйидаги реакцияга киришувчи ва янги ҳосил бўлган моддаларнинг номларини айтиб, реакция тенгламаларини тугалланг:



31. Қўрошин ва қалайнинг кислоталар таъсирида оксидланиш реакция тенгламасини тугалланг:



32. Pb ва Sn ишқорларнинг сувли эритмаларида қиздирилганда содир бўладиган кимёвий реакция тенгламаларини тузинг.

33. Бир эритмада SnCl_2 ва FeCl_3 , FeCl_2 ва $\text{Co}(\text{NO}_3)_2$ биргаликда бўлиши мумкинми? Тегишли реакция тенгламаларини ёзинг:

34. $\text{Sn}(\text{OH})_2$ ва $\text{Pb}(\text{OH})_2$ ларнинг олиниши, уларнинг H_2SO_4 ва NaOH билан реакция тенгламаларинн ёзинг.

35*. Na_2SnO_2 билан $\text{Bi}(\text{OH})_3$ эритмада реакцияга кириш-ганды Sn^{2+} ва Bi^{3+} ионлари қандай хоссага эга бўлади. Реакция тенгламаларини ёзинг:

36. Лаборатория шароитида SnS , PbS , PbS_2 ларни қандай олиш мумкин?

Реакция тенгламаларини тузинг.

37. SnS билан $(\text{NH}_4)_2\text{S}_2$ ўргасидаги кимёвий реакция тенгламасини тузинг. Реакция натижасида $(\text{NH}_4)_2\text{SnS}_3$ ҳосил бўлишини ҳисобга олинг.

38. $(\text{NH}_4)_2\text{SnS}_3$ га хлорид кислота таъсир этганда ҳосил бўлувчи маҳсулотлардан бири SnS_2 дир. Реакция тенгламасини ёзинг.

39. Қўрғошин гидроксокарбонатни асосли тузи ($2 \text{PbCO}_3 \cdot \text{Pb}(\text{OH})_2$) ёки $\text{Pb}_3(\text{OH})_2(\text{CO}_3)_2$ нинг ҳосил бўлиш реакция тенгламасини тузинг.

40. SnS_2 нинг концентранган нитрат кислота эритмаси билан оксидланиш реакция тенгламасини тугалланг:



41. Реакция тенгламаларини тугалланг:





42. PbO_2 ни олиш реакция тенгламасини ёзинг.

43. Pb_3O_4 ҳосил қилиш роакция тенгламасини ва техникада олиш йўлини кўрсатинг.

44. Қандай усул билан PbO_2 дан Pb_3O_4 ни олиш мумкин ва шу жараёнга тескари бўлган тенгламани ёзинг.

45. Қўйидаги PbO_2 ва Pb_3O_4 оксидловчи хоссасини намоён қилувчи реакция тенгламаларини тугалланг:



46. Қўрғошинли аккумуляторнинг зарядланишида ва ишлаш вақтида қандай оксидланиш-қайтарилиш жараёни боради. Кимёвий реакция тенгламаларини тузинг.

47. Саноатда Pb ва Sn олиш реакция тенгламаларини ёзинг.

48*. $(\text{NH}_4)_2[\text{SnCl}_6]$ ни олиш реакция тенгламасини тузинг.

49. Титан ва цирконийни олиш реакция тенгламасини тузинг. Реакция бориши шароитини ва унинг моҳиятини тушунтириинг.


50. Ti, Zr ва Hf ларнинг сувга, кислород ва HCl, H₂SO₄, HNO₃ кислоталарга муносабатини акс эттирувчи реакция тенгламаларини ёзинг.

6.8. АЗОТ, ФОСФОР, МИШЬЯК, СУРЬМА, ВИСМУТ ВА ВАНАДИЙ ГРУППАСИДАГИ ЭЛЕМЕНТЛАР

1. Лаборатория азот олиш реакция тенгламаларини тузинг.

2. Саноатда, қишлоқ ҳужалигида ва табиатда азотнинг аҳамияти қандай?

3. Аммиак олиш реакция тенгламаларини ёзинг.



Реакцияларнинг бориш шароитини тушунтиринг. Келтирилган тенгламаларнинг қайси бири бўйича саноатда ва лабораторияда аммиак олинади.

4. Аммиакни қуритиш учун қандай модда қўлланилади? Нима учун бу мақсад учун CaCl₂ дан фойдаланиб бўлмайди? NH₃ билан CaCl₂ ўртасида борадиган реакция тенгламасини ёзинг.

5. Аммиакнинг сувли эритмасида қандай кимёвий мувозанат қарор топади? Унга ишқор (NaOH), кислота (HCl) қўшганда кимёвий мувозанат қайси томонга силжайди? Тегишли реакция тенгламаларини тузинг.


